

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Кўлёзма ҳуқуқида
УЎК: 37.091.33:82.0**

**ФОЗИЛОВА МОҲИГУЛ ФАРХОДОВНА
АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА АДАБИЙ-НУТҚИЙ
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ
(НАСРИЙ АСАРЛАР МИСОЛИДА)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек адабиёти)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий
даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Р.Х. Ниёзметова,
педагогика фанлари доктори, профессор**

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА АДАБИЙ-НУТҚИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	11
1.1-§. Адабий-нүтқий компетенцияларни фарқлаб шакллантириш методик муаммо сифатида	11
1.2-§. Ҳикоялар таҳлили ёрдамида ўқувчиларда адабий-нүтқиий компетенцияларни фарқлаб шакллантиришниң лингвометодик йўллари ...	50
Биринчи боб юзасидан хулосалар	64
II БОБ. АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА АДАБИЙ-НУТҚИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ	66
2.1-§. Адабиёт дарсларида адабий-нүтқиий компетенцияларни шакллантиришниң технологик воситалари	66
2.2-§. Сабоқларда адабий-нүтқиий компетенцияларни шакллантиришниң замонавий метод ва усуллари	92
Иккинчи боб юзасидан хулосалар	120
III БОБ. АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА АДАБИЙ-НУТҚИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ 123	
3.1-§. Тажриба-синов материаллари, уни ташкил этиш ва баҳолаш мезонлари	123
3.2-§. Тажриба-синов натижаларининг математик ва статистик таҳлили	129
Учинчи боб юзасидан хулосалар	139
УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР.....	140
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	144
ИЛОВАЛАР	156

К И Р И Ш

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсидаги ахборотлашув жараёни таълим-тарбия самарадорлигини ошириш ва ўқитиш мазмунини модернизациялашга доир комплекс ёндашувларни тақозо этмоқда. АҚШ, Буюк Британия, Финландия, Япония, Россия каби ривожланган давлатлар етакчи олий таълим муассасалари томонидан таянч ва фанга оид хусусий компетенцияларни нутқий фаолият турлари (tinglab тушуниш, ўқиши, сўзлаш, ёзиш) билан ўзаро фарқлаб шакллантириш, ўқувчи шахсининг умумий ривожида ҳамкорликда ўқитиш, модулли таълим, кластер технологиялардан фойдаланиш методикасини такомиллаштиришга аҳамият қаратилмоқда.

Жаҳонда бадиий адабиёт намуналарини нутқ услубларига кўра илмий ва дидактик таҳдил қилиш, уларнинг орфоэпия ва орфография меъёрлари билан тавсифланувчи тил хусусиятларини онгли ҳолда идрок этилишини таъминлашга оид изланишлар олиб борилмоқда, нутқий компетенцияларни ривожлантириш йўл-йўриқлари ишлаб чиқилмоқда. Юксак савияли кўркам асарлар воситасида ёшларнинг нутқий ва таҳлилий компетенцияларини шакллантириш, шу жараёнда уларни аналитик фикрлашга, айрим тил ҳодисаларининг қўлланиши юзасидан эркин фикрлашга ўргатиш, ўз имкониятларини муносиб баҳолашга қаратилган устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда таълим олувчиларнинг маънавияти, ирода сифатлари ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, умумтаълим фанларини ўқитишнинг замонавий методологиясини яратиш, соҳага оид меъёрий-хуқуқий хужжатлар мазмунини халқаро стандартлар даражасида ислоҳ қилиш масаласига эътибор кучайди. Таълим босқичларида устувор йўналиш сифатида белгиланган “ўқитиш усусларини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич

татбиқ этиш, кичик ёшдан ўқувчиларда ўқишига соғлом, кучли ва таъсирчан мотивацияни шакллантириш”¹ вазифалари ўқувчи-ёшларнинг келгусида ижтимоий, маданий ва шахсий ҳаётидаги иштирокини муваффақиятли таъминлашга зарур шарт-шароитлар яратади. Бу борада компетенцияларни фаолият мотивлари асосида шакллантиришнинг ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиши, она тили ва адабиёт ўқув фанлари ўртасидаги муштарақ жиҳатларни аниқлаш ва интеграциялаш, ўқувчиларнинг коммуникатив ва ижодий ташаббускорлик қобилияtlарини ривожлантиришга доир таълим технологияларини такомиллаштириш мухим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласи.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий-иқтисодий маданий, хуқуқий, маънавий-маърифий ривожлантириш инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони. – Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси. 06/19/5712/3034-сон. 20.04.2019 й.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабий таълим тизимида нутқ ва мустақил тафаккурни ўстириш, ўқувчиларнинг таҳлил кўнималарини шакллантириш, ижодий ишларни ташкил этиш масалалари А.Зуннунов, С.Матчонов, Қ.Йўлдошев, Б.Тўхлиев, М.Мирқосимова, Қ.Хусанбоева, Р.Ниёзметова, В.Қодиров, Ф.Эгамбердиева; таълим босқичларида бадиий асарларнинг тил хусусиятлари, она тилини адабиёт ўқув фани билан алоқадорликда ўрганиш Қ.Ядгаров, А.Алиев, К.Абдуллаев, Б.Фозилова, К.Мавлонова; тил таълимида нутқий компетенцияларни ривожлантириш методикаси О.Курбонова томонидан тадқиқ этилган.

МДҲ давлатлари олимларидан: Е.Минкина, Р.Дошинский, А.Пронина, Ю.Ганьшина, Е.Маркина, Г.Мамона, А.Лойченко, А.Алферова, И.Апалькова, Н.Семенова, Н.Никитина, Р.Рамазановаларнинг илмий изланишларида бадиий матн услуби ва тил хусусиятлари устида ишлаш, ўқувчилар нутқини ўстириш, она тили ва адабиёт ўқув фанларини интеграциялаган ҳолда ўқитиш йўллари ёритилган.

Хориж таълимида тил ва адабиёт фанлари алоқадорлиги, ўрта таълимда тилни бадиий асарлар орқали ўргатиш бўйича А.Андерсон, Л.Кракаур, Г.Лазар, И. Батлер каби олимлар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси кафедрасининг “Ўзбек адабиётини ўқитишнинг замонавий методикаси” мавзусидаги илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади адабиёт дарсларида адабий-нутқий компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

адабиёт дарсларида ўрганиладиган насрый асарлар мисолида ўқувчиларга нутқий фаолият турлари, нутқ услубларини фарқлаб

ўргатишининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;

адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг бадий асарни тинглаб тушуниш ва ўқиш жараёнида идрок этишларини тавсифловчи педагогик-психологик асосларни аниқлаш ҳамда шу жараёнда нутқ ўстиришга доир тавсиялар ишлаб чиқиши;

адабиёт дарсларида адабий-нутқий компетенцияларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаштириш, улар билан боғлиқ таълим мазмунини компонентларини белгилаш;

адабиёт дарсларида ўқувчиларни адабий-нутқий компетенцияларини фарқлаб шакллантириш методикасини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг адабий-нутқий компетенцияларини шакллантириш жараёни белгиланган бўлиб, тажриба-синов ишларига Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 202-, Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги 23-, Навоий вилояти Навоий шаҳридаги 8-, Тошкент вилояти Янгийўл шаҳридаги 1-мактабларнинг 200 нафар ўқувчилари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети адабиёт дарсларида адабий-нутқий компетенцияларни шакллантириш, адабиётни она тили фани билан интеграциялаб ўқитиши методикасини такомиллаштиришга доир таълим мазмунини, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуllари. Тадқиқот мавзусини ёритища қиёсий таҳлил, педагогик кузатув, илгор педагогик тажрибаларни ўрганиш, социологик методлар (сўровнома, сухбат), педагогик тажриба-синов, математик-статистик таҳлил каби усуllардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуидагилардан иборат:

нутқ ўстириш элементлари (шарҳлаш, қайта ҳикоялаш, фаолиятли-образли ифодалаш, бадий конструкциялаш)ни қўллашга доир интеграл ёндашув мазмуни адабиёт дарсларида бадий асарларни тинглаб тушуниш ва ўқиш фаолиятини тавсифловчи педагогик (прагматик, инверсион, эргономик) ва психологик (барқарор қизиқиши, рефлексия, чуқур диққат,

хиссий идрок) асосларни ўқувчиларнинг индивидуал таълим траекториясига эргономик талаблар асосида мослаштириш орқали такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг адабий-нутқий компетенцияларини шакллантириш методикаси (танлаш, таҳлил, талқин) бадиий матнни ўқишга доир лингводидактик асосларни (асар тили, услуги, сўз шакллари, грамматик воситалар, лингвопоэтика) адабиёт ўқитиш жараёнига муаммоли ўқитиш, синектика, кўргазмали, аудиовизуал, кинестик бирлашув орқали мақсадли киритиш асосида такомиллаштирилган;

она тили ва адабиёт фанларини ўқитиш компонентлари (ассоциативлик, ўзаро таъсир, танқидийлик) адабий-нутқий фаолият шакллари (моддий, ташқи нутқли, интеллектуал)га хос хусусиятларни аниқлик, мантиқийлик, эстетик таъсирчанлик каби мезонларни мослиқ, тенглик, ўхшашлик белгилари асосида адекват қўллаш орқали такомиллаштирилган;

адабий-нутқий компетенцияларни шакллантиришда нутқий ҳаракатлар ва эшитиб тушунишни тартибга соладиган лингвомаданий детерминантлар тил ва адабий таълимнинг синтагматик, когнитив, коммуникатив, културологик йўналишларига уларнинг мотивацион-диагностик, ахборотли-когнитив, операцион-фаолиятли компонентларини эмоционаллик ва ақлий ёндашувлар уйғунлигига кўра мослаштириш асосида аниқлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан ибрат:

адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг адабий-нутқий компетенцияларини фарқлаб шакллантиришга оид инновацион ёндашувлар (жамоавий ижодий фаолият, табақалаштирилган, индивидуал) мазмуни аниқлаштирилган;

адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг адабий-нутқий компетенцияларини фарқлаб шакллантиришга доир интерактив дарс ишланмалари яратилган;

адабиёт дарсларида адабий-нутқий компетенцияларни фарқлаб шакллантиришга доир методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

адабиёт дарсларида адабий-нутқий компетенцияларни ўзаро фарқлаб

шакллантиришга доир интегратив дастур яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амал қилинган ёндашув ва тамойиллар, қўлланилган усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, муаммо юзасидан республикамиз ва хорижий олимлар ғояларига, амалиётчи ўқитувчиларнинг тажрибаларига таянилганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, хуроса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўқувчиларнинг адабий-нутқий компетенцияларини фарқлаб шакллантиришга доир назарий ва лингводидактик асослар аниqlангани, нутқий фаолият турлари ўзига хос лексик ва грамматик материалларни тақозо этиши, бадиий матннинг ҳиссий-эстетик идрок этилиши ва тушунилиши асослангани, она тили ва адабиёт ўқув фанларини ўзаро интеграциялаш мазмуни ёритилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқотда илгари сурилган ғоялар, ишлаб чиқилган методик тавсиялардан “Адабиёт” ўқув дастурлари ва дарслекларини яратиш, узлуксиз адабий таълим мазмунини такомиллаштириш, олий таълим тизимида мутахассислик фанларидан ўқув адабиётлари ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари тингловчилари учун маъруза матнлари тайёрлашда фойдаланишлари билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг адабий-нутқий компетенцияларни насрый асарларни ўқитиши мисолида шакллантириш методикаси бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг бадий асарларни тинглаб тушуниш ва ўқиш фаолиятини тавсифловчи педагогик (прагматик, инверцион, эргономик) ва психологик асослар (барқарор қизиқиши, рефлексия, чукур дикқат, ҳиссий идрок)ни аниқлаштириш орқали нутқ ўстириш элементлари (шарҳлаш, қайта ҳикоялаш, фаолиятли-образли ифодалаш, бадий конструкциялаш)ни қўллашга доир интеграл ёндашув ёшларни оиласвий қадриятлар асосида тарбиялашга доир таклиф ва тавсиялардан Бухоро давлат университетининг 2020-2021 йилларда бажарилган ПЗ-202005236 - “Оила психологияси фанидан мультимедиа маҳсулотини яратиш” номли инновацион лойиха доирасида белгиланган асосий вазифаларни бажаришда амалда фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2022 йил 19 июлдаги 01-04701-1337-сон маълумотномаси). Натижада, гранд лойиҳасини янада такомиллаштиришга ва фанлараро ёндашувнинг мураккаб тизимларини тадқик этиш самарадорлиги ортган.

Ўқувчиларнинг адабий-нутқий компетенцияларини шакллантириш методикаси, бадий матнни ўқишига доир лингводидактик асосларни (асар тили, услуби, сўз шакллари, грамматик воситалар, лингвопоэтика) адабиёт ўқитиши жараёнига муаммоли ўқитиши, синектика, кўргазмали, аудиовизуал, кинестик бирлашув орқали мақсадли киритиши, адабиёт фанини ўқитищдаги муаммолар ечимларини илмий асослаш ва ўқув жараёнига татбиқ (жорий) этишдаги самарадорлигини таъминлашда ноанъанавий, қолиплашмаган метод ва усувлардан фойдаланиш зарурияти, ўз навбатида, ўқувчиларнинг ўз адабий-нутқий компетенцияларини шакллантиришга бўлган қизиқишлирини ошириш, уларни янги марраларни эгаллаш сари рағбатлантириш борасидаги тадқиқот таҳлилларидан ERASMUS+ дастурининг ICM, KA-107-International Credit Mobility between European Union and Uzbekistan HEIs, through staff and student mobility exchange projects between Uzbekistan Statae Ubiversity of World Languages and Riojo University (Spain)- “2020-1-ES01-KA107-080851”- (Европа Иттифоқи ҳамда Ўзбекистон Олий Таълим муассасалари ўртасида халқаро тажриба алмашинуви доирасида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари

университети ҳамда Риоха университети (Испания) ўртасидаги кредит сафарбарлиги) халқаро лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2022 йил 25 июлдаги 03/1468-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларнинг адабий-нутқий компетенцияларни шакллантириш методикаси ва унинг дастурий таъминоти такомиллаштирилган;

адабий-нутқий фаолият шакллари (моддий, ташқи нутқли, интеллектуал)га хос хусусиятларни аниқлик, мантиқийлик, эстетик таъсирчанлик каби мезонларни мослик, тенглик, ўхшашик белгилари асосида адекват қўллаш орқали такомиллаштирилган она тили ва адабиёт фанларини ўқитиш компонентлари, ўқувчиларда адабий-нутқий компетенцияларни фарқлаб шакллантириш методикасини такомиллаштиришга доир тавсиялардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали ДМ “Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар” муҳарририяти томонидан тайёрланган “Болалар ва биз”, “Таълим ва тараққиёт” ва “Болалар учун” радиоэшиттиришлар тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали ДМнинг 2022 йил 18 июлдаги 04-36-115-сон маълумотномаси). Натижада, адабий-нутқий компетенцияларни шакллантиришга доир илғор ёндашувлар, таълим тамоиллари ва механизмлар мазмунини оммалаштиришга эришилган;

адабий-нутқий компетенцияларни шакллантиришда нутқий ҳаракатлар ва эшитиб тушунишни тартибга соладиган лингвомаданий детерминантлар, ўқувчиларнинг адабий-нутқий компетенцияларни фарқлаб шакллантиришга доир назарий ва лингводидактик асослар, нутқий фаолият турларининг ўзига хос лексик ва грамматик материалларни тақозо этиши, бадиий матннинг ҳиссий-эстетик идрок этилиши ва тушунилиши, она тили ва адабиёт ўқув фанларини ўзаро интеграциялаш мазмунлари борасидаги таклиф ва тавсиялардан умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар

таълимининг давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими Вазирлиги хузуридаги Республика Таълим Марказининг 2022 йил 17 октябрдаги 01/11-01/6-1644-сон маълумотномаси). Натижада, адабий таълимни ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-хуқуқий асослари ва методик таъминоти такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганини. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп эттирилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 155 саҳифани ташкил этади.

I БОБ. АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА АДАБИЙ-НУТҚИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ- НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1-§. Адабий-нутқий компетенцияларни фарқлаб шакллантириш методик муаммо сифатида

Адабиёт дарсларида ўқувчиларни миллий адабий мерос – юксак бадиий намуналар, халқ ардоғидаги шоир-ёзувчилар ва уларнинг ижоди билан таништириш асосида адабий таълим мазмунини ўргатиш содир бўлади. Ушбу масалалар адабий таълим методикаси илмида кенг ҳажмда

ўрганилган, тадқиқ этилган, талай монографиялар, диссертацион ишлар, методик қўлланмалар, илмий мақолалар яратилган. Адабиёт дарсларида бадиий асарларни ўқиши ва бадиий таҳлил қилиш қатори ўқувчиларнинг нутқини ўстириш методикасини такомиллаштириб бориш ҳар бир тарихий, ижтимоий-сиёсий давр талаби ҳисобланган.

Асарни ўқиши, уни таҳлил қилиши, нутқ ўстириш масалалари Т.Бобоев, Қ.Йўлдошев, М.Мирқосимова, С.Матчонов, Қ.Хусанбоева, Р.Ниёзметова, В.Қодиров ва бошқа кўплаб методист олимлар томонидан тадқиқ этилган. Бугунги кунда нутқ ўстириш йўналишларига аниқлик киритилган: асарни тинглаб тушуниш, ўқиши, ўз фикрларини оғзаки баён қилиши, ўз фикрларини ёзма баён қилиш бир-биридан фарқланган. Бу йўналишлар компетенциялар тарзида ифодаланган. Шунга кўра ҳам улар ўзига хос тадқиқотлар олиб борилишига йўл очган. Бадиий асарларнинг тур ва жанрлари кўп. Биз факат насрый асарлар сирасига кирувчи ҳикоялар асосида нутқий компетенцияларни шакллантириш методикасини ишлаб чиқиши ўз олдимиизга мақсад қилиб қўйдик.

Насрий асарлар ҳаёт манзараларини акс эттириб, ривоялаш характерида бўладики, улар ўқувчилар нутқини ўстириш учун катта қулайликлар туғдиради. Бундай асарларда атроф-мухит кўриниши, одамлар ва воқеалар тасвири етакчи мавқеда бўлиб, нутқ ўстириш мақсад ва вазифаларига мос келади. Эпик асарлар образларнинг руҳий кечинмаларини акс эттирган вақтдагина баёнда бирмунча мураккабликни вужудга келтиради. Адабиётшунос Иззат Султон таъкидлаганидек: “...лирикага, шеърга ўхшаш таассурот қолдиради. Романда табиат тасвири лиризм билан сугорилган бўлади”².

“Эпик турга мансуб асарларнинг уч хусусиятини алохида қайд этиш мумкин. Булар: тасвирнинг объективлиги, воқеабандлиги ва кўламдорлигидадир”³. Эпос турларидан бири саналмиш ҳикоя, Иззат

² Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Университетлар ва педагогика институтларининг филология факультети студентлари учун дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 232.

³ Иззат Султон. Номи кўрсатилган дарслик, Б.238.

Султон кўрсатганидек, латифада тасвириланган воқеадан каттароқ, қиссадагидан кичикроқ ҳаёт лавҳасини акс эттиради. X.Умуронинг “Адабиётшунослик назарияси” дарслигида ҳам ҳикоя таърифида Иззат Султоннинг шу тушунтиришига ҳавола қилинган⁴. Дарсликда таърифланишича, ҳикоя “инсон ҳаётидаги унча катта бўлмаган бир воқеа тасвиридир”⁵.

“Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да ҳикояга шундай изоҳ берилган: “Эпик турга мансуб кичик ҳажмли жанр, шу жанрда ёзилган асар (сюжет ва композициянинг нисбатан соддалиги, баённинг бир шахс томонидан олиб борилиши билан роман ва повестдан фарқланади; асосан, насрой ифодага эга бўлади)”⁶.

Айни эпик асарларни (хусусан, ҳикояни) ўрганиш жараёнини нутқ ўстириш билан бирлаштириш орқали ҳам тил бойлигини ўзлаштириш, ҳам ўзбек адабиётининг шу материал асосида яратиладиган бадиий асарлар хазинаси билан танишиш имконияти юзага келтирилади. Шундай бўлгач, “Русская словесность” ўқув қўлланмасига асос қилиб олинган жараёнга, Р.И.Альбеткованинг таъбири билан айтганда, “...тилдан сўз санъати сифатида, тилни эгаллаш меъёри ва намунаси тарзида ижодий фойдаланиш натижаси деб қаралади”⁷.

Умумтаълим мактаблари “Адабиёт” дарсликларида берилган насрой асарлар сирасига кирувчи ҳикоялар икки хил хусусиятга эга: 1) асл ҳикоялар, 2) йирик насрой асардан олинган парчалар. Улар ўзаро фарқ қиласи: асл ҳикоялар жанр хусусиятларини ўзида тўлиқ намоён этади, қисса ёки романлардан олинган парчалар воқеалар ривожи ва ечимида эга бўлади, холос. Асл ҳикоялар экспозиция, тугун, воқеалар ривожи, кульминация, ечим (хулоса)лардан ташкил топади. Масалан:

⁴ Umurov H. Adabiyotshunoslik nazariyasi. Oliy o‘quv yurtlari uchun darslik / Mas’ul muharrir: B.Valixo’jayev. – Toshkent: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2004. – Б. 222.

⁵ Иззат Султон. Номи кўрсатилган дарслик, Б. 248.

⁶ Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. Ж. В. Шукрона – X / Масъул муҳаррир А.Мадвалиев. – Тошкент: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2020. – Б. 528.

⁷ Альбеткова Р. И. Методические рекомендации к учебнику «Русская словесность. От слова к словесности. 5 класс». – 2-е изд., стереотип. – М.: Дрофа, 2001. – С. 9-10.

5-синф “Адабиёт” дарслигида⁸ Ойбекнинг “Фанорчи ота” (99-101-б.) “Бола кўнгли пошишо” (104-107-б.) Ў.Хошимовнинг “Гилам пайпок” (59-61-б.), Н.Думбадзенинг “Hellados” (251-261-б.) ҳикоялари;

6-синф “Адабиёт” дарслигида⁹ Т.Тўланинг “Дўнан” (43–46-б.), Ў.Хошимовнинг “Урушнинг сўнгги қурбони” (148–157-б.), С.Аҳмаднинг “Қоплон” (4–7-б.) ҳикоялари;

Бу синфда Ф.Ғуломнинг “Шум бола” (15-35-б.), Х.Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб” (56-80-б.) , Т.Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади” қиссаларидан (123–144-б.) парча, Ж.Родарининг “Учтадан охири бор эртаклар” турқумидан (84-93-б.), П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар (Бобур)” романидан (96–122-б.) бир-икки бобни танлаш мумкин.

7-синф “Адабиёт” дарслигида¹⁰ А.Қаҳҳорнинг “Ўғри” (312–315-б.), “Даҳшат” (316–324-б.) ҳикоялари;

8-синф “Адабиёт” дарслигида¹¹ Ш.Холмирзаевнинг “От эгаси” (270–277-бетлар), “Омон овчининг ўлими” (278 – 289-б.) ҳикоялари;

9-синф “Адабиёт” дарслигида¹² Хожа ҳикоятлари (90–94-б.) ўрин олган.

Бугун адабий таълим жараёнида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари билан бир қаторда *адабий-нутқий компетенцияларини шакллантириши* вазифасини ҳам бажариш талаб қилинмоқда. Зоро, ўқувчиларнинг адабий-нутқий компетенцияларини шакллантириши “Адабиёт” ўқув фанидан давлат таълим стандарти талабларидан биридир. Адабий-нутқий компетенциялар деб кўплик шаклда аталиши бежиз эмас. Бир томондан, адабий компетенция назарда тутилса, иккинчи томондан,

⁸ Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. I qism / S.Ahmedov, B.Qosimov, R.Qo‘chqorov, Sh. Rizayev. – Toshkent: Sharq, 2020.

⁹ Ahmedov S., Qosimov B., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot. II qism. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 6-sinfi o‘qituvchilari uchun metodik qo‘llanma. – Toshkent: Sharq, 2007.

¹⁰ Yo‘ldoshev Q., Qosimov B., Qodirov V., Yo‘ldoshbekov J. Adabiyot. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik-majmua / Qayta ishlangan 4-nashri. – Toshkent: Sharq, 2017.

¹¹ Olimov S., Ahmedov S.,Qo‘chqorov R. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 8-sinfi uchun darslik-majmua / Qayta ishlangan 4-nashri. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2019.

¹² Yo‘ldoshev Q., Qodirov V.,Yo‘ldoshbekov J. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik-majmua / Qayta ishlangan 4-nashri. – Toshkent: O‘zbekiston, 2019.

нутқий фаолият турлари (tinglab тушуниш, ўқиши, гапириш, ёзиш) билан боғлиқ тўрт компетенция ҳақида сўз кетаётган бўлади. Адабий компетенция мактабда адабиёт ўқитишининг мақсад ва вазифалари билан чамбарчас боғлиқдир. Нутқий компетенциялар эса адабий таълимнинг ёндош йўналиши, унинг ўқувчилар нутқи билан боғлиқ эришиладиган маҳсулидир.

Миллий ўқув дастурининг “Til va adabiyot fanlari tavsifi va integratsiyasi” қисмида адабиётни ўқитишига қуидаги талаблар қўйилиб, шу асосда эришиладиган натижалар белгиланган: “Адабиёт фани миллий ҳамда жаҳон адабиётининг нодир намуналарини билиш асосида ўқувчининг маънавий-ахлоқий дунёси, адабий-эстетик дидини шакллантиради ҳамда уларда мустақил фикрлаш, образли тафаккурга оид билим, кўнирма, малакаларни ҳосил қилиш ва ривожлантириш, ўқувчини бадиий адабиётга қизиқтириш, асарларни ўргатиш жараёнида олам ва инсон табиати, миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар, шунингдек, китобхонлик маданиятини шакллантириш орқали ўқувчининг маънавиятини бойитиш, дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қиласи”¹³. Адабий таълимдан кўзланган ушбу натижалар ўқув фанини ўқитишининг аҳамияти, мақсад ва вазифаларини яна ҳам аниқроқ тушуниш имконини беради.

Нутқий компетенция бевосита адабий мавзудаги нутқ малакаларидан келиб чиқади. Машхур психолог С.Л.Рубинштейн нутқни шундай тушунтиради: “Нутқ – бу мулоқот фаолияти, – сўз воситасида фикр ифодалаш, таъсир кўрсатиш, хабар бериш, – бу ҳаракатдаги тил. Нутқ тил билан бир нарса ва ундан фарқли, муайян фаолият – мулоқот ва борлиқни ифодалайдиган ҳамда ифодалаган ҳолда акс эттирадиган маълум мазмун қуймаси. Аниқроғи, нутқ – бу бошқа одам учун, у билан мулоқот воситаси бўлиб хизмат қилувчи онгнинг (фикrlар, туйғулар, кечинмаларнинг) ва воқеликни умумлаштирган ҳолда акс эттиришнинг ёки тафаккурнинг яшаш шакли”¹⁴.

Л.С.Виготскийнинг “Психология искусства” китобига А.Н.Леонтьев

¹³ Umumiy o‘rta ta’limming milliy o‘quv dasturi / Ona tili (1–11-sinf). – Toshkent: RTM, 2020. –Б. 3-5.

¹⁴ Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии: В 2-х т. – Москва: Педагогика, 1989. Т. 2. – С.362.

томонидан ёзилган сўзбошида олимнинг санъат таъсирида туғиладиган туйғулар, ҳис-ҳаяжонлар, эҳтиросларга нисбатан билдирган қўйидаги фикрлари алоҳида таъкидланади: “...ушбу туйғулар метаморфозасининг маъноси шундан иборатки, улар индивидуал туйғулардан юқори туради, умумлаштирилади ва ижтимоийга айланади. Масалан, ғам-ғуссага ботиш ҳақидаги шеърнинг маъноси ва вазифаси муаллифнинг бизга ғам-ғуссани юқтириши эмас”¹⁵.

Юқоридаги фикрни 5-синфда ўрганиладиган “Фанорчи ота” хикоясидан мисол келтириш орқали асослаш мумкин. Хусусан, кексайиб қолган фанорчи отанинг ҳар куни ҳориб-чарчаб нарвон кўтариб келиши ва фанорнинг синган ойналарини алмаштириши унга нисбатан раҳм-шафқат уйғотиши учун тасвирланган деб ҳисоблаш мумкин. Лекин ёзувчининг мақсади яширин – фанорчи отанинг минг машаққатлар билан тунда йўлни ёритиши керак бўлган фанорга шўхлик қилиб ойналарини тош отиб синдираётган болалар муносабатини ўзгартириш бўлган. Бу ерда асосий масала – фанорчи отанинг чарчоғида эмас, балки болаларда фанорларни эҳтиёт қилиш, асраш керак деган фикрни уйғотишда.

Адабий таълим мазмунида ўзбек адабиётшунослигининг сўнгги ютуқлари, ахлоқий-маънавий тарбия вазифаларидан келиб чиқиб, ўқувчилар ёши, билим савияси ва ҳаёт тажрибасига мос, янгича фикрлаш, маънавий-интеллектуал савиясини юксалтиришга каратилган сара асарлар танланган экан, улар асосида адабий-нутқий компетенцияларни ривожлантириш иши кутилганидек амалга оширилиши учун мустаҳкам пойdevor, концептни вужудга келтиради.

Бу борада Д.С.Худайберганова томонидан Ю.Н.Шведованинг концептга берилган таърифи асос сифатида қабул қилиниб, мазкур тушунча ортида “ижтимоий ёки субъектив тарзда англанувчи, инсон ҳаётининг муҳим моддий, ақлий, руҳий томонини акс эттирувчи, ўз тарихий

¹⁵ Выготский Л.С. Психология искусства / Предисл. А.Н.Леонтьева; Коммент. Л.С.Выготского, В.В.Иванова; Общ. ред. В.В.Иванова. – 3-е изд. – Москва.: Искусство, 1986. – С. 8.

илдизларига эга бўлган, халқнинг умумий тажрибасини акс эттирадиган мазмун туриши”,¹⁶ қайд этилади.

Бадиий асар мустақил фикрлаш, образли тафаккурга оид билим, кўникумса, малакаларни ҳосил қилиш ва ривожлантиришнинг қудратли омили ҳисобланиб, нутқ билан чамбарчас боғлиқ жараёнлар орқали намоён бўлади. Инсон сўз ёрдамида, образларни кўз олдига келтирган ҳолда фикрлайди.

А.Л.Филимонова образ тушунчасини шундай изохлайди: “Образ – айрим олинган тушунча ёки гапда эмас, балки сўз билан чизилган “манзара”да ифодаланган ғоя (фикр)”. “Образ (фикр) китобхоннинг руҳиятига таъсир қилиб, муҳим тарбиявий вазифаларни ҳал этади. Тасаввур бизни ёзувчи томонидан яратилган оламга олиб кириб, асар қаҳрамонлари нимадан ғам чексалар, шуларга ҳамдард, дардкаш бўлиш, бинобарин, “бошдан кечирилган”лардан муайян ҳаётий тажриба орттириш ва сабоқ чиқариш имконини беради”¹⁷.

Табиийки, китобхоннинг сўз бойлиги қанчалик кўп бўлса, нутқи ҳам шунчалик бой, асарни идрок этиши ҳам шунчалик теран ва кенг бўлади. Зеро, адабиёт одамнинг тасаввурини образлар орқали таъсирчан қилиб, иқтидорли китобхонни тарбиялайди, унга олам-олам завқ улашади, комил инсон бўлишга ёрдам беради. Воқеликни реал, баъзан образлар орқали идрок этиш ва англаш, сўзлар воситасида оғзаки ва ёзма ифодалашга хизмат қиласди.

Г.Н.Беленкий айтганидек, “Китобхон ёзувчи билан мулоқотга киришар экан, уни маъқуллайди ёки у билан баҳслашади, ўзини руҳан ва маънан бойитади, ўзи сезмаган ҳолда, эҳтимол ўз ихтиёридан ташқари, оламга, воқеликка, одамга, ўз ҳаётий позициясига бўлган ўз қарашларини шакллантиради”¹⁸.

Адабиёт дарсларида бадиий асарни ўқиб ўрганиш жараёнида адабий-нутқий компетенциялар, бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциялари ва

¹⁶ Худайберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқин: Фил. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2015. – Б. 12.

¹⁷ Филимонова А.Л. Трудности в организации и проведении уроков литературного чтения // Начальная школа, 2009. – № 6. – С. 60.

¹⁸ Беленкий Г.И. Приобщение к искусству слова. – М.: Просвещение, 1990. – С. 7.

таянч компетенцияларни шакллантириш ишлари амалга оширилади. Нутқий компетенциялар бадиий асарни таҳлил қилиш, бунда адабий тушунчалардан, таҳлилий ифодалардан фойдаланиш кўзда тутилгани учун бўлса керак, улар 2017 йилги ўқув стандарти ва дастурида “адабий-нутқий компетенциялар” деб номланган. Шундай бўлгач, даставвал ушбу тушунча талқинига мурожаат этиш зарурияти туғилади.

2017 йили адабиёт фани бўйича тасдиқланган “Малака талаблари”га кўра мустақил фикрлаш, ижодий қобилиятларни ривожлантирувчи бугунги адабиёт ўқитиш жараёни ўқувчиларда икки хил компетенцияни шакллантиришга қаратилмоғи лозим: 1) *адабий-нутқий компетенциялар*; 2) *бадиий асарни таҳлил қилиши компетенцияси*¹⁹.

“Малака талаблари”да *адабий-нутқий компетенциялар* дейилганда қавс ичидаги нутқий фаолият турлари – *минглаб тушуниши, оғзаки фикр баён қилиши, ўқиши, ёзма фикр баён қилиши* кабилар саналган. Кўринадики, адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг нутқини ўстириш ҳам, асар таҳлили ҳам етакчи мавқеда туради. Илгариги ўқув дастурларида “нутқ ўстириш” талаби мавжуд эди, лекин нутқий фаолият турлари таъкидланмас, улар устида маҳсус иш олиб борилмас эди. Албатта, уларда ўқишига ўргатиш, оғзаки ва ёзма нутқ ўстириш талаблари бўлган, лекин нутқни тинглаб тушуниш алоҳида фаолият тури сифатида ўқитувчининг эътиборида бўлмаган.

2020 йилда лойиҳа сифатида эълон қилинган “Умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастури”да²⁰ адабиёт ўқув фанига доир компетенциялар “Мактаб битирувчиларида филология фанлари бўйича ривожлантириладиган умумий компетенциялар” (*umumiy o‘rta ta’lim bitiruvchilariga qo‘yiladigan talablar*) сифатида баён қилинган. Бу компетенциялар нутқий, лингвистик, таянч компетенциялар тарзида тушунтирилган. Лекин 2017 йилги “Малака талаблари”даги каби адабий-нутқий компетенциялар, бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияси

¹⁹ Umumiy o‘rta ta’limning davlat standarti va o‘quv dasturi: Ona tili. Adabiyot (5–9-sinf). O‘zbek tili. – Toshkent, 2017. – Б. 18-22.

²⁰ Umumiy o‘rta ta’limning milliy o‘quv dasturi / Adabiyot. Loyiha. – Toshkent: RTM, 2020. – B.57.

тарзида аниқ ифодаланмаган. Шунга қарамай, нутқий компетенцияларда нутқий фаолиятнинг тўрт тури акс этган:

- мақсад ва контекстдан келиб чиқсан ҳолда ўз фикрини етказиш учун оғзаки мулоқотга киришади;
- мақсад ва контекстдан келиб чиқсан ҳолда ўз фикрини етказиш учун ёзма матн яратади;
- турли услубдаги матнларни ифодали ўқийди; мазмунини англайди ва қайта тушунтириб беради;
- нотаниш матнни овоз чиқариб, белгиланган тезликда ўқийди;
- аудиоматнни тинглаб, видеотасвир ва расмларни кўриб тушунади, ўз муносабатини оғзаки ҳамда ёзма шаклларда ифодалаб беради²¹.

Бу ерда тўртала компетенцияга мансуб оғзаки, ёзма, тинглаш, кўриб тушуниш тушунчалари ўз аксини топган. Табиийки, адабиёт ўқитишининг замирида ўқиши асосий ўринда туради.

Адабиёт ўқитиши методикасида ҳам, она тили таълими методикасида ҳам нутқий фаолият турларини фарқлаб ўргатиш масаласи мутлақо янги масала ҳисобланади. Нутқий фаолият турлари устидаги ишлар илгари фақат иккинчи тилни ўқитиши методикасида ёритилар, ўзга тил (масалан, чет тиллар) дарсларида нутқий фаолият турларини ўргатиш алоҳида йўналишлар сифатида ташкил этилар эди. Бундан адабиёт дарсларида ўқитувчи олдига юқорида таъкидлангани каби вазифаларнинг ilk бор қўйилаётгани маълум бўлади.

Нутқий фаолият турлари, одатда, тўртга бўлинган: *тинглаб тушуниши, сўзлаш – гапириши, ўқиши, ёзма нутқ*. Адабиёт дарсларида уларни ўзаро фарқлаб ривожлантириш зарурияти пайдо бўлган экан, ушбу муаммони давр талаби, ижтимоий буюртма сифатида қабул қилиш шарт. Шундай бўлгач, дастлаб ушбу муаммонинг мазмун-моҳиятини англашга ҳаракат қиласиз.

Компетенция “адабий-нутқий компетенциялар” деб номланган. Ушбу номдаги нутқий компетенциялар нутқий фаолият турлари билан боғлиқ

²¹ Ushbu o‘quv dasturi. – B.7.

эканлиги маълум даражада ойдинлашди. Лекин “адабий-нутқий компетенциялар” ифодасида “адабий” сўзи ҳам бор. Адабиёт дарсларида нутқ ўстириш дейишнинг ўзи кифоя қилмаган. Назаримизда, “адабий-нутқий” тушунчасидаги *адабий* сўзидан бир неча хил маъно кўзда тутилган бўлиши мумкин: адабий асарлар асосидаги нутқ (адабий нутқ, бадиий нутқ), адабиёт ҳамда нутқ мутаносиблиги ва ҳ.к. Биз тушунчага шу маъноларнинг ҳаммасини сингдирсак, моҳиятни тўғри очиб берган бўламиз.

Методист олим Қозоқбой Йўлдош ва Муҳайё Йўлдошлар “Бадиий таҳлил асослари” китобида “бадиий нутқ” ифодасини ишлатадилар. Улар бу ҳақда шундай ёзадилар: “Бадиий нутқ. Адабий образ сўз қобигидан ташқарида мавжуд бўла олмайди. Тасвирангдан оламнинг барча тафсиллари фақат сўз шаклидагина бадиий борлиқка айланади. Сўз, тил бадиий адабиётни юзага келтирувчи асосий ғоя, ундаги образлиликнинг моддий ташувчисидир”²². Бу ўринда лексиканинг, умуман, тилнинг бадиий тасвиirlарни юзага келтиришдаги аҳамияти таъкидлангани аёнлашади.

Тилшунос олим Э.Бегматов бадиий нутқ ва бадиий услубни бирбиридан фарқлайди. Унинг фикрича, “Бадиий нутқ – бадиий услубни вужудга келтирувчи восита. Нутқнинг образли-ифодавийлиги бу услуб турининг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади”²³. У ўз талқинини давом эттириб, образли воситаларнинг услубий хослиги масаласига тўхталади: “Образли воситалар фақат бадиий услуб учун хос бўлмай, нутқнинг бошқа формаларида ҳам бу воситалардан фойдаланилади. Шунга кўра образли воситалар бадиий услубнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида эмас, балки бошқа услуб турларига нисбатан бадиий услубда кенг тарқалган стилистик воситалар сифатида талқин қилиниши лозим”²⁴. Демак, сўзларни ўз ўрнида қўллаш, фикрни образли тарзда ифодалаш ҳамда услубий воситалардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш бадиий нутқнинг эстетик таъсиранлигини таъминлашга хизмат қиласи.

²² Қозоқбой Йўлдош, Муҳайё Йўлдош. Бадиий таҳлил асослари. – Тошкент: Камалак, 2016. – Б.139.

²³ Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – Б.83.

²⁴ Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – Б.83.

Бадий услубнинг бошқа услугуб турлари билан боғланиши лексик қатlam орқали асарнинг барча услубларини қамраб олишида намоён бўлади. Бу хусусда Э.Бегматовнинг бадий услугуб адабий тилнинг асосини ташкил қилиши ҳақидаги сўзлари эътиборга лойик: “Бадий услугуб бошқа услугуб турларидан кенг камровлилиги, турли ифода воситаларига бойлиги билан ажралиб туради. Чунки, бадий нутқ, шу нутқ учун хос бўлган воситалардан ташқари, барча нутқ турлари учун хос бўлган воситаларни ҳам қамраб олади. Бу ҳолат бадий услубнинг нутқий имконияти кенглиги, серкирралиги, услубий бўёқларга бойлиги натижасидир.

Бадий нутқнинг коммуникатив ва эстетик функция бажариши, умумуслубийлиги, ифодавий воситаларнинг кўламдорлиги ва адабий тилга таъсирини унинг ўзига хос хусусиятлари сифатида баҳолаш мумкин.

Эслатиш жоизки, адабий асарлар, бадий нутқ, нутқ услублари тилшуносликни озиқлантириб турувчи асосий воситалардир. Тилшунослик ушбу воситаларни атайди, тушунтиради, қўлланиши ҳақида хulosалар чиқаради. Айниқса, бу борада услубларни кенг қамраб оладиган бадий асарлар муҳим ўрин тутади. Тилшуносликда тил ҳодисаларининг кўпроқ бадий асарлардан мисоллар келтириш йўли билан тушунтирилишини ана шу ҳолат билан изохлаш мумкин.

Адабий мушоҳадалар юритиш асносида адабий-назарий тушунчалар (асар жанри, тузилиш компонентлари ва б.) тилга олинади, асар қаҳрамонларига тавсиф берилади, яъни кези келганда тавсифий тушунчалар билан ҳам иш кўрилади ва ҳ.к. Бундай нутқни адабий нутқ (адабий мавзуларда сўзланадиган нутқ) деб аташ мумкин. Мавзу адабий-назарий тушунча билан боғланмаслиги, лекин таҳлил бадий асарда кўтарилиган ҳаётий мавзуларни англатиши ҳам мумкин. Асадаги ҳаётий тушунчаларни қамраб оловчи мавзулар, ҳаётий мазмун ўкувчиларнинг фикрлашлари ва нутқ орқали ифодалашлари учун битмас-туганмас озуқа беради.

Юқоридаги таҳлиллар “адабий-нутқий компетенциялар” ифодасининг адабий таълимдаги чегаралаб олинган кўламини англатади. Бунда нутқий

мавзулар ҳам, улар ҳақида билдириладиган фикрлар ҳам адабийга яқинлашган бўлади. Ушбу жараён адабиётни ўзлаштиришнинг умумий мақсадларини ифода этади. Адабиёт дарсларида адабий-нутқий компетенцияларни шакллантириш деганда, албатта, бадиий асар асосида иш олиб борилиши назарда тутилади. Бадиий асар эса бадиий услугуб билан боғланади. Агар чет тил дарсларида нутқий фаолият турлари ўқиб эшиттирилган матн ёки ўрганилаётган тилда сўзланган нутқ мазмунини тинглаб тушуниш, матнни ўқиб мазмунини тушуниш, ўрганилаётган тилда гапириш ва ёзишни ўргатиш вазифалари қўйилса, адабиёт дарсларида бадиий асар асосида нутқий фаолият турларини фарқлаб нутқ ўстириш вазифалари илгари сурилади. Бу ўринда бадиий нутқни тинглаб тушуниш, асарни ўқиш жараёнини бадиий нутққа яқинлаштириш орқали эстетик завқ олиш, оғзаки нутққа хос сўзлашув услуби, бирор ижодий иш ёзганда имло қоидаларига риоя қилинган ёзма нутқни эгаллаш англаради. Аён бўладики, адабиёт дарсларида ҳам тўрттала нутқий фаолият турининг ҳар бири ўзига яраша таълим мазмуни ва ўргатиш вазифаларини тақозо этиб, бадиий услугудан айри услугблар ҳақидаги тушунчаларни эгаллаш асносида фарқли таълим мазмуни ва усуулларига бориб тақалади.

Кўринадики, адабиёт дарсларида ўқувчиларга бадиий услубни ўргатиш билан чекланилмайди. Бинобарин, нутқ ўстиришда ҳам факат ушбу услубни эгаллаш билан кифояланиб бўлмайди. Бадиий асарда сўз ишлатишни бирор услугуб билан чегаралаш ҳолати назарда тутилмайди. Бадиий асарда ўрни билан барча услугуб (сўзлашув услуби, илмий услугуб, расмий-идоравий услугуб, бадиий услугуб) унсурларига мурожаат этилади. Айни пайтда адабий-нутқий компетенцияларни шакллантиришда адабий тил меъёрларигина назарда тутилмайди. Чунки бадиий асар жонли тил (сўзлашув нутқи) элементларини, диалектал, архаик, тарихий сўзларни, ибораларни, образли ифода воситаларини кенг қамраб олади. Натижада бадиий нутқ бевосита адабий тил доирасидан четга чиқади, яъни бадиий тил (нутқ) тушунчаси адабий тил тушунчасига нисбатан кенглик касб этади.

Шунга кўра бадиий услубни унга хос сўз бойлигини ошириш орқали оғзаки нутқни ўстириш (фикрни оғзаки баён қилиш) устидаги ишлар учун кенг маънода асос сифатида қабул қилиб бўлмайди. Бунга сабаб шуки, Э.Бегматовнинг таъкиди билан айтганда, “Бадиий услуб лексикаси функционал услубларнинг бошқа турларидан фарқли равишда қўпроқ китобийликка асосланади”²⁵. Албатта, китоб турли услубларда, лекин қатъий адабий тилда ёзилади. Китоб қандай услугуда ёзилмасин, унда сўзлашув нутқида қўлланмайдиган лексика ҳам мавжуд бўлади. Ўқувчилар бадиий асар асосида нутқ ўстириш жараёнида бундай “китобий” сўзларни ҳам оғзаки нутққа олиб киришга бехуда уринишлари жоиз эмаслиги табиийдир.

8-синф “Она тили” дарслигидаги 1-машқда адабий нутққа шундай изоҳ берилади: “Адабий нутқ сўз санъаткорлари – ёзувчилар, шоирлар, олимлар томонидан ишланган, қатъий меъёрларга эга бўлган нутқ кўринишидир. Адабий нутқда ҳар бир сўз ва қўшимчанинг талаффузи, имлоси, қўлланилиши, маънолари аниқ меъёрлар билан чегараланганд. Бу меъёрларни бузиш қўпол хато саналади. Одатда, барча расмий ёзишмалар, хужжатлар, ўқитиш ишлари, матбуот хабарлари адабий нутқда амалга оширилади. Адабий нутқ меъёрларини бузиш нафақат саводсизлик ва маданиятсизлик, балки она тилига нисбатан ҳурматсизлик белгисидир”²⁶.

Ўзбек адабий тили қонун-қоидаларига риоя қилиб сўзлаш ёки ўз фикрларини ёзма ифодалаш шарт бўлиб, бу ҳол адабиёт дарсларида ўқувчилар нутқини ўстиришнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Фақат бу ўринда адабий тилнинг қонун-қоидаларига икки хил нуқтаи назардан ёндашиш зарур: адабий тилнинг орфоэпик қоидалари (меъёрлари), адабий тилнинг имло (орфографик) қоидалари. “Малака талаблари”да кўрсатилган оғзаки фикр баён қилиш, ўқиши, ёзма фикр баён қилиши компетенциялари ана шу икки хил қоида (меъёр) туфайли бир-биридан фарқланади. Шубҳасиз, ўз фикрларини оғзаки ифодалашда ўзбек адабий тилининг орфоэпия

²⁵ Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – Б.83.

²⁶ Qodirov va boshq. Ona tili: o‘rta maktabning 8-sinfi uchun darslik. – Toshkent: Cho‘lpon nomidagi NMIU, 2014. – Б.5-6.

меъёрларига амал қилинади. Бунда нутқ сўзлашувга хос услубда бўлади. Орфоэпик норма адабий тилнинг имло қоидалари меъёрларидан фарқли хусусиятларга эга эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳолатдир. Афсуски, бугунги кунда орфоэпия меъёрларига (талаффуз қоидаларига) амал қилиш деярли талаб қилинмай қўйди, унинг ўрнини орфография меъёрлари (имло қоидалари) эгаллай бошлагандай бир вазият кузатилмоқда. Ушбу вазият таъсиридан бўлса керак, она тили дарсларида ўқитувчи, айниқса, диктант ўтказаётганда матнни, айтиш жоиз бўлса, “орфографик талаффуз” билан ўқийди. Адабиёт дарсларида ҳам бадиий асарлар шу тарзда ифодали ўқиласи, оғзаки нутқда ҳам орфографик меъёрлар устуворлиги сезилади. Ўқишида орфографик меъёрга амал қилиш зарурлиги ҳақида ўзбек тилшунослигига узил-кесил хулоса айтилаётгани йўқ.

Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг нутқий компетенцияларини шакллантириш деганда, биринчидан, нутқий фаолият турларининг ўзига хос жиҳатларини, иккинчидан, нутқ услубларини, айниқса, сўзлашув услубини билиш, бошқа услублардан фарқлаш, нутқий фаолият туридан келиб чиқсан ҳолда ўргатиш метод ва усувларни танлаш ва қўллаш тушунилади. Орфоэпия меъёрларига асосланадиган сўзлашув услуби адабиёт ўқитувчисининг дикқат марказида туриши лозим.

Ўзбек тилшунослигига оид бир қатор илмий ишларда, методик қўлланма ва рисолаларда сўзлашув услубининг хусусиятлари маълум даражада ёритилган. Бу борада тилшунос олимлар Э.Бегматов, Э.Қиличев, М.Миртоғиевларнинг ишлари алоҳида аҳамият касб этади. Лекин изланишларимиз давомида ўзбек тилининг орфоэпия меъёрлари мукаммал ёритилган қўлланмани учратмадик. Шу боис ўзбек тилининг орфоэпик меъёрларини мактаб она тили таълими даражасида ишлаб чиқишини ўз олдимизга мақсад қилиб қўймаган ҳолда, мавжуд вазиятда бадиий асарларда кўзга ташланиб турадиган айрим тил ҳодисалари мисолида адабиёт дарсларида ўрни билан оғзаки нутқка хос услубий талабларни эслатиб ўтамиз. Чунки, бизнингча, ўкув таҳлили муносабати билан адабий-назарий

тушунчалар доирасида асарда тасвирланган воқеа-ҳодисалар ва қаҳрамонлар ҳақида сўзлашув услубида сўз юритилмоғи лозим. Зеро, ҳар бир тилнинг барҳаётлиги сўзлашув услубининг мавжудлиги билан белгиланади. Бу услугуб орфоэпик меъёрларга асосланиши тақозо этади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, сўзлашув услуби билан чегараланадиган лексик ва грамматик материаллар тўлиқ қоидалаштирилган бўйлмаса-да, услугуб чегараси кўп ҳолларда сўзловчининг тил ҳисси орқали ҳам аниқланиб боради. Масалан, сўзлашув услубида асосан *керак* сўзи ишлатилса, бошқа услубларда бу сўзни *зарур*, *лозим*, *даркор* сўzlари билан синонимик алмашлаш орқали сўз такори бартараф этилади. *Керак* сўзи жонли сўзлашувда қўпинча *керей* тарзида айтилиши ҳам мумкин. *Зарур* сўзи *зарилми*, *зарил кептими* қаби қолип сўз-гапларда учрайди.

Кези келганда эслатиб ўтиш лозимки, нутқ услублари ифодасидаги услуг сўзи бугунги кунда икки хил маънода қўлланмоқда. М.Мукаррамов услуг сўзини тор маънода стиль, кенг маънода “услуб”, “усул”, “йўл” сўзларининг маъносида: *иши услуби*, *ўйин услуби*, *қадимги муҳташам бинолар услуби* қаби ишлатилаётганига эътиборини қаратади²⁷. Тилшуносликда *услуб*, *услубият* сўзи факат стиль, стилистикани англатади: сўзлашув услуби, бадий услуг, илмий услуг қаби.

Нутқий фаолият турларидан бири – ўз фикрларини оғзаки баён қилиш сўзлашув услубини ифода этиб, орфоэпия меъёрларига бўйсунади. Ўз фикрларини ёзма баён қилиш илмий, расмий-идоравий услубда амалга ошади. Кўринадики, ушбу икки компетенциянинг ўзида диаметрал фарқланиш мавжуд. Шунинг ўзидан билиш мумкинки, адабий-нутқий компетенцияларнинг ҳар бири маҳсус тадқиқотларни талаб этади. Бинобарин, уларни шакллантириш ниҳоятда кенг қамровли муаммо саналади.

²⁷ Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. – Тошкент: Фан, 1984. – Б.5.

Кузатишлардан маълумки, ўқувчилар бадий асар мазмунини қайта ҳикоя қилишда ҳам, уни таҳлил қилишда ҳам услугбий²⁸ хосланган тил ҳодисаларини қориширадилар. Сабаби, бадий асарда лингвистик жиҳатдан услугбий ранг-баранглик мавжуд. Бунда баъзи ўринларда (асар қаҳрамонлари тилида) сўзлашув услуги устуворлик қилса, айрим ҳолларда муаллиф сўзларида ҳам сўзлашувга хос шакллар учрайди. Аксарият ҳолатларда ўзбек адабий тили (орфография) меъёрларига, яъни китобий, соф илмий услугба яқин ифодаланади. Сўзлашув услуги ишлатиладиган тил ҳодисалари жиҳатидан бадий услугба яқин келади. Чунончи, “бадий услугба образлилик кенг қўлланса, сўзлашув услубида ҳам ундан фойдаланилади. Лекин бундаги “образлилик ўзига хос турғун, “шаблонлашган” ҳолатда қўлланади”,²⁹.

Фикримизча, ҳар бир услугнинг, жумладан, сўзлашув услуги билан бадий услугнинг ўзига хос жиҳатлари борки, асар асосида ўқувчилар нутқини ўстиришда услубларни фарқламаслик уларнинг қориширилишига асосий сабаб бўлиб қолади.

Китобий сўзларнинг сўзлашув нутқида ишлатилиши ҳам нутқий ҳатоларга сабаб бўлади. Масалан, “Hellados” ҳикоясида муаллиф асар қаҳрамони “маъруза ирод этди” деган ифодани қўллайди. *Irod* этмоқ сўзи ўсмир тилидан гапирилаётгани учун ғайриодатий туюлади, чунки у китобийдир. Албатта, бундай ҳолатлар таржимоннинг маънодош сўзларни қўллашга берилиб кетганидан юзага келган бўлиши мумкин.

Демак, нутқни тўғри шакллантириш учун ўқувчиларда услубларни қиёслаш, фарқлаш, бадий асар асосида нутққа олиб кирилаётган лексик ва грамматик материалларга қиёсий ёндашиш малакаси шакллантирилиши зарур бўлади.

“Ўзбек тили стилистикаси” қўлланмасида “Нутқ стиллари – ифода воситалари системасининг муайян алоқа доирасида мақсадга мувофиқ

²⁸ Биз сўз, сўз шакллари, гап қурилмаларига нисбатан услуг, услугбий ифодаларини ишлатганимизда тилшуносликка мансуб тушунчаларни назарда тутамиз.

²⁹ Шомақсұдов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. Университетлар ва педагогика институтларининг филология факультетлари учун кўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. –Б.31.

танлаш натижасида тарихан ташкил топган нутқ кўринишлари” эканлиги таъкидланиб, адабий тилнинг қўйидаги функционал стиллари (услублари) ажратилади: 1) *сўзлашув услуги*³⁰; 2) *расмий услуг*; 3) *илемий услуг*; 4) *публицистик услуг*; 5) *бадиий услуг*³¹.

Нутқни тинглаб тушунишда услубий ранг-баранглик ортиқча қийинчилик туғдирмайди: маъноси англанмаган сўзлар, сўз шакллари, мазмуни тушунилмаган гап турларини мустасно этганда, тингловчи ҳар хил талаффуз қилинган сўз ёки сўз шаклини англайверган ҳолда асар мазмунини деярли тўлиқ идрок эта олади. Машҳур психолог С.Л.Рубинштейн идрок этишни шундай тушунтиради: “Киши атроф борлиқни билиб борадиган идрок этиш одатда изсиз йўқолмайди. У мустаҳкамланади, хотирада сақлаб қолинади ва кейинчалик биз кўрган предметларни таниш, бошдан кечирилганларни эслаш, бўлиб ўтганларни эсга тушириш шаклида қайта жонлантирилади. Лекин идрок этиш ўзининг конкрет борлиғи билан макон ва замондан ташқарида предметларни умумлашган, шахссизлашган шаклда таниш билан чекланмайди”³². Демак, бадиий асар эшлитиб ёки ўқиб идрок этилгандан кейин муайян мазмуни воқеалар тасвирланган макон ва замон билан боғлиқ равища хотирада олиб қолинади.

Оғзаки фикр баён қилиш устидаги ишларда эса орфоэпия меъёрларига кўра китобий сўзлар ва сўз шаклларининг, синтактик қурилмаларнинг бўлмаслиги талаб этилади. Ўқувчилар баёнга кўтаринки рух бахш этадиган тил ҳодисаларини ишлатишга мойил бўлсалар-да, бадиий услубда маҳсус тайёргарликсиз сўзлай олмайдилар. Аксинча, ёзма равища фикр баён қилишда сўзлашув нутқига хос сўз ва сўз шакллари, синтактик қурилмалар, масалан, тўлдирувчи ва ҳолнинг кесимдан кейин қўйилиши ножоиз хисобланади. Шундай бўлгач, ўқитувчидан ўзбек тилшунослигига

³⁰ Муаллифлар стиль атамасини ишлатганлар, биз уни услуб деб бердик.

³¹ Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. Университетлар ва педагогика институтларининг филология факультетлари учун кўлланмана. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983.–Б.9-13.

³² Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии: В 2-х т. Т. 2. – М.: Педагогика, 1989. – С. 256.

услубиятга доир яратилган ишлар³³ билан танишиб бориш, дарсликлардаги назарий маълумотлардан келиб чиқсан ҳолда иш тутиш талаб этилади. Бундай вазиятда адабий-нутқий компетенцияларни шакллантириш ишлари фарқли ташкил этилмоғи зарурият саналади.

Р.И.Альбеткова сўзлашув услуби билан китобий услугуб нима эканлиги, баённинг сўз ва иборалар услубий бўёғига қай тарзда боғлиқлиги, сўзлашув ва китобий тил, адабий тилнинг услублари нимани ифода этиши, эпик, лирик услубларнинг энг муҳим хусусиятлари нималар эканлигини аниқ мисоллар асосида кўрсатиб бериш керак деб ҳисоблайди³⁴.

Она тили дарсларида услублар, услубият ҳақида назарий маълумот берилса-да, ўкувчиларнинг нутқи адабиёт дарсларидағи каби ҳажман катта бўлмайди: ўкувчи бир-икки гап билан тил ҳодисасига изоҳ беради, холос. Фақат ижодий ёзма ишларда сўзлашув услубига хос сўз ёки сўз шакли ишлатилган бўлса, зукко ўқитувчи хатога ишора қиласида ва уни тузатади. Шунга кўра ҳам сўзлашув услуби ҳақидаги маълумотлар бадиий асар муносабати билан кўпроқ адабиёт дарсларида зарур бўлади.

Биз услуг, услубият билан боғлиқ манбалардан сўзлашув услуби билан илмий услубнинг фарқи, морфологик ва синтактик ҳодисаларнинг қўлланиш хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни қидирдик. “Ўзбек тили стилистикаси” номли қўлланмадан қуидаги фикрларни ажратдик: “...нутқ моментидан анча илгари бажарилган ҳаракатни кўрсатиш хусусияти билан ўтган замон феълини ҳосил қилувчи -ган+эди ва -(и)б+эди формалари бирбири билан синоним сифатида алмаштирилиб ишлатилиши мумкин. Улардан -ган+эди кўпроқ ёзма нутқ учун, -(и)б +эди оғзаки сўзлашув нутқи учун характерлидир”,³⁵.

³³ Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. Университетлар ва педагогика институтларининг филология факультетлари учун қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б.14.; Қиличев Э., Қиличев Б.Э. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Бухоро: Бухоро давлат университети, 2002.– Б.114.; Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси (Грамматика). Педагогика олийгоҳларининг филология факультети талabalari учун ўкув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б.160.

³⁴ Альбеткова Р.И. Методические рекомендации к учебнику «Русская словесность. От слова к словесности. 7 класс». – 3-е изд., стереотип. – Москва: Дрофа, 2002. – С. 13.

³⁵ Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. Университетлар ва педагогика институтларининг филология факультетлари учун қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983.– Б.129.

Э.Қиличевнинг “Ўзбек тилининг амалий стилистикаси (Грамматика)” қўлланмасида: “Биргалик маъносини кучайтириш, ажратиб кўрсатиш учун **-ии** аффикси феъл ўзагига икки марта қўшилиши мумкин: *кўришишиди*, *қучоқлашишиди* каби. Худди шу маънода **-ии** аффикси ҳам етакчи, ҳам кўмакчи феълга қўшилади. Бундай ҳол сўзлашув услубига хосдир. Адабий мезонда эса **-ии** аффиксининг фақат кўмакчи феълларга қўшилиши кифоя. Сўзлашув услубида **-ии** аффикси гапнинг эгасида ифодаланадиган хурмат маъносидаги формага хосланиб хурмат маъносини ифодалаши мумкин: *ойимлар келишиди*.

Маълумки, мажхул даража феъллари пассив конструкцияли гапларни хосил қиласида. Нофаол конструкцияли гаплар кўпроқ сўзлашув нутқига хосдир. Демак, бош даража ва мажхул даража шакли феълларнинг ишлатилиши нутқ услубларига кўра фарқланади. Мажхул даража шакли феълга камтаринлик, хушмуомалалик, баъзан қочирма, кесатиши маъноларини ҳам беради. Бунда гапнинг мазмуни ва оҳанги муҳим ўрин тутади³⁶.

Э.Қиличев, Б.Э.Қиличевларнинг “Нутқ маданияти ва услубият асослари” қўлланмасида шундай дейилади: “Сўзлашув услубида гапда сўз тартиби ҳам адабий меъёрлардан четга чиқиши кўп кузатилади. Сўз тартиби нисбатан эркин, сўзловчи учун муҳим саналган сўз гап бошида берилади. (Кеча қайтди даладан ўзи. Ёзим укамга хат.) Шунинг учун бу нутқда инверсия ҳодисаси мавжуд”³⁷. Бадиий услубнинг бошқа услублардан фарқли жиҳати эстетик таъсирда яққол намоён бўлади: “...эстетик таъсир этиш функцияси бадиий нутқнинг ўзига хос хусусиятидир”³⁸.

Бадиий услубда сўзлашув нутқидан ҳам фойдаланилади. Бу нарса, бир томондан, асар қаҳрамонлари нутқини индивидуаллаштириш мақсади билан қилинса, иккинчи томондан, муаллифнинг нутқида теша тегмаган сўз ва сўз

³⁶ Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси, Педагогика олийгоҳларининг филология факультети талабалари учун ўкув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б.57-58.

³⁷ Қиличев Э., Қиличев Б.Э. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Бухоро: Бухоро давлат университети, 2002. – Б.36.

³⁸ Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. Университетлар ва педагогика институтларининг филология факультетлари учун қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983, 30 б.

шаклларини ишлатишга интилиш, маҳорат талаби билан қилинади. Масалан, “келган эди” сўз шакли сўзлашувда “келувди” деб қўлланилса, худди шу шаклни ёзувчи ҳам ишлатиши мумкин. Лекин адабий тил меъёрига кўра илмий нутқда, ўқувчилар ёзадиган иншоларда адабий тил меъёрларидан четга чиқмаслик талабига кўра “келган эди” шакли қўллангани маъқул”.

“Хозирги ўзбек адабий тили” қўлланмасининг ўтган замон шакллари қисмида³⁹ эди каби тўлиқсиз феълларнинг асосий феъл билан қўшиб ишлатилиши ҳақида гапирилмаган. “Ўзбек тили грамматикаси”нинг морфологияга бағишлиган “Тўлиқсиз феъл” қисмида “-ган эди” каби шаклларда тўлиқсиз феълларнинг талаффузи ҳақида шундай тушунтириш берилади: “Тўлиқсиз феъл формаларидаги биринчи товуш (э) нотурғун: у маълум фонетик шароитларда, бошқа товушнинг таъсири билан ёки позицион ҳолатига қараб, бошқа товушга ўтиши ёки тушиб қолиши мумкин. Бу ҳолат, айниқса, оғзаки нутқда кўп учрайди: *ишиларди, ишиларкан, ишилармиш, ишилаганакан, ишиласайди, ишилаётганмииш* ва ҳ.к”⁴⁰.

Услубият кенг кўламли, тилнинг деярли барча соҳаларига дахлдор бўлгани учун Р.И.Альбеткова оғзаки нутқ хусусиятларини фонетика, лексика, морфология, синтаксис нуқтаи назаридан ўрганиб чиқсан ва уларга тавсиф берган⁴¹. Фонетика нуқтаи назаридан қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратган: нутқ ритмик бўлакларга бўлинади, бу бўлиниш нафас олиш билан боғланади. Лексика жиҳатидан оғзаки нутқ бир хиллик, маънодош сўзларнинг камлиги, образли ифодаларнинг озлиги билан тавсифланади. Оғзаки нутқда аҳамиятсиз ва унча аҳамиятли бўлмаган сўзлар – нутқни тўлдириб турувчилар учрайди. Бундай сўзлар оғзаки фикр баён қилишининг камчилиги саналмайди, уларнинг бўлиши зарур, чунки сўзлашувда ритм мавжуд бўлиши керак. Мухими, улар паразит сўзларга айланиб кетмаслиги, бир хилда бўлмаслиги лозим.

³⁹ Турсунов У., Мухгоров Ж., Раҳматуллаев Ш. Хозирги ўзбек адабий тили: Лексикология. Фонетика. Морфология. Педагогика институтлари филология факультетларининг сиртки бўлим студентлари учун кўлланма. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – Б.209-216.

⁴⁰ Ўзбек тили грамматикаси. Морфология. I том. – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 419.

⁴¹ Альбеткова Р.И. Методические рекомендации к учебнику «Русская словесность. От слова к словесности. 7 класс». – 3-е изд., стереотип. – Москва: Дрофа, 2002. – С. 56-57.

Морфология томонидан китобий нутқдан фарқланади: сўз туркумларининг нисбатида сўзлашув нутқида олмошлар, юкламалар, равишлар, ундов сўзлар кўп бўлади, аксинча, от ва сифатлар анча кам, равищдошлар ва сифатдошлар эса жуда оз (йўқ даражада), отлар кўпроқ бош ва тушум келишикларида ишлатилади, қаратқич келишигига эса камдан-кам. *-нинг* кўшимчаси оғзаки нутқда кўпроқ *-ни* шаклида ишлатилади. Сўзлашув нутқида ҳозирги, ўтган ва келаси замон шакллари баравар микдорда қўлланади. *-са керак*, *-са бўлади* каби талай шакллар оғзаки нутқга хос.

Синтаксис соҳасида сўзлашув нутқининг китобийдан фарқи сезиларли даражада. Бу ерда жумлалар қисқа-қисқа, гўё бир-бирини тўлдирадигандай бир занжирни ҳосил қиласи. Гапда сўзлар тартиби ҳам ўзига хос: фикрнинг “етилиши”га қараб, энг муҳим ва аҳамиятли сўзлар жумла аввалида жойлаштирилади, охири эса “ютиб юборилади”: ноаниқ эшитилади. Сўзлашув нутқида сўз бирикмалари ҳам ғайритабиий: ўзаро боғланиши керак бўлган сўзлар бир-биридан ажратилган ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин. Боғловчилар ва юкламалар эркин жойлаштирилади.

Сўзлашув нутқида ихчамликка интилиш мавжуд. Т.А.Юсупова фикрни ифодалашдаги ихчамлик ҳақида дарслик материаллари асосида тўхталади: “Эганинг отлашган сўзлар билан ифодаланиши оз сўзлаб, кўпроқ фикр ифодалаш, яъни кўпроқ услугуб талаби, ихчамликка интилиш туфайлидир”⁴².

Сўзлашув нутқида тўлиқсиз гаплар кўп бўлади. Уларнинг мазмуни нутқий вазиятдан тушунарли бўлади. Бош бўлаклар ҳам, айрим иккинчи даражали бўлаклар ҳам мавжуд бўлмаслиги мумкин.

Агар сўзлашув нутқи монолог шаклида бўлса, бундай нутқ фикрнинг “етилиб келиши”га қараб тузилади. Баъзан баён давомида олдин айтилган фикрга аниқлик киритувчи гаплар келтирилади. Баъзан изчиллиқдан четга чиқилади.

Ўзбек тилида маънодош сўзлар кўп, лекин сўзлашув нутқида маънодошлардан бир-иккитасигина фаол қўлланади. Масалан, *керак*, *зарур*,

⁴² Юсупова Т. Гапнинг бош бўлакларини ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг нутқини ўстириш. Методик қўлланма. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2006. – Б.18.

лозим, даркор сўзларидан фақат керак маънодоши ишлатилганидек. Масалан: *Мен бугун ишига эртароқ боришим керак. Компьютерда бир хат тайёрлашим керак. Уни раҳбарга кўрсатиш им керак...* Бундай қўлланишлар сўзлашув нутқида оз эмас. Биз сўзлашув услубининг ўзига хослигини, китобий нутқдан фарқли эканлигини далиллаш учун етарли мисоллар келтириш билан кифояландик.

9-синф “Она тили” дарслигида сўзлашув услуби ҳақида шундай назарий маълумот берилади: “Билиб олинг. Оилада, кўча-кўйда кишиларнинг фикр алмashiши жараёнида қўлланиладиган нутқ услуби сўзлашув услуби саналади. Сўзлашув услуби адабий ва оддий сўзлашув услубларини ўз ичига олади. Адабий тил меъёрларига қатъий амал қилинган сўзлашув услуби *адабий* сўзлашув услуби, бундай хусусиятга эга бўлмаган сўзлашув услуби эса *оддий* сўзлашув услуби ҳисобланади. Ўкувчиларнинг оиласидаги, кўча-кўйдаги сўзлашуви, жаргон сўзларни ишлатиши, шева таъсирида гапириши оддий сўзлашув услугига хос бўлади. Оддий сўзлашув услубида айрим феълларнинг, айниқса, қўмакчи феълли бирикувларнинг, асосан, қисқарган шакллари ишлатилади: ке (кел ўрнига), обор (олиб бор ўрнига) каби. Адабий тилга хос талаффуз ва имло қоидалари ўрганилар экан, уларнинг нутқи ҳам адабий сўзлашув услуби томон ўзгариб боради.

Адабий сўзлашув услуби тўлиғича орфоэпия меъёрларига амал қилиб сўзланган нутқни англатади. Шунинг учун ҳам “Она тили” дарсликларида морфологик шакллар ҳақида гап кетганда, мана бундай талаффуз қилинади, мана бундай ёзилади, каби қоидалар берилади.

Сўзлашув услубида сўзлар кўпинча киноя, пичинг, қочиrimларга бой бўлади. Бу услубнинг яна бир ўзига хос хусусияти – эркинлигидир⁴³.

Тилшуносликка оид адабиётлардан келтирилган айрим мисоллардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, сўзлашув услуби илмий (китобий) услубдан бაззи лексик ва грамматик материалларнинг ишлатилишидаги ўзига хосликлар билан муайян тафовутларга эга. Шунга кўра фикрни оғзаки

⁴³ Mahmudov N.M., Nurmonov A., Sobirov A.Sh. Ona tili: Umumta’lim maklablarining 9-sinfi uchun darslik / 2-nashr. – Toshkent: Tasvir, 2010. – Б.92.

баён қилиш компетенцияси сўзлашув услубини тақозо этади. Демак, у бошқа компетенциялардан фарқланади, фарқли таълим мазмуни ва методларини қўллашни талаб қиласди. Бундай фарқланишлар нутқни тинглаб тушуниш, ўқиш, фикрни ёзма баён қилиш компетенцияларида ҳам мавжуд.

Адабиёт дарсларини она тили ўқув фани мавзулари билан интеграциялаш. Адабиёт дарсларини она тили ўқув фани билан интеграциялаш, услугият қоидаларини хотирлаш, тил ҳодисаларини ишлатишдаги услубий фарқларни ўргатиш каби масалаларга келсак, бу алоҳида изланишларни тақозо этади. Бадиий асар таҳлили жараёнида, асосан, сўзлашув услуби билан бадиий услуб тафовутларини кўрсатиб бориши мухим аҳамият касб этади. Бунда қўйидаги тил ҳодисаларига алоҳида диққат қилинади:

- 1) сўзлашув услуби билан хосланган ҳолда қўлланадиган сўзлар, сўз шакллари, сўз бирикмалари, гап тузилишлари;
- 2) уларнинг адабий тилдаги имловий вариантлари;
- 3) сўзлашув услуби билан хосланган ҳолда қўлланадиган сўзлар, сўз шакллари, сўз бирикмалари, гап тузилишларининг кўпроқ асар қаҳрамонлари тилида, муаллиф сўзларида озроқ ишлатилиши; бальзилари ёзувчининг индивидуалликка интилишлари туфайли юзага келиши;
- 4) мумтоз асарларда, айниқса, назмда давр руҳини акс эттирувчи тил ҳодисаларининг қўлланиши.

Методика илмида она тили ўқув фанини адабиёт билан, адабиёт ўқув фанини она тили билан ўзаро алоқадорлик, узвийлик ва боғланишда ўрганиш муаммолари маълум даражада илмий тадқиқ этилган, ишлаб чиқилган ва ёритилган⁴⁴. Айрим тадқиқот ишларида бу масалага муайян

⁴⁴ Абдуллаева Б.С. Фанлараро алоқадорликнинг методологик-дидактик асослари (ижтимоий-гуманитар йўналишдаги академик лицейларда математика ўқитиши мисолида): Пед. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2006. – 264 б.; Мавлонова К.М. Она тили фанини адабиёт фани билан бадиий матн орқали интеграциялаш ўқитиши методикасини такомиллаштириш: Пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD) дисс. – Тошкент, 2019. – 142 б.; Жўраев Р., Зуннунов А. Таълим жараёнида ўқув фанларини интеграциялаш. Ўқитувчилар учун қўлланма. – Тошкент: Sharq, 2005. – 80 б.

микдорда саҳифалар ажратилган⁴⁵. Уларда қимматли фикрлар, тавсиялар берилган. Лекин бу ишларда адабиёт дарсларида она тили ўқув фани билан боғланишни бадиий асарда ишлатилган нотаниш сўзлар, сўз шакллари, синтактик қурилмалар, сўзлашув услубига хос хусусиятлар (орфоэпик меъёрлар), нутқий фаолият турларининг ўзига хос лексик ва грамматик хусусиятлари, она тили дарсларида ўрганиладиган тил ҳодисаларига таяниш имкониятлари нуқтаи назаридан маҳсус текширилмаган. Айни адабий-нутқий компетенцияларни шакллантириш методикасини яратиш шуларни тақозо этади.

Адабиёт дарсларини она тили билан боғлаш орқали бадиий асарларнинг она тилидаги бой тил ҳодисаларини назарий жиҳатдан англаш, уларни амалда харакатда кўриш, нафосатини туйиш, тил ҳодисаларидан, нутқ услубларидан фойдаланишнинг юксак намуналари билан танишиш имконияти юзага келади. Ўқувчи она тили ва адабиётни ўзаро боғланишда ўрганаар экан, инсон руҳининг энг юксак ютуқлари билан танишиш, ўз ҳаётининг онгли ижодкорига айланиш имконияти кенгаяди.

Б.Тўхлиевнинг “Адабиёт ўқитиши методикаси” номли дарслигидага⁴⁶ “Бадиий асарнинг тилини ўрганиш” бўлими ажратилган. Бу ерда дастлаб бадиий асар тили, сўнг уни таҳлил қилишнинг асосий хусусиятлари ҳақида сўз юритилган. Муаллиф асар тилини узвийлик ва узлуксизлик тамойилига амал қилган ҳолда таҳлил қилишда қўйидаги назарда тутилиши шарт бўлган хусусиятларни ажратади:

- 1) ўқувчиларнинг олдинги синфларда она тили ва адабиёт дарсларида олган билимлари;
- 2) уларнинг адабий-назарий тайёргарликлари;
- 3) матннадаги асосий тасвир воситаларини аниқлай олиш ҳамда уларнинг шу матнда бажараётган вазифаларини таҳлил қила билишга оид малака ва кўнималари.

⁴⁵ Кодиров В.А. Умумтаълим мактабларида ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини ўқитишининг илмий-методик асослари: Пед. фан. док (DSc) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – Б.8.

⁴⁶ Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиши методикаси: – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – Б.101.

Методист олимлар адабий асарни ўрганиш жараёнида фанлараро интеграция, жумладан, тилга доир тушунчаларга мурожаат этиш мазмунидаги боғланишни зарурият деб ҳисоблайдилар. Жумладан, М.У.Сарибаеванинг фикрича, “Хозирги кунда ўқувчилар қайси фан асосларини ўзлаштирмасин, барча ўқув материаллари дунёни узвийликда ўрганишга қаратилмоқда. Бу фанлараро уйғунлик, интегратив ёндашув асосида амалга ошади. Ушбу ёндашув адабиёт ўқитиш доирасида тил, адабиётшунослик, тарих, география, мусиқа, тасвирий санъат, психология, ўлкашунослик фанлари билан боғлиқлигига намоён бўлади”⁴⁷.

Методист олим В.А.Қодиров докторлик диссертациясининг илмий янгиликларидан бири сифатида тадқиқот орқали “Назарий маълумотларни сингдириш йўриклари ва бунда мавзулараро ҳамда фанлараро интеграциядан фойдаланиш усуллари кўрсатилган”⁴⁸ деб алоҳида таъкидлайди.

Адабиётни ўрганиш жараёнида она тили ўқув фани билан интеграциялаш талаб этиладиган умумий ва хусусий жиҳатлар кўп. С.А.Леонов она тили билан адабиёт ўртасидаги фанлараро боғланишга умумий тарзда кенгроқ қарайди. У шундай ёзади: “Рус тили ва адабиётидан ўқув фанлариаро боғланиш нутқ ўстириш дарсларининг ҳаммасида қуйидаги йўналишларда амалга оширилади: 1) оғзаки ва ёзма равищда фикр баён қилишнинг барча жанрларида нутқий фаолиятни тўғри ташкил этиш учун зарур бўладиган функционал услубият бўйича ўқувчиларнинг билим ва малакаларини шакллантириш; 2) ушбу ўқув фанлари учун умумий бўлган нутқий фаолиятнинг оғзаки ва ёзма турларини ўргатиш; 3) рус тили ва адабиётнинг тасвирий-ифодавий воситалари ҳақида, уларнинг асардаги гоявий-бадиий вазифалари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш”⁴⁹.

⁴⁷ Сарибаева М.У. Умумтаълим мактабларида Алишер Навоийнинг асарларини замонавий усулларда ўргатиш (“Хамса” асари асосида): Пед. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2011. – Б.76.

⁴⁸ Қодиров В.А. Умумтаълим мактабларида ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини ўқитишнинг илмий-методик асослари: Пед. фан док. (DSc) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – Б.8.

⁴⁹ Леонов С.А. Развитие речи учащихся на уроках литературы: Метод, пособие для СПТУ. – М.: Высш. шк., 1988. – С. 16.

Адабиёт ўкув фанини она тили билан интеграциялашнинг бир томони нутқ ўстириш билан боғланади: асар қаҳрамонлари баъзан сўзлашув услугида (орфоэпия меъёрларига амал қилган ҳолда) сўзлашадилар, баъзида эса шевага хос тарзда гапирадилар. Ўкувчиларни ўзбек адабий тили нормаларидан четга чиқиш ҳолатлари асар қаҳрамонлари образини ишонарли қилиб тасвирлаш эҳтиёжи эканлиги билан таништириш, аслида ҳамма адабий тилда гапиришга ва ёзишга ҳаракат қилишини таъкидлаб бориш зарур.

Адабиёт билан она тилининг фанлараро алоқадорлиги ижодий ёзма ишларда (кўпроқ иншоларда) яққол кўзга ташланади. Она тили дарсларида ёзилган иншоларда ҳам, адабиётдан олинган иншоларда ҳам имловий хатолар қатори матний хатолар ҳам тез-тез учраб туради. Бундай хатолар устидаги ишлар эса, асосан, она тили дарсларида, баъзида адабиёт дарсларида уларга мурожаат этиб амалга оширилади.

Матний хатолар она тили дарсларида маҳсус ўрганилмаётган тил ҳодисаларини ўқувчиларнинг ҳамма вақт ҳам тил ҳиссига таянган ҳолда амалий била олмасликлари натижасидир. Бундай хатолар уч-тўртта эмас, балки кўпдир. Бу эса ёзилаётган иншоларнинг (яратилаётган матнларнинг) стандарт талабига жавоб бермаслигига сабаб бўлади. Авваломбор, матний хатоларга она тили ўқитувчилари жиддий эътибор бермайдилар, иншолар текширилганда кўпроқ имло ва тиниш белгиларига оид хатолар аниқланади.

Маълумки, ўқувчиларнинг ёзма нутқи саводхонлик нуқтаи назаридан қай савияда эканлигига улар ёзган диктант, баён ва иншолар (яратган матнлар)га қараб баҳо бериш одат тусига кирган. “Диктант ва қисман баёнда бу масала биринчи даражага кўтарилиши тўғри бўлар, лекин ижодий ёзма ишнинг мақсади саводхонликни мустаҳкамлашгина эмас, балки боғланишли нутқ малакасининг матн синтаксиси даражасида шаклланиши ва ривожланиши учун замин яратишидир. Чунки ана шундай ёзма ишларда

ўқувчининг ёзма нутқи: ютуқ ва камчиликлари ойнадай яққол кўриниб туради”⁵⁰.

Методик адабиётларда эса матний хатолар устида ишлаш юзасидан тавсиялар эндиғина пайдо бўла бошлади. Бу тавсиялар ижодий ёзма ишларнинг асл моҳиятини англаш ва ўргатиш ишларини боғланиши нутқ тузилиши сари йўналтириш имконини беради. Иншоларда йўл қўйиладиган матний хатоларни ёзма ишнинг техник расмийлаштирилиши, мазмун ва композицион тузилиши жиҳатидан “ташкилий-техник матний хатолар; мазмуний-мантиқий матний хатолар; гапларни ўзаро лексик-грамматик боғлашга (жумладан, тиниш белгиларига) доир матний хатолар; матн қисмларида унинг типига хос композицион тузилиш билан боғлиқ матний хатолар”⁵¹га ажратиш мумкин.

Ижодий ёзма ишларда юқоридаги каби хатоларни бартараф этиш учун она тили ўқув фани билан боғланмасликнинг иложи йўқ. Бу боғланиш куйидаги йўналишларда амалга ошади:

- сўз, морфологик шакллар ва синтактик конструкциялар бойлигини эгаллашда;
- сўзлар, морфологик шакллар ва синтактик конструкциялар синонимияси билан таниша борища;
- сўзлар, морфологик шакллар ва синтактик конструкцияларнинг услугбий қўлланиши билан танишиб борища, шу бойликни эгаллашда;
- нутқ услублари, услугбий қоидаларни амалий ўзлаштириш ва уларга амал қилиб нутқий фаолият турларини компетенциялар даражасида ўзлаштиришда.

Кўринадики, ушбу тил бирликлари она тили дарсларида ўрганилади. Бинобарин, улар билан боғлиқ дастурий ва дастурдан ташқари амалий билимлар ҳам шу дарсларда маълум қилинади. Адабиёт дарсларида она тили ўқув фани билан интегративликни жорий этиш ишлари асарда учраган тил

⁵⁰ Yo‘ldoshev R., Rixsiyeva M. Insholardagi matniy xatolar, ularni tuzatish metodikasi. – Toshkent: Fan va texnologiyalar. – Б.33.

⁵¹ Yo‘ldoshev R., Rixsiyeva M. Номи кўрсатилган методик қўлланма, Б.34.

ходисаси она тили дарсларида қачон ва қай ҳажмда ўрганилганини ҳисобга олиш асосида амалга оширилади. Агар ушбу тил ҳодисаси она тили дарсларида ҳали ўтилмаган бўлса, у ҳолда уни тегишли манбалардан кўриб олиб, амалий ўргатишни ўқитувчи ўз зиммасига олади.

Ўқитувчи ўзбек тилининг талаффуз ва имло қоидаларидаги тафовутларни тилшунос олим М.Миртожиевнинг “Ҳозирги ўзбек тили” рисоласидан⁵² билиб олиши мумкин. Чунки ушбу илмий ишда унли ва ундош товуш-харфлар талаффузи ҳамда имлосидаги тафовутлар имло қоидалари нуқтаи назаридан бир қадар муфассал ёритилган.

Адабиётни ўрганиш жараёнида она тили ўқув фани билан интеграциялаш талаб этиладиган заруриятлардан яна бири тимсол яратишида фойдаланиладиган тил ҳодисаларини ўз ўрнида таъкидлаб боришидир.

2010 йилга қадар адабиётдан яратилган дарслик ва дарслик-мажмуаларда⁵³ асарларни таҳлил қилиш учун келтирилган савол ва топшириқларда асарнинг тил хусусияти билан боғлиқ бир-иккита савол ёки топшириқ берилган, холос. Лекин бу савол ва топшириқ асарнинг айни ҳиссий-эстетик идроки билан боғлиқ томонини англашга қанчалик хизмат қилиши чукур ўйланмаган. Айни шу асар учун *тилга доир қайси тушунчалар* таҳлилга тортирилиши кераклигини аниқлаш ва зарур тавсиялар бериш ҳам муаммолардан бири саналади. Масалан, 5-синф “Адабиёт” дарслигига ўқувчиларни табиатни кузатишга ундаш мақсадида Миртемир изходи билан боғлиқ шундай савол келтирилади: “O‘zingiz

⁵² Миртожиев М. Ҳозирги ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б.3-25.

⁵³ Ahmedov S., Qosimov B., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. – Toshkent: Sharq, 2007; Ahmedov S., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik-majmua / 2-qayta ishlangan nashri. – Toshkent: Ma’naviyat, 2009; Yo‘ldoshev Q., Qosimov B., Qodirov V., Yo‘ldoshbekov J. Adabiyot. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik-majmua. – Toshkent: Sharq, 2009; Olim S., Ahmedov S., Qo‘chqorov R. Adabiyot. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 8-sinfi uchun darslik-majmua. – Toshkent: Gafur Gulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiyot uyi, 2010; Yo‘ldoshev Q., Qodirov V., Yo‘ldoshbekov J. Adabiyot. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik. – Toshkent: Yangiyo‘l poligraph servise, 2010.

yashayotgan shahar yoki qishloq tabiatida yilning to‘rt faslida qanday go‘zal manzaralarini kuzatasiz? “⁵⁴.

2010 йилгача амалда бўлган “Адабиёт” дарсликларида нутқ услублари, бадиий асарларнинг илмий услугдан фарқлари эсга олинмаган, лекин ўқувчиларга шу мазмундаги битта савол ва битта топшириқ берилган: “Sizningcha, ilmiy asarlar bilan badiiy asarlar orasida qanday farqlar bo‘ladi?” (6-синф “Адабиёт” дарслигидаги 9-савол)⁵⁵; “Badiiy va ilmiy adabiyotlar o‘rtasidagi asosiy farqni ko‘rsating”⁵⁶ (7-синф “Адабиёт” дарслигидаги 4-топшириқ).

2017 йилдан кейин яратилган “Адабиёт” дарсликларида ижобий ўзгаришлар кўп. Жумладан, 5-синф дарслигидаги⁵⁷ ўқувчилар эътибори асардаги айрим сўзларга икки хил усулда тортилган: 1) маъносини мустақил равишда аниқлаш (4-савол, 97-бетда: Ота-онангиз ёрдамида асар матнида учраган “илки”, “черик”, “мугуз”, “бидъат”, “хурофот”, “лашкаргоҳ”, “хачир”, “тактиравон”, “валад”, “язна”, “меш” сўзларининг маъносини топиб, луғат шаклида дафтарингизга ёзинг.); 2) сахифаости иқтибосда изоҳлаш (1 Ҳаким – донишманд. 2 Панд – насиҳат. 3 Эътимод – ишонч ва б.). Лекин асарда булардан бошқа маъноси англашмаган сўзлар ҳам бор-йўқлигини айтишга доир савол ва топшириқлар мавжуд эмас.

Нутқий компетенцияларни фарқлаб шакллантириш ана шундай ҳолатларда намоён бўлади. Ўқитувчи ҳар бир асарни қайта ҳикоя қилишни топширишдан аввал асарнинг шу жиҳатларини ҳам ўрганиб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Масалан, 5-синф “Адабиёт” дарслигидаги “Фанорчи ота” ҳикоясининг биринчи абзацини келтирайлик:

⁵⁴ Ahmedov S., Qosimov B., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. Uchinchi nashr. – Toshkent: “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi Bosh tahririyati, 2020. – Б.118.

⁵⁵ Ahmedov S., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik-majmua. – Toshkent: Ma’naviyat, 2009. – Б.9.

⁵⁶ Yo‘ldoshev Q., Qosimov B., Qodirov V., Yo‘ldoshbekov J. Adabiyot. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik-majmua. – Toshkent: Sharq, 2009. – Б.9.

⁵⁷ Ahmedov S., Qosimov B., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. Uchinchi nashr. – Toshkent: “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi Bosh tahririyati, 2020. – Б.97.

“Тор, қийшик күчанинг ўксиз оқшомини Турсунқул аканинг чурук дарвозаси төпасига ўтқизилган бир фанорнинг титрак нурларигина ёритар эди. Уни ҳар куни кечқурун паст бўйли, бурушик юзли бир чол келиб, ёқиб кетар эди. Биз уни “Фанорчи ота” дер эдик. У жуда ювош, индамас кишийди; кичкина нарвончасини чаққон қўйиб, аллақандай усталик билан чиқар, қўлтигидан кир рўмолчасини олиб, авайлаб фанор ойналарини артарди. Фанорни ёққач, ерга тушиб, обкашдек букилган елкасига нарвончасини қўйиб, бирпасда кўздан йўқолар эди”⁵⁸.

Ушбу парчада қуйидаги сифатлашли ва сифатдошли бирикмалар, ўхшатишлар сўзлашув нутқига хос эмас: *o'ksiz oqshom, churuk darvoza, yoqqach, o'tqizilgan bir fanor, titrak nurlar, burushiq yuzli, kir ro'molcha, obkashdek bukilgan yelkasi, ko'zdan yo'qolar edi.*

Ҳикояда ёзувчи тилидан қилинаётган баёнда ноодатий бирикувлар, сўз ишлатишлар учрайди: билан кўмакчисининг ила шакли, *fanorga hujum qilish, ўтириб туширади* ва ҳ.к. Бундай ҳолатларда бадиийликни таъминлаш эҳтиёжи билан нутқ услублари қориширилган бўлади. Ноодатий ифодалар идрокни бирмунча қийинлаштиради. Шунга қарамай асар мазмуни: қаҳрамонлар, воқеа-ҳодисалар, нарса-буюмлар тушунилади.

Идрок хусусиятларига кўра биз илгари кўрган нарсаларни кейинчалик таниймиз, бошдан кечирганларни эслаймиз, бўлиб ўтганларни хотирага туширамиз. С.Л.Рубинштейн умумлашмалар ҳосил қилиш даражасида ўзлаштирилган нарсалар (масалан, стол, стул, китоб), тушунчаларни идрок этишни “англанган идрок” деб атайди⁵⁹. Шундай экан, бадиий асарни идрок этишни унинг мазмунини тушунишдангина иборат деб билмаслик лозим.

Адабиёт дарсларида бадиий асар таҳлили, адабий-нутқий компетенцияларни шакллантиришда она тилидан ўтилганлар, айниқса, нутқ услубларига доир маълумотлар билан боғланиш муҳим ўрин тутади. Икки ўқув фанини интеграциялаш ҳам шуни такозо этади. Нутқ услубларига

⁵⁸ Ahmedov S., Qosimov B., Qo'chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot: Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5-sinf uchun darslik. I qism. – Toshkent: Sharq, 2020. – Б.99.

⁵⁹ Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии: В 2-х т. – М.: Педагогика, 1989. Т. 2. – С. 256.

эътиборни қаратмасак, ўқувчилар нутқида услубларнинг қориширилиши, ёзма нутқда сўзлашув услубига хос лексик, морфологик, синтактик, услубий хатоларнинг барқарорлашувига сабаб бўлади, хатолар шу даражада сингиб кетадики, уларни тузатиш ниҳоятда мушкуллашади.

Дарсликларда асар таҳлилига доир савол ва топшириқлар “...шарҳлашга (изоҳлашга) ҳаракат қилинг”, “...ни синфдошлиарингиз билан муҳокама қилинг”, “...ни тушунтириб беринг” тарзида берилган. Улар бадиий асарни таҳлил қилиш талабини ифода этади. Табиийки, бу савол ва топшириқлар ўқувчиларнинг ҳаётий вазиятлар, адабий ижод сирлари хусусида мушоҳада юритиш билан боғлиқ нутқини ўстиришга ёрдам беради.

Афсуски, адабий таълим эҳтиёжи билан она тили мавзуларида интеграциялаш ишлари етарлича амалга оширилмаган. Бундай дейишимизга сабаб 5–7-синф она тили дарсларида адабий таълим билан интеграциялаш мақсадида нутқ услубларининг ўрганилмаслигидир. Нутқ услублари, асосан, 8-синфда ўтилади. Шу синф “Она тили” дарслигига берилган сўзлашув услуби ва бадиий услугуб ҳақидаги назарий маълумотлар мазмуни билан танишайлик.

“So‘zlashuv uslubi kishilarning oilada, ko‘cha-ko‘yda fikr almashinuvi jarayonida qo‘llaniladigan nutq uslubidir. So‘zlashuv uslubi, ko‘pincha, dialog shaklida bo‘ladi.

Badiiy uslub badiiy adabiyot, ya’ni badiiy asarlarga xos bo‘lib, unda badiiylik, ifodaviylik, ta’sirchanlik kuchlidir”⁶⁰.

Ушбу назарий маълумотларда сўзлашув услуби қўлланадиган ўрнига кўра тавсифланган, лекин унинг ўзига хос тил бирликларига ишора қилинмаган. Бадиий услугуб бадиий асарга хос бўлса, уларда бошқа услубларнинг мавжуд бўлиши англашмай қолади.

5-машқда матнларни ўқиб, ҳар бири нутқнинг қайси услубига хослигини аниқлаш талаб этилган. Афсуски, бу ерда сўзлашув услубига доир

⁶⁰ Qodirov M. va boshq. Ona tili: o‘rta maktabalaming 8-sinfi uchun darslik. – Toshkent: Cho‘lpon nomidagi NMIU, 2014. – Б.5-6.

матн ўз аксини топмаган. Мавзу сўнгига ўтилган назарий маълумотга доир учта топшириқ берилган. Улар муаммоли эмас: назарий маълумотни ёддан айтишни тақозо этади, яъни ўқувчиларнинг ўз нутқи талаб қилинмайди. Профессор Р.Х.Ниёзметова тўғри таъкидлаганидек, айни “Матн асосидаги мушоҳадалар жараёнида, табиийки, нутқ ўстириш ишлари ҳам амалга оширилади”⁶¹. Бундай нутқ ўқувчиларнинг ўз сўзлари билан юзага келтирилади.

Бадиий асарни эшиттириш ёки ўқитишига тайёргарлик босқичида ва бевосита ўқиш жараёнида, шунингдек, асарни таҳлил қилиш чоғида она тили ўқув фани билан интеграциялаш ишлари амалга оширилиши учун қулай имкониятлар туғилади. Бунда дастлаб асарни тинглаш ва ўқиш жараёнида тушунишни қийинлаштирадиган талаффузи ва ёзилишида фарқи мавжуд бўлган лексик ва грамматик материаллар, айрим гап конструкциялари олдиндан белгилаб чиқилади, дарсда улар устидаги ишлар ташкил этилади. Адабиёт дарсларида бундай тайёргарлик онглийкни таъминлайди, айни пайтда тинглаб тушуниш ва ўқиш компетенцияларини шакллантириш учун хизмат қиласди. Ушбу жараёнда она тили дарсларида ўрганилган назарий маълумотлар ўқувчилар хотирасига туширилади ёки бошқа усуллардан фойдаланилади.

Она тили ва адабиёт дарсларида бадиий тасвир воситаларини интегратив ёндашув асосида ўргатиш муаммолари маълум даражада кенг ёритилган. Бу борада К.М.Мавлонованинг тадқиқот ишидаги⁶² тавсиялар, таълим мазмуни ва методлари алоҳида қиймат касб этади.

Бадиий тасвир асар поэтикасининг таркибий кисми бўлиб, у қаҳрамонларни таъриф-тавсифлашда, ички дунёсини таҳлил этиш ва қиёфасини чизишда, табиат манзараларини ифодалашда, воқеликнинг маълум бир қиррасини очишга ёрдамлашадиган эпизодларни баён қилишда, уни умумий сюжет чизиги занжирига улай олишда, персонажлар

⁶¹ Ниёзметова Р.Х. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси. Монография. – Тошкент: Фан, 2006. – Б.20.

⁶² Мавлонова К.М. Она тили фанинни адабиёт фани билан бадиий матн орқали интеграциялаб ўқитиши методикасини такомиллаштириш: Пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ...дисс. – Тошкент, 2019. – 142 б.

тасаввурини тиклашда намоён бўлади.

Бадиий тасвир ўқувчини тўлқинлантиради, уни воқеалар оқимига, эҳтирослар оламига олиб киради, киши кўз ўнгидаги жонли манзаралар, тирик киёфаларни гавдалантиради. Ёзувчи бутун асар руҳини белгиловчи оҳангни, роман мундарижасига сингдирилган ғоявий ниятини бера олади.

Бадиий асарларнинг тил хусусиятларини сўзлашув нутқига қиёсан ўрганишдан аён бўлганидек, уларда тўлдирувчи ва ҳолни кесимдан кейин қўйиш ҳолатлари мавжудки, бу сўзлашув услубига хосдир. Тилшуносликда бу ҳодиса парцеляция деб номланади⁶³. 8-синф “Она тили” дарслигида гап бўлакларининг жойлашиш тартиби ҳақидаги маълумотни кўздан кечириб, ушбу муаммога жавоб излаймиз. Дарсликда шундай дейилади: “*Билиб олинг. ўзбек тилида гап бўлакларининг жойлашиши тартиби*, асосан, эркин бўлсада, улар гапда маълум грамматик қоидалар асосида ўринлашади. Одатда, гапда эга ва унга боғланган бўлаклар олдин, кесим ва унга боғланган бўлаклар кейин жойлашади, баъзан аксинчаликни ҳам бўлади: *Бу йўллар менга таниши. – Менга таниши бу йўллар.*

Эганинг кўпроқ гап бошида, кесимнинг, асосан, гап охирида (*Мен келдим*), ҳол (оҳиста *гапирди*) ва тўлдирувчининг кесимдан (*шеърни ёд олди*), аниқловчининг эгадан олдин (*қизил гул, дўстимнинг акаси*) жойлашуви одатдаги, меъёрий тартибдир. Гап бўлакларининг одатдаги ва ўзгарган тартибининг нутқда ўз қўлланиш ўринлари бор. Одатдаги тартиб илмий асарлар услуби учун мос бўлса, ўзгарган тартиб оғзаки ва бадиий (айниқса, шеърий) нутқ услуби учун хос⁶⁴.

Кўринадики, ўзгарган тартибда ҳам кесим гап охирида келади, тўлдирувчи ва ҳол ундан кейин қўйилмайди. Албатта, гапда сўз тартиби борасида насрий асарларни насрий асарлар билан таққослаб бўлмайди: насрий асарларда инверсия ҳодисаси, кўтаринки руҳда айтиладиган гапларни ҳисобга олмагандаги, деярли кузатилмайди.

⁶³ Muhamedova S., Saparniyozova M. Matn lingvistikasi. – Toshkent: Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti talabalari uchun o‘quv qo‘llanma. 2011. – Б.52-70.

⁶⁴ Qodirov M., Ne’matov H., Abduraimova M., Sayfullayeva R., Mengliyev B. Ona tili: O‘rta maktablarning 8-sinfi uchun darslik / To‘rtinchli nashr. – Toshkent: Cho‘lpon nomidagi NMIU, 2019. – Б.82.

Адабиёт ўқув фанининг тил ҳодисаларини фарқлашга, услубий хослигини англатишга нисбатан бўлган эҳтиёжини қондириш учун она тили ўқув фани билан 5-синфдан бошлаб таълим мазмунини қайта кўриб чиқиш, назарий маълумотларни бойитиш зарурияти сезилади.

Айрим гапларда тўлдирувчи ёки ҳолнинг гап охирида берилиши гапларда ўзгарган тартибни юзага келтиради. Тилшуносликда гапда сўз тартиби икки гурухга ажратилади: одатдаги тартиб ва ўзгарган тартиб. Гапда сўз тартибининг ўзгариши насрий асарларда, асосан, мантиқий урғу билан боғланади, шеъриятда эса инверсия муҳим роль ўйнайди. Лекин гапларда тўлдирувчи ёки ҳолнинг гап охирида берилиши мантиқий урғуга алоқадор эмас: бу ўринда гап тузилаётганда хотирага келмаган бўлакни гап охирида қўшиб қўйиш мазмунида содир бўлади. Масалан, ...*go 'ja, ayron olib chiqardik o 'roqchilarga* гапида *o 'roqchilarga* сўзини ўз ўрнида айтиш эсга келмагани учун гап охирида қўшиб қўйилган. Ушбу ўзгарган тартиб муаллиф сўзида бола тилидан айтилган, шунинг учун ёзувчи уни ўз ўрнида қолдирган.

Юқоридагиларни назарда тутган ҳолда биз муаммо қўламини оптималлаштириш учун фақат насрий асарлар устида сўз юритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Адабий-нутқий компетенцияларнинг ўз фикрларини оғзаки баён қилиш тури сўзлашув услуби билан тавсифланувчи лингводидактик асосларни тақозо этади. Сўзлашув услубининг асосини орфоэпик меъёрлар ташкил қиласар экан, улар қоидалар сифатида она тили дарсларида ўрганилган бўлиши, икки ўқув фанини интеграциялаш имконини бериши лозим. Лекин, методист олим Р.Йўлдошев таъкидлаганидек, амалдаги “Она тили” дарсликларида айни шу масалада, яъни орфоэпия қоидаларини назарий маълумотлар асосида тушунтиришда кемтик ўринлар қўплиги бир қатор муаммолар келтириб чиқармай қолмайди. Ўқитувчи адабиёт дарсида орфоэпик меъёрни эслатмоқчи бўлса, у ҳолда Р.Йўлдошевнинг қуйидаги тавсиясини назарда тутиши керак: “Хуллас, қоидада тил ҳодисаларининг қандай айтилиши зарурлиги акс этиши лозим; шунингдек, изоҳда *баъзан*

сўзи эмас, асосан, қандай талаффуз қилиниши кераклиги таъкидланмоғи даркор. Товуш ўзгармайдиган ҳолатлар эса мустаснолик сифатида кўрсатилиши тўғри бўлади”⁶⁵.

Сўзлашув услубининг адабий тил меъёrlарига асосланадиган тил ҳодисаларини ўз ичига олувчи она тили билан интеграциялашган адабий таълим мазмуни – айрим тил ҳодисаларининг қўлланишини она тили ўқув фани билан боғланишда тушунтиришни тақозо этади. Сўзлашув услубининг хусусиятлари Э.Қиличев ва бошқа тилшунос олимларнинг илмий ишларида баъзан умумий, баъзан муфассал тарзда баён қилинганлиги билан кифояланиб, шу манбаларга асосландик, айрим кузатишларимиз асосида ўз тавсияларимизни баён қилдик. Зоро, асар устида ишлаётган ўқувчиларга сўзга эҳтиёткорлик билан ёндашишни ўргатиш бугунги кун талабидир.

Нутқий фаолият турларининг ўзига хосликлари. Адабий-нутқий компетенцияларни фарқлаб шакллантириш нутқий фаолият турларига хос лексик ва грамматик материаллар устида ишлашдаги ўзига хосликлар билан белгиланади. Нутқни тинглаб тушуниш ва бадиий асарни ўқиб тушуниш учун катта миқдордаги сўз бойлиги ва тил билимига эга бўлиш лозим. Шубҳасиз, уларда нофаол бирликларнинг улуши кўпроқ бўлади. Ўқувчиларда бундай захира дарсдан-дарсга, синфдан-синфга ортиб боради. Тинглаб тушуниш ва ўқиш жараёнида бу борадаги ишлар ўзига хос усуллар билан амалга оширилади. Афсуски, бу усуллар адабий таълим соҳасида ҳам, она тили таълими соҳасида ҳам шу кунга қадар маҳсус ишлаб чиқилмаган. Она тили дарсларида бундай кенг кўламли вазифалар қўйилмайди ҳам. Дарсликларда алоҳида мавзу сифатида ўқиш учун матнлар берилади. Масалан, 6-синф дарслигига 16-машқ шарти “**Matnni o‘qing. Ajratib ko‘rsatilgan so‘zlarning talaffuzi va imlosidagi farqlarni tushuntiring**” тарзида берилгани бунинг исботидир.

⁶⁵ Йўлдошев Р. Маҳсус шакллантирилган орфоэпия коидаларни ўргатайлик // Pedagogik mahorat. – Buxoro, 2020. – № 2. – Б.132.

Ш.С.Абдираимов “Она тили таълимида ўқиб тушуниш малакасини баҳолашнинг илмий-методик асослари” мавзусидаги тадқиқот ишида⁶⁶ ўқувчиларнинг матнни ўқиб мазмунини қанчалик тушунганликларини баҳолаш масалаларинигина ёритган, яъни нутқий фаолият турларини назарда тутишга зарурият бўлмаган.

О.Б.Қурбонованинг “10–11-синф она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқий компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш” мавзусидаги тадқиқот ишида⁶⁷ машқлар тизими асосида ўқувчиларнинг нутқий компетенцияларини (сўзлаш, эшитиш, ўқиш, ёзиш) ривожлантириш йўриқлари баён қилинган. Нутқда адабий тил меъёрларидан четга чиқиш ҳолатлари мисоллар билан кўрсатилган, услугбий масалаларга катта эътибор қаратилган.

Биз нутқий компетенция турларида сўз ишлатиш билан боғлиқ фарқларга тўхталар эканмиз, маънодош сўзлар устидаги ишларни мисол қилиб келтиришни лозим деб топдик. Ўқувчилар ўрганилган маънодош сўзларнинг ҳаммасини эшитиб ёки кўриб тушуниш даражасида ўзлаштиришлари учун улар билан таништириб, эслатиб боришининг ўзи кифоя. Лекин оғзаки нутққа сингдириш ўз мураккабликларига эга. Биз мисол қилиб келтирган *тайёрламоқ* феъли олтита маънодошининг ҳаммаси сўзлашув нутқида ишлатилмаслиги сабабли нофаол даражадалигини билиб олиш қийин эмас. Ўзбек тилида сўзловчи кишилар *тайёрламоқ* феълидан кўп фойдаланадилар, лекин шу феълнинг ҳозирламоқ, шайламоқ, чоғламоқ, муҳайё қилмоқ, тахт қилмоқ, тараффуд кўрмоқ, тадорик кўрмоқ сингари маънодошларини матнларда қайта-қайта учратсалар-да, уларни қўллаш лозим бўлганда кўпинча тез ёдга келтира олмайдилар¹. *Тайёрламоқ* сўзи эса

⁶⁶ Абдираимов Ш.С. Она тили таълимида ўқиб тушуниш малакасини баҳолашнинг илмий-методик асослари: Пед. фан. бўй. фалс. докт. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2021. – 134 б.

⁶⁷ Қурбонова О.Б. 10–11-синф она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқий компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш: Пед. фан. бўй. фалс. докт. (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2021. – 48 б.

¹ Қаранг: Йўлдошев Р. Янги сўзларни тушунтириш // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 1992. – № 5-6. – Б. 40–42; Йўлдошев Р., Миржалолова Л. Узлуксиз ўзбек тили таълими жараёнида янги лексик материалларни тақдим этишининг бир-биридан фарқли икки усули // Узлуксиз таълим, 2005. – № 5. – Б. 10–15.; Абдираимов

бир ондаёқ хотирага келади. Бунинг сабаби шундаки, киши ушбу сўзларни кундалик муроқотда ишлатади, шу боис улар нутқда автоматлашади. Маънодошлари эса китобий нутқقا, тор соҳага, шева тилига мансуб бўлиб, ишлатилиш, бошқа сўзлар билан алоқага кириш кўлами ҳам ниҳоятда тор, уларни нутқда кўллаш эса қўшимча изоҳлар, тил ҳисси, нозик дид билан боғлиқдир.

Ушбу маънодошлар пассив сўз бойлигини ҳосил қиласди. Тилимизда илмий (китобий) нутқда қўлланадиган кўпгина сўзлар ана шу йўсинда ўзлаштирилади. Айтмоқчимизки, пассив сўзларни 10 мингга етказиш ўзига ҳос иш усулларини тақозо қиласди.

Оғзаки нутқка сингдирилган сўзларгина фаоллиги туфайли гап тузиш жараёнида тез эсланади. Масалан, *тайёрламоқ* феълининг маънодошларини ўз нутқида қўллашни мақсад қилиб олган киши уларни эслаб қолиш учун қандай зарурият билан қай пайтда ишлатиш, яъни улардан фойдаланиш ҳолатлари ҳақида аниқ тушунча ҳосил қилиши, услугбий масалаларни ечиши лозим. Бу энди журналист, ёзувчи, олимларнинг ёзма нутқ малакаларини эгаллаш йўлидаги иш турларидан бири ҳисобланади.

Келтириб ўтган мисолимизда *тайёрламоқ* феъли гапириш пайтида ишга тушадиган лексик малакалар ҳосил бўлган даражада эгаллангани, маънодошлари эса ўқиб ёки эшитиб тушуниш даражасида билиб олингани, танишлик шу даражада эканлигини кўрдик⁶⁸.

Мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг нофаол сўз бойлиги ёш савияси ва билим даражасига кўра фарқланиб туради. Бу табиий ҳолат. Чунки ёшлар пассив сўз бойлигини мураккаблик даражасига ва бадиий асарларни мутолаа қилиш тажрибасига кўра ўзгариб боради: сўз бойлиги аста-секинлик билан кенгая бошлайди. Бунга мутолаа қилинадиган бадиий асарлар ҳажмининг

Ш.С. Она тили таълимида ўқиб тушуниш малакасини баҳолашнинг илмий-методик асослари: Пед. фан. бўй. фалс. докт. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2021. – 134 б.

⁶⁸ Йўлдошев Р.А. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапириши орқали ўстириш методикаси (таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида). – Тошкент: ЎзПФИТИ, 2012. – 144-б.

ортиб бориши муайян таъсир кўрсатади: юқори синф ўқувчилари йирикроқ эпик асарларни ўқий бошлайдилар.

Бадиий асарни ўқиб эшиттириш ёки ўқитиш жараёнида нотаниш сўзлар устидаги махсус ишлаб чиқилган луғат иши, албатта, бажарилиши шарт, чунки асарда бундай сўзларнинг учраб туриши табиий. Ёзувчи теша тегмаган сўзларни ишлатиш орқали айрим сўзларни такрор қўллашдан халос бўлади, шунингдек, буни сўз ишлатиш маҳорати деб, шунга интилади.

Ўз фикрини оғзаки баён қилиш компетенциясини шакллантириш самараси фаол сўз бойлигини саводхонлик даражасида эгаллаш замирида юзага келади. Албатта, мактаб ўқувчиларида бундай сўз бойлиги бор, лекин сайқалланмаган, айниқса, адабиётшунослик тили даражасида ўз фикрларини баён қилиш, мустақил фикрлаш жараёнида қўллаш малакаси даражасига етмаган ҳолатда бўлади.


Ўз фикрларини ёзма баён қилиш компетенцияси сўз ва грамматик шаклларни хотирлаш ва танлаш жиҳатидан ўз фикрларини оғзаки баён қилиш компетенциясига яқин турса-да, ёзма саводхонлик томонидан бир оз муракқаблик касб этади, яъни бир вақтнинг ўзида ҳам ифода воситалари изланади, боғланишлиликни таъминлашга ҳаракат қилинади, ҳам саводхонлик ҳақида ўйланади. Кейинги масалалар ўта мураккаб масалалар сирасига киради. Бунга методист олимлар Р.Йўлдошев ва М.Рихсиеваларнинг изланишлари натижаси – иншолардаги матний хатолар⁶⁹ устида ишлаш методикаси ёрқин мисол бўла олади.

Нутқ ўстиришда нутқий фаолият турларига алоҳида-алоҳида эътибор бериш лозимлиги, бунинг йўл-йўриқларига иккинчи тилни ўқитиш методикасида азалдан эътибор бериб келинаётган масала ҳисобланади. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини ўқитиш методикасида нутқий фаолият турларини айрим-айрим йўналишлар сифатида ташкил этишнинг психологик асослари методист олим Р.А.Йўлдошев томонидан келтирилди ва изоҳланди. Муаллиф шундай деб

⁶⁹ Yo'ldoshev R., Rixsiyeva M. Insholardagi matniy xatolar, ularni tuzatish metodikasi. – Toshkent: Fan va texnologiyalar, 2019. – 157 b.

ёзади: “Адабиётлар оқимини четлаб ўтган ҳолда тўғридан-тўғри В.Пенфильднинг қуидаги талқинига мурожаат этамиз. Унинг тасвирилашича, одам бош мия пўстлоғининг чап ярим шарида нутқий фаолият билан боғлиқ уч марказ, икки зона мавжуд”⁷⁰.

В.Пенфильд буни қуидагича тасвирилайди (1.1-расмга қаранг):



1.1-расм. Пенфильднинг одам бош мия пўстлоғи ҳақидаги талқини

1 – ёзув маркази

2 – ўқиш маркази

3 – нутқ учун зарур ҳаракатларни тартибга соладиган Брок зонаси

4 – буюмларни аташ маркази

5 – нутқни эшитиб тушунишни таъминлайдиган Вернике зонаси

Р.А.Йўлдошев руҳшуносларнинг маълумотлари орқали аниқлашича, “нутқий фаолият жараённида ёзув маркази ҳам, ўқиш маркази ҳам, нутқ учун зарур ҳаракатларни тартибга соладиган Брок зонаси (бошқача айтганда, гапириш зонаси) ҳам, нутқни эшитиб тушунишни таъминлайдиган Вернике зонаси ҳам тўғридан-тўғри буюмларни аташ маркази билан боғланиб туради”⁷¹.

Таъкидлаш лозимки, муаллиф тилга олган марказ ва зоналар ўзаро таъсир ўтказиши мумкин, лекин улар сира ҳам бир-бирининг шаклланишига

⁷⁰ Йўлдошев Р.А. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапиририш орқали ўстириш методикаси (Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида): Монография. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2012. – Б.212.

⁷¹ Ўша манба, Б.216.

воситачилик қилмайди, бири иккинчисининг ўрнини босмайди. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, сўзларни ўқий олган киши уларни ёзма шаклда ифодалаш малакасини эгаллаган бўлмайди. Сўзларни ўқий олган, шу сўзлар иштирокидаги гапларнинг мазмунини тушунган киши уларни ёддан айтиши мумкин, лекин мустақил равишда фикр ифодалаш учун улардан фойдаланишга укуви етмайди.

Р.А.Йўлдошев руҳшуносларнинг фикрлари асосида яна бир холосага келади: “қайси марказ ёки зона буюмларни аташ маркази билан тез-тез боғланиб турмаса, ўша марказ ёки зона ўз сўз бойлигига эга бўлмайди. Демак, ўқиш чоғида кўрганда маъноси англашадиган сўз бойлиги ҳосил бўлади. Лекин ўқувчи ўрганилаётган тилда ўзи мустақил равишда гап тузиб гапирмаса, Брок зонасига тааллуқли сўз бойлиги тўпланмайди. Нутқий фаолиятнинг ҳар бир тури (сўзлаш, тинглаш, ўқиш ва ёзиш) айрим-айрим марказ ва зонада жойлашган. Шунинг учун бўлса керак, ёзувни ўрганмаган одам ўз-ўзидан ёзиб кетавермаганидек, гапирмаган одам бирданига нутқий фаолиятнинг бу турини эгаллай олмайди. Бу аксиома, албатта”⁷².

Бундан адабиёт дарсларида асарни таҳлил қилиш билан боғлик равишда фикр ифодалаш (гапириш) жараёнида Брок зонаси ишга тушади, деб хисобласак, фикрни оғзаки ёки ёзма баён қилиш малакаларининг ривожланиши содир бўлади.

Нутқий фаолият турларининг шаклланишидаги ўзига хос механизмлар мавжудлиги ва уларга асосланиш лозимлиги ҳақидаги аниқ маълумотларга суюнган ҳолда нутқий фаолият турларини фарқли усуллар воситасида шакллантириш, шунга хизмат қилувчи иш турлари тизимини ишлаб чиқиши зарур. Албатта, нутқий фаолият турлари сўз бойлиги, тил билими жиҳатдан сифат ўзгаришлари ва коммуникативлик билан таъминланиши керак.

Умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишининг мақсадларидан бири ўқувчиларда адабий-нутқий компетенцияларни шакллантириш экан, бу

⁷² Йўлдошев Р.А. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапириши орқали ўстириш методикаси (Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида). Монография. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2012. – Б.9–10.

ишда бадий асарни ўқиши ва унга таянган ҳолда асар мазмунини қайта ҳикоя қилиш, асар юзасидан ўз фикрларини баён этиш, ўз муносабатларини ҳимоя қила билиш сингари нутқий машқларни бажариш мухим ўрин тутади. Лекин бадий асарда ишлатилган лексик ва грамматик материалларга қиёсий ёндашилмаса, китобий нутққа хос услуг ҳодисаларини сўзлашув услугида қўллаш, сўзлашув услугига хос тил ҳодисаларини бадий асарда муаллиф сўзларида ишлатиш, сўзлашув ва бадий услугни китобий услугга кўчириш каби нуқсонлар сингиб кетади, нутқий компетенция нуқсонли шаклланади.

Адабий-нутқий компетенцияларни фарқлаб ўргатиш жиддий методик муаммо эканлигини шуларнинг ўзи билан асослаш мумкин. Лекин масаланинг барча жиҳатлари ўрганилиши зарур бўлгани учун таҳлилни ҳам кенгроқ амалга ошириш лозим кўринади.

Хуллас, адабиёт дарсларида шакллантириладиган адабий-нутқий компетенциялар, бир томондан, адабий-танқидий нутқнинг ривожланишига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, нутқий фаолият турлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари билан тавсифланади, ниҳоят, нутқ услублари, уларга доир маълумотларни эслаш талаб этилади.

1.2-§. Ҳикоялар таҳлили ёрдамида ўқувчиларда адабий-нутқий компетенцияларни фарқлаб шакллантиришнинг лингвометодик йўллари

Тадқиқот давомида адабий-нутқий компетенцияларни фарқлаб шакллантириш устида олиб борилаётган ишларнинг бугунги ҳолати ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мақсадида насрий асарларни ўқиб-ўрганиш билан боғлиқ қирқдан ортиқ дарс машғулотларини кузатдик, ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибалари, ютуқлари билан танишдик. Респондентлар ўртасида сўровномалар ва тестлар ўтказдик, айрим назорат ишларини олдик, ўқувчилар нутқини таҳлил қилдик.

Олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатдики, янгидан фаолиятини

бошлаган ўқитувчилар асарни ўқишига қадар тайёргарлик ишларини ўтказмайдилар, ўқиши ва таҳлил қилиш жараёнида сўз ва сўз шаклларининг услубий қўлланиши, айрим гап турларида адабий тил меъёrlаридан четга чиқишиларга эътибор бермайдилар, уларни изоҳламайдилар, бошқача айтганда, юзага келиши ва сингиб кетиши мумкин бўлган нутқий хатоларнинг олдини олмайдилар. Ваҳоланки, асарларда бундай услубий чегараланмаганлик ҳолатлари оз эмас.

Бадиий асарлар асосида нутқ ўстириш, уларнинг тил хусусиятларини тўғри таҳлил қилиш учун нутқ услубларини фарқлаган ҳолда сўз ишлатиш, грамматик шаклларни қўллаш, синтактик қурилмалардан фойдаланиш, айниқса, гапда сўз тартибининг меъёрий қоидалари билан танишиш зарурияти туғилади. Ҳолбуки, ўқувчилар нутқда, хусусан, ёзма ишда сўз ишлатишнинг ўринли ва ўринсиз чиқадиган ҳолатлари билан таниш бўлишлари керак.

Аксарият методист олимлар бадиий асарни ўқишига киришишдан аввал нотаниш сўзларини тушунтириш мазмунидаги тайёргарлик ишлари зарурлигини таъкидлайдилар. Буни асар мазмунини тўлиқ тушунган ҳолда идрок этиш зарурияти билан асослайдилар. Афсуски, 5-синф “Адабиёт” дарслигига айрим сўзларнинг изоҳини эътиборга олмагандан, бир ўриндагина (97-бетдаги 4-саволда) нотаниш сўзларга ўқувчилар эътибори қаратилган: “*Ota-onangiz yordamida asar matnida uchragan “ilki”, “cherik”, “muguz”, “bid’at”, “xurofot”, “lashkargoh”, “xachir”, “taxtiravon”, “valad”, “yazna”, “mesh” so‘zlarining ma’nosini topib, lug‘at shaklida daftaringizga yozing*”⁷³.

Адабий-нутқий компетенцияни шакллантириш йўлида асардаги барча сўз ва сўз шакллари, синтактик қурилмаларни бирдай фаоллаштириш эмас, балки компетенция турларини фарқлаб, қайси компетенция устида ишланаётганини ҳисобга олиб иш қўриш лозим бўлади. Масалан, фикрни оғзаки баён қилиш компетенциясини шакллантириш, шу мақсадда нутқ

⁷³ Ahmedov S., Qosimov B., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot. Umumiy o‘rta ta’lim maktabalarining 5-sinfi uchun darslik. Uchinchi nashr. – Toshkent: “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi Bosh tahririyyati, 2020. – Б.97.

ўостириш учун нофаол, китобий сўзларни сўзлашувга хослари билан алмаштириш мазмунидаги қайта ҳикоялашлар тавсия этилиши мумкин.

Бадиий асадаги изоҳталаб тил ҳодисаси 5–9-синф “Она тили” дарслекларида синфиға тўғри келадиган ҳолда таърифланган ва тавсифланган бўлиши, баъзи ҳолларда бошланғич ёки юқори синфларда ўтилиши ёки умуман, мактаб таълими мазмунида акс этмаслиги мумкин. Шунинг учун ўқитувчи бу ҳолатларни олдиндан ўрганиб чиқиши лозим бўлади.

Ф.Эгамбердиеванинг кузатишларидан маълум бўлишича, адабиёт дарсларида қуйидаги ҳолатларнинг устуворлиги кўзга ташланади:

- адабиёт фани ўқитувчиларининг илғор педагогик технологиялардан етарли даражада хабардор эмасликлари;
- уларда адабиёт дарсларини ташкил этишга нисбатан янгича, технологик ёндашувнинг карор топмаганлиги;
- таълим жараёнида ахборот воситалари хизматидан фойдаланишга сезиларли даражада эътибор каратилмаётганлиги;
- ўкувчиларнинг мустақил фаолият юритишлари, алоҳида фаоллик кўрсатишларига имкон берилмаётганлиги⁷⁴.

Я.Т.Умарова ўкувчиларнинг нутқ ҳолатини гуруҳлайди. Уларни: саёз нутқ, ўртача нутқ, яхши нутқ, равон нутқ тарзида изоҳлайди. Олим саёз нутқни шундай тавсифлайди: “Ўкувчи ёшига нисбатан етарли сўз захирасига эга бўлмайди. Фикрини баён этишда қийналади, сатҳлар бўйича тил қоидаларига риоя қилишда ва мувофиқ услугуб танлашда хатоларга йўл қўяди. Услугба мос лексик ва бошқа тил бирликларини ўринли қўллай олмайди, кўп ҳолларда уларнинг мувофиқ муқобилини танлашда янглишади”⁷⁵.

Кузатилган дарслардан қуйидаги ҳолатлар маълум бўлди:

1) ўқитувчи ўтган дарсда ўрганилган ҳикояни навбатдаги дарс бошида такрорлаш, уй вазифасини назорат қилиш мақсадида 5–6та муаммоли савол

⁷⁴ Эгамбердиева Ф. Адабий таълимга илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш методикаси: Пед. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005 – Б.17.

⁷⁵ Умарова Я.Т. Тил таълимида матн таҳдили орқали ўкувчиларда прагматик компетенцияни ривожлантириш: Пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дисс. – Наманганд, 2020. – Б.17.

беради, ўқувчилар жавоб берса олмаганда, уларга ҳикоянинг шу муаммоли саволга тегишли қисмини ўқиб чиқишни топширмайди;

2) муаммоли саволларга жавоб бўлмаган ҳолатларда ўқитувчининг ўзи йўналтирувчи саволлар билан жавоб қайтаришга ундамайди, ўзи умумлаштириб, тушунтирмайди. Ўқувчилар билмаганча қолиб кетаверадилар;

3) баъзи дарсларда ўқитувчи саволларни ёзувчи ҳақидаги маълумотларни аниқлашдан бошлайди (нечанчи йилда, қаерда туғилганлиги ва бошқалар). Ҳикояга доир қўплаб берган саволлари оддий фактологик йўналишда бўлади. Саволларнинг ёғдирилиши натижасида дарснинг ярмидан кўпи шу ишга сарфланади-ю, бирор марта ҳикоядан парча ўқилмайди;

4) янги мавзу ўқитувчининг баёни билан бошланса, асар ҳақида сўз юритилса, бу ҳолатда ҳам дарсда бадиий асар ўқилмайди.

Хулоса келиб чиқадики, айрим ўқитувчилар, айниқса, ёш ўқитувчилар бадиий асарни, хусусан, ҳикояни ўқиб-ўрганиш, таҳлил қилиш методикасидан етарли хабардор эмаслар. Буни ўтказилган сўровномалар натижасидан ҳам кўриш мумкин.

Ўқитувчилар орасида ўтказилган сўровнома

1. Адабий-нутқий компетенциялар нечта?

- a) 2 та; б) 3 та; в) 4 та.

2. Адабий-нутқий компетенциялар тўлиқ ва тўғри саналган жавоб вариантини кўрсатинг.

а) ўз фикрларини оғзаки ва ёзма баён қилиш, ўқиши, мустақил фикрлаш;

б) ўқиши, ўз фикрларини ёзма баён қилиш, ўз фикрларини оғзаки баён қилиш;

в) нутқни тинглаб тушуниш ўз фикрларини оғзаки баён қилиш, ўқиши, ўз фикрларини ёзма баён қилиш.

3. Адабиёт дарсларида адабий-нұтқий компетенцияларни фарқлаб шакллантириш шартми?

- а) шарт әмас;
- б) шарт;
- в) нутқ үстириш ишлари бир йўла тўртала компетенцияни шакллантиради.

4. Адабий-нұтқий компетенцияларнинг қайси тури энг кам сўз бойлиги ва сўз шакллари ҳажмида амал қиласиди?

- а) нутқни тинглаб тушуниш ва ўқиши;
- б) ўз фикрларини оғзаки баён қилиш.

5. Сиз бадиий асарни ўқувчиларга ўқитишдан аввал луғат ишини ўтказасизми?

- а) ҳа, ўтказаман;
- б) ўтказмайман;
- в) ўқиши жараёнида айрим сўзларга изоҳ бериб бораман.

6. Сўзлашув услуби қайси меъёрларга асосланади?

- а) орфографик талаффуз меъёрларига;
- б) орфоэпия меъёрларига;
- в) ифодали ўқиши меъёрларига.

7. Бадиий асарни ифодали ўқиётганда қайси меъёр турига амал қилиш керак?

- а) орфоэпия ва орфография меъёрларига;
- б) диктант ёзгандаги каби орфографик талаффуз меъёрларига;
- в) орфография меъёрларига.

8. Қайси иш турлари адабиёт билан боғлиқ нутқни ўстиради?

- а) асар мазмунини қайта ҳикоя қилиш;
- б) бадиий асарни адабий-танқидий йўналишда таҳлил қилиб, ўз фикрларини баён қилиш;
- в) ҳаётний масалалар билан боғлиқ муаммоли савол ёки топширик асосида мустақил мушоҳада юритиши.

9. Адабиёт ўқитишининг коммуникатив жиҳати, асосан, нимада намоён бўлади?

- а) асар орқали берилаётган маълумотларни ифодали, таъсирчан қилиб етказиш;
- б) ҳаётий масалаларни муҳокама қилиш;
- в) оғзаки ва ёзма нутқ ўстириш.

Сўровнома натижалари қуйидаги жадвалда акс эттирилди (1.1-жадвалга қаранг):

1.1-жадвал

**Ўқитувчилар орасида ўtkазилган сўровнома натижалари
(100 нафар ўқитувчи)**

Саволлар ва жавоб варианtlари	Берилган жавоблар сони	Фоизи	Саволлар ва жавоб варианtlари	Берилган жавоблар сони	Фоизи
1. а)	32	32	6. а)	35	35
б)	8	8	б)	54	54
в)	60	60	в)	11	11
2. а)	18	18	7. а)	60	60
б)	37	37	б)	15	15
в)	45	45	в)	25	25
3. а)	20	20	8. а)	21	21
б)	45	45	б)	45	45
в)	35	35	в)	34	34
4. а)	41	41	9. а)	64	64
б)	59	59	б)	16	16
			в)	20	20
5. а)	35	35			
б)	25	25			
в)	40	40			

Сўровномадан маълум бўлишича, ўқитувчиларнинг 60 фоизи адабий-нутқий компетенцияларнинг тўртта эканлигини тўғри белгилаган; 45 нафари адабий-нутқий компетенциялар тўлиқ ва тўғри саналган жавоб вариантини кўрсата олган; 45 фоизи адабиёт дарсларида адабий-нутқий компетенцияларни фарқлаб шакллантириш шарт деб ҳисоблаган; 59 нафари адабий-нутқий компетенцияларнинг ўз фикрларини оғзаки баён қилиш тури энг кам сўз бойлиги ва сўз шакллари ҳажмида амал қиласди, деб ҳисоблаган; 35 фоизи бадиий асарни ўқувчиларга ўқитишдан аввал луғат ишини ўтказади; 54 фоизи сўзлашув услуби орфоэпия меъёрларига асосланишини тўғри белгилаган; 25 нафаригина бадиий асарни ифодали ўқиётганда орфоэпия меъёр турига амал қилиш керак деб тўғри кўрсата олган; 45 ўқитувчи бадиий асарни адабий-танқидий йўналишда таҳлил қилиб, ўз фикрларини баён қилиш адабиёт билан боғлиқ нутқни ўстиради деб тўғри жавоб берган; ниҳоят, ўқитувчиларнинг 64 нафари адабиёт ўқитишнинг коммуникатив жиҳати, асосан, асар орқали берилаётган маълумотларни ифодали, таъсирчан қилиб етказишида намоён бўлади деб топган.

Кўринадики, бир қатор ўқитувчилар адабиёт дарсларида адабий-нутқий компетенцияларни талаб даражасида тасаввур қилмайди, уларни аниқ санай олмайди, адабий-нутқий компетенцияларни фарқлаб шакллантириш зарур деган фикрда эмас. Ваҳоланки, нутқни тинглаб тушуниш ва ўқиш катта миқдордаги сўз бойлигини талаб этади, ўз фикрларини оғзаки баён қилишда эса кўп бўлмаган миқдордаги фаол сўз бойлиги доирасида рўёбга чиқади. Буларни аниқ билмаслик ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишда катта камчиликларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Хуллас, айрим ўқитувчиларнинг адабиёт ўқитиш методикасига доир назарий-методик тайёргарлигида анчагина бўшлиқлар мавжуд.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, 5-синф ўқувчиси кечаги бошланғич синф боласидир. Унда ўқиш малакаси етарли даражада шаклланмаган бўлади. Сўз бойлиги ҳам етарли бўлмайди. Айниқса, сўзларнинг ўзаро боғланиши, бирикувчанлиги, кўчма маънолари ва ҳоказоларда муайян

етишмовчиликлар кузатилади. Айрим синтактик қурилмалар, иборалар ҳам муайян қийинчиликлар туғдиради. Буларнинг ҳаммаси қўшилиб, ўқишининг асосий амалларини бажаришга соя солади. Ўқувчи мазмунни етарли тушунмаган ҳолатларда матнни шунчаки овозлантиради. Ваҳоланки, у муаллиф билан мулоқотга киришиши, унинг баёнидан воқеликка, асар қаҳрамонларига, нарса-буюмларга муносабатини ўрганиши, қиёсий таҳлил қилиши, шу йўл билан асл ўқиш малакаларини эгаллашга қараб бориши зарур. Бу даврда, М.Р.Лъвов бошланғич синф ўқувчиларини тавсифлаганидек, “илк қадам қўйган китобхоннинг асарни мустақил ўқиши кўпинча шунга олиб келадики, асарнинг асосий маъно-мазмуни, мағзи унинг учун қоронғи бўлиб қолаверади”⁷⁶. Шунинг учун асарни дастлабки ўқиш иши ўқитувчи томонидан амалга оширилиши керак деб ҳисоблади.

Асарда айрим сўзлар, сўз шакллари, сўз бирикмалари, гаплар сўзлашув услубига хос тарзда битилган. Масалан, “Дўнан” ҳикоясида асар қаҳрамони тилидан қуйидаги жумлалар келтирилган: *Faqat men minardim uni. ...go'ja, ayron olib chiqardik o'roqchilarga. Bitkuchiydi. Turipti. Baqavli.*

Биз ўқувчилар билимини, нутқининг бугунги ҳолатини аниқлашда сўровнома ҳамда назорат ишлари билан кифояланиб қолмасдан, ҳикояни ўқиш жараёни билан боғлиқ дарсларни кузатиш чоғида ҳам бу масалага алоҳида эътибор бердик. Элликка яқин кузатилган дарслардан шу нарсага гувоҳ бўлдикки, ўқувчилар аксарият муаммоли савол ва топшириқларга савол-жавобда бўлгани каби бир-икки гап билан жавоб қайтарадилар, ўзларида туғилган фикрларни айтмайдилар, муносабат билдиримайдилар. Баъзан, умуман, савол ва топшириқлар жавобсиз қолган ҳолатлар ҳам учради.

Таъкидловчи назорат иши шуни қўрсатдики, ўқувчиларнинг бир асар бўйича билмайдиган сўзларида бир хиллик оз. Акс ҳолда, мана булар ўқувчилар тушунмайдиган сўзлар, деб маъноси англанмаган сўзлар

⁷⁶ Методика преподавания русского языка в начальных классах: учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений / М.Р.Лъвов, В.Г.Горецкий, О.В.Сосновская. – 3-е изд., стер. – М.: Издательский центр «Академия», 2007. – С. 112.

рўйхатини бериш мумкин эди. Ҳар хиллик мавжуд бўлгани учун бунинг иложи йўқ. Бундай вазиятда ҳар бир ўкувчи нечта сўз маъносини англамаганлигини санаш билан чекландик. Бунинг устига, айрим синф ўкувчилари луғат ишига одатланган бўлишса, улар ниҳоятда кам сўзларни белгилайдилар. Шунинг учун бу ишни ўқитувчиларнинг ўзларига ҳавола қилиш мақсадга мувофиқдир. Улар ўз ўкувчиларининг қобилияти, китобхонлик даражасини яхши биладилар, нутқини доимий кузатиб борадилар.

Адабиёт дарсларида ўкувчиларнинг ўтилган асарни қанчалик тушунгандикларини назорат қилиш мақсадида савол ва топшириқлардан фойдаланиб келинади. Саволлар кўпинча воқеаларни эслаб айтишни талаб қиласидан мазмунда тузилган. Улар ўкувчиларнинг асарни чуқурроқ ўрганишига эмас, балки ўқиган-ўқимаганлигини, нималар ёдда қолганлигини аниқлашгагина хизмат қиласиди. Кейинги иш турлари эса тарбиявий масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Аксарият методик адабиётларда муаммоли савол ва топшириқлар ҳақида гапирилади, ўкувчилар қандай жавоб беришлари лозимлиги кўрсатилади. Коғозда истаган саволни, истаган топшириқни бериш мумкин ва бу осон. Ўкувчининг ўрнига жавоб қайтариш ёки унинг ўрнига топшириқни бажариш бирмунча қийин бўлар, лекин буни методист олим ёки мутахассис тажрибали илғор ўқитувчи эплайди. Бу билан таълим амалиётида бирор натижа бўлармикин? Бизнингча, йўқ, бўлса ҳам ниҳоятда оз. Лекин улар хато, моҳиятни очмасдан ўта қисқа ёки бошқа хил жавоб қайтаришлари, топшириқни ҳам шундай бажаришлари таҳлил қилинмайди. Бунинг сабаблари очилмайди, кутилган жавобларга, вазифанинг талаб даражасида бажарилишига эришиш йўллари (методикаси) кўрсатилмайди. Ваҳоланки, ўкувчининг нутқи танқидий тафаккурининг ривожланишига, шу ҳолатда гапириш машқларига боғлик равишда ўсади.

Ўкувчиларнинг муаммоли саволларга берган ёйик жавоблари, ўз муносабатларини билдиришга қаратилган мушоҳадаларини тинглар

эканмиз, уларнинг нутқи талаб даражасида эмаслигини кўрамиз. Услубларни фарқлаш малакалари ҳам нуқсонлардан холи эмас. Методист олим Т.А.Юсупованинг аниқлашича, “ўқувчилар нутқидаги услубий камчиликлар шуларда намоён бўладики, улар айрим морфологик шаклларнинг услубий мансублигига эътибор бермайдилар”⁷⁷.

Ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки нутқи даражаси бугунги кунда нафақат методик, балки жамият миқёсидаги ижтимоий муаммолардан бири бўлиб турибди. Баъзи методик адабиётларда муаллифларнинг шахсий кузатишлари ва таҳлиллари асосида ўқувчилар нутқининг қай ҳолатда эканлиги айтиб ўтилган: “Коммуникатив мулоқот иштирокчиларининг кўпчилиги ўз фикрини аниқ ва равон ифодалашга, фикрларини маълум бир тизимда баён этиш қобилиятига, ифода изчилигига эга эмаслар. Буни нафақат адабиёт дарсларида, балки таълим тизимининг барча босқичларида, барча ўқув фанлари тизимида кузатиш мумкин... Шуни айтиш мумкинки, бугун ҳам ўқувчиларнинг кўпчилиги ўз фикрини айтишга тортинади ёки буни истамайди. Ачинарлиси, уларнинг кўпчилигига айтишга арзигулик фикрнинг ўзи йўқ”⁷⁸. Аниқлашадики, ўқувчиларда ҳар доим ҳам ўз ҳисстуйғуларини ифодалашларида сусткашлик мавжуд. Бу эса тўлдирилиши муҳим бўлган бўшлиқдир.

Таълим мазмуни ва малака талаблари. Адабиёт ўқув фани давлат таълим стандартида белгиланган компетенциялар “Малака талаблари”да ўз аксини топади, шу талаблар доирасидаги тадбирлар асосида жорий этилади. Бугунги кунда адабиёт дарсларида ўқувчилар нутқини ўстириш мақсадлари давлат буюртмаси сифатида аниқ белгиланган, яъни ўқувчиларда белгиланган компетенцияларни шакллантириш кўзда тутилган.

⁷⁷ Юсупова Т.А. Синтаксисни морфологияни тақорлаш билан боғлаб ўрганиш методикаси (5- ва 8-синф она тили дарслари мисолида). Монография. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2008. – Б.46.

⁷⁸ Husanboyeva Q., Niyozmetova R. O‘zbek adabiyotini o‘qitish metodikasi. O‘quv qo‘llanma. – Toshkent: Innovatsiya-Ziyo, 2020. – Б.303-305.

Адабиёт фани бўйича умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари битиравчиларига адабий-нутқий компетенциялар бўйича бир қатор малака талаблари⁷⁹ қўйилган (A2 ва A2+ даражада):

Биринчи талаб “*бадиий асарлар асосида яратилган аудиоматн, видеотасвирларни тинглаб тушунади, тегишили муносабат билдира олади*” шаклида белгиланган. Ушбу талаб нутқни тинглаб тушуниш малакасининг ҳосил бўлганлик даражасини ифода этади. Назорат воситалари (бадиий асарлар асосида яратилган аудиоматн, видеотасвирлар) орқали эшиттирилган асар таниқли сўз усталари ёки машҳур санъаткорлар томонидан дона-дона қилиб ўқилган бўлиб, тингловчининг овоз туфайли эшитмай қоладиган ҳолатлари бўлмайди. Табиийки, ушбу талаб ҳам бадиий асарни эшиттириш, ҳам унинг қанчалик муфассал тушунилган-тушунилмаганлигини назорат қилишнинг ишончли йўли саналади.

Табиийки, тайёргарлиги бўш, сўз бойлиги қашшоқ, тил билимida этишмовчиликлари бўлган ўқувчи илқ бор эшиттирилган асарни тўла тушуна олиши қийин. Бошқача айтганда, мактаб таълими даврида лексик ва грамматик жиҳатдан кўриб борилган муайян тайёргарликкина ўз самарасини кўрсатади. Назорат натижаларининг микдорий ва сифат кўрсаткичлари тегишли баҳо бериш имкониятини келтириб чиқаради. Агарда етарли сўз ва сўз шакллари бойлиги вужудга келтирилган бўлса, ўқувчи асар мазмунини тўлиқ, талаб даражасида тушуна олади.

Ўқитувчининг маълум ҳозирликдан сўнг асардан парча ўқиб бериши ёки ўқувчиларнинг навбати билан қисмлар бўйича ўқиб боришларини ҳам шу талаб доирасида кўриш тўғри бўлади.

“*Насрий, шеърий, драматик асар намуналарини ифодали ўқийди ва мазмун-моҳиятини тушуна олади*” деган галдаги малака талаби моҳияттан ўқиши компетенцияси билан боғлиқ. Мактаб таълимени тамомлаётган ўқувчи хар қандай бадиий асарни қисқа ҳозирликдан сўнг (энг моҳир сухандонлар

⁷⁹ Umumiy o‘rta va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limining umumta’lim fanlari bo‘yicha malaka talablari // O‘zbekiston Respublikasining qonun hujjatlari to‘plami, 2017. – Б.145–147.

ҳам матнни бир кўз югуртириб қўриб олмасдан туриб ифодали ўқишига журъат этмайдилар. Ўқувчи бадиий асарни жанрига қараб ифодали ўқишдан ташқари, ўз коммуникатив ниятини (мотивни) ҳам акс эттириши лозим. Шундагина ифодали ўқиши уни тинглаётган тингловчига маънавий-эстетик таъсир қўрсата олади, асарнинг мазмун-моҳиятини англата билади. Насрий асарни ифодали ўқиши хусусидаги методик адабиётларда унинг айни шу жиҳатига (коммуникатив ниятга) етарли даражада ургу берилмаган, методиканинг шу кемтик томонини тўлдириш лозимлигини билдиради.

Учинчи талаб “*бадиий асар сюжетини қайта сўзлаб бера олиши*” уни ўқиганликдан ташқари, фикрни оғзаки баён қилиш компетенциясининг қанчалик шаклланганини ҳам кўрсатади. Ўқувчи ўз қайта ҳикоясида сўзлашув нутқига яқин, лекин ҳали нутқига кириб улгурмаган сўз ва грамматик шаклларни ишлата борган бўлса, унинг сўз бойлиги ва тил билими ошган, бойиган ҳисобланади. Айниқса, ёзувчи фойдаланган, моҳирона ишлатган, чиройли тимсол яратган тил ҳодисалари ҳисобига ўз нутқини ўстиришга эришган бўлиши керак. Аслида ўқилган асарлар сюжетини билиш ҳаётий тажрибаларни тўплашга шароит яратиб, катта тарбиявий аҳамият касб этади.

Ниҳоят, “*адабий, адабий-ижодий ва эркин мавзулардаги инишоларга хос хусусиятларни билади ва ушибу йўналишиларда инишо (5–7 саҳифа) ёза олади, адабий тил меъёрларига риоя қилган ҳолда турли мавзуларда таассурот, реферат ва ижодий матн ёза олади, унда ҳалқ мақоллари, маталлари, ҳикматли сўз, бадиий, публицистик асарлардан ўринли фойдалана олади*”, деган талаблар ўқувчиларнинг ўз фикрларини ёзма баён қилиш компетенцияси нечоғлик шаклланганини назорат қилиш натижасида ўз ифодасини топади.

Биринчи компетенция бўйича белгиланган талабларда асарни турли манбалардан тинглаб тушуниш, уларни ифодали ўқиши, мазмун-моҳиятини англаш, сюжетини қайта ҳикоя қилиш, асар асосида кичик иниш малакаларини эгаллаш кўзда тутилган. Иқтидорли ўқувчиларга нисбатан эса

бадий асар асосида яратилган кичик саҳна кўринишларида қаҳрамонлар ролини ижро эта олиш, ифодали ўқишида тўғри нафас олиш, тўхтам, ритм, тембр ва урғунинг аҳамиятини тушуна олиш талаблари ўз ифодасини топган.

Бадий асарни таҳлил қилиш компетенцияси бўйича эса асарда тасвирланган воқеа-ходисалар, қаҳрамонларнинг фазилат ва нуқсонларини тушунтира олиш (А 2), халқ оғзаки ижоди, мумтоз, замонавий ва жаҳон адабиётидан ўрганилган асар қаҳрамонларини фарқлай олиш ва уларга хос сифатларни айтиб бера олиш мўлжалланади.

С.Камбарова адабий таҳлилнинг қўйидаги қатор компонентларини ажратади:

1. Асарда қўйилган тарихий ва ижтимоий муаммо.
2. Ёзувчи нуқтаи назарининг матнда ифодаланиши.
3. Асар мавзуси ва сюжети курилиши.
4. Адабий қаҳрамонларга хос етакчи хусусиятлар.
5. Асарнинг композицион тузилиши.
6. Бадий тил хусусиятлари ва услуби.
7. Асарнинг жанрий ўзига хослиги.
8. Ёзувчи ижодининг ўз даври учун аҳамияти, замон билан алоқаси⁸⁰.

Ўқувчилар нутқини ўстириш учун уларни мустақил муроҳада юритиш, воқеа-ходисаларга ўз муносабатни билдиришга ундейдиган таҳлил компонентларига устувор аҳамият берилади.

Нутқ ўстиришнинг асосий йўналишлари сифатида ўқилган асар мазмун-моҳиятини тушуниш, уни қайта ҳикоя қилиш, кичик иншо ёзиш хисобланади. Зеро, ана шу малака турлари нутқнинг бойишини таъминлаш, бунда асардан фойдаланиш замирида амалга ошади. Асар мазмунини тушунган, уни бирор топшириксиз, тайёргарликсиз қайта ҳикоя қилиш, иншо ёзиш ўз-ўзидан нутқни бойитиш, нутқ маданиятини шакллантириш муаммоларини ҳал қилиб бера олмайди. Ваҳоланки, бу ишлар бажарилмас экан, компетенциялар кутилган даражада шаклланиб қолмайди.

Адабий-нутқий компетенцияни шакллантириш учун ҳам, бадий асарни таҳлил қилиш компетенциясини ҳосил қилиш учун ҳам асардан

⁸⁰ Kambarova S. Mustaqil mutolaa va adabiy tahlil. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2016. – Б.8.

олинадиган ибрат устидаги ишлар тақозо этилади. Айтмоқчимизки, адабиёт дарсларида асар тўқимасидан фойдаланган ҳолда нутқ ўстириш йўналишидаги муаммолар ишлаб чиқилиши сув билан ҳаводай зарур. Афсуски, амалиётда айни шу йўналишдаги ишларга оз эътибор берилади.

“Адабий, адабий-ижодий ва эркин мавзулардаги иншоларга хос хусусиятларни билади ва уибу йўналишиларда инио (5–7 саҳифа) ёза олади”, “адабий тил меъёрларига риоя қилган ҳолда турли мавзуларда таассурот, реферат ва ижодий матн ёза олади, унда халқ мақоллари, маталлари, ҳикматли сўз, бадиий, публицистик асарлардан ўринли фойдалана олади” тарзида белгиланган малака талаблари иншо ёзиш (матн яратиш) йўналишидаги ишларни тақозо этади. Бу масалалар Н.И.Бекниязованинг “Бошлангич синфлар она тили дарсларида ўқувчиларга матн яратишни ўргатиш методикаси (таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактаблар мисолида)” номли монографияси⁸¹, Р.Йўлдошев, М.Рихсиеваларнинг “Иншолардаги матний хатолар, камчиликларни тузатиш методикаси” номли методик қўлланмаси ҳамда К.М.Мавлонова, Р.А.Йўлдошев, Н. Ҳакимоваларнинг “Матн тузишга доир қоидалар” номли ўқув қўлланмасида⁸² атрофлича ёритилган.

Умумтаълим фанларини ўқитишининг кучайтирилган таянч A2+ стандарт даражасида қўйидагилар белгиланган:

- турли жанрдаги матнларни образга кириб ифодали ўқий олади;
- турли жанр ва ҳажмдаги 10–12 та шеърий матн ёки унинг парчасини ёддан ифодали айта олади;
- бадиий асар асосида яратилган кичик сахна кўринишларида қаҳрамонлар ролини ижро эта олади⁸³.

⁸¹ Бекниязова Н.И. Бошлангич синфлар она тили дарсларида ўқувчиларга матн яратишни ўргатиш методикаси (таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактаблар мисолида). Монография. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2012. – Б.160.

⁸² Мавлонова К.М., Йўлдошев Р.А., Ҳакимова Н. Матн тузишга доир қоидалар. Ўқув-методик қўлланма. – Тошкент: Нодирабегим,2021 . – 86 б.

⁸³ Umumiy o‘rta va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limining umumta’lim fanlari bo‘yicha malaka talablari // O‘zbekiston Respublikasining qonun hujjatlari to‘plami, 2017. – Б.13.

Ана шу компетенциялар бир-биридан маълум даражада фарқланади, шу боис улар фарқли ёндашув ва эътиборни талаб этади. Яққол кўринадиган фарқлар бадиий асарнинг мағзи саналмиш сўз бойлигига кузатилади. Аввало, таъкидлаш жоизки, бадиий асар, у хоҳ назм, хоҳ наср бўлсин, тилимизнинг сўз бойлигини ўрганишда беқиёс имкониятларга эга.

Иккинчи тилни ўқитиш методикасида маъноси эшишиб (нутқни тинглаб) ёки ўқиб тушуниладиган сўзлар миқдори 10 мингдан ортиқ деб ҳисобланади. Лекин тил эгалари сўзлаш (гапириш) даражасида 5–7 минг сўздан фойдаланадилар. Она тили дарсларида ҳам, адабиёт дарсларида ҳам, бошқа ўқув фанлари дарсларида ҳам янгидан-янги сўзлар билан танишиб бориш содир бўлади. Лекин уларнинг сўзловчи ўз оғзаки нутқида қўлланадиганларигина фаол даражада ўзлашади. Касб эгаларининг касбий сўзларни ўз нутқида фаол ишлатиши зарурат туфайли юзага келади.

Хуллас, адабиёт дарсларида нутқий фаолият турларини компетенциялар даражасида шакллантириш юзасидан тегишли билим, кўникма ва малакаларни ушбу компетенцияларнинг фарқли жиҳатларини билиш асосида эгаллаш мумкин. Энг муҳими, адабиёт ўқув фанидаги ушбу компетенциялар билан боғлиқ янги йўналишларни ўқитувчиларнинг ўзлари билишлари, касбий таёргарликларини оширишлари даркор.

Биринчи боб юзасидан холосалар:

1. Она тили таълимида нутқий фаолият турларини ўргатиш бўйича муайян талаблар белгиланган бўлса-да, она тили ва адабиёт дарсларида нутқий фаолият турларини фарқлаб ўргатиш муаммоси ушбу ўқув фанлари методикасида янги ҳодиса саналади.

2. Нутқий фаолият турлари шу турларни эгаллаш учун билиб олиниши зарур бўлган сўзлар миқдори билан ўзаро фарқланади. Нутқни тинглаб тушуниш ва ўқиш ўзига хос хусусиятлари қатори катта миқдордаги сўзларни рецептив даражада билишни тақозо этади. Нотаниш сўзлар баъзан асар мазмунини тўғри тушунишга монелик кўрсатади. Ўз фикрларини оғзаки ва

ёзма баён қилиш фаол сўз бойлиги ҳажмида амал қиласи. Бунда сўз ва сўз шаклларини, айрим синтактик қурилмаларни ишлатиш сўзлашув услубини илмий услубдан фарқлаш замирида эгалланади.

3. Ўз фикрларини оғзаки ва ёзма баён қилиш компетенциялари бадиий асарни таҳлил қилиш жараёни билан боғлангани учун ҳам адабий компетенциялар саналади. Ушбу компетенцияларни эгаллаш жараёнида айрим адабий тушунчалар, ахлоқий фазилатлар, руҳий ҳолатлар, ҳаётий тажрибалар ўрганилади, фаоллаштирилади.

4. Шу кунга қадар адабиёт ўқитиши методикасида нутқий фаолият турлари фарқлаб шакллантирилмаган, услубий қоидаларни эгаллаш билан боғланмаган, ушбу йўналишларда она тили ўқув фани билан интегратив асосда ўрганиш кўзда тутилмаган. Буни методик адабиётлар, дарслерни таҳлили, кузатилган дарслар ҳамда ўқувчилар нутқини ўрганиш натижалари ҳам тўла тасдиклайди.

5. Адабиёт ўқитиши методикаси илмида адабий-нутқий компетенцияларни фарқлаб шакллантириш методикасига деярли қўл урилмаган. Бу мураккаб соҳа ҳисобланиб, ечимини талаб қиласиган қатор муаммолари мавжуд.

П БОБ. АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА АДАБИЙ-НУТҚИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

2.1-§. Адабиёт дарсларида адабий-нутқий компетенцияларни шакллантиришнинг технологик воситалари

Адабиёт дарсларида адабий-нұтқий компетенциялар устида айрим-айрим ишлаш үларга фарқли ёндашувни ифода этади. Бадий асарни тинглаб тушунишнинг ўз лингводидактик ва методик асослари бўлганидек, ўқишининг ҳам ўзига хос шундай асослари бор. Лингводидактик асослар, асосан, маълум даражада асар тилини, услубини, ундаги сўз ва сўз шаклларини, грамматик воситаларни, лингвопоэтикасини ўрганиш билан боғланади.

Асар тили, услуби, лингвопоэтикаси ва адабий қимматини ўрганиш уни тўлиқ тушуниб идрок этишнинг бош омиллари ҳисобланади. Ушбу омиллар билан боғлиқ масалалар филолог ва методист олимлар Б.Тўхлиев, Қ.Йўлдошев, М.Мирқосимова, С.Матчонов, Қ.Хусанбоева, Р.Ниёзметова, В.Қодиров, А.Алиевларнинг монография ва методик қўлланмаларида атрофлича ёритилган. А.Ҳасанов, Қ.М.Ядгаров, М.Йўлдошев, Д.С.Худайберганова, З.Исоқовларнинг тадкиқотлари учун мавзу бўлган⁸⁴.

Кейинги даврда асар таҳлили жараёнида ўқувчи-ёшларни мустақил фикрлашга, ўз муносабатини билдириб, баҳо беришга одатлантириш, фикрларини ўз сўzlари билан очиқ баён қилишга ўргатиш йўл-йўриқларини ишлаб чиқишига эътибор кучайди. Нутқий ривожланишнинг мазкур жиҳатлари адабий-нұтқий компетенцияларни шакллантириш вазифалари билан боғланди. Адабиёт дарсларида нутқий компетенциялар (*тинглаб тушиуниши, ўқиши, ўз фикрини оғзаки баён қилиши, ўз фикрини ёзма баён қилиши*) илк бор илгари суримоқдаки, бу борадаги изланишлар ҳам адабиёт ўқитиши методикаси илмидаги янги йўналишлар сифатида ўртага қўйилди.

Адабиёт дарсларига компетенциявий ёндашув адабий таълим самарадорлигига эришилганликни ифода этади. Эссе ёза олиш ҳам ана шу компетенцияга эришилганлик қўрсаткичидир. Нутқ ўстириш самарадорлиги

⁸⁴ Ҳасанов А. Абдулла Қажхор ҳикояларида жонлантиришлар лингвопоэтикаси. – Қазақстанның ғылымі әлемі. – Қазақстан, 2010. – № 4. – Б. 37-40; Yo'ldoshev M., Isaqov Z., Haydarov Sh. Badiy matnning lisoniy tahlili: Metodik qo'llanma. – Toshkent: Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2010. – 112 b.; Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент: Фан, 2007. – 123 б; Худайберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: Фил. фан. док. ...дисс. – Тошкент, 2015. – 104-б.; Ядгаров Қ.М. Академик лицейларда адабий асар тилини ўргатишнинг лингводидактик асослари: Пед. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2007. – 150 б.

коммуникатив ёндашув натижаларига ҳам ишора қиласи. Ўқувчи коммуникатив жараёнда бевосита иштирок этмаса ҳам, унинг ёзган иншоси ўқийдиган одам билан баҳсга (мулоқотга) киришиш, уни нимагадир ишонтириш ва бошқалар тавсифида бўлади. Шубҳа йўқки, янги йўналишдаги адабий таълим узвийлик ва узлуксизлик, тадрижийлик, назария ва амалиёт бирлиги, таълим ва тарбия бирлиги каби тамойиллар асосида ҳар бир компетенция турига нисбатан мазмунан қайта кўриб чиқиласи. Ушбу компетенциялар бир-биридан фарқ қилиб, айрим-айрим тадқиқ этишни тақозо қиласи.

Бадиий асар мазмунини тинглаб идрок этишнинг лингводидактик ва методик асослари. Бадиий асарни тинглаб тушуниш ва ўқиш катта сўз бойлигига эга бўлишни тақозо қиласи. Одатда, ёзувчи теша тегмаган сўзларни ишлатиш ҳаракатида бўлади, баъзан шу каби бирор сўзни тополмай узоқ қийналади, изланади ва қидириб топади. Бундай сўзлар асарни таъсирчан қиласи, ёзувчининг сўз ишлатиш маҳоратидан далолат беради. Тинглаб тушуниш ва ўқиш жараёнида кўплаб нотаниш сўзларнинг учрашига эса кўпинча ана шундай сўзлар сабаб бўлади. Сўзлашув нутқида ўрта ҳисобда 5 мингдан 10 минггача сўз фаол ишлатилади.

Ўзбек тилининг сўз бойлиги 100 мингга яқин. Касбий-ихтисосий лексикани ҳисобга олмаганда, нофаол сўзлар микдори жуда катта, яъни бадиий асар катта микдордаги сўз бойлигига таянади. “Матн лингвистикаси” қўлланмасида олимлар ҳисоблаб чиққан қуйидаги рақамлар келтирилади: “*Пушкин ўз асарларида 21 минг 197та бетакрор сўз ишлатган. Шекспир салкам 20 мингта, Сервантес 18 мингга яқин, Алишер Навоий эса 1 миллион 378 минг 660та сўз, шу жумладан 26 мингта бетакрор сўз ишлатган. Боиси, буюк бобомиз фақат туркий эмас, форсий, арабий, урду, хитой, мўгул ва бошқа тиллардаги сўзлардан ҳам маҳорат билан фойдаланган*”⁸⁵.

Ёзувчи ўз асарларида теша тегмаган сўзларни, нофаол, архаик, шевага хос морфологик шаклларни, турфа гап турларини ишлатишга ҳаракат

⁸⁵ Muhamedova S., Saparniyozova M. Matn lingvistikasi. – Toshkent: Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti talabalarini uchun o‘quv qo‘llanma, 2011. – Б.74.

қиласиди, ўзбек тилининг бойлиги ўқувчини ҳайратга солмай қолмайди.

Эпик (насрий) асарлар мазмунини ҳиссий-эстетик идрок этиб, ёзувчи кутганидек тушуниш учун уларнинг барча унсурларини тўғри англаш талаб этилади. Ёзувчи ўз баёнида фикрларни тўғри қабул қилиш имконини берадиган тимсоллар яратишга ҳаракат қиласиди. Бунда шунга ёрдам берадиган тил ҳодисаларидан ўринли фойдаланади. Асарнинг сюжетини идрок этиб бориш учун замон ва макон боғланишларидан фойдаланади. Бунда ҳам тил воситаларига эътибор беради.

Адабиёт дарсларида ўқувчиларга асарни тинглаб тушунишни ўргатиш компетенциявий талаб ҳисобланади. Бадиий асар нотиқлар томонидан ўқилганда, унинг жозибаси борича идрок этилади. Шунинг учун бўлса керак, илгарилари ёшлиар, ҳатто катта ёшдагилар ҳам радио эшилтиришлар орқали тараладиган бир-икки соатлик радиопостановкаларни радиодан узоқлашмай, охиригача мароқ билан тинглагани маълум. Бугунги кунда теленамуда радио эшилтириш ва қўрсатувларда машҳур артистларнинг нотиқона ўқишилари бўлиб туради.

Тадқиқот ишимиз давомида ўқувчиларнинг адабий-нутқий компетенцияларини шакллантириш методикасини такомиллаштириш инновацион методлар асосида амалга оширилди. Олиб борилган тажрибасинов ишлари жараёнида интерактив таълим методлари, хусусан, “Икки кисмли кундалик”, “Синектика”, “Блум таксономияси”, “ВАРК”, “Инсерт”, “Эвристик сұхбат” методларидан унумли фойдаланиш орқали асарни тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, фикрни оғзаки ва ёзма баён қилиш компетенцияларини ривожлантиришга зарур шарт-шароитлар яратилди.

“Синектика” методи ўқувчиларнинг фикрни оғзаки ва ёзма баён қилиш компетенциясини шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади. У ўрганилаётган асарни таҳлил қилиш жараёнидаги муаммо ҳамда унинг ечимларини топиш, таққослаш ёки қарама-қарши қўйиш учун қўлланилади. Ўқувчиларнинг ижодий қобилияtlари ва танқидий фикрлашларини ривожлантиришга, ақлий ва нутқий фаолиятларини фаоллаштиришга ҳамда

уларни шахс сифатида камол топтиришга асосланади.

“Синектика” методини қўллаш орқали ўқувчилар: 1) жамоа бўлиб ёки якка ҳолда муаммога ечим топишга ижодий ёндашадилар; 2) муаммо юзасидан фикрларини оғзаки ва ёзма баён қилишлари ҳам ихтиёрий; 3) кулгили ғоялар ва таваккал қилишга одатлантирилади; 4) ҳар бири муаммонинг ечимиға муқобил жавоб танлашлари мумкин бўлади.

Матнни тинглаб тушуниш ва фикрни оғзаки ҳамда ёзма баён қилиш малакаларини ривожлантиришга йўналтирилган “Синектика” методидан фойдаланиб, Ш.Холмирзаевнинг “От эгаси” ҳикояси бош қаҳрамони И nodning оти ўлими сабаблари ҳақидаги мулоҳазалар мунозарасини кўрсатиб ўтмоқчимиз.

Муаммо:

Ҳикояда от нега ўз эгаси томонидан ўлдирилди?

Ўқувчиларнинг жавоблари қўйидагича:

1. Тасодифий фожеа оқибатида яқинларидан айрилганлиги сабабли ҳикоя қаҳрамони отини ўзи ўлдириди.

4.Оила аъзоларидан ажralган И nod гарчи тилсиз бўлсада ҳамрохи дардкаши хисобланган отини ҳаммадан қизғаниши натижасида шундай килди.

3.И nod ўзининг кўнгил бойлигини бошқалар ихтиёрига топширишдан кўра, уни жонсиз ҳолда бўлсада ёнида колишини истади.

2.Эгамбердининг отни такрор-такрор сўраб келиши унинг руҳиятини туширди.

1- расм. “Синектика” методи

Бундай вазифаларни дарснинг турли босқичларида: ўтилган мавзуни сўраш, янги мавзуни ўзлаштириш жараёни ва мустаҳкамлашда қўллаш мумкин. Қўйилган масаланинг ечимлари орасида, яъни муқобил жавоблар ичида энг маъқулини танлаш синектиканинг энг муҳим босқичидир. Эксперт қўйилган муаммонинг энг мақбул ечимини, ўзига хос тарзда ечишга йўналтирилган вариантини мунозара сўнгидা айтади.

Мактаб таълимида ўқувчиларга бадиий асарни ўқиб эшиттиришдан олдин муайян тайёргарлик ишларини амалга ошириш имконияти мавжудки, бу тадбир идрокнинг онглилик даражасини оширишга, матнни тўла тушунган ҳолда мароқ билан тинглашни таъминлайди (*I-иловага қаранг*). Лекин ушбу тайёргарликнинг мазмуни ҳали-ҳануз охиригача аниқ эмаски, бу борада маҳсус изланишлар олиб борилганича йўқ. Амалиётда эса ўқитувчиларнинг бу хусусдаги тажрибаси такомиллаштиришни тақозо қиласди.

Асарни ўқиб эшиттириш ўқувчиларни қизиқтириш асосига қурилади. Дарсда қизиқишни уйғотиш учун нималар қилиш кераклиги, уйғонган қизиқишнинг қанча вақт давом эта олишини билиш ҳам методиканинг муҳим масалаларидан биридир. Қизиқишнинг барқарорлиги, давомийлиги ким қандай ўқиётганига, бадиий асарнинг таъсиранчилигига, ўқувчиларнинг нутқни тинглаб тушуниш малакаларига, асар мазмуни қай даражада англанганига боғлик.

Адабиёт ўқитиши методикаси илмида асар ўқиб эшиттирилаётган пайтда ёки ундан кейин бажариладиган ишлар хусусида тавсиялар кўп. Табиийки, тинглаш жараёнига халақит бермаслик учун нотаниш сўзларни изоҳлаш талаб этилмайди. Лекин ўқитувчилар баъзан асар мазмунини нотўғри тушунишга сабаб бўлиши мумкин бўлган ўта муҳим сўзни идрок сифатига зиён етказмайдиган қилиб шарҳлаб ўтадилар. Парча ўқиб эшиттирилгандан кейин эса унинг мазмуни қанчалик тушунилганини аниқлашга доир амаллар бажарилади. Бу иш ҳажман кичик ҳикояга нисбатан кўлланиши мумкин, чунки у 15–20 дақиқада охиригача ўқиб якунланган бўлади.

Ўқувчиларнинг бадиий асарни эшитиб тушунишлари мукаммал бўла олмайди. Кимdir сюжет чизиғини эслаб қолишига, кимdir асар ғоясини билиб олишига ҳаракат қиласди, кимdir асар қаҳрамонларининг қилган ишларига бутун диққатини қаратади. Сухбатлардан маълумки, камдан-кам

ўқувчилар тасвирлар, ёзувчининг муддаоси, асар қаҳрамонларининг руҳий ҳолати баён қилинган ўринларни диққат билан ўзлаштиришга интиладилар.

Эшиттирилган асарнинг қанчалик тушунилганини назорат қилиш баҳо қўйиш учун қилинадиган назорат даражасида ташкил этилмаслиги табиий. Лекин баъзан ўқитувчилар олдида қай тарзда баҳо қўйиш керак деган савол туғилади. Бу масалада методист олимларнинг узил-кесил хулосаси мавжуд эмас.

Бизнингча, ҳажман кичик асар мазмуни (сюжет чизиги, асар ғояси ёки асар қаҳрамонларидан бирининг хатти-ҳаракатлари)ни айта олган ўқувчилардан бир-иккитасини баҳолаш мумкин. Лекин каттароқ ҳикоянинг бошланиши ўқиб берилгандан кейин ўқувчилардан бири ўқишини давом эттирадиган бўлса, у ҳолда назорат ишлари ўқишининг охирида умумий тарзда ўтказилади. Назорат нутқ ўстириш билан боғланади. Бунда асар мазмунини тушунганлик саволларга жавоб олиш шаклида аниқланади. Ўқувчи нимани тушунган бўлса, шу доирада мустақил ва эркин фикр юритиши керак бўлади. Мустақил ва эркин фикрлашни рафбатлантириш тамойилига кўра ўқувчининг жавобида ўз муносабати, фикр, туйғу ва истаклари ифодаланиши лозим.

Бадиий асарни тинглаб тушуниш мураккаб жараён саналади. Дастрлаб, ана шу жараён нималардан иборат бўлиши аниқланиши керак. Биринчи навбатда, ўқувчиларнинг асарни тинглаб идрок этиш хусусиятлари ҳакидаги маълумотларни тўплаш зарурияти туғилади.

Адабиётшуносликда асар қурилиши ҳақида берилган назарий, матнни идрок этишга доир психологик маълумотлар, методика илмида тўпланган илғор иш тажрибаларига кўра бадиий асар устидаги ишларни уч босқичда ташкил этиш маъқул топилади: 1) дастрлабки синтез; 2) таҳлил; 3) иккиласми синтез⁸⁶. Демак, ўқувчиларнинг илк ақлий ҳаракати дастрлабки синтезлаш билан тавсифланади. Асарни идрок этиш ҳам, ундан эстетик завқ олиш ҳам,

⁸⁶ Методика преподавания русского языка в начальных классах: учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений / М.Р.Львов, В.Г.Горецкий, О.В.Сосновская. – 3-е изд., стер. – М.: Издательский центр «Академия», 2007. – С. 115.

ҳаётий вазиятларда одамларнинг ўзини қандай тутиши, вазиятдан чиқиши ва бошқа бир қатор жиҳатлар намоён бўлади. Р.И.Альбеткованинг изоҳлашича, “синтезлаш жараёни якунида ўқувчининг асардаги образ ҳақидаги тасаввuri субъектив образ-тасаввурга айланади, унга ўқувчининг шахсий мулоҳазалари кўшилган бўлади”⁸⁷.

Бадиий асарни тинглаш уни ўқишдан фарқли жараён бўлса-да, матнни идрок этиш ва ўрганиш уч босқичли бўлиб қолаверади. Асар ички бутунликка эга бўлган ҳолатда қисмлар бўйича ўқитувчи томонидан ўқилади, олдиндан тайёрланган ўқувчи томонидан ўқилади ёки бирор сухандоннинг ёзиб олинган нутқи техника воситасидан фойдаланиб эшиттирилади. Ўқувчиларнинг асарни идрок этиш жараёни эстетик, таълимтарбиявий таъсирни таъминловчи мазмунни яхлит синтезлаш деб умумий тарзда номланади. Бошқача айтганда, дастлабки синтезлаш ифодали ўқиш самарасига, нутқни тинглаб тушуниш сифатига боғлик.

5-синфдан эътиборан бадиий асарлар турли даражада мураккаблашади, ёзувчи танлаб ишлатган айрим нотаниш сўз ва сўз шакллари, тимсоллар ҳам ортади. Натижада идрок жараёни ҳам маълум даражада қийин кеча бошлайди. Демакки, 5-синфда ўтиладиган дастурий материалларнинг 4-синфда эгалланган билим, кўникма ва малакаларга нисбатан мураккаблашиш даражасини ҳисобга олиш асосий тамойиллардан бирига айланади.

Тинглаб тушуниш учун ҳам, ўқиш учун ҳам ҳар гал маълум миқдорда 10–15 нотаниш сўз ортиб борадиган асарлар изчиллиги таъминланиши мақсадга мувофиқдир. Шу тариқа нофаол сўзлар миқдори пировардида 10 мингдан ортиши мумкин. Таълимдан кузатиладиган мақсад шу миқдор билан тавсифланадики, бу ҳолат таълимнинг юқори самара билан кечганлигидан далолат беради.

⁸⁷ Альбеткова Р. И. Методические рекомендации к учебнику «Русская словесность. От слова к словесности. 5 класс». – 2-е изд., стереотип. – М.: Дрофа, 2001. – С. 41.

Тинглаб тушуниш – психологик жараён. Бу жараённинг асосий хусусияти тинглаш вақтида асарда тасвирланган реал воқеликни, одамларнинг хатти-ҳаракатларини, воқеа-ходисалар содир бўлаётган макон ва замонни, асар қаҳрамонларининг қиёфасини тасаввурида жонлантириш тарзida амалга ошади. У баъзан асар бўйича сочиб юборилган тасвирлар – бадиий сўз кўмагида яратилган адабий қаҳрамонни ўзича тасаввур қилишга ва ушбу тасаввурига аниқлик киритиб боришга интилади.

Аёнки, матн мазмуни аста-секин, изчил англаради, асар қисмлари давомида тиниклашиб боради. Шундай бўлгач, аввало, гаплар мазмуни тушунилишига эътибор бериш лозим. Гап мазмунини тушуниш учун ундаги барча сўзларни қисқа муддатли хотирада сақлаб туриш зарур. Бунда ўқувчининг хотира чегараси ҳам маълум роль ўйнайди. И.П.Крицкая олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, “магнит тасмасига ёзиб эшиттирилган 8 сўзли гап баъзи бир 5 сўзли гапларга нисбатан хотирада тез сақлаб қолинади ва айтилади”⁸⁸.

Шуни таъкидлаш жоизки, “бир гап тузилишини иккинчисига қўшиш имконияти чексиз бўлган гаплар грамматик жиҳатдан тўғри бўлиши мумкин, лекин уларни рухшунослик нуқтаи назаридан эшитиб тушуниш учун тўғри деб бўлмайди”⁸⁹. Бошқача айтганда, гапларнинг тузилиш хусусиятлари ўқувчиларни уларни фикран таҳлил қилишга, англаш йўлида куч сарфлашга ундейди. Зоро, бундай гаплар *тез ўқилмаслиги* лозим. Масалан, ана шундай гаплардан бирини олайлик: “Розийнинг ўзига хос тиббий мактабида тарбияланган ва кейинчалик машҳур бўлиб кетган Абул-Қосим Муқонниъий ва Абу Бакр Рабиъ ибн Аҳмад ал-Ахавайний ал-Бухорий деган шогирдолари бўлиб, кейингиси бизгача етиб келган асари билан Шарқ табобати тарихида ўчмас из қолдирган” (Х.Ҳикматуллаевдан) гапини ўқувчи қуидаги соддароқ гапларга ажратган ҳолда бутун гап мазмунига қараб боради: *Розийнинг ўзига хос тиббий мактаби*

⁸⁸ Крицкая И.П. Некоторые синтаксические особенности материала для аудирования // Иностранные языки в школе, 1974. – № 4. – С. 25.

⁸⁹ Yo'ldoshev R.A. Ta'lim rus tilida olib boriladigan maktablarda o'zbek tilini o'qitish metodikasi: Monografiya. – Toshkent: Fan va texnologiyalar Markazi, 2015. – B.46.

бўлган. Абул-Қосим Муқонниъий ва Абу Бакр Рабиъ ибн Аҳмад ал-Ахавайний ал-Бухорий унинг шогирдлари дир. Улар Розийнинг тиббий мактабида тарбияланган. Абул-Қосим Муқонниъий ва Абу Бакр Рабиъ ибн Аҳмад ал-Ахавайний ал-Бухорий кейинчалик машҳур бўлиб кетган. Кейингисининг асари бизгача етиб келган. Аллома шу асари билан Шарқ табобати тарихида ўчмас из қолдирган.

Методист олим Р.А.Йўлдошев бундай ҳолатларга руҳшуносларнинг маълумотлари асосида шундай изоҳ беради: “Гапда сифатдош, ҳаракат номи, равищдошнинг ишлатилиши унинг кенгайишига олиб келади. Бунда бир гапга иккинчиси, иккаласига ўз навбатида учинчиси қўшилгандай бўлади. Натижада гапнинг сигими (чуқурлиги) ортиб боради. Бу эса унинг мазмунини тушуниш ва гапнинг ўзини айтиш ишини қийинлаштиради”⁹⁰.

И.П.Крицкая гап узунлиги ва чуқурлигининг тушунишга қандай таъсир қилиши юзасидан тажрибалар ўтказиб, 11 сўзгача узунликдаги гаплар тингловчи учун англаш қийинчилигини туғдирмаслигини аниқлаган. Узунлик 14–15 сўзга етгандан бошлаб тушуниш ва сўзма-сўз айтиш ёмонлашган. Буни муаллиф шундай изоҳлайди: “Тингловчининг қиска муддатли хотираси имкониятларидан ошиб кетган ҳолларда гапни қайта ифодалаш чоғида, одатда, гапнинг узунлиги ва чуқурлигига сабаб бўлган қисмларни “ташлаб юбориш” юз беради, яъни тингловчи қисқароқ ва саёзроқ гапни айта олади”⁹¹. Айтиш мумкинки, ўқувчи узун гапни ўз сўзлари тарзида қисқартириб идрок этади ва мазмунни шу тарзда эслаб қолади.

Асарни тинглаб тушуниш жараёнини яна бир руҳий-физиологик ҳолат қийинлаштиради: айтилаётган ҳар бир гап ичдан такрорлаб борилади. Бунда ички нутқ ишлайди.

“Нутқни эшитиб тушуниш жараёнининг мураккаблиги яна шунда кўринадики, тингловчи биринчи сўзни эшитгани заҳотиёқ шу сўзнинг

⁹⁰ Yo‘ldoshev R.A. Ta’lim rus tilida olib boriladigan maktablarda o‘zbek tilini o‘qitish metodikasi: Monografiya. – Toshkent: Fan va texnologiyalar Markazi, 2015. – B.146.

⁹¹ Крицкая И.П. Некоторые синтаксические особенности материала для аудирования // Иностранные языки в школе, 1974. – № 4.37 – С. 76.

андазаси бўлмиш тимсолини хотирага келтирибгина қолмай, шу сўз билан бирика оладиган бошқа сўзларни хаёлидан ўтказа бошлайди, яъни сўзловчидан илгарилаб бориб, кейинги айтиладиган сўзларни башорат қиласди”⁹².

Бу борада Э.Г.Погосяннинг қуйидаги фикрлари ҳам эътиборга лойик: “Нутқни эшишиб тушунишнинг тўғри бўлишида нутқ суръати, овоз тембри ва баланд-пастлиги, эшишиб машки ўтказилаётган вазият хусусиятлари, оғзаки нутқнинг услубий хусусиятлари, идрок ва товуш сигналларини қайта ишлаш, нутқни қабул қилувчининг шахсий тавсиф хусусиятлари, руҳий ҳолати, мотивлари ва бошқа шу кабилар ҳам катта аҳамиятга эга”⁹³.

Ноаниқ сўз англашга ҳалақит бериши мумкин: тингловчини шу сўз маъносини тушуниш учун бутун кучини сарфлашга ундейди. Масалан, “Фанорчи ота” ҳикоясининг биринчи гапидаёқ шундай вазият юзага келади: “ўксиз оқшом” бирикмаси асосида оқшомнинг қандай бўлишини тасаввур этиш, шу ҳақда ўйлашга мажбур қиласди. Бу эса асарнинг давомини тинглаш ва тушунишга салбий таъсир кўрсатади: баён мазмунига эътибор етарли бўлмай қўяди. Шунинг учун ўқитувчи асарни ўқиб беришдан ёки ифодали ўқий оладиган бирор ўқувчига ўқитишдан ёки аудиовосита орқали эшилтиришдан аввал ана шундай сўзларга олдиндан изоҳ бериши шарт.

Руҳшунос ва методист олимларнинг нутқни тинглаб тушуниш жараёнининг кечиши ҳақида берган маълумотларни қуйидаги тарзда санаб кўрсатиш мумкин:

- 1) асаддаги нотаниш сўз идрок жараёнига салбий таъсир кўрсатади: ўқувчиларнинг хаёли шу сўзда бўлади;
- 2) гапга сифатдошли, равищдошли, ҳаракат номили бирикмалар тарзида гапларнинг қўшилиши нутқни тинглаб тушунишни ниҳоятда қийинлаштириб қўяди;
- 3) бунда гапнинг узунлиги ва чуқурлигига сабаб бўлган қисмларни

⁹² Yo‘ldoshev R.A. Ta’lim rus tilida olib boriladigan maktablarda o‘zbek tilini o‘qitish metodikasi: Monografiya. – Toshkent: Fan va texnologiyalar Markazi, 2015, B.148.

⁹³ Погосян Э.Г.

“ташлаб юбориш” юз беради;

4) мазмуни тушунилган гаплар ёдда сақлаб қолинмайды, балки унудиши механизми ишга тушади: тасвирлар, хатти-харакатлар, фикрлар, ғоялар ёдда қолади;

5) гапларни ичда тақрорлаш баробарида шу гаплар айтила бошлаган чоғданоқ уларнинг шаклланиш варианtlари башорат қилинади; бу ҳол тингловчини толиқтиради;

6) нутқни эшитиб идрок этаётган ўқувчи оғзаки нутқнинг услуби айrim тил ҳодисалари ҳисобига китобий нутқ услубидан фарқланаётганига эътибор беради;

7) нутқни тинглаш жараёнида ўқувчиларда тил ҳодисаларига нисбатан нофаол сўз бойлиги тўпланади.

Асарда нотаниш деб ҳисоблаш мумкин бўлган сўзни тушунтиришдан ташқари, мазмунини тушуниш қийин бўлган гап ҳам асарни эшиттиришдан олдин таҳлил қилинади: асадан ажратиб олинган мураккаб гап дарстахтага ёзилади, асосий гапга қўшилган гаплар ажратилади. Бадиий асада бундай гаплар бўлмаслиги ҳам мумкин, чунки ёзувчи ихчам, қисқа-қисқа гаплардан фойдаланишга интилади.

Табиийки, эшиттириладиган ҳикоя орфоэпик талаффуз асосида ифодали ўқилган бўлиши керак. Агар сўз ва сўз шакллари қандай ёзилган бўлса, шундай талаффуз қилинса, тилнинг ифода жозибаси йўқолиб, жонли сўзлашувдан узоқлашади. Аслида ҳар қандай тилнинг тириклиги сўзлашув нутқининг мавжудлиги билан белгиланади: ёзма нутқ сўзлашув нутқи жозибасини ифода эта олмаслиги ҳаммага аён ҳақиқат.

Ўқитувчи ўзининг кириш сўзида асар дебочасидан бир парча ўқиб эшиттиришини, бунда орфоэпия меъёрларига амал қилиб талаффуз қилишини айтади. Шу ўринда методист олим Р.Йўлдошевнинг ташвишланиб ёзган “Махсус шакллантирилган орфоэпия қоидаларни ўргатайлик” деган мақоласида таъкидланишича, “Адабий тилнинг орфоэпия

қоидаларига мос равища сўзланган нутқ маданиятлилик белгиси саналади.

...Шу боис сўзлашув нутқи турлича намоён этилиши мумкин:

1) адабий тилнинг орфоэпия қоидаларига мос равища;

2) шева таъсирида;

3) китобий нутқ таъсирида (орфографик талаффуз)⁹⁴.

Биз ўқитувчининг намунавий ўқиши бадий асарни орфографик эмас, балки орфоэпик меъёрга амал қилиб ўқишилиши зарур деб ҳисоблаймиз. Шубҳасиз, бу борада ўқитувчи ўзбек тилининг орфоэпик қоидаларини топиб ўрганиш билан боғлиқ қийинчиликларни ҳис этиши турган гап.

Орфоэпик меъёрга амал қилиб ўқиб эшилтирилган бадий асарнинг ўқувчилар томонидан қанчалик тушунилганлигини аниқлашда савол ва топшириқлардан фойдаланилади. Албатта, асарда тасвирланган бирор касб эгасининг (масалан, бўзчиларнинг) маърифий томони – уларнинг иш мазмуни асарни бир марта ўқиб эшилтиргандაёқ эслаб қолиниши қийин. Шунинг учун “Бўзчилар нима қилаётган эдилар? Бўзчиларнинг қўпи қандай одамлар? Улар нима ҳақида гаплашаётган эдилар? Асар қаҳрамонининг ўртоғи нима еяётгани билан мақтанди? У бобосидан нимани илтимос қилди? Бобоси охири нима деди?” каби саволлар билан масалага ойдинлик киритилади.

“Фанорчи ота” ҳикояси тинглангач, ўқувчилар аввал унинг асосий мазмунини – сюжетини гапириб берадилар. Сўнг қўйидаги мазмундаги саволларга жавоб қайтарадилар: Нима учун фанор ўрнатилган жой аянчли тасвирланган? Фанорчи ота фанорни ёқиши учун келгандаги чарчоғи қай тарзда тасвирланган? Фанор нима учун керак эди? Фанорлар бугунги кунда нималар билан алмаштирилган?

Кўринадики, саволлар матндан четга чиқмаган ҳолда тузилади. Чунки дарсда асарни қайта-қайта тинглаш имконияти деярли бўлмайди.

Тинглашдан сўнг таҳлил босқичи қийин кеча бошлаган пайтда савол ва топшириқ қамраб оладиган парчани қайта ўқиб эшилтириш, техника

⁹⁴ Йўлдошев. Р Махсус шакллантирилган орфоэпия қоидаларни ўргатайлик // Pedagogik mahorat. – Бухоро, 2020. – № 2. – Б. 131–133.

воситаси бўлса, уни қайта тинглатиш йўлидан бориш мақсадга мувофиқдир. Масалан, “Бола кўнгли пошишо” ҳикояси эшиттирилса, учала босқичда кўзда тутиладиган ишларни тўлиқ бажариш мумкин. Лекин “Дўнан” ҳикояси бирмунча мураккаб саналгани учун қисмларга ажратиб, қайта тинглаш йўли самара беради.

Хуллас, асарни тинглаб тушуниш унинг мазмунини тушунишга монелик кўрсатадиган тил ҳодисалари устидаги ишларни олдиндан амалга ошириш, ўқиш пайтида идрок этишдаги айрим хусусиятларни ҳисобга олиш лозим.

Бадиий асарни ўқишига доир лингводидактик ва методик асослар.

Одатда, инсон умрининг охиригача у ёки бу китобни мутолаа қиласди: унинг мақсади кўнгил очиш (вақтини кўнгилли ўтказиш), бирор нарсани билиш (у ҳақда маълумот олиш) ва бошқалар бўлиши мумкин. Зеро, етук китобхон нимани қандай ўқиш кераклигини чукур англайди. Лекин бу даражага етгунга қадар ўқувчи ёшида ўқищдан сабоқ олишга муҳтож бўлади.

Адабиёт ўқитиши методикасида насрый бадиий асарни ўқиш ва таҳлил қилиш усуллари ҳақида М.Мирқосимова, Б.Тўхлиев, Қ.Йўлдошев, Қ.Хусанбоева, Р.Ниёзметова, Д.Исломова каби методист олимлар атрофлича сўз юритганлар, ўзларининг қимматли маслаҳатларини баён қилганлар. Биз адабиёт дарсларида бадиий асарни ўқиш ва таҳлил қилиш масалаларини (стандартда белгиланган ўқиш компетенциясини шакллантириш муаммоларини) ёритишида ана шу адабиётларга суюндиқ.

Адабиёт дарсида насрый бадиий асарни (ҳикояни) ўқиш жараёнини ташкил этишида кенг қамровли мақсад ва вазифалар амалга оширилиши талаб қилинади. Ўқиши, асосан, уч босқичда ташкил қилинади:

- 1) тайёргарлик қўриш;
- 2) ўқиши;
- 3) асарни таҳлил қилиши.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳикояни ўқищдан олдин онглиликни таъминлаш учун муайян ҳозирлик кўрилади: асардаги матн орқали англаш

қийин бўлган сўз ва сўз бирималарини тушунтириш, айрим мураккаб гапларни англатиш амаллари бажарилади. Шу орқали асар мазмунини самарали тушуниш имкониятлари вужудга келтирилади.

С.И.Камбарова ўқувчиларни мустақил мутолаага тайёрлаш ҳақида гапириб, шундай ёзади: “Ўқитувчи матн билан ишлашда асарга қизиқиши уйғотиши, матн мавзуси ҳақида мушоҳада юритишига йўналтириш, контекстни тушунишига тайёрловчи ўқищдан олдинги; билиш, тушуниш, тахлил қилиш, асарнинг муҳим ўринларига аҳамият қаратиши, сўз маъноси устида ишлашга доир ўқиш давомидаги; синтез, қўллаш ва баҳо бериш каби ўқищдан кейинги босқичларга ажратиб режалаштириши мақсадга мувофиқлиги белгиланган”⁹⁵.

Бадиий асарни ўқищда, айниқса, уни ифодали ўқий олиш учун унинг мазмунинигина эмас, балки тагмаъносини ҳам тўлиқ ва тўғри англаш керак. Бунинг учун, биринчи навбатда, нотаниш сўз ва сўз шакллари, айниқса, асосий мазмун ва ғоя билан боғланган сўзлар устида олдиндан лексик-грамматик машқлар ўтказилиши лозим. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Ўқищдан аввал айрим нотаниш сўз, сўз шакллари билан танишиш. Адабиёт дарсларида бадиий асарни ўқищдан олдин етарли даражадаги луғат иши ўтказилиши керак. Ўқитувчи ўз тажрибасидан, кузатишларидан, синф ўқувчиларининг билим савиясидан келиб чиқиб энг муҳим сўзларни матнни ўқишига қадар изоҳлаб ўтади ёки бу ишни ўқиш жараёнида мутолаага халақит бермайдиган қилиб амалга оширади.

Асарни ўқищдан олдин унинг номи мазмунга ишора қила оладиган бўлса, ўқувчиларни асар нима ҳақда бўлиши мумкинлигини тахмин қилиб айтишга ундаш уларни фикр баён қилишига даъват этиш усули сифатида муайян аҳамиятга молик. Масалан, “Фанорчи ота”, “Дўнан”, “Бола кўнгли пошшо” ва бошқа бир қатор ҳикояларнинг номланиши асосий мазмунга ишора қиласди. Албатта, ўқувчилар бир оғиз сўз билан ўз фикрларини билдирсалар, ўқитувчи саволлар ёрдамида уларни яна нима ҳақда гап бўлиши мумкинлигини айтишга ундейди.

⁹⁵ Камбарова С.И. Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш технологияси: Пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. – Б.15.

Ўқувчиларнинг ўқиб, мазмунини тушунишлари учун савияга мос асарлар танланади, албатта. Бу нарса асосий тамойил саналади. Савияга мос деганда, асарда ёзувчи ишлатган сўз ва сўз шаклларининг маъно жиҳатдан ўқувчи ҳаётига яқин бўлиши, тасвиrlанаётган воқеа-ҳодисаларнинг улар ҳаёт тажрибасидан жуда йироқлашиб кетмаслиги, жанр хусусиятлари хисобга олинганлиги тушунилади.

Айрим ўқитувчиларнинг, ҳатто баъзи методист олимларнинг таъкидлашларича, ўқувчиларни бадиий асарни аниқ бир мақсад билан ўқишга йўналтириш учун ўқишдан аввал икки-уч савол ва топшириқ бериб қўйилади. Ушбу савол ва топшириқлар дикқат билан ўқищ, мушоҳада юритиш, керакли жавобларни излаш вазиятини юзага келтиради, матнни чуқурроқ идрок қилиш ва мазмун-моҳиятини ўзлаштиришни таъминлашга ёрдам беради (*2-иловага қаранг*).

Қ.Хусанбоева сухбатни ўқувчиларнинг қизиқишларига эътибор берган ҳолда ўтказиш кераклиги ҳақида гапириб, шундай ёzáди: “Йўлга қўйилган алоқа – ўқитувчидан биринчи саволдан кейин ўқувчилардаги сухбатга бўлган қизиқиш кайфиятини илғаб олиш, савол тушунарли бўлганини ҳис қилган ҳолда сухбатни янги-янги йўналишларга буришни талаб қиласди”⁹⁶.

Ҳикоя ўқитувчи томонидан тўлик ўқиб берилиши мумкин. Ҳикоя каттароқ бўлса, ўқишини ўқитувчи бошлаб беради, ўқувчилар давом эттирадилар. Дарсда ўқиш кўп вактни оладиган бўлса, тўхтатилиб, қолган қисмини уйда ўқиш топширилади. Бу ўқиш асарни илк бор ўқиш саналади. Илк бор ўқишида ўқувчилар ўқитувчи ўқигандаги пайқаган кўпгина тафсилотларни сезмайдилар, бунинг устига улар бадиий матнда муҳим роль ўйновчи асар қаҳрамонининг ички оламини тавсифловчи лексикани, баҳо берувчи сўз ва ибораларни тушунмасликлари мумкин.

Р.И.Альбеткованинг фикрича, “VI синфда ўрганилган синтаксис оддий прозаик асардан парча ўқишига мустакил тайёргарлик кўриш ва ўқиш; VII синфда прозаик асардан синтакаксис мураккаб ҳамда оҳанги

⁹⁶ Хусанбоева Қ. Адабий таълим жараёнинда ўқувчиларни мустакил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари: Пед. фан. док. ...дисс. – Тошкент, 2006. – Б.82.

(тоналлность) ўзгариб туралдан парчани ўқишига мустақил тайёргарлик кўриш ва ўқиши усули қўлланиши мумкин”,⁹⁷

Ўқишига тайёргарлик жараёнида қуйидаги омиллар эътиборга олинади:

- асарни ким биринчи бўлиб ўқиши;
- онглиликни таъминлаш учун асарни ўқиши тезлигига, овознинг баланд-пастлигига эътибор бериш кераклиги;
- ифодали ўқиши билан боғлиқ муаммолар;
- қайта ўқиши, уйда (мустақил) ўқиши;
- ўқиши жараёнида нутқ ўстириш.

Методик адабиётларда бадий асарни аксарият ҳолатларда ўқитувчи биринчи бўлиб ўқиши зарурлиги таъкидланади. Унинг ўқиши намунавий бўлади. Айниқса, 5-синфда хали ўқувчиларда асарни ифодали ўқишига тайёргарлик кўрила бошлаганда унинг намунавий ўқиши яхши самаралар беради:

Ўқитувчи бадий асарни ўқиб беришдан аввал уни орфоэпия меъёрларига амал қилиб (сўзлашув услубида) ўқиши кераклигини эслатади. Ўзи ҳам, ўқувчилар ҳам шу тарзда ўқишига ҳаракат қиласди. Лекин, афсуски, ўқишида ҳамон орфографик талаффуз хукмронлик қилмоқдаки, бунда сўз шакллари ёзилганидек айтилмоқда. Масалан, жонли сўзлашувда қаратқич келишиги қўшимчаси **-нинг** аксар ҳолатларда **-ни** деб талаффуз қилинади: **мени (мани)** укам (**менинг** укам ўрнига).

Ўқитувчи ўзининг кириш сўзи охирида савол ва топшириклар бериши мумкин. Улар ўқувчиларни матн мазмунни сари йўналтиради. “Бусиз ўқувчиларнинг асарни тўлиқ идрок қилишларига эришиш мушкул”,⁹⁸.

Ўқитувчи асарни роллар бўйича ёки аралаш тарзда (ўқувчилар ва ўқитувчи, техника воситаси) ўқишини ташкил этадиган бўлса, ўзи қуйидаги

⁹⁷ Альбеткова Р.И. Методические рекомендации к учебнику «Русская словесность. От слова к словесности. 5 класс». – 2-е изд., стереотип. – М.: Дрофа, 2001. – С. 88.

⁹⁸ Сариф Ш.У. Бошлангич синф ўқиши дарсларида матн устида ишлаш орқали нутқ ўстириш методикасини такомиллаштириш (1–2-синф материаллари мисолида): Пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2021. – Б. 27.

ўринларни ўқиши маъқул: диалоглар; тасвирий лавҳалар; асарнинг бошланиш қисми; асарнинг хотима қисми.

Ўқувчиларнинг ўқишидаги онглиликни таъминлаш учун ўқиш тезлиги (суръати)га алоҳида аҳамият берилади. Р.А. Йўлдошевнинг “Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини ўқитиш методикаси” номли монографиясида бир дақиқада 60–80 сўз ўқиш секин, 90–120 сўз ўқиш ўртача (нормал) тезлик, 130 ва ундан ортиқ сўз ўқиш тез ўқиш саналиши манбалар асосида тушунтирилади, ифодали ўқишининг секин ўқиш тарзида, асардан ахборот излаб ўқиш учун нормал, тез, жуда тез ўқишидан фойдаланилиши таъкидланади. Муаллиф овознинг иштирокига кўра ўқишининг қуидаги турларини ажратади: “баланд овоз чиқариб ўқиш, паст овоз чиқариб, кўпроқ ичдан ўқиш, кўз югуртириб (ичда овозлантирмай) ўқиш. Киши матн мазмунини, ғоясини тўлиқ тушунишни мақсад қилиб қўйса, уни ичдан ҳижжалаб ўқийди. Бирор фактни, тил ҳодисасини аниқлаш учун эса кўз югуртиришга яқин ҳолатда ичдан ўқийди. Матн кўз билан ўқиласди. Кўз югуртириб ўқиш тезлиги бир дақиқада 180–190 сўздан тортиб 350 сўзгacha етади”⁹⁹.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, баъзи ҳолларда китобхон бадиий асарни кўз югуртириб ўқийди. Бунда уни кўпроқ тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларнинг қай тарзда кечиши қизиктиради. Ваҳоланки, ўқиш орқали асардан маънавий озука олиш, таъсирланиш ва шу асосда завқланиш ҳиссини туйиш асосий мақсаддир.

Одатда, ўқитувчилар бадиий асарни ўртача, баъзан ундан тезлаштириб ўқийдилар. Бундай ўқиш ифодали ўқишининг талаб даражасида бўлмаслигига сабаб бўлади. Баланд овоз чиқариб ўқиш ўзгаларга эшиттириб ўқиш хисобланади. Бунда ўқиётган одам мазмун компонентларига етарли эътибор бермайди ва ундан ўқилганларни сўзлаб беришни талаб қилиш ноўрин.

Баъзан телекўрсатувларда айрим сухандонлар сўзларни кетма-кет қалаштириб, яъни синтагматик бўлинишларга риоя қилмай ўқийдилар ёки

⁹⁹ Yo‘ldoshev R.A. Ta’lim rus tilida olib boriladigan maktablarda o‘zbek tilini o‘qitish metodikasi: Monografiya. – Toshkent: Fan va texnologiyalar Markazi, 2015. – B.10.

шу тарзда гапирадилар. Бундай пайтда ҳам гаплар мазмунини англаш жуда қийин бўлади. Аксинча, баъзи ўқувчилар гапларнинг ҳар бир сўзини айрим-айрим, яъни синтагмаларга бирлаштиrmай ўқийдилар. Бунда ҳам мазмуннинг англаниши қийин бўлади. Иккала ҳолат ҳам таълимий чоратадбирлар кўришни тақозо этади.

Ҳикоя каттароқ бўлса, бирдан ортиқ дарсларни узвийлаштириш муаммоси туғилади. Бунда мазмундаги ва иш турларидағи узилишларга йўл қўймаслик зарур бўлади.

Адабиёт дарсларида бадиий асарни ўқиш жараёни ҳам ахборот олиш билан, ҳам кўнгил очиш билан боғлиқ равища кечади. Асадан завқ олиш икки жиҳат: ҳам мазмун, ҳам овоз жилолари таъсирида содир бўлади. Лекин дарсда бадиий асарни ўқиш ушбу жараёндан кўзланадиган мақсадга боғлиқ равища овознинг баланд-пастлигига эътибор берилади.

Хуллас, ўқувчи асарни паст овоз билан ёки ичдан ўқиганда мазмунини тушуниб ўқийди, баланд овоз чиқариб ўқиганда эса, асосий эътибор қай тарзда ифодали ўқиш кераклигига бўлади. Ифодали ўқиш тезлиги секин, ахборот излаб ўқиш эса нормал ёки тез бўлиши мумкин. Бирор тил ходисасини ёки далилни топиб ўқиш кўз югуртириб ўқиш тарзида амалга ошади. Тушунганликни назорат қилиш мақсадида таҳлил қилиш усулларига мурожаат этилади.

Муаллим асарнинг айрим ўринларини гапириб берганда ҳам, ифодали ўқиганда ҳам таъсирили сўзлаш усулини қўллайди. Зеро, сўз усталари ҳам асар матни билан танишмасдан туриб, дафъатан таъсирчан ўқишга бел боғламайдилар. Ифодали ўқиш маълум даражада асарнинг қандай руҳда ёзилганига ҳам боғлиқлиги ҳаммага аёнки, сухандон дастлаб ана шу жиҳатни аниқлашга ҳаракат қиласди. *Бизнингча, айни шу нарса – асарда воқеа-ҳодисаларнинг баён қилиниши тарзи (бирор нарсадан қувониши, нимадандирхафа бўлганлик, нимадандирҳайратга тушганлик, жиодий маълумотлар маълум қилинаётганлиги ва бошқалар ифодали ўқишининг дикқат марказида турса, айни шундай ўқииши таъсирчан сўзлашга*

ўргатишнинг муҳим омилига айлантирилиши керак.

Амалиётда аксарият ўқитувчилар бадиий асарни сўзлашув услубида эмас, орфографик ўқийдилар. Сухандонларнинг видеога туширилган ўқишидан камдан-кам ҳолатларда фойдаланадилар, ўқиш пайтида идрок жараёнига халақит берган ҳолда нотаниш сўзларни изоҳламайдилар.

“Нутқнинг ифодали бўлиши учун асарни секин, гапларни синтагмаларга бўлиб, маъно ургуларини жой-жойига қўйиб, овознинг жилоланишини таъминлаб ўқиш лозим. Ёзувчилар гап тузаётганда жумлаларнинг қисқа-қисқа бўлишидан ташқари, ритм бўлишига ҳаракат қилишади. Бадиий нутқда ритмнинг аҳамияти бир неча баробар ортади”¹⁰⁰.

Ифодали ўқишида қайси асар қаҳрамони қай тарзда гапириши тахмин қилинади, ёзувчининг тавсифи аниқланади, ўқувчиларнинг бу ҳақдаги фикрлари тингланади, улардан турли ҳолатларда ўқиш намуналарини ўқиб кўрсатиш сўралади. Методист олима Қ.Хусанбоева “Урушнинг сўнгти курбони” ҳикоясини ифодали ўқиш ҳақида шундай ёзади: “Ўқитувчи матнни ўқиётганда Шоикромнинг ҳолати ифодаланган ўринларни толиқкан, онанинг сўзларини янада юмшоқ, Хадичанинг овозини қалбакироқ оҳангда, муаллифнинг сўзларини қатъйироқ, Шонеъматнинг овозини дардли, синик тарзда ифодалashi керак бўлади”¹⁰¹. Маълум бўладики, асар қаҳрамонларининг руҳиятини яхши тасаввур қилиш, ҳар хил вазиятларда турлича ўқилиши ўқувчиларга таъсирли ўқиш ва гапириш борасида сабоқ беради. Бундай ҳолатларни тасаввур қилиш эса инсонни, айни пайтда, ўзини билишга йўналтиради.

Ифодали ўқиш, шунга мос равища ўқиш тезлигини танлай билиш ҳам онгли, тушуниб ўқишига ижобий таъсир кўрсатади. Ўқиш равонлиги тушуниш тезлигига бевосита боғлиқдир. Матн мазмунини англашдаги қийинчиликлар жуда секин ўқишига сабаб бўлади. Бундай ўқиш пайтида матн мазмунини тушунишга бўлган эътибор кучаяди. Демак, ўқиш тезлиги ва

¹⁰⁰ Совершенствование преподавания литературы в школе. – М.: Просвещение, 1986. – С. 84.

¹⁰¹ Хусанбоева Қ. Адабиёт – маънавият ва мустакил фикр шакллантириш омили. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. –Б.66.

равонлиги тушуниш сифатини ҳам белгилаб беради. Шу боисдан таъкидлаш жоизки, ўқиш тезлиги тушуниш тезлиги билан баравар ривожланиши керак. Гапириш равонлиги эса фикрларнинг оқиб (қуиилиб) келиш тезлигига боғлиқдир.

Ифодали ўқишининг нутқий ривожланишдаги роли равшан: аввало, ўз навбатида, хилма-хил малакаларнинг яхлит мажмуи ҳисобланувчи овоз чиқариб ўқиш малакаси ва одам нутқий мулоқотининг тинглаш каби тури учун жуда муҳим саналувчи нутқий мулоқот малакаси такомиллашади, тил ҳодисаларининг фаоллашуви юз беради. Афсуски, кузатишлар шуни кўрсатадики, айрим ўқитувчилар асарни ифодасизга яқин ўқийдилар.

Ифодали ўқиш ўзига хос қийинчиликларга эга: матнни овозлантираётган одам оҳангни, синтагматик талаффузни ва бошқаларни қойиллатиш учун шу ҳақда ҳам ўйлай боради. Бундай ўйлашлар, табиийки, равон ўқишидаги идрок сифатини пасайтиради. Шунинг учун методикада матнни ифодали, баланд овоз чиқариб ўқиган одам дафъатан ўқиганлари мазмунини гапириб бера олмайди, деган фикрлар бор.

Ўқитувчи изоҳлаб ўқиши мумкин. Бу ўқиш алоҳида ўқиш бўлиб, бадиий матнни ифодали ўқиш учун зарурлиги ҳамда англаш тавсифини очиб берадиган ўқиш ҳисобланади. Масалан, ўқиш давомида йўл-йўлакай “муҳандис”, “сухандон”, “етук”, “толе” каби сўзларнинг маъноларига аниқлик киритиш ўринли бўлади.

Ўқитувчи бадиий матнни қанча ўқимасин, ифодали ўқиш намунасини кўрсатмасин, нутқининг ифодалилигига қанча вақт ажратмасин, агар ўқувчиларнинг ўзи ўқимаса, бадиий ўқиш тарзида ёд олмаса, овоз чиқариб ўқимаса, мунтазамлилик бўлмаса, кутилган самара ҳосил бўлмайди.

Қайта ўқиш, уйда (мустақил) ўқиш. Адабиёт дарсларида муаммоли савол ва топширикқа жавоб топиш, адабий-танқидий иншо ёзишга тайёргарлик кўриш, дарсда ҳосил қилина бошлаган ифодали ўқиш кўникумларини мустаҳкамлаш, ҳикоя матнини қисмларга бўлиб, ҳар бир

қисмга сарлавҳа топтириш каби мақсадлар билан синфда ёки уйда асарни, унинг бирор қисмини овоз чиқариб ёки ичдан мустақил равища қайта ўқийдилар. Афсуски, айрим ўқитувчилар синфда қайта ўқиш учун ҳам, мустақил равища жавоб излаш учун ҳам вақт ажратмайдилар.

Қайта ўқиш ҳар гал асардан янгилик очиши, қизиқиши туғдириши ва аста-секин асарнинг ўзини такрор мутолаа қилишга, мустақил бўлишга ундаши лозим. Мустақил ўқиш жараёнида ўқувчилар нималарга эътибор бериш кераклигини билмайдилар. Улар одатда тасвирларни, ёзувчининг изоҳларини ташлаб кетишга мойил бўладилар. Ҳолбуки, айни шу ўринлар тимсол яратища мухим ўрин тутади. Шунинг учун дарсда муаммоли савол ва топшириқ билан боғлиқ парчани қайта ўқишга имкон бериш лозим.

Юқорида айтилганидек, “асарни илк бор мустақил ўқир экан, ўқувчи ўқитувчи ўқигандаги идрок этиладиган кўпгина тафсилотларини пайқамайди”¹⁰².

Амалиётда ўқитувчилар, асосан, 5-синфда, қисман 6-синфда дарс бошида аввалги дарсда ўқилган, яна бир бор уйда ўқиб чиқиши топширилган бадиий асарни (ҳикояни) ўқувчиларнинг қанчалик ўзлаштирганликларини назорат қилиш мақсадида ё мазмунини сўзлатиш ёки асар юзасидан саволлар бераб, жавоб олиш усулларини қўллайдилар. Ушбу усуллар бошланғич синфларда бажариладиган иш турлари билан уйғунлашиб, таълим босқичлари ўртасидаги узлуксизликни таъминлайди. Лекин юқори синфларда бу усул ўрнини асардаги муаммоли вазиятлар билан боғлиқ саволлар асосида ўқувчиларнинг ўз фикрларини билдиришлари, мустақил мушоҳада юритишга даъват этиш эгаллайди. Зоро, М.Р.Лъвов, В.Г.Горецкий, О.В.Сосновский сингари бир қатор методист олимлар ўқувчи-ёшларга бадиий асар мазмунини сўзлатиш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблайдилар. Ўқувчилар ҳикояни уйда ўқиган-ўқимаганликларини аниқлаш муносабати билан айрим лавҳаларини гапиртириш усули қўлланади.

¹⁰² Совершенствование преподавания литературы в школе. – М.: Просвещение, 1986. – С. 86.

Ўқиши жараёнида нутқ ўстириш ўзига хос тарзда содир бўлади. Бу ўзига хослик янги сўз ва грамматик воситалар, сўзларнинг илгари учратилмаган маънолари, кўчма маънолари, тимсол яратиш имкониятлари билан пассив (tinglab ва ўқиб тушуниш) даражасида юз беради. Асарни ифодали ўқиши ҳам нутқий машқнинг бир тури ҳисобланади: гапдаги ҳамма сўзлар ўз ва кўчма маънода англашган бўлиши керак. Айни пайтда китобхон асар, унда тасвирланган ҳаётий муаммолардан сабоқ олиши, улар ҳакида ўйлаши, ўзини ўша вазиятга қўйиб кўриши, ўзи нималар қилиши мумкинлигини фараз қилиши ва бошқа шу каби мушоҳадалар муносабати билан, яъни мустақил фикрлашга уриниш тарзида ўзи сезмаган ҳолда нутқини ўстиради. Асар ўқилгандан кейин ўкувчилар унинг мазмунини қанчалик тушунганлиги саволларга жавоб олиш, қайта ҳикоя қилдириш, ўз муносабатини билдиришга даъват этиш каби йўллар билан аниқланади. Агар асарни ўқишидан аввал бир нечта савол ва топшириқ бериб қўйилган бўлса, шулар ҳам тушунганликни назорат қилиш усулига айланади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўқилганларни таҳлил қилиш дарснинг алоҳида босқичи саналиб, ўқиши жараёнига уланиб кетади, лекин бевосита ўқиши жараёнининг таркибиға кирмайди.

Бадиий асарни ўқиши жараёнида китобхон ўзини хаёлан у ерда тасвирланган воқеалар оламида тасаввур қилиб кўради. Қаҳрамон ўрнида ўзи нима қилган бўлиши мумкинлигини ўйлайди. Натижада асар қаҳрамонига ҳамдардлик, хайриҳоҳлик ҳисси пайдо бўлади. Хаёлан нималарнидир гапиради, режалаштиради. Нихоят, асарга бошқача нигоҳ билан қарашга, яъни ёзувчининг позициясини тушунишга ҳаракат қиласи. Асар ўқиб бўлингач, ўзича унга баҳо беради. Булар, ўз навбатида, бадиий оламни умумлашма ҳолида идрок этиш учун замин яратади.

“Бошланғич синф ўкувчиси, маълум даражада 5-синф ўкувчилари ҳам “ишонувчан реалист” бўлгани, улар ҳали “фаолиятли-образли фикрлагани” учун асарда тасвирланган воқеа-ҳодисаларни борича қабул қиласи, ундан

ғоя қидириб ўтирмайды, ёзувчининг позицияси хақида ўйламайды”¹⁰³. Шунинг учун бу даврда бадиий асар устида олиб бориладиган ишларнинг барча босқичларидан ўтишнинг иложи кам.

Г.А.Маматова асардан эстетик завқ олиш билан унга баҳо бериш жараёни бир вақтда содир бўлиши мумкинлигига психологлардан таянч қидиради. У шундай ёзади: “Психологларнинг фикрича, бошлангич синф ўқувчилари асарнинг бадиий дунёсига нисбатан икки хил муносабатда бўлади. Биринчиси – ҳиссий образли муносабат, яъни ўқувчи асар марказида турган образларга бевосита ҳиссий муносабатини билдиради. Иккинчиси – шахсий баҳолаш тури. Бу ўқувчининг ҳаётий ва китобхонлик тажрибасига боғлиқ бўлиб, унда таҳлил элементлари ҳам бўлади”¹⁰⁴. Бизнингча, китобхон асарни ўқир экан, ўзига ёққан ёки ёқмаган жиҳатларига баҳо бериб боради.

Асарга муносабат билдириш истаги ички нутқда мушоҳада юритиш тарзида кечади. Ўқитувчининг муаммоли савол ва топшириқлари ўқувчи учун фикр билдириш вазияти яратишга айни муддао бўлиб туюлади. Ўз фикрини баён қилиш имконияти юзага келадиган вазиятлар кўп. Чунончи, ҳикоянинг номи билан боғлиқ равишда унинг мазмунини тахмин қилиш топшириғи муҳим аҳамият касб этади. Асар мазмунини тўлароқ тушунишнинг таъминланиши ҳам, яъни ўқитувчининг ифодали ўқиши, айрим сўзларга, гапларга урғу бериши, овозини баландлатиши ёки пастлатиши ҳам, имо-ишоралари ҳам нутқ ўстиришга хизмат қиласи.

Адабиёт дарсларида бадиий асар мазмунини тушуниб ўқиши асосий мақсадлардан биридир. Ушбу мақсадга эришишнинг дастлабки қадами ўқиши техникасини яхшилаш, луғат ишини ташкил этиш бўлса, иккинчи қадами ўқишдан кўзланган мақсад ва вазифаларни маълум қилиш, асарни бўлиб-бўлиб ўқиши тартиби, қисмлар бўйича топшириқлар беришдир.

¹⁰³ Методика преподавания русского языка в начальных классах: учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений / М.Р.Львов, В.Г.Горецкий, О.В.Сосновская. – 3-е изд., стер. – М.: Издательский центр «Академия», 2007. – С. 113.

¹⁰⁴ Маматова Г.А. Бошлангич синф ўқиши дарсларида ўқувчиларда адабий тушунчаларни шакллантириш методикаси: Пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2020. – Б.64.

Хуллас, бадий асар ўқилмасдан анча олдин ўқитувчи болалар учун нотаниш бўлиши мумкин деб ҳисоблаган тил ҳодисаларини англатиш чорасини кўриши ва асар ўқилгандан кейин шундай тил ҳодисаларини аниқлаш мазмунидаги ишларни ташкил этиши ўқувчининг тил бойлигини оширишга ёрдам беради. Лекин ўқиши чоғида ҳам айрим тил ҳодисаларининг фаҳмлаш асосида англаниб бориши мумкинлиги таълимий чоралар билан қўшилиб, нутқий компетенциянинг тил жиҳатлари шаклланишини таъминлайди. Чунки нимаики тушунилмаса, ҳаммаси шунчаки ташлаб ўтиб кетилади. “Китоб ўқишига ўргатилмаган ўқувчи “асар коди”ни очиш учун бор кучини сарфлаши қийин. Шу сабабли сўз орқасида тимсол пайдо бўлмагандан кейин эмоционал карлик пайдо бўлади”¹⁰⁵.

Бадий асарни ё ўқитувчи ўқиб беради (бу иш кўпроқ 5-синфда ўтказилади) ёки олдиндан ҳозирлик кўриш топширилган ўқувчига ўқитилади. Нихоят, дарс бошқа болаларнинг ўқиши шаклида давом эттирилади. Бадий асарни ўқиши дарсидаги тинглашнинг фарқли жиҳати шундаки, ўқувчилар асарни китобдан кузатиб борадилар, таҳлил жараёнида тинглаб тушуниш жараёнидан бошланган қисмни кўз югуртириб қайта ўқиб чиқиши имкониятига эга бўладилар.

Дарсда ўқишининг матн устида ишлаш билан тавсифланадиган бошқа усуллари ҳам қўлланиллади: сайланма ўқиши; сўз билан тасвирлаш; роллар бўйича ўқиши; муаллиф муносабати акс этган тил ҳодисаларини аниқлаш; ўқувчиларнинг ўзларига асар қисмлари бўйича савол беришни топшириш. Ўқувчилар савол берсалар, асар чукур ўқиб-ўрганилганидан далолат беради.

Иккиламчи синтез босқичида умумлаштириш, қайта-қайта ўқиши, ижодий топшириқларни бажариш каби ишлар бажарилади. Энг муҳими – асар ғоясини аниқлаш ҳисобланади.

“Методика преподавания русского языка в начальных классах” ўкув кўлланмасининг муаллифлари малакали китобхонни шундай

¹⁰⁵ Методика преподавания русского языка в начальных классах: учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений / М.Р.Львов, В.Г.Горецкий, О.В.Сосновская. – 3-е изд., стер. – М.: Издательский центр «Академия», 2007. – С. 113.

тавсифлайдилар: “Малакали китобхон бадий асарни бир вақтнинг ўзида икки нуқтаи назардан идрок этади: биринчидан, ичида тасвиirlанган ҳодисалар юз берадиган алоҳида олам сифатида, унга кириш, персонажларга ҳамдард бўлиш ва ҳатто ўзини уларга ўхшатиш мумкин (бу “ички” нуқтаи назар); иккинчидан, маҳсус мақсадлар ва муаллиф иродасига бўйсунадиган алоҳида қонунлар билан таркибланиб, унинг ўйлаб қўйган ғоясида мос келадиган реаллик сифатида (бу “ташқи” нуқтаи назар). Китобхонлик фаолиятида айни ушбу икки нуқтаи назарнинг гармоник бирлашуви график белгиларни овозлантира оладиган индивидни китобхонга айлантиради.

Малакасиз, таълим олмаган китобхон ҳам икки турли бўлиши мумкин:

1) фақат “ички” нуқтаи назарда турган, ўзини матндан ажратмайдиган, фақат ўзининг ҳаётий тажрибасига асосланиб ёзилганларни идрок этадиган одам. Бундай китобхонлар “ишонувчан реалистлар” деб номланадилар...

2) фақат “ташқи” нуқтаи назарда турадиган ва асардаги оламни ўйлаб топилган ҳаёт ҳақиқатидан маҳрум сунъий тузилма (конструкция) нарса деб қабул қиласиган одам. Бундай китобхонлар ўз шахсий қоидаларини муаллиф қадриятлари билан солиштирмайдилар, муаллифнинг позициясини тушуна олмайдилар, шунинг учун ҳиссий жавоб бермайдилар ва асарга эстетик таъсир билан жавоб қайтармайдилар”¹⁰⁶.

Кўпинча асарнинг мураккаб шакли унинг мазмунини тушунишга тўғаноқ бўлиши мумкин. Щунинг учун уларни “ташқи нуқтаи назар”га ўргатиш мухим вазифа саналади, яъни болалар бадий асар структурасини аниқлашлари ва бадий оламнинг қандай қурилиши қонуниятларини ўзлаштирилишлари даркор.

Нима қучли таъсир қилганлиги, нима хотирага ўрнашиб қолганлиги ва буни ички нигоҳ, ички тинглов билан қўриш керак. Бадий асарда воқеа-ҳодисалар, асар қаҳрамонларининг ҳатти-ҳаракатлари, ўрин-жой,

¹⁰⁶ Методика преподавания русского языка в начальных классах: учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений / М.Р.Львов, В.Г.Горецкий, О.В.Сосновская. – 3-е изд., стер. – М.: Издательский центр «Академия», 2007. – С. 112.

нарса-буюм тасвирлари шунчаки баён қилинмайди. Улар бирор ғоя нұқтаи назаридан тимсолларга бирлаштирилади. Айримларига ёзувчи томонидан муносабат билдирилади, тасвирларда ҳам муаллифнинг позицияси сезилиб туради. Китобхон асарнинг ана шу жиҳатларига эътиборли бўлишдан ташқари, сўз ишлатиш маҳорати, ўз нутқини бойитиш мумкин бўлган жиҳатларига аҳамият қаратиши лозим. Демак, асарда ёзувчининг сўз маҳорати-ю, ҳар бир деталга муносабати мухим роль ўйнайди. Ана шулар китобхонни асар ғоясини англашга яширин тарзда тайёрлайди.

Савол ва топшириклар асар матнига таяниб, ундан узоқлашмаган ҳолда жавоб қайтаришни тақозо этмаслиги лозим. Акс ҳолда ўқувчилар дарсликдаги жўнгина тайёр жавоб гапларни ўқиб бериши ёки шу мазмунни ўз сўzlари билан ифодалashi мумкин. Лекин шуни ҳисобга олиш зарурки, бадиий асарнинг мазмунини тушуниш нұқтаи назаридан тингланган қисмлари билан ўқувчининг ўзи ўқиган қисм орасида фарқ бўлади: улар бир хил даражада бўлмайди. Бадиий асарни ўқишига тайёргарлик ва бевосита ўқиш, асарни таҳлил қилиш жараёнида йўл-йўлакай сўзлашув услуби ҳақида баъзи маълумотлар бериб борилиши мумкин.

Руҳшуносларнинг фикрича, ўқувчилар асарга икки хил кўз билан қарайдилар:

- а) ҳиссий-тимсолли;
- б) интеллектуал-баҳоловчи.

Биринчиси, асардан таъсирланиш натижасида юзага келади, иккинчиси эса, ҳаёт тажрибаси маҳсули саналади.

Хуллас, адабиёт дарсларида бадиий асарни тинглаб тушуниш ва ўқиши мазмунидаги ишлар жараёни лексик-грамматик қийинчиликларни бартараф этиш, ҳиссий-эстетик таъсирни юзага келтирувчи асар мазмунини тўлиқ тушунгандик, ифодали ўқиш талаб даражасида амалга оширилганлик ва бошқа шу каби омиллар орқали намоён бўлади.

2.2-§. Сабоқларда адабий-нұтқий компетенцияларни шакллантиришнинг замонавий метод ва усуллари

Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш (асар мазмунини қайта ҳикоя қилиш, баён, асар қаҳрамонларини қиёсий тавсифлаш, ёзувчининг маҳоратига баҳо бериш, воқеа-ходисаларни таҳлил қилиш сингари масалалар билан боғлиқ мавзуларда адабий-назарий иншолар ёзиш) муаммолари С.Долимов, У.Долимов, Б.Тұхлиев, М.Мирқосимова, Қ.Йўлдошев, С.Матчонов, О.Мадаев, Қ.Хусанбоева, Р.Ниёзметова, В.Қодиров ва бошқа бир қатор олимлар томонидан муайян даражада ёритилган, ўринли тавсиялар баён қилинганды. Кейинги даврда асар унсурлари юзасидан мустақил равишда мушоҳада юритиш, болаларни мустақил фикрлашга ўргатиши йўналишида тавсиялар ёритилган. Бу йўналишда кенг изланиш олиб борган методист-олимлар сирасида профессорлар: Қ.Йўлдошев, Қ.Хусанбоева, Р.Ниёзметовалар томонидан муҳим ёндашувлар таклиф қилинганды. Айни пайтда матбуотда муайян йўриқлари билан қатнашаётган тадқиқотчилар сони ҳам ортиб бормоқда. Лекин бу ишларда ўқувчиларнинг муаммоли савол ва топшириқларни бажаришлари билан боғлиқ оғзаки нутқи, ушбу нутқнинг сўзлашув услубига хосланиш даражаси тадқиқ қилинаётганича йўқ.

Асар қаҳрамонларига тавсиф бериш мазмунидаги иншоларда ўқувчилар тавсиф (баҳо) берувчи тушунчалар билан иш кўрадилар. Бу тушунчаларни билиш муайян қийинчиликлар билан боғлиқ. Бу масалаларни А.Т.Болтаева ўзининг “Адабиёт дарсларида ўқувчиларни бадий асар қаҳрамонларини танқидий баҳолашга ўргатиши технологияси” мавзусидаги тадқиқот ишида¹⁰⁷ маълум даражада ишлаб чиқишига эришган. Асар қаҳрамонларига танқидий баҳо бериш ёзувчининг асар қаҳрамонига бериб борган баҳосига (*соғдил, вафодор, садоқатли, куюнчак* ва б.), ўқувчиларнинг ўзлари асар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатларидан келиб

¹⁰⁷ Балтаева А.Т. Адабиёт дарсларида ўқувчиларни бадий асар қаҳрамонларини танқидий баҳолашга ўргатиши технологияси: Пед. фан. бўй. фалс. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – Б.46.

чиқиб берадиган баҳолари (тиришқоқ, меҳнатсевар, самимий ва б.) асосида амалга оширилади. Аёнки, ўқувчилар асарни ўқиш давомида баҳо берувчи сўзларни ажратиб, қайдлаб боришлари, ўзлари баҳо беришлари лозим бўлади. Булар адабий-нутқий компетенцияни шакллантиришнинг бир қиррасини таъминлаб беради.

Амалиётда ўқувчилар нутқини ўстириш ишлари нотаниш сўзлар устида ишлаш, ўқилган асар мазмунини сўзлатиш, саволларга жавоб олиш, муаммоли савол ва топшириқларга бир қадар ёйик жавоблар олиш, адабий мавзуда ижодий ёзма ишлар ёзиш тарзида ташкил этилади. Лекин бу юмушлар “ўз фикрларини оғзаки баён қилиш” компетенциясини шакллантириш учун етарли эмас. Авваламбор, айрим ёш ўқитувчилар ўқишдан олдин лексик-грамматик тайёргарлик ишларини амалга оширмайдилар, асар ўқилгандан кейин ҳам бундай ишлар деярли уюштирмайдилар. Ваҳоланки, айни шу ишлар ташкил этилмаса, ўқувчилар нутқи бойимади, деб ҳисоблаш мумкин. Чунки асар мазмунини қайта ҳикоя қилиш, асосан, ўз сўзлари ҳажмида амалга ошади. Ёшларнинг адабий-танқидий нутқи эса асар таҳлили жараёнида фаол иштирок этиш (гапириб туриш) орқали ривожланади. Эслатиш жоизки, адабиёт дарсларида бундай таҳлиллардан четда ўтирадиган, умуман гапирмайдиган ўқувчилар ҳам кўп. Шубҳасиз, ижодий ёзма иш ўқувчиларни бир қадар teng мавқега, вазиятга туширади: ҳамма таҳлил қиласи, ҳамма ўз фикрларини ёзади. Оғзаки нутқ ўстириш масалалари эса ўзига хос ёндашувлар, ўлчовлар, таълимий тадбирларни тақозо этиши важидан дастлаб шу ҳақда сўз юритамиз.

Ўз фикрларини оғзаки баён қилиш компетенциясини шакллантириш. Ўқув таҳлили жараёнида ўқувчилардан ўз фикрларини билдириш: мушоҳада юритиш, ўз муносабатини ифодалаш, тасвирланган воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонларга холисона баҳо бериш, асарнинг бадиий қийматини юзага келтирган воситаларни аниқлаш, ёзувчининг маҳоратини тушуниб этиш кабилар талаб этилади. Булар орасида энг муҳими асарда тасвирланганлар юзасидан мустақил фикр юритиш, ўз муносабатини

билдиришдир. Асар якунида келтириладиган айрим савол ва топшириқлар, айниңса, уларнинг муаммоли турлари шу мақсадлар учун хизмат қиласи (3-иловага қаранг).

Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстириш кенг қамровли тушунча. Ушбу тушунчанинг асосий хизматларини қуидагича гурухлаш мумкин: 1) ўқувчиларнинг умумий нутқ савиясини ривожлантириш; 2) сўзамолликка ўргатиш; 3) адабий-назарий мушоҳадалар юритиш лаёқатини шакллантириш.

Психолог, адабиётшунос ва методист олимлар: С.А.Леонов, Э.Фозиев, Н.Бекмирзаев, Н.Жумахўжа ва бошқалар адабиёт дарсларида нутқ ўстиришни сухандонлик, нотиқлик билан боғлайдилар. С.А.Леоновнинг фикрича, “адабиёт дарсларида нутқ ўстириш йўналишлари сирасида нутқнинг ифодавийлиги, эмоционаллигини, образлиигини кучайтириш”га¹⁰⁸ алоҳида эътибор қаратиш керак.

Э.Фозиевнинг “Умумий психология” китобида таъкидланишича, “Оғзаки нутқ ўзининг жарангдорлиги, таъсирчанлиги, ахборотларни қабул қилишдаги қулайлиги, узатилишдаги ихчамлиги, толиқишининг олдини олиш имконияти мавжудлиги унинг кенг қиррали эканлигини билдиради. Унда шахсий ҳис-туйғуларнинг ички ва ташқи шакллари уйғунлашади, шунингдек, ўзгалар фикрини ифодали ўқишда ҳам ўз аксини топади”¹⁰⁹.

Н.Бекмирзаев ўринли қайд этганидек, “Оғзаки нутқда одамлар орасида: сўз устаси, сўзга чечан, сўзга уста, сўзамол, сўзни боплайди, гапни дўндиради, гапга уста, чиройли гапиради; сухандон, тилчида, адабиётчида, шоирда сингари ибораларни эшитамиз. Тўғри, ҳамма ҳам нутқий нуқсонсиз туғилса, албатта, гапиради. Бироқ ҳамма одамлар ҳам гапга чечан бўлавермайди”¹¹⁰.

Н.А.Жумахўжанинг аниқлашича, “Услубига кўра, сухандонлар тўрт

¹⁰⁸ Леонов С.А. Развитие речи учащихся на уроках литературы: Метод. пособие для СПТУ. – М.: Высш. шк., 1988. – С. 7.

¹⁰⁹ Фозиев Э. Умумий психология: Психология мутахассислиги учун дарслик. – Тошкент: Университет, 2008. – Б.476-477.

¹¹⁰ Бекмирзаев Н. Нотиқлик асослари (Ўқув кўлланма). – Тошкент: Фан, 2006. – Б.6.

хил бўлади. Бир хиллари на шеър, на насрий асарлардан фойдаланмай, фақат оддий гапларни гапирадилар. Уларнинг нутқи камбағал ва жозибасиз бўлади. Иккинчи хиллари фақат шеър ўқийдилар, шеърни равон ва ифодали ўқиб, тингловчиларга завқ бағишлайдилар. Учинчи хиллари насрий асарлар, мўъжаз гаплар, ибора ва таърифу тавсифлар (қасидахонлик)ни наср билан адо этадилар ва бу тоифани ғарроҳон (чиройли ўқийдиганлар) деб атайдилар. Тўртинчи хиллари наср ва назмни аралаштириб, ўз ижодий фикрлари билан йўғириб гапирадилар. Бу тоифани мурассаъхон (сўз устаси), деб атайдилар. Бундай нотиқларнинг камолу фазли, мартабалари олдинги уч гуруҳдан баланддир”¹¹¹.

Адабиёт дарсларида ўқувчилардан нотиқлар (сухандонлар) тайёрлаш мақсад қилиб қўйилмаса-да, бадиий асар асосида ривожлантириладиган нутқ табиий равища шунга қаратилмай қолмайди. Бу аксиома, албатта.

Дарҳақиқат, бундай гапиришда асарга яқинлашиш, ундан фойдаланиш содир бўладики, сўзамоллик сир-асрорлари ўзлаша боради. Ўқувчилар асарга қанчалик яқинлашмасинлар, ундан қанчалик кўп фойдаланмасинлар, ўз нутқи шаклланмагунга қадар сухандонлик малакаси ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас.

Ўқувчиларнинг нутқи ўсмаяпти, дея олмаймиз. Нутқ тўхтовсиз ўсишда бўлади. Айниқса, ҳар қандай одам янги соҳада гапириш вазиятига тушганда, дархол нутқий нўноқлик юзага келади. Адабиёт дарсларида ҳам адабиётшунослар каби асар таҳлилига киришганда шундай вазият юз беради. Энди ўқувчиларни ана шу нутқقا ўргатиш керак. Буни соҳавий нутқ деса ҳам бўлади. Соҳавий нутқ ривожланмаса, таҳлил ишлари қийинлашади, албатта. Шунинг учун ҳам адабиёт дарсларида ўз фикрларини оғзаки баён қилиш устида ишлаш зарурияти бор. Нутқий фаолият бўлмаса, асарда қўтарилаётган ҳаётий масалаларни мушоҳада қилиш ҳам қийин.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, биз муаммо кўламини торайтирган ҳолда ўқувчиларда ўз фикрларини оғзаки баён қилиш

¹¹¹ Жумахўжа Н.А. Истиқлол ва она тилимиз (Тил, имло, нотиқлик санъати, матн, матншунослик). – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, 1998. – Б.7.

компетенциясини шакллантириш деганда шартли равища, асосан, учинчи йўналишда оғзаки нутқ ўстиришни тушунамиз. Лекин бадий асарни ўқиш ёки тинглаш ёшларнинг сўз бойлигига ҳам, тил билимiga ҳам ижобий таъсир кўрсатишини – умумий нутқий савиясининг ривожланишини мустасно этмаймиз.

Г.Ш.Файзуллаева ўқувчиларнинг асар компоненти юзасидан юритадиган мушоҳадалари, билдирадиган муносабатлари қайси синфларда қай даражада бўлишини изоҳлар экан, “5–6-синфлар учун – “садда реализм”, ёш ўқувчининг онгидаги бадийлик ва воқеликнинг қўшилиши хос”¹¹² лигини таъкидлайди. Бу фикр 5-синф ўқувчиларининг юритадиган мушоҳадалари хаётдаги воқеа-ходисалар ҳақида юритадиган мушоҳадалари даражасига ишора қилиши мумкин, лекин “садда реализм”га унчалик боғлиқ эмас: мушоҳада чукурлиги ва кенглиги жиҳатидангина юқори синф ўқувчиларининг мушоҳадаларидан фарқ қиласи.

“Она тили ўқитиш методикаси” дарслигига келтирилишича, “Асар таҳлилида ўқувчиларнинг ҳаётий таассуротлари ва асарни ўрганиш натижасида уларда пайдо бўлган эстетик ҳис-туйгулар ҳисобга олинади. Акс ҳолда, ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқиши сусая боради”¹¹³.

Г.А.Маматова ўринли ёзганидек, “Шахсий мушоҳадалар асар ўқилгандан кейин ўқувчиларнинг ундан қай даражада таъсирланганликни ва бунинг сабабларини аниқлашданоқ бошланади, асар қаҳрамонининг кайфияти, ҳис-туйгулари, ички кечинмаларининг баёнда қай тарзда акс этганлигини аниқлаш ва изоҳлаш, айрим воқеа-ходисаларга, қаҳрамонларнинг хатти-харакатларига баҳо бериш, ўз муносабатини баён қилиш амалга оширилган таҳлилларни умумлаштириш (синтезлаш) тарзида

¹¹² Файзуллаева Г.Ш. Адабий таълим узвийлиги асосида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш (V–IX синфлар мисолида): Пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. – Б.11.

¹¹³ Қосимова К., Матчонов С., Гуломова Х., Йўлдошева Ш., Сариев Ш. Она тили ўқитиш методикаси: Бошлангич таълим методикаси факультети талabalari учун дарслик. – Тошкент: Ношир, 2009. –Б.130.

давом этади. Бундай мушоҳадаларга ўқиши дарсларида ёк арабий-назарий тушунчалардан пойдевор қўйилади”¹¹⁴.

С.И.Камбарова мустақил мутолаа масалаларига бағишлиланган ўз тадқиқот ишида асарларда тасвирланган воқеа-ҳодисалар мазмунини тушуниб, қайта ҳикоя қилиш, асар қаҳрамонларини тавсифлай олиш кўникма-малакалари ҳақида гапиради¹¹⁵.

Бизнингча, бу усул ўқувчининг асарни ўқиган-ўқимаганлигини аниқлашда қўлланади. Лекин тадқиқот ишимиз жараёнида муаммоли савол ва топшириклар бериб, жавоб олаётганимизда, ўқувчиларнинг асар қисмларини диққат билан қайта ўқиб чиқишлари кераклигини ҳис этдик.

Ҳақиқатан ҳам, бир ўқишида ёк асар барча икир-чикирларигача ўзлашмас экан. Ўз-ўзидан болалар асар мазмунини яхши тушунмаган, деган сохта хulosса келиб чиқади. Сохталиги шундаки, бир ўқишида ёк “яхши тушуниш”га эришиш қийин. Бунинг учун одатда хижжалаб ўқиши усули қўлланади. Баъзи асарларда тавсиф унсурлари сочиб юборилаган бўлади. Уларни жамлаб чиқиш учун кўз югуртириб ўқиши усулидан ҳам фойдаланишга тўғри келади.

Тадқиқотимиз давомида ўқувчиларга асардан муайян бир қисмни қайta ўқишига топширап эканмиз, тажриба синфларида ўқувчиларга зарур деталларни дафтарга ёзиб боришиларини ҳам таклиф этдик. Улар ушбу ёзиб борилган деталлар асосида тўлиқроқ жавоб беришга муваффақ бўлар эканлар.

Умуман, асар таҳлили ҳам, ўқувчиларнинг мушоҳадаларига туртки бўладиган савол ва топшириклар ҳам шунчаки ташкил этилмайди: ўқувчиларнинг ёши, билим савияси, ҳаёт тажрибаси ва бошқа бир қатор жиҳатларни кўзда тутиш имкониятини берадиган ёндашув ва тамойилларни ҳисобга олиб уюштирилади ва баҳоланади. Асосий ёндашув ва тамойиллар сирасида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

¹¹⁴ Маматова Г.А. Бошлангич синф ўқиши дарсларида ўқувчиларда арабий тушунчаларни шакллантириш методикаси: Пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2020. – Б.62.

¹¹⁵ Камбарова С.И. Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш технологияси: Пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. – Б.14.

- ўқувчиларнинг ўқиши механизмини қай даражада эгаллаганликларини (мавжуд ҳолатни) ҳисобга олиш;
- ўқишига коммуникатив муддао нуқтаи назаридан ёндашиш;
- тасвирланган воқеа-ҳодисаларга нисбатан ҳиссий-эстетик ёндашув;
- асарда тасвирланган воқеа-ҳодисаларга, асар қаҳрамонларига, айрим тушунчаларга маънавий-ахлоқий тарбия воситаси сифатида ёндашув;
- таълим ва тарбия бирлиги тамойили.

Баъзи ўқувчилар синчков бўладилар. Уларни бутун асарнинг мантиги қизиқтиради, асар қаҳрамонларига, воқеа-ҳодисаларга кенгроқ қарайдилар, кенгроқ муносабатда бўладилар. Шунингдек, асар қаҳрамонининг қиёфаси; қилмишлари, хатти-ҳаракатлари; асар қаҳрамонларининг кўчирма гаплари; асар қаҳрамони ҳақида бошқа қаҳрамонларнинг фикрлари, айтганлари; асар қаҳрамонининг ўзи ҳақидаги фикрлари¹¹⁶ ҳам эътиборда туриши мақсадга мувофиқ.

Бадиий асарнинг ушбу компонентлари асосида тузиладиган муаммоли савол ва топшириқлар ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш эҳтиёжларини кўпроқ қондиради. Зеро, асар мазмуни билан боғлаб кўплаб муаммоларни ажратиш мумкин, чунки чексиз ҳаётий масалаларни сарҳисоб қилиш қийин: улар ниҳоясиздай туюлади. Ўқувчилар ўқитувчининг асарни таҳлил қилишга қаратилган муаммоли савол ва топшириқларини бажариш асносида ўз муносабатларини билдириб, атрофлича мушоҳада юритадилар. Ана шу билдирилаётган муносабатларга қараб тушуниш кўламига баҳо бериш мумкин: кимдир кенг, кимдир торроқ мушоҳада юритади. Ўқитувчи тўғри ва хато жавобларни изоҳлаши, хатони тузатиш ишига жамоани фаоллаштириши, ўзи эса яхши фикрларни рағбатлантириб бориши зарур. Энг мухими, нотўғри ифодалар ҳақида жиддий мулоҳазалар айтиш, уларнинг ўринсизлигига ўқувчиларни ишонтириш зарур. Ўқувчиларнинг оғзаки жавобларини баҳолашда ўзбек адабий тили меъёрларидан четга

¹¹⁶ Методика преподавания русского языка в начальных классах: учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений / М.Р.Львов, В.Г.Горецкий, О.В.Сосновская. – 3-е изд., стер. – М.: Издательский центр «Академия», 2007. – С. 119.

чиқкан ҳолатлар ҳам кўрсатилиб, уларга она тилидан ўтилган назарий маълумотларни эслаш асосида тўғри йўл кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Қ.Хусанбоева таъкидлаганидек, “Тафаккурдаги мустақиллик мураккаб мавзулар ечимиға ўзига хос тарзда ёндаша билиш, қўйилган масалаларни тўғри ва мустақил равишда ҳал этиш, фикрларини ўз сўзи ва ўз услуби билан баён этиш, бир масала бўйича бошқа ўқувчиларнинг фикри ва муносабатидан фарқ қилувчи нуқтаи назарга эгалик, бошқалар томонидан айтилган мулоҳазаларга танқидий муносабат тарзида намоён бўлади”¹¹⁷.

Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқида ишлатиладиган сўз бойлиги (фаол сўз + бўёқдор, маънодош, образли, кўчма маъноли бадиий, қисман китобий нутққа хос сўзларнинг оғзаки нутқда фаол, лекин фаоллашиб улгурмаган сўзлар) 5-синфдан оз-оздан орта бориб, 5–7, энг кўпи 10 минг сўз билан чегараланади. Гап ана шу миқдордаги сўзларни ўз нутқида қўллаш малакасини ҳосил қилишда. Бунга эса бадиий асар асосида ҳар бир ўқувчининг фикр билдиришини таъминлаш орқали эришилади. Бу – ўта қийин иш, чунки бир дарсда саноқли ўқувчиларнигина гапиртиришга имконият мавжуд бўлади. Адабий-назарий тушунчалар асосида фикр баён қилиш жараёнида бу миқдор касбий-ихтисосий лексика ҳисобига яна ҳам ортади. Мушоҳадалар юрита олиш адабий нутқий саводхонлик нуқтаи назаридан баҳоланади.

Ўқувчиларнинг мушоҳадалари бирмунча бўялган ҳолда бўлиши керак. А.Эргашева мазмундор, таъсирчан гаплар тузишдаги камчиликлар ҳақида шундай ёзади: “Ўқувчиларга нутқнинг лисоний-услубий хусусиятларини ўргатиш, бадиий услугга хос эмоционал-экспрессив бўёқдор лексикани маҳорат билан ишлатган ҳолда гап тузиш санъатини сингдириш ишлари эса эътибордан четда қолиб кетаверади”¹¹⁸.

Ўқитувчи ўқувчиларни ҳаётий муҳим муаммоларни ажратишга ўргатади. Қ.Хусанбоева бу ҳақда шундай ёзади: “Муҳимни ажратиш усули

¹¹⁷ Хусанбоева Қ. Адабиёт – маънавият ва мустақил фикр шакллантириш омили. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёт, 2009. – Б.95.

¹¹⁸ Эргашева А. Она тили дарсларида назарий маълумотларни мустаҳкамлаш жараёнида нутқ ўстириш методикаси (5–7-синфлар мисолида). – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2009. – Б. 5.

кўлланилганда ўзлаштириладиган ахборотни мантиқий бўлакларга бўлиш, уларни таққослаш, материални саралаш, таянч сўз ва тушунчаларни топиш, асосий фикрни аниқлаш, ўкув материалини гуруҳларга ажратиш, асосий фикр ҳақида хulosha бериш сингари ишлар амалга оширилади ва ҳ.к. Суҳбатда иштирок этган ўкувчи ўз фикрларини муҳокама қилади, қарашларини шакллантиради, уни сўз билан ифодалашга тайёрланади”¹¹⁹. Муаллифнинг таъкидлашича, таҳлил давомида ўкувчи “мустакил мулоҳаза юритиш, фикр айтиш, муносабат билдириш, туйғуларни сўз билан ифодалаш, уни асослаш, ўкувчиларда қатъият, ўз фикрида тура билиш, ўз ҳақиқати учун курашиш ҳисси тарбияланади”¹²⁰.

Адабиёт дарсларида асар таҳлилида, асосан, изланиш (эвристик) методи қўлланади. Ушбу метод асарда тасвирланганларни таҳлил қилиш, керагини излаш, мантиқий мушоҳада юритиш тарзидаги фаолиятни юзага келтиради. Бунда ижодий фикрлаш фаолияти юзага чиқади. Савол-топшириқлар ҳам шунга қаратилади. Масалан, “Нима учун ёзувчи фанорчи отани кекса, толиқкан ҳолатда тасвирлайди?”, “...нинг отаси томонидан қаттиқ калтаклакланиши лавҳасини киритган? ” ва ҳ.к.

Бадиий асарда кишини ўйлашга мажбур қиласиган жиҳатлар мавжуд бўладики, нутқий машқлар ҳам шунга йўналтирилгани маъқул. Бинобарин, ўқилганлар ҳақида ўйлаш каби ақлий операцияларнинг ҳаммаси “инсон қалбининг барча жабҳалари: тафаккур ҳам, ҳиссиёт ҳам, хаёлот ҳам, нутқ ҳам иштирок этадиган ижодий ишлардир”¹²¹.

Адабиёт дарсларида ўкувчилар нутқи адабий-назарий маълумотлар, тушунчалар ҳисобига ихтисосий нутқ сари йўналтирилган бўлади. Сўзлашув услугига асосланган нутқда сўз қўллаш билан боғлик услугий хатолар ўз ўрнида изоҳлаб бориш йўли билан, шунингдек, ўкувчиларнинг тил ҳисси орқали камайиб, онглиликтининг таъминланиши туфайли тегишли

¹¹⁹ Хусанбоева Қ. Адабиёт – маънавият ва мустакил фикр шакллантириш омили. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – Б.54.

¹²⁰ Хусанбоева Қ. Адабиёт – маънавият ва мустакил фикр шакллантириш омили. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – Б.57.

¹²¹ Альбеткова Р. И. Методические рекомендации к учебнику «Русская словесность. От слова к словесности. 5 класс». – 2-е изд., стереотип. – М.: Дрофа, 2001. – С. 47.

компетенциянинг шакланиши содир бўлади. Шунга кўра таълим жараёнида самарадорликка эришилди деб баҳоланиши мумкин. Бундай нутқда сўзлашув услугига хос сўзлар, сўз шаклари, синтактик қурилмалар фаол иштирок этади, китобий услугуга доирлари камайиб боради.

“Ўқувчи гапираётган пайтда нутқ оҳангига, услугубий равонлигига, ритмикага ҳам эътибор беради. Энг оддий сўзлашув нутқида ҳам ритмика бўлади”¹²². Оҳанг, услугубий равонлик, ритмика фикрда ифодаланган тагмаънони англашга ёрдам беради.

Э.Бегматов шундай тушунириш беради: “Маълумки, ҳар қандай нутқнинг услугубий равонлиги аниқ ва мазмундорлиги, ихчамлиги, нутқ воситаларидан мақсадга мос фойдаланилганлиги билан ўлчанади. Нутқнинг ихчамлиги деганда нутқда сўзларни кам миқдорда қўллаган ҳолда унинг мазмундорлигини кучайтириш тушунилади. Кўпсўзлилик нутқнинг мазмунига, чиройли бўлишига халақит беради. Кўпсўзлиликнинг вужудга келиши узун-узун жумлалар тузишдан ҳосил бўлмайди. Тўғри, жумлаларни қисқа тузиш ихчамликни, аниқликни таъминлайди. Лекин баъзан фикр узун жумлалар тузишни ҳам талаб қиласди. Лексик ва грамматик жиҳатдан адабий тил нормалариға мос бўлган узун жумлалар орқали ҳам мазмундор, таъсиран фикр ифодалаш, нутқнинг услубан равонлигини таъминлаш мумкин”¹²³.

Ўқувчи асар таҳлили чоғида ўз фикрларини ҳам ўз сўзлари билан, ҳам ўзлашган касбий-ихтисосий лексикадан фойдаланиб баён қиласди. Шунинг учун айрим сўзларнинг сўзлашув нутқида ишлатиладиган маънодошларини аниқлаш, айрим мураккаброқ гапларни соддароқ қилиб айтиш ва бошқа шу кабиларга эътибор бериш талаб этилади.

Қ.Хусанбоева қайд этганидек, “Адабиёт дарсларида ўқувчини сўздан таъсиrlаниш, уни туйиш ва ундан баҳра олишга ўргатиш, бадиий сўз ёрдамида инсон шахсиятида гўзал сифатлар, ижобий фазилатларни тарбиялаш мумкин. Гўзал хулқли, соғлом маънавиятли кишиларнинг

¹²² Совершенствование преподавания литературы в школе. – М.: Просвещение, 1986. – С. 84.

¹²³ Бегматов Э.А. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик катламлари. – Тошкент: Фан, 1985. –Б. 9-10.

сўзлари ҳам, ишлари ҳам ўзларига муносиб экани, тоза кўнгил соҳиби ҳамиша рағбат ва марҳаматларга муносиблиги адабиёт орқали англашилади”¹²⁴. Бундай вазиятларда ўқувчиларда чиройли, ширали гапириш истаги пайдо бўлаверади, таълим жараёнида улар ўз ниятларига эришишга ошуфта бир интилиш намоён этадилар.

Г.Г.Браженинг катта ёшдаги кишилар ҳақида гапириб, “адабий материалнинг ўзига ҳам, уни ўрганиш жараёнига ҳам эмоционал ижобий муносабат шакллантириш асосида уларни рағбатлантиришнинг мажбурий шарт-шароитларидан бири сифатида билиш қувончини ва қаноат ҳиссини ўйғотиш йўли билан адабиётни шахсни руҳий бойитиш воситасига айлантириш мумкин”¹²⁵ деган фикри эътиборга лойик.

Айни пайтда, эслатиш жоизки, ўқитувчининг сўзи ўқувчиларга эмоционал таъсир кўрсатишнинг қудратли манбаидир. Чунки айни ўқитувчининг сўзи билан ўқувчига адабиётни чиройли гапириш воситаси сифатида ўрганиш истаги қувват олиб туради, ўқитувчини ҳаяжонга солган, уни тўлқинлантирган нарсалар ўқувчиларда ҳам шундай туйғу уйғота бошлайди, ушбу туйғуларни сўз билан қай тарзда ифодалаш кераклиги ҳақида сабоқ беради. Ана шу нарсалар ўқитувчининг сўзини ҳамма учун мўлжаллаб дарслиқда бериладиган матндан фарқлантиради.

Ўқувчи ё бирор асар қаҳрамони ҳақида сўзласа, унинг нутқи, хатти-харакатларидан келиб чиқиб унга тавсиф берса, бунда қаҳрамонларнинг бир-бирларига берган баҳоларидан, ёзувчининг муносабатидан фойдаланса, унга ўз қарашларини баён этса, адабий-назарий мақолага мурожаат этса, унинг ишлатган сўзлари ҳам адабиётга, ҳам сўзлашув нутқига хослик касб этади, адабий-нутқий компетенция даражаси билан баҳоланади.

Т.А.Юсупованинг таъкидлашича, “5–7-синф ўқувчиларининг бирор сўз туркумiga доир билимлари бўш эканлиги аниқ сезилиб турганда,

¹²⁴ Хусанбоева Қ. Адабиёт – маънавият ва мустақил фикр шакллантириш омили. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. –Б.42.

¹²⁵ Браже Г.Г. Проблемы изучения русской литературы в IX классе вечерней школы. – М.: Просвещение, 1986. – С. 11.

лингвистик матнларга мурожаат этиш айни муддаодир”¹²⁶. Лингвистик матн ўтилганларни умумлаштириш характерида бўлганидек, адабиёт дарсларида ёзувчининг таржимаи ҳоли, асар ҳақидаги маълумот ўқувчиларни адабий-танқидий мушоҳада мазмуни, тузилиши билан танишириш учун хизмат қилиши мумкин.

Маълумки, сўзловчи гапираётган пайтда асар қаҳрамонини, унинг киёфаси, бажараётган ҳаракатлари, ўрин-жойни кўз олдига келтиради, айрим тушунчаларни назарда тутган ҳолда ўз тасаввуридаги воқеа-ҳодисалар, образлар, ўрин-жой, табиат ҳодисалари асосида фикр баён қиласди. Бошқача айтганда, “асар асосида ўз фикрларини баён қилиш қайта ҳикоя ва ўз сўзлари қоришимасидан иборат бўлади. Асар қаҳрамонларининг руҳияти, кайфияти, кечинмалари, воқеа-ҳодисалар содир бўлаётган ҳолат, вазият муносабати билан сўзлашдаги туйғулар сўз танлашга таъсир қилиб, эмоционал бўёққа бўялиши”¹²⁷ ҳам мумкин.

Тажрибаларимизга таяниб айта оламизки, адабиёт дарсларида куйидаги иш турлари асосида ўқувчилар ўз фикрларини оғзаки баён қилиш мазмундорлиги ва таъсирчанлиги, ёқимлилиги, равон ва чиройлилиги устида иш олиб борилади:

- уй вазифасини текшириш жараёнида;
- бадиий асарни таҳлил қилиш жараёнида;
- ижодий топшириқларни бажариш жараёнида;
- семинарларда, асар муҳокамаси (ўқувчиларнинг асар юзасидан мулоқоти, баҳс-мунозаралар, ўқувчилар тайёрлаган оғзаки хабарлар, маъруза ва чиқишлиар орқали.

Д.Н.Йулдашева бундай муҳокамаларни “муаммоли муҳокама” деб атайди¹²⁸.

В.Е.Гладченконинг тавсиясидан¹²⁹ андаза олган ҳолда модуллар ҳосил

¹²⁶ Юсупова Т.А. Синтаксисни морфологияни такрорлаш билан боғлаб ўрганиш методикаси (5- ва 8-синф она тили дарслари мисолида). Монография. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2008. –Б.112.

¹²⁷ Тихомиров О.К. Психология: Учебник / Под ред. О.В.Гордеевой. – М.: Высшее образование, 2006. – С. 190.

¹²⁸ Yuldasheva D.N. O‘zbek tilini o‘qitish metodikasi (kognitiv-pragmatik yondashuv asosida). – Buxoro: Durdona, 2021. – Б.124.

қилиш орқали ўқувчиларни кўпроқ мушоҳада юритишга ундаш мумкин. Бунда муаммоли савол ва топшириқлар асос қилиб олинади. Масалан, “Hellados” ҳикояси қаҳрамони Янгулининг айтган гапида қандай ғоя яширинганини аниқлаши учун ўқувчиларга “Ҳикоянинг мана бу ўринларини ўқиб чиқинг ва боланинг гапидан нимани англаганингизни айтинг” каби топшириқ қўйилади. Буни модул шаклида қуидагича акс эттириш мумкин (2.1-жадвалга қаранг):

2.1-жадвал

Бадий асарнинг ғоясини аниқлашга доир модулли ёндашув

Модуль	Топшириқнинг ечими маълум ёки номаълум	Муаммонинг ечими – ғоянинг аниқланиши
1-модул	Нима деб гапиришни билмай турибман. Тегишли қисмни ўқиб, ўйлаб кўраман.	
2-модул	Фикр кела бошлади.	Бола Ватан ҳақида гапираётган экан.
3-модул	Ўқитувчимизнинг муаммоли саволи ва топшириғидан кейин фикр пайдо бўлди.	Боланинг ота-онаси греклар, уларнинг Ватани Греция экан. Лекин бола ҳозир яшаб турган манзилда туғилиб ўсган. Шу кўчада, шу кўприк атрофида ўйнаб катта бўлган. Шунинг учун у шу ерни ўз Ватани деб ҳисоблар экан.
4-модул	Қаерда, қандай қилиб кўллаш ҳақида ўйляяпман.	Ўзбекистонда туғилиб, шу ерда катта бўлган болаларнинг Ватани Ўзбекистон экан-да!

¹²⁹ Гладченко В.Е. Реализация преемственности в процессе формирования коммуникативных умений учащихся 3–5 классов на уроках русского языка: Автореф дисс. ... канд. пед. наук. – Майкоп, 2018. – С. 19–20.

Албатта, ўқувчилар муаммонинг бирдан-бир тўғри ечимини топгунга қадар бир-бирига қарама-қарши фикрлар билдиришлари ҳам мумкин. Баҳс-тортишувлар, далиллар, исбот учун айтилган мулоҳазалар таъсирида ягона хulosага келиш мумкин бўлар. Энг муҳими, ўқувчиларга ана шу жараён учун етарлича имкон яратиб беришдир.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, томонлар бир муддат сукут сақлаб туриши ҳам мумкин. Айни шу дамда мухокама хаёлан давом этиши табиий. Шунинг учун жараённи дафъатан тўхтатиб қўйишга шошилмаслик лозим.

Р.И.Альбеткова тадқиқ этиш (изланиш) фаолияти психологияси ҳақида гапириб, қуидаги бир ҳолатга диққатни қаратади: “Дарсда ялпи сухбат шаклида бирор муаммо ҳал қилинаётган пайтда ўқувчи одатда муаммонинг айни ўзи ечаётган қисмида марказлаштиради. Мана у ўз фикрини билдириди ва ўз муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги ҳақида қайғуриб, бир муддат умумий олиб борилаётган ишдан четга чиқиб қолди, дейлик. Ўқитувчи эса бир бутун муаммони ҳал этишда ҳар бир саволнинг нисбати, ўрнини ҳамма вақт ёдда тутиши керак”¹³⁰. Бу фикрлари билан муаллиф муаммо ҳал этилаётган пайтда ҳар бир ўқувчининг охиригача фаол иштирок этишини таъминлаш зарурлигини таъкидламоқда.

Бадиий асар мазмунини англаш ва уни қайта ҳикоя қилиш, ўз муносабатларини ифодалашда хаёл муҳим роль ўйнайди. Психолог олим Э.Фозиев уни шундай тушунтиради: “Психологияда хаёл тафаккур сингари билиш жараёнларидан бири ҳисобланиб, у инсонининг ички ва ташқи хусусиятли ва изланишли фаолиятида, муайян даражага эга бўлган муаммоли вазиятнинг вужудга келиши ва унинг ҳал қилинишида иштирок этади... у амалий фаолият бошланмасдан туриб, унинг маҳсулини олдиндан

¹³⁰ Альбеткова Р.И. Методические рекомендации к учебнику «Русская словесность. От слова к словесности. 6 класс». – 2-е изд., стереотип. – М.: Дрофа, 2001. – С. 26.

тасаввур қилиш ва уларнинг тимсоллар тариқасида вужудга келтиришдан иборатдир¹³¹.

Муаллиф ўз тушунтиришларини давом эттириб, шундай ёзади: “Хаёл жараёни тафаккурдан фарқли ўлароқ муаммоли вазиятнинг маълумотлари қанчалик ноаниқ бўлса, шунчалик тасаввур образлари яралиши учун қулай имконият туғилади, унинг механизмлари тезкорликда ишга тушади. Масалан, ёзувчининг хаёли асар қаҳрамонларининг тақдири билан узвий боғлиқ бўлиб, конструктор, муҳандис, меъмор каби мутахассисларга қараганда ниҳоят даражада катта ноаниқликларга эга, воқелиқдан тубдан узоқ фантазия оламида образлар, чизғилар, бадиий тўқималар яратади”¹³².

Муаммоли вазият хусусиятларидан бири ноаниқликдир. Методист олима Ш.О.Джамалиддинова уларнинг шарти сифатида қўйидагиларни кўрсатади: “...муаммоли вазифаларни (масалан, етарли бўлмаган ёки ортиқча дастлабки маълумотлар, саволни шакллантиришдаги ноаниқликлар, қарама-қарши маълумотлар, қасдан қилинган хатолар, ечиш учун чекланган вақт билан “психологик ҳаракатсизлик”ни енгиш ва х.к.)”¹³³. Бундай топшириқларни бажариш ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади.

Маълум бўладики, адабиёт дарсларида асар таҳлилига қаратилган ишлар ўқувчиларни хаёлан ҳаётий вазиятларни яққолроқ тасаввур қилишга ундейди, асар мазмунига чуқурроқ кириб бориш имконини беради, асар таҳлилини янада жонлантиради. Таҳлил ижодий фаолият билан боғланган ҳолда кечади, мураккаб ҳаётий вазиятларни тўғри баҳолаш ва хулоса чиқаришга ўргатади. Энг муҳими, нутқ мазмунан бойийди, образли тус олади, нутқий ривожланишни бадиий эстетик тарбия билан қўшиб олиб бориш имконини яратади.

¹³¹ Фозиев Э. Умумий психология: Психология мутахассислиги учун дарслик. – Тошкент: Университет, 2008. – Б.481-482.

¹³² Фозиев Э. Умумий психология: Психология мутахассислиги учун дарслик. – Тошкент: Университет, 2008. – Б.483.

¹³³ Джамалдинова Ш.О. Мактаб адабиёт таълимида ҳалқ оғзаки ижоди намуналарини муаммоли метод асосида ўрганиш йўллари (5–9-синфлар мисолида): Пед. фан. бўй. фалс. докт (PhD) ... дисс. – Самарқанд, 2021. – Б.23.

Адабиёт чиройли гапириш учун бой мавзулар беради, бадий дидни ўстиради. Бу ишлар ўқувчиларни ушбу йўналишдаги лексика билан жадал бойиш сари рағбатлантиради. Ўқувчиларнинг чиқишиларида бадийлик унсурлари пайдо бўла бошлайди. Маиший нутқдан бадий (адабий) нутқка ўта бошлаш ўқувчининг маънавий оламига ижобий таъсир кўрсатади. Бадий эстетик таъсир воситаларига ошно этади. Нутқнинг индивидуал тавсифини шакллантиришга йўналтиради. Бу репортаж, ҳикоя, нотиқлар чиқишилари, мақола, хат, воқеа содир бўлган жой манзарасини чизиш, саҳналаштириш каби таълимий маҳсулот кўринишлариdir.

Бадий асар асосидаги ижодий ишларга бағишлиган дарслар ўқувчиларнинг ҳаётий таассуротларини кенгайтиришга, асардан таъсирангандик сабабларини мушоҳада қилиш мазмунидаги фикрлаш лаёқатларини қатъийлаштиришга ёрдам беради. Қайта ҳикоялаш, асар мазмунидан четга чиқсан ҳолда ҳикоялаш эса ҳаёт тажрибаси билан боғланиб, дунёни билиш, одамни англаш лаёқатини ишга солади. Булар оғзаки маъруза тайёрлаш асносида кенг миқёсдаги таълим-тарбиявий тадбирлар учун йўл очади.

Тўғри, 5-синфда фикр ифодалаш пайтида аввал сўз ишлатиш қийинчилиги туғилади. Айрим гапларни шакллантириш мashaққати юзага келади, лекин бора-бора бу қийинчиликлар аста-секин ортда қолади.

Ноанъанавий дарслар сифатида ташкил этиладиган маърузалар баъзан ёзувчи ҳақида, асар қаҳрамонлари тўғрисида, асар тили хусусидаги чиқишилар шаклида ўтади, баъзан ёзувчининг дастурга кирмаган бирор асарини ўқишига чақиравчи ташвиқий нутқ шаклида бўлади. Буларни С.А.Леонов “публицистик нутқ” деб атайди.

Ўқувчиларнинг маърузалари, бирор адабий мавзуда сўзга чиқишилари (ҳикоялашлари) учун шунга яраша мавзулар танлаш лозим. Масалан, “Ёзувчи билан учрашувни қандай ташкил этардинг?”, “Асар қаҳрамони билан нима ҳақда гаплашган бўлардинг?”, “Мен ёзувчи бўлсам”, “Мен

танқидчи бўлсам” ва бошқалар. Буларнинг ҳаммаси хаёлан ўйлаб чиқиладиган мавзулар сирасига киради.

Адабиёт дарсларида семинарлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Семинарда ўқувчиларнинг сўзга чиқишилари, баҳс-мунозаралар уюштиришларининг адабий-нутқий компетенцияларни шаклланишидаги аҳамияти катта.

Ф.Эгамбердиеванинг хуносасига кўра, “...баҳс-мунозара дарслари ижодий изланишга, мустақил ишлашга йўналтирилиши керак. Ўқувчилар қўйилган масалага бир томонлама ёндашмасдан ўз қарашларини, фикрларини эркин баён этиш имкониятига эга бўладилар”¹³⁴.

Ноанъанавий иш усулларини С.А.Леонов “маъруза, хабар, адабий мавзудаги иншо, публицистик нутқ (тарғибот-ташвиқот), “ёзувчи ҳақида сўз”, репортаж, интервью, публицистик мавзудаги иншо) ва бадиий ижодий (адабий-бадиий) иншолар – эртак тўқищ, ҳикоя ёзиш, топишмоқлар ўйлаб топиш ҳамда бадиий танқидий иншолар – бадиий матнларни таҳлил унсурларини қатнаштириб қайта ҳикоя қилиш ёки бадиий-биографик матн ҳикоячисининг шахсини ўзгартириб ҳикоялаш, воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилиш, очерк”¹³⁵ ва ҳоказолар тарзида таснифлайди.

Маърузага ҳозирлик кўришда унинг асосий мавзуси ва ғоясини белгилаш, режа тузиш, зарур материалларни танлаш, ўрганилган мавзу асосида ўз матнини яратиш, савол ва муаммоли масалаларга жавоб тайёрлаш, муҳокама жараёнидан келиб чиқиб маърузасининг тузилишига тегишли ўзгартиришлар кирита билиш мақсадга мувофиқ.

Ахборот берадиган чиқишиларнинг вазифаси ўқувчиларга мунозарали, баҳсли бўлмаган фактик материалларни баён қилишдир. Бундай чиқишилар ўқувчиларнинг адабий ва умуммаданий билимларини кенгайтиради. Улар кўргазмали ахборот характеристида бўлади. Маърузачининг нутқи дарслидан олинган бўлмаслиги, унда таҳлил асосидаги ўз сўзлари, шахсий муносабатлари акс этмоғи лозим. Айрим фикрлар баёнидагина андаза

¹³⁴ Эгамбердиева Ф. Адабий таълимга илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш методикаси: Пед. фан. номз. ...дисс. –Тошкент, 2005. – Б.59.

¹³⁵ Леонов С. А. Развитие речи учащихся на уроках литературы: Метод. пособие для СПТУ. – М.: Выш. шк., 1988. –С. 10.

сифатида адабий-танқидий мақолага ўхшатма шаклида таърифланиши мумкин.

Баҳс-мунозара тавсифидаги маъruzada ўқувчи ўз синфдошлари, ҳатто адабий танқидчи билан бошқаларнидан фарқли ўз баҳоларини айтиб баҳсга киришиши, ишонтиришга ҳаракат қилиши мумкин.

Баҳс-мунозара тавсифидаги маъruzalарни асарда ёзувчи фойдаланган бадиий тасвир воситалари, асарнинг тил хусусиятлари, услубий хосликлари юзасидан ҳам ўтказиш мумкин. Баҳс гуруҳлараро ҳам ўтказилиши мумкин. Бунда биринчи гуруҳдаги маъruzachi гапираётган пайтда иккинчи гуруҳдан белгиланган маъruzachi ўз маъruzасига ўзгаришлар киритиб бориши керак.

Таълимий самараси энг юқори бўлган ноанъанавий усул интерактив усулдир. Р.Йўлдошев, Л.Миржалоловаларнинг “Она тилидан айрим машқларни бажаришнинг интерактив усуллари” номли мақоласида тавсия этилишича, “Ўзаро таъсирни ҳамкорликда ишлаш, бир-бирига ёрдамлашиш, тенгдошини пухтароқ билим олишга ундаш деган маънода қўллаган маъқул. Чунки гуруҳларда ишлаш айни шу бир-бирига ёрдам бериш, билим, кўникмава малакаларни тенглаштириш, жамоанинг муваффақияти учун жон куйдириш тариқасида йўл тутиш керак бўлади. Бир гуруҳ иккинчи гуруҳдан устун келиши гуруҳ аъзоларининг тайёргарлик қўриш, ҳамжиҳатликда қарор қабул қилиш, биргаликда жавоб бериш каби муҳим руҳий-физиологик ҳолатларни назарда тутади”¹³⁶. Адабиёт дарсларида ҳам бири гапириб, бири жим ўтиришига йўл қўймаслик учун айни шу интерактив (мақолада изоҳланисиша, интерфаол эмас) яхши чора ҳисобланади. Бунда гуруҳ аъзоларининг муаммо юзасидан тенглашган ҳолда етарлича мушоҳада юритиши (сўзлаши), ўз фикрларини кенгроқ баён қилиши – ҳамманинг ўз нутқини ўстиришига эришиш мумкин.

Асарнинг тил хусусиятларини таҳлил қилиш ўқувчиларни баъзан кашфиётчиликка ҳам ундейди. Методист олим М.Мирмаҳсудова

¹³⁶ Yo'ldoshev R.A., Mirjalolova L.R. Ona tilidan ayrim mashqlarni bajarishning interaktiv usullari // Pedagogik mahorat. – Buxoro, 2021. – № 5. – B.192.

кашфиётчилик ҳақида гапириб, шундай дейди: “кашфиётчилик принципига амал қилиш асосида тил ҳодисаларини кузатиш, тадқиқ этиш, улар ҳақида муроҳада юритиш ҳамда хулоса чиқариш мазмунидаги таълим усуллари ўқувчиларнинг, умуман, нутқини, хусусан, илмий нутқини ўстириш сари йўналтирилган бўлади”¹³⁷.

Хуллас, адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг адабий-нутқий компетенцияларидан бири – ўз фикрини оғзаки равишида баён қилиш компетенциясини шакллантиришда бадиий асар компонентлари юзасидан муроҳада юритишга, ўз муносабатини ифодалашга ундейдиган муаммоли савол ва топшириқлар асосида таҳлил қилиш, заруриятга қараб асарнинг тегишли қисмини қайта ўқиши, оғзаки муроҳадалар учун материал тўплаш, оғзаки нутқда сўзлашув услугига риоя қилиш харакатида бўлиш кабилар амалга оширилади.

Ўз фикрларини ёзма баён қилиш компетенциясини шакллантириш. Она тили ва адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг ёзма нутқини ўстириш, яъни баён, иншо ёзиш, матн яратиш хусусида С.Долимов, Б.Тўхлиев, О.Мадаев, А.Зуннунов, С.Исматов, А.Сайфуллаев, Қ.Хусанбоева, Р.Ниёзметова, Р.Йўлдошев, М.Рихсиева, К.Мавлонова каби бир қатор филолог ва методист олимлар ўз тавсияларини баён қилгандар. Бу тавсияларда адабий ва адабий бўлмаган (эркин) мавзуларда ижодий ёзма ишга материал тўплаш, уни ёзиш (таркиблаш) жараёнини ташкил этиш, хатолар ҳамда улар устида ишланиш каби масалалар ёритилган. Бугунги қунда ўз фикрларини ёзма баён қилиш компетенция сифатида белгиланган экан, бу борадаги ишларни янада кучайтириш, эссе ёзиш даражасига етказиш талаб этилади.

Бевосита ўқувчи шахсига қаратилган иншолар уни ижод қилишга, ўйлашга ўргатади. Ҳар дарсда чинакам ижод рухи хукмон бўлади. Фикр ифодалашнинг тўлиқлиги ва эркинлиги, чуқур ўйланганлиги тамойилига мувофиқ ёзма равишида фикр ифодалаш оғзакидан фарқли ўлароқ гапларнинг тўлиқлиги, боғланишилиги, мантикий изчилликда бўлиши билан

¹³⁷ Мирмаксудова М.Б. Ўқувчилар нутқини такомиллаштиришда грамматик таҳлил ўтказиш методи. – Тошкент, Фан ва технологиялар, 2006. – Б.59.

тавсифланади. Бу хил ёзма ишларда китобий сўз ва ибораларнинг бўлиши кўп китоб ўқиган ўқувчилар учун табиий ҳол, албатта. Асосий эътиборни ўқувчининг дарслер муваллифи ёки ўқитувчи айтганларни такрорламаётганига қаратиш лозим.

С.Муҳамедова ва М.Сапарниёзоваларнинг қуидаги таъкиди ўринли: “Айтиш лозимки, тайёргарликсиз спонтан оғзаки нутқ ва тайёргарлик билан ишланган ёзма нутқ ўртасида муайян структур-услубий фарқлар, ўзига хосликларнинг мавжудлиги табиий”¹³⁸. Лекин ўзбек тилшунослигига ушбу йўналишда қиёсий таҳлиллар етарли эмас.

Ҳаммуаллифликда тайёрланган “Ўзбек тилини ўқитиш методикаси” китобидаги “Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма ва боғланишли нутқини ўстириш мазмуни” деб номланган тўртинчи бўлимида таъкидланишича, “Ёзма нутқ устида ишлаш оғзаки нутққа қараганда анча мураккаб жараёндир. Чунки у ўқувчидан грамматик ва мазмун жиҳатидан тўғри жумла қуришни, ҳар бир сўзни ўз ўрнида тўғри қўллашни, фикрни ихчам, изчил, ифодали, услуб жиҳатидан содда ва равон ифодалашни, баён қилинган фикрлар асосида хулосалар чиқаришни талаб этади”¹³⁹.

Асар ўқилганидан сўнг ўқувчилар бажарадиган ижодий ишлар уларнинг шахсий муносабатларини қофозга тушириш мазмунида ташкил этилади. Бундай ишлар дарсда ва дарсдан ташқари тадбирларда, асар қайта ўқилаётган ва таҳлил қилинаётган пайтларда ўтказилади (*4-иловага қаранг*).

Адабиёт дарсларида ижодий ишлардан, асосан, иншо (адабий мавзулардаги иншо) кенг тарқалган. О.Мадаев, А.Собиров, З.Холманова, Ш.Тошмирзаеваларнинг “Ёзма иш турлари: иншо, баён, диктант” номли методик қўлланмасида изоҳланишича, “Адабий мавзудаги иншо таълим дастурида қайд қилинган, дарс жараёнида ўтилган мавзулар асосида ёзиладиган, дарслар ва дарсликлардаги маълумотларга ўқувчининг муносабати, шахсий фикрлари ифодаланадиган, ижодий ёндашув асосидаги

¹³⁸ Muhamedova S., Saparniyozova M. Matn lingvistikasi. – Toshkent: Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti talabalari uchun o‘quv qo‘llanma., 2011. – B/21.

¹³⁹ G’ulomov A., Sayfullayeva R., Ernazarova M., Bobomurodova A., Alavutdinova N. O‘zbek tilini o‘qitish metodikasi.”Fan va texnologiya”, – Toshkent: 2020. – B.336.

ёзма ишдир”¹⁴⁰. Изоҳда ўқувчиларнинг муносабати, шахсий фикрлари, ижодий ёндашувга урғу берилган. Албатта, ёшларнинг мустақил фикрлари иншонинг зарур шартларидан биридир.

Қўлланмада “адабий мавзудаги иншолар ўқувчининг адабий нутқини ривожлантиради, унга ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш, муболага сингари бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиши, оддий сўзлар билан маъноси кучайтирилган бўёқдор сўзларни фарқлаш ва кўллай билишни ўргатади”¹⁴¹, деган тавсиф ҳам келтирилади. Лекин кузатишлардан маълумки, адабий-танқидий мақола (тавсиф) типидаги иншода ўқувчи бадиий тасвир воситаларини кам ишлатади, асар қаҳрамонларига тавсиф бергандагина асарда ишлатилган воситалардан фойдаланади.

Ўқувчиларнинг шахсий фикри асарда тасвиrlenган ҳаёт ҳодисалари ҳақида мушоҳада юритиш ва ўз мулоҳазаларини баён қилиш муносабати билан юзага чиқади. Шу руҳда ёзилган иншони қўлланма муаллифлари “адабий танқид жанри” деб атайдилар. Муаллифлар иншо қандай асарлар асосида ёзилиши кераклигига ҳам тўхталиб, қуйидаги фикрни баён қиласидилар: “...адабий характердаги иншоларнинг аксарияти воқеаларга бой, ранг-баранг тимсоллар галереясига эга бўлган, ғоявий ҳамда бадиий жиҳатдан мукаммал асарларнинг мазмунига асосланган бўлади”¹⁴².

“Ўқувчининг эркин ва мустақил мулоҳазасига асосланадиган мустақил ёзма ишларни ўқув йилининг бошида, бадиий асар таҳлилига бир оз ўрганилгандан кейин, ўқув йили ўрталарида ва охирида олиш болаларнинг мустақил фикрлашини ўстиради. Шу билан бирга, улардаги фикр мустақилигининг ўсишини назорат қилишга имкон беради”¹⁴³.

Юқорида баён қилинганлардан маълум бўладики, ижодий ёзма

¹⁴⁰ Madayev O., Sobirov A., Xolmanova Z., Toshmirzayeva Sh. Yozma ish turlari: insho, bayon, diktant. – Toshkent: Turon zamin ziyo, 2020. – B.14.

¹⁴¹ Madayev O., Sobirov A., Xolmanova Z., Toshmirzayeva Sh. Yozma ish turlari: insho, bayon, diktant. – Toshkent: Turon zamin ziyo, 2020. – B.15.

¹⁴² Madayev O., Sobirov A., Xolmanova Z., Toshmirzayeva Sh. Yozma ish turlari: insho, bayon, diktant. – Toshken: Turon zamin ziyo, 2020. – B. 27.

¹⁴³ Husanboyeva Q., Niyozmetova R. O‘zbek adabiyotini o‘qitish metodikasi. O‘quv qo‘llanma. – Toshkent: Innovatsiya-Ziyo, 2020. – B.304.

ишларни ташкил этишда ўқилган асарнинг бадий жиҳатдан юксаклик даражаси, тилининг бадий тасвир воситаларига бойлиги, эмоционал-экспрессив воситалардан фойдаланганлик даражаси ҳисобга олиниши керак. Айни пайтда иншонинг кириш ёки хулоса қисмида ёзувчининг маҳоратига тўхталинса, ижодкорнинг ўзбек тили тараққиётига қўшган ҳиссасини таъкидлаб ўтиш ҳам фойдалидир. Бунда ўқувчи ўқилаётган асарларнинг ижтимоий аҳамиятига ҳам эътибор бера бошлайди.

Дарсда ўқувчиларнинг ёзганларини, албатта, ўқитиб кўриш керак. Эҳтимол, ёзилганлар асосида тўплам тузиш мумкин бўлар. Шубҳасиз, ўқувчи ўз иншосида асар қаҳрамонларининг тавсифий хусусиятларини ҳам очишга ҳаракат қиласи. Бунда у тавсиф билдирувчи тушунчаларни ифодалаш вазиятига тушади. Бундай тушунчаларни билдирувчи лексикани етарлича билмаслиги аниқ. Ушбу муаммо тадқиқотчи А.Т.Болтаевани маҳсус изланишга даъват этган. У ўз илмий ишида адабий-танқидий нутқ муаммолари, бунда ўқувчилар нутқини тавсиф билдирувчи сўз ва иборалар билан бойитиши масалаларини атрофлича ёритишига муваффақ бўлган¹⁴⁴.

Адабий-нутқий компетенцияларнинг ўз фикрларини ёзма баён қилиш тури воқеа-ҳодисаларни, ўз таассуротларини шунчаки ривоялаш, тавсифлаш эмас, балки адабий-танқидий мушоҳада юритиш саналади. Шу жиҳати билан одатдаги тасвир-иншо, ривоя-иншо, муҳокама-иншо, асар қаҳрамонларига тавсиф бериш мазмунидаги иншолардан тубдан фарқ қиласи. Ўқувчи адабиётшунос ёки танқидчи сифатида асарнинг бадий-эстетик қийматига баҳо беради, ёзувчининг маҳоратига тўхталади ва ҳ.к.

Асосий муаммо асарда тасвирланган воқеа-ҳодисаларга, асар қаҳрамонларига ўз муносабатини ифодалаб баҳо беришдаги қийинчиликларда. Айтиш мумкинки, адабий-танқидий мақола типидаги иншони ёзиш учун ўқувчи асарни юқори даражада тушунган ҳолда ўқиб ўзлаштириши, ундан керакли материалларни дафтарига қайдлаши, яъни ахборот олиш маданиятини эгаллаши, назарий мушоҳада юритиш лаёқатини

¹⁴⁴ Балтаева А.Т. Адабиёт дарсларида ўқувчиларни бадий асар қаҳрамонларини танқидий баҳолашга ўргатиш технологияси: Пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2020. – Б.112.

шакллантириши, муносабат билдиришга одатланиши, иншо ёзишга тайёргарлик босқичида лингводидактик асослар билан қуролланиши керак. Бирор методист олим йўқки, иншо ёзишдан аввал тайёргарлик кўришни (сўз ва ибораларни танлаш, далиллар тўплаш ва б.) тавсия этмаган бўлсин.

Мавжуд мерос билан чуқур танишган методист олима Ф.Ҳ.Аминова мулоқот матни яратиш жараёнини “...фикр ифодалаш учун зарур бўлган материални излаб топиш ва тўплаш, уларни изчил тизимга солиш ва жойлаштириш, ўз фикрини далилларга таяниб сўз билан ифодалаш”¹⁴⁵ деб тушунтиради. Лекин амалиётда бундай эмас: иншо ёзиладиган дарсда мавзу эълон қилинади, ўқувчилар ёзишга киришадилар.

Адабиёт дарсларида ёзиладиган иншолар асар таҳлилига асосланади. Иншолар, хусусан, ўқувчиларни ижодга ундаш учун бериладиган уй иншолари ва уларни ташкил этиш борасида методист олима Қ.Хусанбоева томонидан аниқ тавсиялар ишлаб чиқилган. Айни пайтда ушбу иншоларнинг лингводидактик ҳамда адабий-назарий асосларини, асар таҳлили юзасидан эришилган натижалар ҳисобига бойитиш, она тили ўқув фани билан алоқадорликни таъминлаш, услубий ўзига хосликларга риоя этилишига эътибор бериш зарурияти мавжуд.

Тилшунослик ва методик адабиётларда матн ва унинг тузилиши, иншо ёзиш (матн яратиш) билан боғлиқ ижодий ёзма ишларнинг бугунги ҳолати, иншо сарлавҳаси, эпиграф танлаш, мавзу ва режани ёзма ишда ўринлаштириш, кичик мавзулар билан боғлиқ равишда режа тузиш, иншоларда йўл қўйиладиган матний хатоларни ҳисобга олган ҳолда иншо назарияси юзасидан маълумотлар бериш, тегишли кўникма ва малакалар ҳосил қилиш бўйича тавсиялар берилган.

“Синфда асар мутолааси давомида ўқувчиларга иншо ёзишда қўл келадиган муҳим сўз ва ибораларни белгилаб боришини ўргатиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Бу нарса ўқувчиларни асарни ўқиш давомида иншо ёзишга рухан тайёрлайди. Бундай иншо ёзишда ўқувчига берилган

¹⁴⁵ Аминова Ф.Ҳ. Ўқувчиларни мулоқот матн яратишга ўргатишнинг дидактик асослари: Пед. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2007. – Б.11.

эркинлик ва имконият уни мустақил фикрлашга, кечинмаларини сўз билан ифодалашга одатлантиради. Бу хил ёзма ишларда китобий сўз ва ибораларнинг бўлиши кўп китоб ўқиган ўқувчилар учун табиий ҳол, албатта”¹⁴⁶.

Ёзилажак иншонинг ҳажми давлат таълим стандартида белгиланган, айрим методик қўлланмаларда аниқ кўрсатилган бўлади. Масалан, “Асар таҳлилидан сўнг уй вазифа сифатида 30–40 сўзлик таассурот иншо ёзиш талаб қилинса ҳам, мақсадга мувофиқ бўларди”,¹⁴⁷.

Ўқувчиларнинг боғланишли ёзма нутқи жуда секинлик билан ўса бошлайди. Илк даврларда уларда сўз қашшоқлиги сезилади: нима ҳақида ёзиш кераклиги маълум бўлса-да, гаплар изчиллиги воситасида фикр баён қилиш чоғида тегишли сўзларни эслаш, уларни саводли ёзиш, грамматик жиҳатдан шакллантириш, гап тузишнинг ҳар бир қадами қийинчиликлар билан босилади. Бу қийинчиликлар:

- сўз топа олмаслик;
- у билан боғланадиган (бирикадиган) навбатдаги сўзни излаш, гапни тугаллай олмаслик;
- мазмуннинг давомини билмаслик тарзида намоён бўлади.

Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг ёзма нутқини ўстиришда биргина иншо ҳал қилувчи роль ўйнай олмайди: ҳар дарсда, ҳар бир асарни ўрганиш жараёнида муаммоли саволга аввал ўқувчилар ёзма жавоб тайёрласинлар, ана шу ишлар улар нутқидаги ўсишни таъминлайди.

Халқимизнинг “Халво деган билан оғиз чучимайди” деган мақоли бежиз айтилмаган. Шундай муаммоли савол берилса, ўқувчилар бундай деб жавоб қайтарадилар қабилидаги тавсиялар амалиётда иш бермаётганлиги кўриниб турибди. Бунинг сабаблари ҳақида ўйлашга мажбур бўляпмиз. Тажрибалар асосида биз юқоридаги иш турига устувор аҳамият бериш керак

¹⁴⁶ Хусанбоева Қ. Адабиёт – маънавият ва мустақил фикр шакллантириш омили. – Тошкент: Ўзбекистон Milliy kutubxonasi нашриёти, 2009. – Б.93.

¹⁴⁷ Хусанбоева Қ. Адабиёт – маънавият ва мустақил фикр шакллантириш омили. – Тошкент: Ўзбекистон Milliy kutubxonasi нашриёти, 2009. – Б.68.

деган хуносага келдик. Ана шундай майда қадамлардан кейин иншо ўтказганимизда, натижа янада самарали бўлишига ишонч ҳосил қилдик (5-иловага қаранг).

Бадий асарни оғзаки таҳлил қилиш жараённида иншога тайёргарлик кўришни режалаштириш мумкин. Бошқача айтганда, ўқувчилар асар таҳлилидан иншо ёзишдаги эҳтиёжларни мўлжал қилса, материал тўплашни ўйлаб борса, у иншони осонроқ ёзади.

Қ.Хусанбоеванинг фикрича, “Қодирийнинг ижодида мен қадрлайдиган жиҳатлар” мавзусида иншо ёздириш учун, аввало, Абдулла Қодирийнинг асарини ўқувчи севиб қола оладиган даражада таҳлил қилиш керак. Асадаги ўқувчи қалбини титратадиган ўринларни кашф қилдириш керак”¹⁴⁸. Дарҳақиқат, ўқитувчининг ишни шуларга қаратса ташкил этиши ёзиладиган иншонинг яхши чиқишини таъминлаши аниқ.

Ўқувчиларнинг ўз фикрларини ёзма баён қилиши ёзма равишда бажариладиган таҳлилий жараённи тақозо этади, ижодий ишлар тарзида қоғозга туширилади. Бунда имло ва услуб қоидалари доирасида иш юритилади. Имло қоидалари китобий услуб – илмий услубга хосдир. Бу эса ўқувчиларни “Она тили” дарслекларидағи имло қоидаларини билишга, услубий қоидаларни амалий ўрганиб боришга ундейди, адабиёт дарсларини она тили ўқув фани билан ўзаро интеграциялашни тақозо этади.

Икки ўқув фанини интеграциялаш талабига кўра 5-синфданоқ сўзлашув услуби, бадий услуб ва китобий (илмий) услубларни билиш, уларни фарқлашни ўрганиш жоиз бўлади. Методист Ш.У.Сарiev ўқувчиларнинг кўпчилиги ўз фикрини ифодалашга қийналишини назарда тутиб, “ўқиши дарсларида амалга оширилаётган нутқ ўстириш борасидаги ҳаракатларни она тили дарсларида матн устида ишлашга оид машқлар билан узвий боғлаш керак”¹⁴⁹ лигини таъкидлайди. Бу жуда ўринли таклиф. Демак,

¹⁴⁸ Husanboyeva Q., Niyozmetova R. O‘zbek adabiyotini o‘qitish metodikasi. O‘quv qo‘llanma. – Toshkent: Innovatsiya-Ziyo, 2020. – B.304-305.

¹⁴⁹ Сарiev Ш.У. Бошланғич синф ўқиши дарсларида матн устида ишлаш орқали нутқ ўстириш методикасини такомиллаштириш (1–2-синф материаллари мисолида): Пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2020. – Б.73.

матн яратиш устидаги ишлар орқали ўқувчиларнинг сўз танлаш, уни матн таркибида мақсадга мувофиқ қўллаш малакасини шакллантириш, уларни иншо ёзишга самарали тайёрлаш мумкин.

Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг ўз фикрларини ёзма баён қилиш компетенциясини шакллантириш мақсадига йўналтирилган барча босқич ва жараёнларда қуидаги ёндашув ва тамойилларга риоя қилиш лозим бўлади: ҳар бир малака турини компетенция даражасига етказиш тамойили; асарни ўқиш ва таҳлилий кузатишнинг мақсад сари йўналганлик тамойили; услугларни бир-биридан фарқлашни ўрганиш тамойили; ўрни билан лексик ва грамматик таҳлилдан фойдаланиш тамойили кабилар.

Грамматик таҳлил дарслклардаги услубий қоидаларни топишнинг муҳим омили ҳисобланади. Методист олима М.Мирмахсудованинг аниқ қилиб тушунтиришича, “грамматик таҳлилдан биз ўйлаган даража – ўқувчиларнинг ўз нутқларини тузатиб, бойитиб, камол топтириб боришлирида восита-куролга, яъни керакли қоидани эслашга йўл очиб берадиган, қаердан қидириш кераклигини осонлаштирадиган қўприкка айлантириш”,¹⁵⁰ муҳимдир. Ўқувчилар морфологик шаклларнинг, синтактик курилмаларнинг услубий қўлланишини қидиришда грамматик таҳлилга мурожаат этмай иложлари йўқ.

Услубий меъёrlар умр бўйи амалий ўрганиб борилади. “Ҳаётий амалиёт” – деб жуда ўринли таъкидлаган эди машхур психолог С.А.Рубинштейн, – инсонни кўзда тутилмаган қабул қилишдан мақсадга йўналтирилган кузатишга ўтишга мажбур қиласди; бу босқичда қабул қилиш анализ ва синтез, яъни қабул қилинганни англаш ва татбиқ қилишни ўзида мужассам этувчи назарий фаолиятга айланган бўлади”¹⁵¹. Шунингдек, олим боланинг ақлий ривожланишини ифодаловчи идрокнинг ривожланиш даражаси интерпретация (талқин қилиш) босқичи эканлигини алоҳида қайд этади.

¹⁵⁰ Мирмахсудова М.Б. Ўқувчилар нутқини такомиллаштиришда грамматик терминлардан фойдаланишинг лингвометодик асослари (5–7-синфлар она тили дарсларида): Пед. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2004. – Б.13.

¹⁵¹ Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СПб.: Питер, 2002. – С. 226.

Адабиёт дарсларида ўқувчиларни иншо ёзишга тайёрлаш босқичи ўта масъулиятли босқичдир. Ишмизнинг биринчи бобида айтиб ўтганимиздек, одатда бадий асардан иншо учун материал танлаш кўпинча уй вазифаси қилиб топширилади. Биз олиб борган тажрибалар шуни кўрсатдики, бу иш учун алоҳида дарс ажратиш ёки бу ишни иншо ёзишдан олдинги дарсдан кўпроқ вақт ажратиб амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Лекин иншо ёзишнинг ўзини босқичларга бўлиш яна ҳам кўпроқ самара берар экан. Бу қуйидагича:

- 1) муаммоли саволга бир неча гап билан ёзма жавоб бериш, муаммоли топшириққа ҳам шу тарзда ўз муносабатларини қўшган ҳолда фикрни ёзма ифодалаш;
- 2) бадий асардан иншода фойдаланиш мумкин бўлган сўз ва ибораларни, бадий тасвир воситаларини ёзма равища бажариш;
- 3) кичик ҳажмли иншо (мини иншо) ёзиш;
- 4) бир-икки муаммо бўйича уч-тўрт банддан иборат режа асосида ўртacha ҳажмда иншо ёзиш;
- 5) мураккаб режа асосида адабий мавзуда иншо ёки эссе ёзиш.

Муаммоли саволга бир неча гап билан ёзма жавоб бериш, муаммоли топшириққа ҳам шу тарзда ўз муносабатларини қўшган ҳолда фикрни ёзма ифодалаш ўқувчиларнинг мустақил фикр баён қилишларини тақозо этади. Ҳар бир бадий ҳикоя бўйича 3–4 ёки ундан кўпроқ муаммоли савол ва топшириқ тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Масалан, 10-синфда Сайд Аҳмаднинг “Қоракўз Мажнун” ҳикояси юзасидан қуйидаги савол ва топшириқлар берилиши мумкин:

1. Асар бошида Қуръони каримдан келтирилган оят билан ҳикоя мазмунининг қандай боғлиқлик томонлари бор?
2. Саодат аянинг Бўрихондан хафа бўлишини қандай изоҳлайсиз?
3. Бўрихоннинг эътиқоди сустлиги сабаби нимада эди?
4. Асарда ит образи ниманинг тимсоли сифатида гавдалантирилган?
5. Бўрихон образига тавсиф беринг.

Дастлабки кезларда синфдаги қаторлар биттадан савол ёки топшириқ олади, яъни ҳар бир ўқувчи биттадан ижодий иш ёзади. Бу ишга дарсдан 10–15 дақиқа вақт ажратилади.

Ёзма ишнинг бу тури дастлабки ижодий иш бўлгани учун ўқувчи ўз сўз бойлигини, эслаб қолган сўзларини ишга солади. Ўз сўзлари билан фикрини баён қиласи, асар матнидан имкони даражасида фойдаланади.

Бадиий асардан иншода фойдаланиш мумкин бўлган сўз ва ибораларни, бадиий тасвир воситаларини ёзма равишда бажариш иншо ёзишга тайёргарлик босқичи бўлиб, методист олимлар айни шу иш турига урғу берадилар. Мазкур иш турини синфда бошлаган маъқул. Бунда ўқувчиларнинг вазифани бажаришлари назорат остида бўлади. Ўқувчилар ўқитувчидан у ёки бу нарсани сўрашлари мумкин. Вазифанинг бажарилиши ўқитиш орқали ёки дафтарларни текшириш учун олиш йўли билан назорат қилиниши мумкин. Бу ишлар охир-оқибат ўқувчиларга тўғри йўналиш беради, улар топшириқни аъло даражада бажара бошлайдилар. Иш баъзан жамоа бўлиб адo этилиши ҳам фойдадан холи эмас.

Ўқувчи нималар ҳақида фикр юритиш лозимлигини ўйлайди ва шунга мувофиқ келадиган материалларни йиғади. Баъзан асардан кўчирмалар олишга ҳам тўғри келар. Кўчирмалар ўқувчининг ўз фикрларини асослаши учун далил вазифасини ўтайди.

Иншо учун материал тўплаш мухим аҳамиятга эга. Бадиий асар асосида материал тўплаётганда ижодкорнинг мақсади, унда иштирок этган шахслар, ёзувчи ёки шоирнинг образ яратиш маҳорати, чиқариладиган хуносат кабилар марказий ўринни эгаллайди.

Мини иншо (кичик ҳажмли иншо) ёзишда ҳар бир ўқувчи иккитадан муаммоли савол ва топшириқ олади. Жавобларни мини иншо сифатида ёзади. Бу иш аввал оғзаки ўtkазилиши ҳам мумкин. Уч-тўрт муаммо бўйича уч-тўрт банддан иборат режа асосида ўртacha ҳажмда иншо ёзишда муаммолар ўқувчиларга оддий режа сифатида тақдим этилади. Маълум тайёргарликдан сўнг ўртacha ҳажмдаги иншо ёздирилади;

Мураккаб режа асосида адабий мавзуда иншо ёки эссе ёзиш. Бундай иншоларни ўтказишга доир тавсиялар кўпгина методист олимлар томонидан ишлаб чиқилган. Фарқи: тажриба синфларида 1–4-моддалар асосидаги ишлар бажарилгандан кейин ташкил этилади, назорат синфларида 2-моддада кўрсатилган иш уй вазифаси сифатида бажарилади ёки бундай иш, умуман, бажарилмайди, бирдан иншога ўтилади. 1–5-моддаларда кўрсатилган ишлар тажриба-синов материаллари сифатида ҳам фойдаланилади.

Ўкувчилар бадиий услубда тузадиган матн (иншо)да ифодавийлик, таъсиричанлик бўлиши керак. Шу мақсадда эмоционал-экспрессив воситлардан фойдаланишлари, ўз туйғулари, кечинмаларини акс эттиришлари тавсия қилинади.

Иншо ёзаётганда олдиндан тўпланган материаллардан фойдалана олиш муҳим, лекин уларни матнда мантикий изчилликда, ўринли тарзда жойлаштириш осон эмас. Шунинг учун бўлса керак, амалиётда иншо учун асардан материал тўплаш ва уни тартибга солиш (сараплаш) ишлари деярли бажарилмайди. Бинобарин, матн яратиш фақат имловий ёки пунктуацион хатолар устида ишлашдан иборат эмас, балки унинг мазмунини янада такомиллаштиришни ҳам назарда тутади.

Баъзи иншолар ўқувчиidan бадиий нутқни талаб этади. У ана шу иншолар орқали ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш, муболага сингари бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиш, маънони кучайтирадиган бўёқдор сўзларни кўллаш, товушларни чўзиш орқали турли хил маъноларни ифодалаш каби бадиий нутқка хос баён усулларини ўрганади.

Демак, ўқувчиларнинг ўз фикрларини оғзаки ва ёзма баён қилишлари бадиий асарни адабий-танқидий нутқий фаолиятга ундовчи муаммоли савол ва топшириқлар асосида таҳлил қилиш жараёнида амалга ошади.

Иккинчи боб юзасидан холосалар

1. Адабий-нутқий компетенциялар ўзига хос лингводидактик ва

методик асосларга эга бўлиб, бадиий асарни идрок этиш, унга ўз мушоҳадалари билан муносабат билдириш, тил хусусиятлари устида фарқли иш олиб бориш, адабий-танқидий нутқ лаёқатини эгаллаш каби ўрганиш аспектлари билан коммуникатив, фарқли ва фаолиятли ёндашувларни тақозо этади.

2. Ўқитувчи ўқиб эшиттирган ёки ахборот технологиясидан фойдаланиб овозлантирилган бадиий асарни тинглаб тушуниш овоз жилоларини туйиш, дастлабки эстетик таъсирланиш, сўз маънолари, сўз бирикмалари, синтактик қурилмалар мазмунини тушуниш, олдиндан кўрилган тайёргарлик орқали лексик ва грамматик қийинчиликларни бартараф этиш, ифодали ўқиши қоидаларига тўлиқ амал қилиш, қизиқиши барқарор сақлаш каби лингводидактик ва методик асослар орқали таъминланади.

3. Бадиий асарни ўқишининг ифодали, онгли, мақсад сари йўналтирилган бўлиши учун олдиндан лексик-грамматик тайёргарликни амалга ошириш, ўқиши ва таҳлил қилиш жараёнида адабий нутқни ривожлантириш чораларини кўрган ҳолда иш олиб бориш, ифодали ўқишининг онгли бўлишини таъминлаш, овознинг паст-баландлиги, тез-секинлиги, товланишларини белгилаш, ўқувчиларнинг асар мазмунин доирасида мушоҳада юритишлари, баҳо бериб, ўз муносабатларини адабий нутқ даражасида баён қилишга интилишларига эришиш усуслари қўлланади.

4. Ўз фикрини оғзаки баён қилиш компетенциясини шакллантириш юзасидан бажариладиган иш турлари, асосан, адабий таҳлил жараёни билан боғланади, адабий-танқидий мушоҳадалар юритиш, шу жараёнида ўз муносабатини билдириш, асар ғояси билан боғлиқ муаммолар хусусида баҳс юритиш, баҳолаш, унда тасвирланган воқеа-ходисалар, қаҳрамонлар, ўринжой тасвирлари, образлар, бадиий тасвир воситалари, тил хусусиятларидан муаллифнинг позициясига, ундан адабнинг маҳоратига қараб борилади.

5. Ўз фикрларини ёзма баён қилиш компетенциясини шакллантиришга қаратилган иш турлари ижодий ёзма ишлар, жумладан, адабий мавзудаги

иншодан иборат бўлиб, ўз фикрларини саводли, адабий-назарий тушунчаларни тўғри ишлатган ҳолда ёритиш, бадиий асар таҳлили муносабати билан оғзаки юритилган мушоҳадаларни ёзма ифодалаш, иншо матнини иншо тузилишига доир қоидалар доирасида расмийлаштириш, иншода олдиндан тўпланган материаллардан фойдаланиш мазмунида ташкил этилади.

6. Адабиёт дарсларида амалга ошириладиган юмушларнинг аксарият қисми лойиҳалаш, эвристик, модуллаш, тадқиқ этиш (изланиш) каби методлардан, интерактив усуллардан фойдаланишни тақозо қиласди.

ІІІ БОБ. АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА АДАБИЙ-НУТҚИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ

3.1-§. Тажриба-синов материаллари, уни ташкил этиш ва баҳолаш мезонлари

Адабиёт дарсларида нутқ ўстиришнинг асосий йўналишларидан бири матннинг ўқув таҳлили бўлиб, у ҳар хил нутқий вазиятларни ҳосил қилиш, диалогик мулоқот учун вазият яратиш, адабий мавзуларда монологик нутқ турларидан фойдаланишга ўргатиш орқали амалга оширилади. Ўқувчилар нутқининг ривожланганлигини текшириш мезонлари фаол лексикага, терминологияга, тасвирий ифодаларга эгалик, нутқни мазмундор, маълумотларга бой қилиш, мустақил фикрлаш, асар компонентларига ўз муносабатини ифодалаш, чиқишлиарнинг мантиқий аниқлиги ва хулосаларнинг мустақиллиги билан бойитиш ва ҳ.к.лар билан белгиланади.

Диссертациянинг ушбу учинчи боби дастлабки икки бобда олиб борилган тадқиқот ишларининг мантиқий давоми бўлиб, у эришилган натижалар, чиқарилган хулосаларни амалиётда синаб кўриш, натижадорлигига, самарадорлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадини кўзда тутади.

Тажриба-синов материаллари сифатида Ойбекнинг “Фанорчи ота”, Туроб Тўланинг “Дўнан”, Нодар Думбадзенинг “Hellados” каби асарларни ўқиб-ўрганиш дарслари олинди. Ушбу асарларнинг ҳар бири юқорида баён қилинган назарий-методик асослардан келиб чиқиб, адабий-нутқий компетенциялар нуқтаи назаридан икки босқич сифатида тақдим этилган икки йўналишда (икки параметрда) тажрибадан ўтказилди:

- 1) ҳикояни тинглаб ва ўқиб идрок этиш сифати;
- 2) ўз фикрини ёзма баён қилиш.

Асарларни ўрганишнинг тинглаб ва ўқиб идрок этиш босқичида (биринчи йўналиш бўйича) қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- асарларни тинглаш ва ўқишига лексик ва грамматик тайёргарлик;

- ўқитувчининг кириш сўзи, савол ва топшириқлари;
- асарлар ўқиб ва тинглаб бўлингач, ўқувчининг тушунганлик даражаси савол ва топшириқлар, шунингдек, қўшимча икки-уч муаммоли савол асосида назоратга тортилади (*б-иловага қаранг*).

Лексик ва грамматик тайёргарлик жараёнида нотаниш тил ходисаларининг маъносини пассив даражада бўлса ҳам англатиш мақсадида қуидагиларга эътибор берилади:

- 1) асарда мавжуд янги (нотаниш) сўзлар, морфологик шакллар ва синтактик конструкциялар бойлигини эгаллаш;
- 2) ёзувчи асарда фойдаланган сўзлар, морфологик шакллар ва синтактик конструкциялар синонимиясини эгаллаш;
- 3) сўзлар, морфологик шакллар ва синтактик конструкцияларнинг услубий қўлланишини билиб олиш;
- 4) нутқ услублари, амалий услубий қоидаларни ўзлаштириш ва уларга амал қилиб нутқий фаолият турларини компетенциялар даражасида ўзлаштириш.

Назорат синфларида асарларни ўрганиш дарслари шу синфлар учун мўлжалланган методик қўлланмалар (ўқитувчи китоблари) асосида одатдагидек ташкил этилади.

Тажриба-синов дарсларининг иккинчи босқичи биринчи босқичда тинглаб ва ўқиб идрок этилган хикоялар асосида ўқувчиларнинг ўз фикрларини оғзаки ва ёзма нутқини компетенция даражасида шакллантириш сари йўналтирилган ҳолда ўстиришга доир қуидаги изчилликдаги ишлар олиб борилди:

Назорат синфларида асарларни ўрганиш дарслари шу синфлар учун мўлжалланган методик қўлланмалар (ўқитувчи китоблари) асосида одатдагидек ташкил этилди. Навбатдаги босқичда қуидагиларга эътибор қаратилди:

- 1) ўқитувчининг кириш сўзи;

2) оғзаки мушоҳада юритиш, ўз муносабатини билдириш талаби билан муаммоли савол ва топшириқлар бериш;

3) ўқувчиларнинг асардан тегишли қисмни қайта ўқиб чиқишилари ва савол-топшириқларга жавоб ўйлашлари;

4) муаммоли савол ва топшириқларни ёзма бажариш.

Иккала йўналиш қўшилиб, ўқувчиларининг матнни ўқиши ва тушуниш, ўз фикрларини оғзаки ва ёзма баён қилиш даражасини баҳолаш учун халқаро баҳолаш PIRLS (Progress in International Reading and Literacy Study) мезонидан келиб чиқилди.

Биз ўқувчиларнинг янги ўқиладиган асар мазмунини тушуниш даражасида лугат ишининг зарурлиги масаласига аниқлик киритиш мақсадида 5-, 6-, 8-синф “Адабиёт” дарслекларидаги учта насрой асарнинг ҳар биридан бир саҳифа ажратиб, матндан нусха кўпайтириб, ўқувчиларга тарқатиши ва нотаниш сўзларини белгилатиши усулидан фойдаландик. Асарлардаги маъноси англашмай турган сўз ва ибораларнинг тагига чизик чизиш талаб этиладиган назоратиши ўтказдик. Материал сифатида қуидаги асарлардан парчалар танланди:

YOSHLIK AYYOMINING ILK BAHORI

Alisher cho‘kkalab olib, xontaxta ustidagi kattakon bir kitobni varaqlab, surat ko‘rib o‘tirar edi. Ov va jang manzaralari uni shu qadar qiziqtirgan, xayolini shu qadar o‘g‘irlagan ediki, otasi kelib eshik oldida kavush yechayotganini ham payqamadi. Kichkina Bahodir deb nom chiqargan G‘iyosiddin endi to‘rt yoshga kirgan o‘g‘li Alisherga kulimsirab qarab turdi. “Shul yoshdin kitobga muhabbat qo‘ysa, ulg‘aygach, kitobni ilkidan ayirmay o‘zi bilan asrab yurg‘ay”, – deb o‘yladi ota shiringina, do‘mboq o‘g‘lidan ko‘zini uzolmay.

– Ha, bul yerga yoshurunib olib ne qiladur, desam, kitob ko‘rayotgan ekanlar-da, – dedi G‘iyosiddin piching aralash mehr bilan.

Otasi bu gapni sekingina, kulib turib aytgan bo‘lsa-da, Alisher sho‘xlik qilib kattalardan dashnom eshitishdan qo‘rqqan boladek olazarak bo‘lib:

– Dada, mana bul suratni ko‘ring, – dedi. Uning xiyol qiyiq ko‘zлari mo‘ltirar edi. – Mana bul cherik shotidan chiqayotib qulab tushmoqda, qo‘rg‘on ustinda turganlar o‘q otib qulotg‘on chiqarlar. Mana bunisi pastdin turib qal'a ustidagilarga o‘q uzmoqda.

Otasi o‘g‘lining gapini tasdiqlagandek bosh irg‘itib, uning qo‘lidan kitobni asta oldi-yu tokchaga, boshqa kitoblar yoniga qo‘ydi.

– Bu kitobning o‘rni tokchada, – dedi u yasama jiddiylik bilan, – ammo siz kitob ko‘rmoqqa yoshlik qilursiz, yirtib qo‘ysangiz yaxshi bo‘lmas. Ani ikki qo‘y bahosiga sotib olg‘onmen.

– Men kitobni yirtmaymen, avaylab ko‘ramen.

– Aqlli bolasan-da. Tentak bolalarg‘ina ilkligiga tushgan kitoblarni porapora qiladurlar. Katta bo‘lg‘oningda senga ajoyib kitoblar sotub olg‘aymen. Hozircha... mana buni o‘ynab yur, – G‘iyosiddin kulib, cho‘ntagidan “sopol qo‘chqor” chiqarib berdi. Bola bu g‘alati o‘yinchoqni ko‘rgach, ko‘zлari o‘ynab ketdi.

– Qara, o‘g‘lim, aning muguzlari qayrilg‘on, suzib olmoqqa hozirlanib turadur.

– Menga bering, – deb bola sakrab o‘yinchoqni uning qo‘lidan tortib oldi, – ani Husaynning qo‘chqori birla urishtirgaymen.

G‘iyosiddin devonxonadan kelib, dam olgandan so‘ng ba’zan qo‘liga kitob olib mutolaa qilar, shunday kezlar Alisher yoniga kelib o‘tirib olar va ovoz chiqarib o‘qishini so‘rar edi.

Топшириқни бажариш жараёнида ўқувчилар томонидан илки, мугузи, девонхона каби сўзлар тагига чизилган. Ўқитувчи эса бутун синфга мурожаат қилиб, бу сўзларнинг маъносини қандай тушунгандикларини сўради. Сўнгра ҳар бирининг маъноларига аниқлик киритилди.

BOLANING KO‘NGLI POSHSHO (“*Bolalik*” qissasidan)

...Ko‘cha bugun jonlangan. Bo‘zchilar tandal yoyib, ipni ko‘k bo‘yoqqa bo‘yaydilar, bir tomoni dag‘al, qilli, g‘o‘laday og‘ir asbobni tanda ustidan yuritib, ipni silliqlaydilar. Bo‘zchilarning ko‘pi qari-qartang odamlar. Sal sho‘xlik qilsang: “G‘ivillama oyoq ostida!” – deb jerkishadi ular.

Men ariq labidan bir parcha loy olib “poq-poq” o‘ynab o‘tirsam, uyidan o‘rtog‘im A’zam otilib chiqadi. Ko‘zлari allanechuk besaranjom. Qarasam, qo‘lida bir tilim handalak. Men unga: “Shirinmi?” deb tikilaman. U havasim kelganini biladi, shekilli, qo‘lini orqasiga oladi-da, boshini liqillatib maqtanadi:

– Dadamlar olib keldilar, yana bor. Ah, shirin...

Men loyni otaman. Yugurib Mirahmad otaning uyiga kiraman. Supuriqsiz, qarovsiz qolgan keng hovlida juda baland, beo‘xshov eski paxsa devorli xonaning kichkina, shaloq darchasi oldida bobom o‘rtog‘i bilan gaplashib o‘tiribdi. Men pinjiga tiqilaman:

– Buva, handalak...

Chol quloq solgisi kelmaydi, hassasining uchi bilan yerni urib, gapiradi:

– Bilaman, bilaman, Musulmonqulning odami edi u, shaytonga dars berardi...

– Balli, esingizda ekan... – eski do‘ppili boshini og‘ir chayqab, so‘zini davom ettiradi Mirahmad ota: – Ana shu oqpadarga qamti kelib qolsam bo‘ladimi! U otda, men yayov. Qo‘limda shashpar!.. O‘ziyam devday baquvvat, zug‘umli yigit edi-da...

Men chollarning gapiga beixtiyor berilaman. Dam bobomga, dam uning o‘rtog‘iga tikilaman. Ular allaqanday xonlar, beklar, qo‘rg‘onlar, urushlar to‘g‘risida so‘zlashadi. Allakimlar qandaydir katta darvozalarni berkitib qo‘ygan, kimlardir shaharga suv bermagan, bog‘dorlar qaylargadir qochib ketgani uchun bog‘larda mevalar pishib, sasib-chirib ketgan. Bu gaplar menga ertakdan ham qiziq tuyuladi. Nihoyat, chollar jim bo‘lishadi, go‘yo yoshliklarini sog‘inganday, boshlarini quyi solishadi.

Men bobomning qo‘lidan tortaman:

– Handalak...

– Tek tur, huvari. Hali pishgani yo‘q... – deydi bobom.

Men yana qistayman. Qo‘lidan astoydil tortaman. Mirahmad ota meni aldamoq uchun gavronday hassasini qo‘ldan qo‘lga chaqqon olib, xirillagan ovoz bilan qandaydir qiziq ashula aytib beradi. Yo‘q, menga kor qilmaydi.

By acap матнидаги *тандал*, *шаинар*, *хувари*, *гаврон* сўзлари маъноларига изоҳ берилди.

DO‘NAN

(“*Yetti zog ‘ora qissasi*” asaridan)

– Mana sen jonivorlarni sevasan, buvingga o‘xshaysan. Qachon qishloqdan so‘z ketsa, albatta, tuya deysan, xo‘tik deysan. Nimaga? Ular bilan shug‘ullanish qiziq, xuddi ular ham seni yaxshi ko‘rganday, bilganday, aytganlaringni bilib qilayotganday. Faqat tillari yo‘q, xolos. Yoshligimda mening bir chiroqli, kelishgan do‘nanim bo‘lardi. Baqavli o‘rtog‘im edi, birga o‘sdiq, uni onasining tagidan buvam bilan ikkalamiz birga qabul qilib olganmiz. Onasining qornidan tushiboq dingillab menga qaragan, bo‘ynini bo‘ynimga solgan, ingichka-ingichka oyoqlari titrab turardi. Oyoqlarining to‘pig‘ida olasi bor edi, peshanasida qashqasi. Ko‘zları katta-katta, kiyiknikiga o‘xshagan chiroqli. Buvam bu seniki dedilar, katta bo‘lganida ham men boqdim, mendan boshqadan yem yemasdi, suvga ham meni undardi, birga borardik o‘rta ariqqa, o‘rta ariqdan suv ichmay turib olardi, Toshloqqa borardik, Toshloqdan ichardi, erinmasdan cho‘miltirardim, uzoq yuvardim. Buvam bir kuni uni jambil bilan yuvdilar. Shunday burqirab, xushbo‘y tarqatib yurdiki, bir necha hafta uyimiz jambil hidiga to‘lib turdi. Men ham shunday qiladigan bo‘ldim, jambil terib kelardim-da, buvamga o‘xshab buloq suvi bilan yuvardim.

– Faqat men minardim uni. Juda yugurik chiqdi, chavandozlar ko‘zmunchoq taqib qo‘y deyishdi, ko‘zmunchoq taqib qo‘ydim, ko‘z tegmasin deb. Ko‘pkarilarda minardim, aralashmasdim-u, uzoq-uzoqlarda ko‘pkarichilar orqasidan chopardim. U shu qadar quvonib yurardiki, boshini qo‘yib yuborsam,

yetib olishi hech gap emasdi. O‘roq mahali o‘roqqa ham birga chiqardik, go‘ja, ayron olib chiqardik o‘roqchilarga. Matansoy degan soyimiz bo‘lardi, juda bug‘doy bitkuchiydi. Go‘ja olib chiqdim-u, birozgina mashoq tersin deb boshini qo‘yib yubordim. O‘zim g‘aram soyasida, g‘ir-g‘ir shabadada mast bo‘lib yotdim, nafas o‘tmay uxbab qolibman. Bir mahal uyg‘onsam, oftob og‘ib qolgan, Do‘nanboy, mashoq qayoqda, o‘sha turgan joyida hali ham bir xil holatda turipti. Hayron bo‘lib o‘rnimdan turdim, bir narsa demoqchiday boshini baland ko‘tarib kishnadi, faqat orqa oyoqlari bilan tepkilanadi-yu, oldingi oyoqlarini yerdan uzmaydi. Yugurib oldiga bordim, bordim-u oyoqlari ostiga qarab qotib qoldim, oldingi chap oyog‘iga qop-qora, chipor cho‘lilon o‘ralib yotibdi, o‘ng oyog‘i esa uning boshini majaqlagancha ezib turipti. Borib oyoqlaridan majaqlangan ilonning o‘rovini yechib tashladim, shundagina o‘ng oyog‘ini uning boshidan oldi. Endi mashoq tera boshlaganda bu ilonni ko‘rgan, menga kelayotganini bilib g‘archcha bosgan...

Мазкур матндағи *бақавли*, *машок*, *зарал* сўзлари маъноси устида ишланди.

3.2-§. Тажриба-синов натижаларининг математик ва статистик таҳлили

Олиб борилган тажриба-синов ишлари якунида иншо ўтказилди. Иншо натижалари қуйидаги параметрлар бўйича баҳоланди:

1-параметр: ўқувчиларнинг ўз фикрлари, мушоҳадалари, муносабатлари, ижодий ёндашувлари акс этганлиги;

2-параметр: бадиий асадардан олинган материаллар тўлиқ киритилганлиги;

3-параметр: иншо ўқувчиларда ўз фикрларини ёзма баён қилиш компетенциясини ифода этганлиги; иншонинг барча талабларга жавоб бериси.

Баҳолаш уч даража асосида амалга оширилди:

А (юқори) даражасы: параметрлар түлик ҳисобга олинган (5 баҳо ёки балл).

Б (ўрта) даражасы: ўқувчилар ўз муносабатларини етарли билдира олмаганлар (4 баҳо ёки балл).

В (куйи) даражасы: ўқувчилар ўз муносабатларини акс эттиргемаганлар, мушоҳадалари саёз (3 баҳо ёки балл).

Натижада жадвалда акс эттирилди (3.1-жадвалга қаранг):

3.1-жадвал

Назорат ва тажриба синфларида (ҳар бирида 100 ўқувчидан) ўтказилган иншоларга қўйилган баҳолар

Иншолар	А (юқори) даражасы		Б (ўрта) даражасы		В (куйи) даражасы	
Синфи	H	T	H	T	H	T
Баҳо (баллар)						
Тажриба бошида	40	41	23	28	37	31
Тажриба якунида	43	61	25	29	32	10

Жадвал натижаларига асосланган ҳолда остига чизилган нотаниш сўзларни белгилаш бўйича ўтказилган иншолар юзасидан тажриба боши ва якунидаги натижаларни аниқлаштиришда тажриба ва назорат синфларидағи ўзлаштиришлари Стъюдент Фишер мезонлари асосида математик-статистик таҳлил қилинди. Тажриба-синовда 200 нафар ўқувчи қатнашди. Шундан 100 нафар ўқувчи тажриба синфида ва 100 нафар ўқувчи назорат синфида қатнашишди.

Рақамлардан маълум бўладики, тажриба-синов жараёнида ўқувчиларнинг муаммоли савол ва топшириклар устида ишлашлари, таҳлил чоғида асар юзасидан мушоҳада юритишлари, ўз муносабатларини билдириб боришлари натижасида ижодий характердаги иншоларда ижобий сифат ўзгаришлари юз берди.

Асарларни тинглаб тушунишда ҳам, ўқиб мазмунини тушунишда ҳам нотаниш сўзларга дуч келинади. Асарнинг асосий мазмуни билан боғлик сўзларни англамаслик асар мазмунини тўлиқ ва тўғри тушунмасликка сабаб бўлади. Шуни назарда тутиб, назорат ва тажриба синфларини танлаб (иккаласида ҳам 100 нафар ўқувчидан) уларга тарқатилган асарлардаги ўзлари маъносини тушунмаган сўзларнинг остига чизишни топширдик. Натижа қуидагича бўлди (3.2-жадвалга қаранг):

3.2-жадвал

Асарларда остига чизилган нотаниш сўзлар миқдори (ўрта хисобда)

Асарлар	“Ёшлик айёмининг баҳори”		“Бола кўнгли пошшо”		“Дўнан”	
Синф	H	T	H	T	H	T
Тажрибагача	25	26	14	13	31	34
Тажрибадан кейин	22	14	10	7	23	15

Жадвалдан кўринадики, тажрибадан олдин ўтказилган назорат ишида нотаниш сўзлар миқдори ўрта хисобда назорат ва тажриба синфларида бир-бирига яқин бўлган. Уч ой ўтиб шу асарларнинг ўзини ўқишига бериб, нотаниш сўзларини белгилаш талаб этилганда тажриба синфларида нотаниш сўзларнинг камайгани аниқланди.

Масаланинг қисқача моҳияти қуидагилардан иборат: иккита бош тўплам берилган бўлсин. Бири ўқувчиларнинг тажрибагача билимининг ўртacha баллари, иккинчisi эса ўқувчиларнинг тажриба охиридаги билимининг ўртacha баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга деб хисобланади. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади.

Тажриба ва назорат синфи ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи H_1 гипотеза ва унга зид бўлган H_0 гипотезани танлаймиз.

Юқоридаги жадвалдан тажриба бошидаги тажриба ва назорат синфларидаги натижаларни умумлашган ҳолда қўйидаги жадвалда акс эттирамиз (3.3-жадвалга қаранг):

3.3-жадвал

Бадиий асарлардаги остига чизилган нотаниш сўзларни белгилаш бўйича ўтказилган иншолар кўрсаткичлари (тажриба бошида)

Синфлар	Ўқувчилар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Қуий
Тажриба	100	41	28	31
Назорат	100	40	23	37

Тажриба синфидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари ва ўқувчилар сонини мос равища $X_i n_i$ лар ва шу каби назорат синфидагини эса $Y_j m_j$ лар орқали белгилаб олиб, қўйидаги статистик синфланган вариацион қаторларга эга бўламиз. Шунингдек, юқори кўрсаткични 3 балл, ўрта кўрсаткични 2 балл ва қуий кўрсаткични 1 балл билан белгилаймиз.


Тажриба синфидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$\begin{cases} X_i & 3, \quad 2, \quad 1 \\ n_i & 41, \quad 28, \quad 31 \end{cases} \quad n = \sum_{i=1}^3 n_i = 100$$

Назорат синфидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$\begin{cases} Y_j & 3, \quad 2, \quad 1 \\ m_j & 40, \quad 23, \quad 37 \end{cases} \quad m = \sum_{j=1}^3 m_j = 100$$

Бу танланмаларга мос келган диаграмма қўйидагича кўринишни олади (3.1-расмга қаранг):



3.1-расм. Тажриба бошида

Статистик таҳлил ўтказишини қулайлаштириш мақсадида юқоридаги вариацион қаторлардан n_i ва n_j такрорийлик (частота)ларни мос статистик эҳтимоллик аниқланади:

$$P_i = \frac{n}{n_i} \text{ ва } q_j = \frac{m}{m_j} \quad (1)$$

$$\begin{cases} X_i & 3, & 2, & 1 \\ P_i & 0,41; & 0,28; & 0,31. \end{cases} \sum_{i=1}^3 P_i = 1 \text{ ва}$$

$$\begin{cases} Y_j & 3, & 2, & 1 \\ q_j & 0,40; & 0,23; & 0,37. \end{cases} \sum_{j=1}^3 q_j = 1$$

Статистик таҳлилнинг ҳар икки синф бўйича ўртacha ўзлаштиришларини хисоблаб, қиёслашдан бошлаймиз. Ўртacha ўзлаштириш кўрсаткичлари қуйидаги натижаларни берди:

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^{n=3} P_i x_i = 0,38 \cdot 3 + 0,28 \cdot 2 + 0,34 \cdot 1 = 1,14 + 0,56 + 0,34 = 2,04$$

$$\text{Фоизда } \bar{X} \% = \frac{2,04}{3} \cdot 100\% = 68\%$$

$$\bar{Y} = \sum_{j=1}^{n=3} q_j y_j = 0,40 \cdot 3 + 0,23 \cdot 2 + 0,37 \cdot 1 = 1,2 + 0,46 + 0,37 = 2,03$$

$$\text{Фоизда } \bar{Y} \% = \frac{2,03}{3} \cdot 100\% = 67,7\%$$

Демак, тажриба бошида тажриба синфидаги ўртacha ўзлаштириш $(68 - 67,7)\% = 0,3\%$ га эга экан. Бу эса, ўз навбатида, $\frac{68\%}{67,7\%} = 1,004$ га тенглигини

англатади. Бу самарадорликка эришиш учун жуда паст кўрсаткич. Бундан ўқувчиларнинг асарларда остига чизилган нотаниш сўзларни аниқлаши юзасидан тажриба бошида ўтказилган тажриба-синов ишларида ҳеч қандай самарадорликка эришилмагани кўриниб турибди.

Энди тажриба якунидаги кўрсаткичларни тажриба ва назорат синфларидаги натижалар асосида қуйидаги жадвалда акс эттирамиз (3.4-жадвалга қаранг):

3.4-жадвал

Бадиий асарларда остига чизилган нотаниш сўзларни белгилаш бўйича ўтказилган иншолар кўрсаткичлари (тажриба бошида)

Синфлар	Ўқувчилар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Қуий
Тажриба	100	61	29	10
Назорат	100	43	25	32


Бу ерда ҳам юқоридагидек белгилаш киритамиз. Тажриба синфидағи ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$\begin{cases} X_i & 3, \quad 2, \quad 1 \\ n_i & 61, \quad 29, \quad 10 \end{cases} \quad n = \sum_{i=1}^3 n_i = 100$$

Назорат синфидағи ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$\begin{cases} Y_j & 3, \quad 2, \quad 1 \\ m_j & 43, \quad 25, \quad 32 \end{cases} \quad m = \sum_{j=1}^3 m_j = 100$$

Бу танланмаларга мос келган диаграмма қуйидагича кўринишни олади (3.2-расмга қаранг):



3.2-расм. Тажриба якунида

Статистик таҳлил үтказишни қулайлаштириш мақсадида (1) формулага асосан қуидагиларни топамиз.

$$\begin{cases} X_i & 3, & 2, & 1 \\ P_i & 0,61; & 0,29; & 0,1. \end{cases} \quad \sum_{i=1}^3 P_i = 1 \text{ ва}$$

$$\begin{cases} Y_j & 3, & 2, & 1 \\ q_j & 0,43; & 0,25; & 0,32. \end{cases} \quad \sum_{j=1}^3 q_j = 1$$

Статистик таҳлилни ҳар икки синф бўйича ўртача ўзлаштиришларини хисоблаб, қиёслашдан бошлаймиз. Ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари қуидаги натижаларни берди:

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^{n=3} P_i x_i = 0,61 \cdot 3 + 0,29 \cdot 2 + 0,1 \cdot 1 = 1,83 + 0,58 + 0,1 = 2,51$$

$$\text{Фоизда: } \bar{X} \% = \frac{2,51}{3} \cdot 100\% = 83,6\%$$

$$\bar{Y} = \sum_{j=1}^{n=3} q_j y_j = 0,43 \cdot 3 + 0,25 \cdot 2 + 0,32 \cdot 1 = 1,29 + 0,5 + 0,32 = 2,11$$

$$\text{Фоизда: } \bar{Y} \% = \frac{2,11}{3} \cdot 100\% = 70,3\%$$

Демак, тажриба тажриба синфидаги ўртача ўзлаштириш $(83,6 - 70,3)\% = 13,3\%$ га юқори экан. Бу эса, ўз навбатида, $\frac{83,6\%}{70,3\%} = 1,19$ баробар ортиклигини кўрсатади.

Үзлаштириши аниқлаш жараёнида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларни аниқлаш мақсадида дастлаб ўртача квадратик ва стандарт хатоликларни аниқлаймиз.

Ўртача квадратик хатоликлар:

$$S_x^2 = \sum_{i=1}^{n=3} P_i x_i^2 - (\bar{x})^2 = 0,61 \cdot 3^2 + 0,29 \cdot 2^2 + 0,1 \cdot 1^2 - 2,51^2 = 0,61 \cdot 9 + 0,29 \cdot 4 + 0,1 \cdot 1 - 6,3001 = \\ = 5,49 + 1,16 + 0,1 - 6,3001 = 6,75 - 6,3001 = 0,4499$$

$$S_y^2 = \sum_{i=1}^{n=3} q_j y_j^2 - (\bar{y})^2 = 0,43 \cdot 3^2 + 0,25 \cdot 2^2 + 0,32 \cdot 1^2 - 2,11^2 = 0,43 \cdot 9 + 0,25 \cdot 4 + 0,32 \cdot 1 - 4,4521 = \\ = 3,87 + 1,0 + 0,32 - 4,4521 = 5,19 - 4,4521 = 0,7379$$

Стандарт хатоликлар эса:

$$S_x = \sqrt{0,4499} = 0,67. \quad S_y = \sqrt{0,7379} = 0,86.$$

Бундан назорат синфи стандарт хатолиги тажриба синфи кўрсаткичларига нисбатан катта бўлди, яъни $0,67 < 0,86$. Буни янада аниқроқ кўрсатиш мақсадида ҳар икки статистик танланма бўйича ўрта қиймат аниқликларини вариация коэффициентлари орқали, яъни C_x ва C_y формула орқали ҳисоблаймиз:

$$C_x = \frac{S_x}{\sqrt{n \cdot x}} \cdot 100\% = \frac{0,67 \cdot 100\%}{\sqrt{100 \cdot 2,51}} = \frac{67\%}{10 \cdot 2,51} = \frac{67\%}{25,1} = 2,67\% \approx 3\%$$

$$C_y = \frac{S_y}{\sqrt{m \cdot y}} \cdot 100\% = \frac{0,86 \cdot 100\%}{\sqrt{100 \cdot 2,11}} = \frac{86\%}{10 \cdot 2,11} = \frac{86\%}{21,1} = 4,07\% \approx 4\%$$

Демак, назорат синфидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи аниқлиги тажриба синфидан 1 фоизга юқори экан.

Энди иккита бош тўпламнинг номаълум ўрта қийматларига ўхшашлигини ҳисобга олиб Стъюдентнинг танланмали мезони асосида нолинчи гипотезани текширамиз:

$$H_0 : \mu = \mu_y$$

Шунга асосан қуйидаги ҳисобланишни бажарамиз:

$$T_{x,y} = \frac{\bar{x} - \bar{y}}{\sqrt{\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}}} = \frac{2,51 - 2,11}{\sqrt{\frac{0,4499}{100} + \frac{0,7379}{100}}} = \frac{0,4}{\sqrt{0,0045 + 0,0074}} = \frac{0,4}{\sqrt{0,0119}} = \frac{0,4}{0,11} = 3,64$$

Стъюдент мезони асосида эркинлик даражасини қуидаги формула орқали ҳисоблаймиз:

$$\begin{aligned}
 K &= \frac{\left(\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}\right)^2}{\frac{\left(\frac{S_x^2}{n}\right)^2}{n-1} + \frac{\left(\frac{S_y^2}{m}\right)^2}{m-1}} = \frac{\left(\frac{0,4499}{100} + \frac{0,7379}{100}\right)^2}{\frac{\left(\frac{0,4499}{100}\right)^2}{99} + \frac{\left(\frac{0,7379}{100}\right)^2}{99}} = \frac{(0,0045 + 0,0074)^2}{\frac{(0,0045)^2}{99} + \frac{(0,0074)^2}{99}} = \\
 &= \frac{(0,0119)^2}{\frac{0,000002}{99} + \frac{0,0000055}{99}} = \frac{0,00014}{0,0000002 + 0,00000055} = \frac{0,00014}{0,00000075} = 188,81
 \end{aligned}$$

Ушбу эҳтимоллик учун статистик аломатнинг қийматдорлик даражасини $\alpha = 0,05$ деб олсак, у ҳолда $p=1-\alpha=0,95$ га ҳамда эркинлик даражаси $k=188,81$ га teng. Стъюдент функцияси тақсимот жадвалидан икки томонлама мезоннинг критик нуқтаси:

$$t_{1-\frac{(1-p)}{2}}(k) = t_{1-\frac{(1-0,95)}{2}}(188,81) = t_{0,975}(188,81) = 1,96$$

Бундан маълум бўладики, статистиканинг танланма қиймати критик нуқтадан катта экан:

$$T_{x,y} = 3,64 > 1,96$$

Демак, бош ўртacha қийматлар тенглиги ҳақидаги H_0 нолинчи гипотеза рад этилади. Буни 95 % ишончлилик билан айтиш мумкинки, тажриба-синов синфларидағи ўртacha ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳар доим назорат синфларидағи ўртacha ўзлаштириш кўрсаткичларидан юқори бўлади ва улар ҳеч қачон устма-уст тушмайди.

Энди баҳолашнинг самарадорлик кўрсаткичини аниқлаш учун оралиқ интервалларни топамиз:

$$\Delta_x = t_{\gamma} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} = 1,96 \cdot \frac{0,67}{\sqrt{100}} = 1,96 \cdot \frac{0,67}{10} = \frac{1,3132}{10} \approx 0,13$$

га teng, назорат синфида эса:

$$\Delta_y = t_{\gamma} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} = 1,96 \cdot \frac{0,86}{\sqrt{100}} = 1,96 \cdot \frac{0,86}{10} = \frac{1,6856}{10} \approx 0,17$$

га тенг. Топилган натижалардан тажриба синфи учун ишончли интервални топсак:

$$\bar{X} - t_{kp} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{kp} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}}$$


$$2,51 + 0,13 \leq a_x \leq 2,51 + 0,13 \quad 2,38 \leq a_x \leq 2,64$$

Назорат синфи учун ишончли интервал:

$$\bar{Y} - t_{kp} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{kp} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}}$$

$$2,11 - 0,17 \leq a_y \leq 2,11 + 0,17 \quad 1,94 \leq a_y \leq 2,28$$

Натижани геометрик тасвирлласак қуидаги күриниш ҳосил бўлади:



Бундан $x=0,05$ қийматдорлик даражаси билан айтиш мумкинки, тажриба синфидаги ўртача баҳо назорат синфидаги ўртача баҳодан юқори ва оралиқ интерваллари устма-уст тушмаяпти. Демак, математик-статистик таҳлилга асосан яхши натижага эришилгани маълум бўлди.

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини хисоблаймиз.

Бизга маълум $\bar{X}=2,51$; $\bar{Y}=2,11$; $\Delta_x = 0,13$; $\Delta_y = 0,17$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{y\sigma\sigma} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,51 - 0,13}{2,11 + 0,17} = \frac{2,38}{2,28} = 1,04 > 1;$$

$$K_{\delta\delta\delta} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,51 - 0,13) - (2,11 - 0,17) = 2,38 - 1,94 = 0,44 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони

бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Аён бўладики, тажриба синфидаги ўзлаштириш назорат синфидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

Демак, ўқувчиларнинг бадий асарларда остига чизилган нотаниш сўзларни белгилаш, берилган мавзуларда адабий тавсифда иншо ёзиш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор экан.

Учинчи боб бўйича хуносалар

1. Адабиёт дарсларида адабий-нутқий компетенциялар асосини бадий асарни тинглаб тушуниш ва ўқишига қадар кўриладиган лексик-грамматик тайёргарлик, асар таҳлили ва ундан фойдаланиб нутқ ўстириш жараёнида ушбу тил ҳодисаларини мустаҳкамлаш ва фаоллаштиришни таъминловчи иштурлари бажарилиши керак бўлади.

2. Шунга кўра ҳам тажриба-синовдан олдин ва кейин ҳикояни ўқиб, ундаги маъноси тушунилмаган сўзларни белгилаш мазмунидаги назорат ишлари ўтказилиб, ушбу йўналишда ишлашга доир тавсияларимиз самарали эканлигини кўрсатди. Худди шунингдек, ўқувчиларнинг ўз фикрини ёзма баён қилиш компетенцияси устидаги ишлар иншо орқали тажриба-синов якунидаги назорат ишида ўз самарадорлигини исботлаш имконини берди.

3. Назорат ишлари натижаларига кўра ўқувчиларнинг бадий асарларда остига чизилган нотаниш сўзларни белгилаш, берилган мавзуларда адабий тавсифда иншо ёзиш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари асосида ижобий натижаларга эришилди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Кейинги даврда она тили ва адабиёт ўқув фанлари ДТСлари ва ўқув дастурларида илк бор ўқувчиларнинг нутқий компетенцияларини шакллантириш талаби қўйилдики, ушбу талабга кўра нутқий фаолият турлари: *тинглаб тушуниш, ўқиш, сўзлаш (гапириш), ёзиш* алоҳида компетенциялар даражасига кўтарилди. Она тили дарсларида бундай компетенция турларини амалга ошириш учун имкониятлар етарли эмас: тил ҳодисасининг таърифи, тавсифи, таснифи, қоида ва хулосалар айтилади, холос. Адабиёт дарсларида эса насрый асарлар (ҳикоялар) адабий-нутқий компетенцияларни ривожлантириш учун етарлича имконият беради.

2. Тадқиқот учун насрый асарларнинг кичик шакли (ҳикоя) танлангани боиси шундаки, бир-икки дарс мобайнида асарни тинглаш, ўқиш, таҳлил жараёнида оғзаки ва ёзма нутқ ўстиришга шароит яратилади. Нутқий фаолият турларига айрим-айрим эътибор қаратиш зарурлиги уларнинг ўзаро лексик-грамматик жиҳатдан, хусусан, сўз бойлиги ва услубият томонидан муайян фарқларга эга эканлиги билан белгиланади. Ўз фикрларини оғзаки ва ёзма баён қилиш малакаси 5 мингдан ортиқ фаол сўз бойлигини, асарни тинглаб ва ўқиб тушуниш учун 10 мингдан ортиқ фаол ва нофаол сўз бойлигини эгаллаш ҳамда бу миқдорни ошира бориш талаб этилади.

3. Асарни ўқиш ва ўз фикрларини оғзаки баён қилишда сўз ва сўз шакллари қандай ёзилса, шундай талаффуз қилиш, яъни орфографик талаффузга эмас, балки орфоэпия меъёрларига асосланадиган адабий сўзлашув услубига риоя этиш мақсадга мувофиқдир. Аслида ҳам тилнинг тириклиги орфоэпия меъёрларига асосланадиган адабий сўзлашув услубининг мавжудлиги ва унга амал қилиниши билан белгиланади. Афсуски, аксар ўқитувчилар ҳам, телекўрсатувчиларда чиқадиган нотикдар ҳам бадиий асарни орфографик талаффуз билан ўқиб берадилар.

4. Тўртала нутқий компетенция устидаги ишлар бадиий асарни таҳлил қилиш жараёни билан боғлангани учун ҳам адабий компетенциялар саналади. Ушбу компетенцияларни эгаллаш жараёнида айрим адабий

тушунчалар, ахлоқий фазилатлар, рухий ҳолатлар, ҳаётый тажрибалар ўрганилади, фаоллаштирилади, Ушбу жараён асарда тасвирланган одамлар, воқеа-ҳодисаларга муносабат билдириш, улар ҳақида мушоҳада юритиш, ўз муносабатларини маълум қилиш малакаси билан характерланади.

5. Ўз фикрини оғзаки баён қилиш компетенциясини шакллантиришдаги энг оғир масалалардан бири сўз ва сўз шаклларини орфоэпик меъёрларга риоя қилиб талаффуз қилиш, сўзлашув услубида сўзлашдир. “Она тили” дарслклари, ўзбек тилшунослигидаги орфоэпия меъёрлари ва сўзлашув услугига бағишлиланган маълумотларни ўрганиш шуни кўрсатдики, орфоэпия қоидалари ҳам, сўзлашув услугига хос тил ҳодисалари ҳам ҳануз мукаммал тарзда ёритилмаган. Бу эса ўқувчилар олдига сўз ва сўз шаклларини тўғри талаффуз қилиш, тўғри ишлатишга доир қатъий талаблар қўйиш имконини бермайди.

6. Мактабда адабий-нутқий компетенцияларни шакллантиришнинг бугунги ҳолатини ўрганиш (дарслар кузатиш, ўқитувчилар билан суҳбатлашиш, сўровномалар, ўқувчилар орасида айрим ижодий ишлар ўтказиш ва б.) натижалари бу борада амалга оширилиши лозим бўлган жиддий изланиш кўламини белгилаб берди. Бадиий асарни ўқишга олдиндан муайян тайёргарлик кўриш восита ва усулларини ишлаб чиқиши изланишлардан бир йўналиши бўлса, адабиёт ўқув фанини она тили ўқув фани билан интеграциялаш иккинчи бир йўналиши ҳисобланади. Адабий таълим эҳтиёжи билан она тилининг айрим мавзуларида интеграциялаш ишлари етарлича амалга оширилмаган: 5–7-синф она тили дарсларида нутқ услубларининг ўрганилмаслиги адабий таълим билан интеграциялаш жараёнида кузатилмайди.

7. Адабий-нутқий компетенцияларни ривожлантиришда биринчи навбатда, коммуникатив, фарқли ва фаолиятли ёндашувларга амал қилиниб, ушбу дидактик асослар бадиий асарни идрок этиш, унга ўз мушоҳадалари билан муносабат билдириш, тил хусусиятлари устида фарқли иш олиб

бориш, адабий-танқидий нутқ лаёқатини эгаллаш йўналишидаги йўриқларга самарадорлик бахш этади.

8. Бугунги адабиёт дарсларида амалга ошириладиган иш турларининг аксарият қисми лойиҳалаш, эвристик, модулли, тадқиқ этиш (изланиш) каби методлардан, инновацион технологиялардан, интерактив усуллардан иборат бўлиши сабоқлар самарадорлигини таъминлайди. Негаки улар мустақил фикрлаш ва шахсий муносабат билдиришни тақозо қиласди.

9. Адабий-нутқий компетенцияларни шакллантиришга қаратилган методикани ишлаб чиқища, биринчи навбатда, адабий-танқидий нутқ лаёқатини эгаллаш сари йўналтирилган ёндашув, қолаверса, тил ҳодисаларига фарқли ёндашув, нутқий машқларга коммуникатив фаолиятга йўналтирилган ёндашув, асарга хиссий-эстетик ёндашув, тарбиявий ёндашувлар, шунингдек, таълим ва тарбия бирлиги, ўқувчиларнинг нутқ савиясини ҳисобга олиш каби тамойилларга амал қилинади.

10. Ўқитувчи ўқиб эшиттирган ёки ахборот технологиясидан фойдаланиб овозлантирилган, ифодали ўқиш қоидаларига тўлиқ амал қилиб ўқилган бадиий асарни тинглаб тушуниш самарадорлиги овоз жилоларини туйиш, ундан эстетик таъсиrlаниш, сўзлар маъноларини, сўз бирикмалари, синтактик қурилмалар мазмунини тушуниш, қизиқишини барқарор сақлаш каби лингводидактик ва методик асосларга боғлиқдир.

11. Насрий асарни ўқишининг ифодали, онгли, мақсад сари йўналтирилган бўлишига эришиш учун ўқувчиларни ўқиш жараёнида унинг суръатига, овознинг паст-баландлигига, асар мазмунини тўлиқ тушунишга, нутқ ўстириш, адабий нутқни ривожлантириш учун фойдаланиш мумкин бўлган ўринларни ажратиб боришга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади.

12. Муаммоли савол ва топшириқлардан келиб чиқсан ҳолда адабий-танқидий мушоҳадалар юритиши, шу жараёнга ўз муносабатини билдириш, асарга баҳо бериш, унинг ғоясини аниқлаш, муаммолар хусусида баҳс юритиши, тасвирланган воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонлар, ўрин-жой тасвирлари, образларни изоҳлаш, бадиий тасвир воситаларини аниқлаб тушунтириш каби

иш турлари ўқувчиларнинг ўз фикрини оғзаки баён қилиш компетенциясини самарали шакллантириш учун хизмат қилди..

13. Муаммоли саволларга ёзма жавоб бериш, топшириқларни бажариш ва олдиндан тўпланган материаллардан фойдаланиб ижодий ёзма ишлар, жумладан, адабий мавзудаги иншолар, эсселар ёзиш билан параллел равища ўтказиладиган тадбирлар ўқувчиларда ўз фикрларини ёзма баён қилиш компетенциясини шакллантириши ўз исботини топди.

ТАВСИЯЛАР

1. Адабиёт ўқув фанининг тил ҳодисаларини фарқлашга, услубий хослигини англатишга нисбатан бўлган эҳтиёжини қондириш учун она тили ўқув фани билан 5-синфдан бошлаб таълим мазмунини қайта кўриб чиқиши, назарий маълумотларни бойитиш зарурияти сезилади.

2. Адабиёт дарсларида насрий бадиий асарлар асосида адабий-нутқий компетенцияларни шакллантириш имкониятлари она тили ўқув фанига нисбатан беҳад кўплигини ҳисобга олиб, ушбу компетенцияларни ривожлантиришга қаратилган иш турларига эътиборни қучайтириш керак.

3. Ўқитувчи асар мазмунини тинглаб тушуниш, ўқиш жараёнларини тўғри ташкил этишда ушбу нутқий фаолият турларининг хусусиятларини аниқ билиб олишга ҳаракат қилиши лозим.

4. Бадиий асарни ўқиш ҳам, ўз фикрларини оғзаки баён қилиш ҳам орфографик талаффуз асосида эмас, балки орфоэпия меъёрларига риоя қилган ҳолда сўзлашув услубида амалга оширилиши даркор.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 76 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни // <https://lex.uz/docs/-5013007>
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 31–62.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: 2017. – № 6 (766), 70-модда. – 37-38-б.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон // <https://lex.uz/docs/5013007>
6. Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.10.2019 й., 06/19/5850/3939-сон
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси, 21.10.2020 й. 06/20/6084/1398-сон.
8. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари бўйича малака талаблари // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. – Б. 145–147.

9. Umumiy o‘rta ta’limning milliy o‘quv dasturi / Adabiyot. Loyiha. – Toshkent: RTM, 2020. – 57 b.
10. Umumiy o‘rta ta’limning milliy o‘quv dasturi / Ona tili (1–11-sinf). – Toshkent: RTM, 2020. – 177 b.
11. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз // Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.
12. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 592 б.
13. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 50-б.
14. Мирзиёев Ш.М. Ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир // <https://religions.uz/news/detail?id=1227>

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар:

15. Абдуллаев Й. Сўз ишлатиш ҳақида // “Мактабда ўзбек тили ва адабиёт ўқитиши такомиллаштириш масалалари” тўплами. – Тошкент, ЎзПФИТИ, 1982. – Б. 3-10.
16. Бекниязова Н. Бошланғич синфлар она тили дарсларида ўқувчиларга матн яратиши ўргатиш методикаси (таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактаблар мисолида): Монография. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2012. – 160 б.
17. Исматов С. 8–10-синфларда иншо ва унинг таҳлили // Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 1957. – Б. 25-29.
18. Yo‘ldoshev R.A., Mirjalolova L.R. Ona tilidan ayrim mashqlarni bajarishning interaktiv usullari // Pedagogik mahorat. – Buxoro, 2021. – № 5. – Б. 192-193.

19. Йўлдошев Р. Махсус шакллантирилган орфоэпия қоидаларни ўргатайлик // Pedagogik mahorat. – Buxoro, 2020. – № 2. – Б. 131–133.
20. Йўлдошев Р., Миржалолова Л. Узлуксиз ўзбек тили таълими жараёнида янги лексик материалларни тақдим этишнинг бир-биридан фарқли икки усули // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2005. – № 5. – Б. 10–15.
21. Yo‘ldoshev R.A. Ta’lim rus tilida olib boriladigan maktablarda o‘zbek tilini o‘qitish metodikasi: Monografiya. – Toshkent: Fan va texnologiyalar Markazi, 2015. – 157 b.
22. Йўлдошев Р. Янги сўзларни тушунтириш // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 1992. – № 5-6. – Б. 40–42.
23. Kambarova S. Mustaqil mutolaa va adabiy tahlil. –Toshkent: Fan va texnologiya, 2016. – 153 b.
24. Kambarova S. Mutolaa madaniyati va o’quvchilarning tadqiqotchilik ko‘nikmalarini shakllantirish metodikasi. –Toshkent: Innovatsiya-Ziyo, 2020. – 158 b.
25. Крицкая И.П. Некоторые синтаксические особенности материала для аудирования // Иностранные языки в школе. 1974. – № 4. – С. 138
26. Мавлонова К. Она тили дарсларида бадий матннинг тил хусусиятларини интеграциялаш асосида ўрганиш методикаси. Монография. – Тошкент: Mashhur-press, 2016. – 252 б.
27. Мирқосимова М.М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. Монография. – Тошкент: Фан, 2006. – 145 б.
28. Ниёзметова Р. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси. Монография. – Тошкент: Фан, 2006. – 216 б.
29. Филимонова А.Л. Трудности в организации и проведении уроков литературного чтения // Начальная школа, 2009. – № 6. – С. 59-64.
30. Юсупова Т.А. Синтаксисни морфологияни тақрорлаш билан боғлаб ўрганиш методикаси (5- ва 8-синф она тили дарслари мисолида). Монография. – Тошкент: Фан ва техрологиялар, 2008. – 167 б.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар:

31. Абдираимов Ш.С. Она тили таълимида ўқиб тушуниш малакасини баҳолашнинг илмий-методик асослари: Пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2021. – 134 б.
32. Абдуллаева Б.С. Фанлараро алоқадорликнинг методологик-дидактик асослари (ижтимоий-гуманитар йўналишдаги академик лицейларда математика ўқитиш мисолида): Пед. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2006. – 264 б.
33. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усули. – Тошкент: Фан, 1987. – 88 б.
34. Абдураимова М. Она тили дарсларида ўқувчилар нутқини кўмакчили бирикмалар билан бойитиш /методик қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 169 б.
35. Актуальные проблемы современной русистики. Под ред. Н.Н.Шаесского. – Л.: Просвещение, 1991. – 207 с.
36. Алиев А. Ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилияти. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991. – 40 б.
37. Альбеткова Р. И. Методические рекомендации к учебнику «Русская словесность. От слова к словесности. 5 класс». – 2-е изд., стереотип. – М.: Дрофа, 2001. – 128 с.
38. Альбеткова Р.И. Методические рекомендации к учебнику «Русская словесность. От слова к словесности. 6 класс». – 2-е изд., стереотип. – М.: Дрофа, 2001. – 128 с.
39. Альбеткова Р.И. Методические рекомендации к учебнику «Русская словесность. От слова к словесности. 7 класс». – 3-е изд., стереотип. – Москва: Дрофа, 2002. – 160 с.
40. Аминова Ф.Ҳ. Ўқувчиларни мулоқот матн яратишга ўргатишнинг дидактик асослари: Пед. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2007. – 127 б.

41. Ahmedov S., Tursunova M., Qo‘chqorov R. Adabiyot. 6-sinf: O‘qituvchilar uchun uslubiy qo‘llanma. – Toshkent: Ma’naviyat, 2005. – 192 b.
42. Ahmedov S., Qosimov B., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot. Umumiyl o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. – Toshkent: Sharq, 2007. – 352 b.
43. Ahmedov S., Qosimov B., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot. Umumiyl o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. Uchinchi nashr. – Toshkent: “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi Bosh tahririyati, 2020. – 271 b.
44. Ahmedov S., Qosimov B., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot. Umumiyl o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinfi o‘qituvchilari uchun metodik qo‘llanma. – Toshkent: Sharq, 2007. – 160 b.
45. Ahmedov S., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot. Umumiyl o‘rta ta’lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik-majmua / 2-qayta ishlangan nashri. – Toshkent: Ma’naviyat, 2009. – 320 b.
46. Балтаева А.Т. Адабиёт дарсларида ўқувчиларни бадиий асар қаҳрамонларини танқидий баҳолашга ўргатиш технологияси: Пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 50 б.
47. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – 200 б.
48. Бекмирзаев Н. Нотиқлик асослари (Ўқув қўлланма). – Тошкент: Фан, 2006. – 143 б.
49. Беленький Г.И. Приобщение к искусству слова. – М.: Просвещение, 1990. – 192 с.
50. Браже Г.Г. Проблемы изучения русской литературы в IX классе вечерней школы. – М.: Просвещение, 1986. – 175 с.
51. Выготский Л.С. Психология искусства / Предисл. А.Н.Леонтьева; Коммент. Л.С.Выготского, В.В.Иванова; Общ. ред. В.В.Иванова. – 3-е изд. – М.: Искусство, 1986. – 573 с.
52. Выготский Л.С. Воображение и творчество в детском возрасте. – М.: Просвещение, 1991. – 93 с.

53. Гладченко В.Е. Реализация преемственности в процессе формирования коммуникативных умений учащихся 3–5 классов на уроках русского языка: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Майкоп, 2018. – 28 с.
54. Демьяненко М.Я., Лазаренко К.А., Мельник С.В. Основы общей методики обучения иностранным языкам: Теоретический курс. – Изд. 2, доп. и перераб.– Под общей ред. М.Я.Демьяненко.– Киев: Вища школа, 1984.–60 с.
55. Джамалдинова Ш.О. Мактаб адабиёт таълимида халқ оғзаки ижоди намуналарини муаммоли метод асосида ўрганиш йўллари (5–9-синфлар мисолида): Пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дисс. – Самарқанд, 2021. – 182 б.
56. Жумаев Ф.О. Ўзбектилидаги синтетик феъл ясалмаларининг аналитик феъл ясалмалири билан синонимик муносабати: Фил. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 22 б.
57. Зуннунов А., Хотамов Н., Эсонов Ж. Адабиёт ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 329 б.
58. Зуннунов А., Нурматова М. Ўрта мактабда иншо. – Тошкент: ТВПХМОИ, 1992. – 44 б.
59. Исломова Д.Д. Академик лицей ва касб-хунар коллежларида насрий асарларни ўрганиш (рус гурухлари мисолида): Пед. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 25 б.
60. Yuldasheva D.N. O‘zbek tilini o‘qitish metodikasi (kognitiv-pragmatik yondashuv asosida). – Buxoro: Durdona, 2021. – 424 b.
61. Yo‘ldoshev R.A., Rixsiyeva M.M. Insholardagi matniy xatolar, ularni tuzatish metodikasi. – Toshkent: Fan va texnologiyalar, 2018. – 156 b.
62. Yo‘ldoshev R.A. Ta’lim rus tilida olib boriladigan maktablarda o‘zbek tilini o‘qitish metodikasi. Monografiya. – Toshkent: Fan va texnologiyalar Markazi, 2015. – 157 b.
63. Йўлдошев Р.А. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси (таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида). – Тошкент: ЎзПФИТИ, 2012.–212 б.

64. Yo‘ldoshev Q. Adabiy saboqlar 7: Umumta’lim maktablarining 7-sinf “Adabiyot” darsligi uchun metodik qo‘llanma. – Тошкент: Bilim, 2003. – 144 b.
65. Йўлдошев К. Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари: Пед. фан. докт. ...дисс. – Тошкент, 1997. – 306 б.
66. Yo‘ldoshev Q., Qodirov V., Yo‘ldoshbekov J. Adabiy saboqlar: Umumiyl o‘rta ta’lim maktablarining 9-sinfi o‘qituvchilari uchun metodik qo‘llanma. – Toshkent: Yangiyo‘l poligraph servise, 2006. – 160 b.
67. Yo‘ldoshev Q., Qosimov B., Qodirov V., Yo‘ldoshbekov J. Adabiyot. Umumiyl o‘rta ta’lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik-majmua. – Toshkent: Sharq, 2009. – 368 b.
68. Yo‘ldoshev Q., Qosimov B., Qodirov V., Yo‘ldoshbekov J. Adabiyot. Umumiyl o‘rta ta’lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik-majmua / Qayta ishlangan 3-nashri. – Toshkent: Sharq, 2013. – 368 b.
69. Казиева Т.Т. Фонетик услубиятни ўрганишда ўқувчиларнинг креатив компетенцияларини ривожлантиришнинг илмий-методик асослари: Пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дисс. – Наманган, 2020. – 139 б.
70. Кленицкая И.Я. Когда слово диктует чувство. – М.: Просвещение, 1991. – 79 с.
71. Крицкая И.П. Некоторые синтаксические особенности материала для аудирования // Иностранные языки в школе, 1974. – № 4. – С. 138
72. Леонов С.А. Развитие речи учащихся на уроках литературы: Метод, пособие для СПТУ. – М.: Высш. шк., 1988. – 127 с.
73. Мавлонова К.М. Она тили фанини адабиёт фани билан бадиий матн орқали интеграциялаб ўқитиш методикасини такомиллаштириш: Пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2019. – 142 б.
74. Madayev O., Sobirov A., Xolmanova Z., Toshmirzayeva Sh. Yozma ish turlari: insho, bayon, diktant. – Toshkent: 2020. – 103 b.
75. Маматова Г.А. Бошланғич синф ўқиши дарсларида ўқувчиларда адабий тушунчаларни шакллантириш методикаси: Пед. фан бўй. фалс. док. (PhD) ...

- дисс. – Тошкент, 2020. – 135 б.
76. Матжонов С. Умумтаълим тизимида адабиётдан мустақил ишларни ташкил этиш: Пед. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 1998. – 243 б.
77. Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Nabiyeva D. Ona tili: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik. To‘rtinchchi nashr. – Toshkent: Tasvir, 2017. – 208 b.
78. Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Nabiyeva D., Mirzaahmedov A. Ona tili. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik / To‘ldirilgan va qayta ishlangan 4-nashri. – Toshkent: Ma’naviyat, 2017. – 160 b.
79. Mahmudov N.M., Nurmonov A., Sobirov A.Sh. Ona tili: Umumta’lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik / 2-nashri. – Toshkent: Tasvir, 2010. – 128 b.
80. Методика преподавания русского языка в начальных классах: учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений / М.Р.Львов, В.Г.Горецкий, О.В.Сосновская. – 3-е изд., стер. – М.: Издательский центр «Академия», 2007. – 464 с.
81. Мирмахсудова М.Б. Ўқувчилар нутқини такомиллаштиришда грамматик терминлардан фойдаланишинг лингвометодик асослари (5–7-синфлар она тили дарслари мисолида): Пед. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 160 б.
82. Мирмахсудова М.Б. Ўқувчилар нутқини такомиллаштиришда грамматик таҳлил ўтказиш методи. – Тошкент: Фан, 2006. – 73 б.
83. Миртожиев М. Ҳозирги ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 288 б.
84. Мирқосимова М.М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари: Пед. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 1995. – 253 б.
85. Muhamedova S., Saparniyozova M. Matn lingvistikasi. – Toshkent: O’quv qo’llanma , 2011. – 117 b.
86. Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. – Тошкент: Фан, 1984. – 160 б.
87. Ниёзметова Р.Х. Ўзбек тили дарсларида янги ўзбек адабиётини ўқитиш масалалари. – Тошкент: Фан, 2010. – 111 б.

88. Нусратулло А.Ж. Истиқлол ва она тилимиз (Тил, имло, нотиқлик санъати, матн, матншунослик). – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, 1998. – 159 б.
89. Olim S., Ahmedov S., Qo‘chqorov R. Adabiyot. 8-sinf: O‘qituvchilar uchun metodik qo‘llanma. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2006. – 160 b.
90. Olim S., Ahmedov S., Qo‘chqorov R. Adabiyot. Umumiyl o‘rta ta’lim maktablarining 8-sinfi uchun darslik-majmua: Birinchi qism. Qayta ishlangan uchinchi nashri. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2014. – 384 b.
91. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии: В 2-х т. – М.: Педагогика, 1989. Т. 2. – 538 с.
92. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СПб.: Питер, 2002. – 720 с.
93. Сарибаева М.У. Умумтаълим мактабларида Алишер Навоий эпик асарларини замонавий усулларда ўргатиш (“Хамса” асари асосида): Пед. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2011. – 148 б.
94. Сариев Ш.У. Бошланғич синф ўқиши дарсларида матн устида ишлаш орқали нутқ ўстириш методикасини такомиллаштириш (1–2-синф материаллари мисолида): Пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2020. – 144 б.
95. Совершенствование преподавания литературы в школе. – М.: Просвещение, 1986. – С. 84-107.
96. Стоюнин В.Я. Избранные педагогические сочинения. – М.: Педагогика, 1991. – 361 с.
97. Тихомиров О.К. Психология: Учебник / Под ред. О.В.Гордеевой. – М.: Высшее образование, 2006. – 538 с.
98. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили: Лексикология. Фонетика. Морфология. Педагогика институтлари филология факультетларининг сиртқи бўлим студентлари учун қўлланма. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – 260 б.

99. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 151 б.
100. Умарова Я.Т. Тил таълимида матн таҳлили орқали ўқувчиларда прагматик компетенцияни ривожлантириш: Пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дисс. – Наманган, 2020. – 155 б.
101. Umurov H. Adabiyotshunoslik nazariyasi: Oliy o‘quv yurtlari uchun darslik / Mas’ul muharrir: B.Valixo‘jayev. – Toshkent: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2004. – 264 b.
102. Файзуллаева Г.Ш. Адабий таълим узвийлиги асосида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш (V–IX синфлар мисолида): Пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. – 134 б.
- 103.Худайберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2015. – 104 б.
103. Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. Университетлар ва педагогика институтларининг филология факультетлари учун қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 248 б.
104. Эгамбердиева Ф. Адабий таълимга илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш методикаси: Пед. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2005. – 146 б.
105. Эргашева А. Она тили дарсларида назарий маълумотларни мустаҳкамлаш жараёнида нутқ ўстириш методикаси (5–7-синфлар мисолида). – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2009. – 82 б.
106. Юсупова Т.А. Гапнинг бош бўлакларини ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг нутқини ўстириш. Методик қўлланма. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2006. – 79 б.
107. Юсупова Ш.Ж. Она тили таълими самарадорлигини ошириш ва илғор педагогик технологияларни жорий этиш: Пед. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1998. – 137 б.

108. Юсупова Ш.Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида ўқувчилар тафаккурини ўстиришнинг илмий-методик асослари: Пед. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 44 б.
109. Ўзбек тили грамматикаси. Морфология. I том. – Тошкент: Фан, 1976. – 612 б.
110. Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис. II том. – Тошкент: Фан, 1976. – 560 б.
111. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. Ж. V. Шукрона – X / Масъул муҳаррир А.Мадвалиев. – Тошкент: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2020. – 528 б.
112. Қиличев Э., Қиличев Б.Э. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Бухоро: Бухоро давлат университети, 2002. – 114 б.
113. Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси (Грамматика). Педагогика олийгоҳларининг филология факультети талабалари учун ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.
114. Қодиров В.А. Мумтоз адабиёт: ўқитиш муаммолари ва ечимлар. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2009. – 159 б.
115. Қодиров В.А. Умумтаълим мактабларида ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини ўқитишнинг илмий-методик асослари: Пед. фан. док. (DSc) ... дисс. – Тошкент, 2009. – 320 б.
116. Qodirov M., Ne'matov H., Abduraimova M., Sayfullayeva R., Mengliyev B. Ona tili: O'rta maktablarning 8-sinfi uchun darslik / To'rtinchchi nashr. – Toshkent: Cho'lpox nomidagi NMIU, 2019. –144 b.
117. Қозоқбай Йўлдош, Мухайё Йўлдош. Бадиий таҳлил асослари. – Тошкент: Камалак, 2016. – 464 б.
118. Қурбонова О.Б. 10–11-синф она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқий компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш: Пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2021. – 45 б.

119. Гозиев Э. Умумий психология: Психология мутахассислиги учун дарслик. – Тошкент: Университет, 2008. – 527 б.
120. G‘ulomov A., Sayfullayeva R., Ernazarova M., Bobomurodova A., Alavutdinova N. O‘zbek tilini o‘qitish metodikasi. – Toshkent: Fan va texnologiya nashriyoti, 2020. – 376 б.
121. Хусанбоева Қ. Адабиёт – маънавият ва мустақил фикр шакллантириш омили. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 368 б.
122. Хусанбоева Қ. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари: Пед. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2006. – 262 б.
123. Хусанбоева Қ. Адабий таълимда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари. – Тошкент: Ўзинкомцентр, 2003. – 103 б.
124. Husanboyeva Q. Literature as a factor for development of morality and independent thinking. – Toshkent: Tamaddun, 2016. – 300 b.
125. Husanboyeva Q., Niyozmetova R. O‘zbek adabiyotini o‘qitish metodikasi. O‘quv qo‘llanma. – Toshkent: Innovatsiya-Ziyo, 2020. – 354 b.
126. Husanboyeva Q. Adabiyotini o‘qitish metodikasi va muammoli ta’lim. – Toshkent: Innovatsiya-Ziyo, 2022. – 402 b.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 37.091.33:82.0

**ФОЗИЛОВА МОҲИГУЛ ФАРХОДОВНА
АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА АДАБИЙ-НУТҚИЙ
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ
(НАСРИЙ АСАРЛАР МИСОЛИДА)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек адабиёти)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий
даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ ИЛОВАЛАРИ**

**Илмий раҳбар: Р.Х. Ниёзметова,
педагогика фанлари доктори, профессор**

Тошкент – 2022


МУНДАРИЖА

1-илова. Бадий асар мазмунини тинглаб идрок этиш бўйича савол-топшириқлар.....	157-158
2-илова. Бадий асар мазмунини ўқиб идрок этиш бўйича савол-топшириқлар	158-169
3-илова. Бадий асар мазмунини оғзаки баён этиш бўйича савол-топшириқлар.....	170-172
4-илова. Бадий асар мазмунини ёзиш компетенцияси бўйича савол-топшириқлар	172-176
5-илова. Мактаб дарслекларидағи насрый асарлар юзасидан таассуротлар ва адабий мавзуда иншо ёзиш	177-178
6-илова. Ўн ҳикоя юзасидан муаммоли савол ва топшириқлар	178-181

**Бадиий асар мазмунини тинглаб идроқ этиш компетенцияси бўйича
савол-топшириқлар**

⌚ ТИНГЛАШ

⌚ “Фанорчи ота” ҳикоясини тингланг.



I. Берилган гаплардан матн мазмунига мос келадиган гапларни ажратинг.

1. “Фанорчи ота” ҳикояси қуидаги бошланади: “Тор, қийшиқ кўчанинг ўксиз оқшомини Турсунқул аканинг чурук дарвозаси тепасига ўтқизилган бир фанорнинг титрак нурларинигина ёритар эди”.
2. Фанорчи ота баланд бўйли, жаҳлдор одам эди.
3. Фанорчи отага болалар бошқа фанорга шикаст етказмаслигини ваъда берди.
4. “Фанорчи ота” ҳикояси Мусонинг тилидан ҳикоя қилинади.

II. Саволларга жавоб ёзинг.

1. “Паст бўйли, бурушиқ юзли чол” таърифи кимга берилган?
2. Фанорчи отага хос хислатлар қайсилар?
3. Ҳикоядаги маҳалла болаларининг душмани нима эди?
4. Асарда кимнинг дарвозаси устига фанор ўрнатилган эди?
5. Ҳикояда “жуда кучсиз” нарса деб таърифланган нарса қайси?

6. Асардаги қаҳрамонлар ичида энг кўп қўрқмайдиган, энг қаттол бола ким?
7. Ҳикояда фанорчи отанинг сувга йиқилган одам ҳақидаги ҳикоясини эшитиб “ёлғон-ёлғон” деб бақирган бола ким?
8. Фанорчи отага “Ким фанорни синдирса, шуни сизга тутиб берамиз” деб ваъда берган боланинг исми?
9. Ойбек қайси ҳикоясини “ёшлигимнинг бир парчасини хотирлайман” деб якунлайди?
10. Болаларга фанорчи отанинг нимаси ёқмасди?
11. Ҳикоядаги болаларнинг орзуси нима эди?
12. Асар кимнинг тилидан ҳикоя қилинади?
13. Ҳикояда тасвирлангандек ҳодиса сизнинг ҳаётингизда ҳам бўлганми? Агар шундай бўлса, у сизда қандай таассурот қолдирганини гапириб беринг.
14. Асар сизга ёқдими? Нима учун?

? Матн бўйича топшириқлар:

1. Фанорчи ота “Лом” деб оғиз очмасди гапидаги ажратиб кўрсатилган жумла қандай маънони билдиради?
2. “Бизга ўхшаш қари-қартанглар учун чироғ жудаям керак, – деди” гапидаги қари-қартанглар сўзининг маънодошларини айтинг.

2-илова

Бадиий асар мазмунини ўқиб идрок этиш компетенцияси бўйича савол-топшириқлар

 **ЎҚИШ**

Таянч сўз ва иборалар: кўриниб кетмоқ, нур таратмоқ, бир зум тинмайди, ғаши келмоқ, қўл силтамоқ, улимоқ, кўланка ташлаб турмоқ.

? Саволларга жавоб беринг.

1. Тарихда қандай урушлар бўлганини биласиз?
2. Дўстингиз билан уришсангиз қандай ҳолатга тушасиз?

 **“Урушнинг сўнгги қурбони” ҳикояси матнини ўқинг.**



Шоикром **айвон** тўридаги **сандал** четида хомуш ўтиради. Аллақачон баҳор келиб кунлар исиб кетганига қарамай, ҳамон сандал олиб ташланмагани, аммо бу тўғрида ҳеч ким ўйлаб кўрмаганини у энди пайқагандай **фаши келди**. **Бўз кўрпа** устидан ёпилган, шинни доги теккан куроқ дастурхон ҳам, ҳозиргина гўжадан бўшаган сопол товоқ, банди куйган ёғоч қошиқ ҳам унинг кўзига хунук кўриниб кетди. Аммо бепарволик билан **қўл силтади-ю**, дўпписини сандал устига ташлаб ёнбошлади.

Ярим кеча бўлиб қолган, атроф жимжит. Фақат олисларда ит **улийди**. Айвон тўсинидаги узун михга илиғлиқ лампочка хира нур таратади. Чироқ атрофида ўралашган чивинлар бир зум тинмайди. Ҳовлининг ярмигача ариқ тортиб экилган қулупнай пушталари орасида сув ялтирайди. Онда-сонда ранг олган қулупнайлар кўзга ташланиб қолади. Қаёқдантир шамол келди. Ҳовли этагидаги **ёнғоқ шохлари** бир гувуллаб кўйди. Шоикром уйқу элта бошлаган кўзлари билан ўша томонга бир қараб қўйди-ю, тер ҳиди анқиб турган лўлаболишга бошини ташлади. Шу ондаёқ яна ўша товоқقا, банди куйган қошиққа кўзи тушиб, тағин ғашланди. “**Зиқна бўлмай ўл!** – деб ўйлади хотинини сўкиб. – Азалдан қурумсоқ эди, замон оғирлашгандан буён баттар бўлди”.

Ичкарида чақалоқ йиглади. Бешикнинг ғичирлагани эшитилди. Бола худди шуни кутиб тургандай баттар бигиллай бошлади. Каттаси ҳам уйғониб кетди шекилли, қўшилишиб йиглашга тушди.

Шоикром силтаниб қаддини ростлади.

– Овозини ўчир, Хадича!

Ичкаридан хотинининг бешикни муштлагани, зардали товуши эшитилди.

– Овози ўчса кошкийди! Тўққиз кечасида жин теккан бунга!

“Камбағалнинг эккани унмайди, боласи кўпаяди ўзи, – деб ўйлади Шоикром ижирғаниб. – Шу кунимдан кўра урушга бориб ўлиб кета қолганим яхшийди”.

Уни урушга олишмади. Тўқимачилик комбинатида **монтёр** етишмасмиди ё ўзи яхши ишлармиди, ҳарқалай, уни олиб қолишиди. Шоикром урушнинг бошланишидан сал олдин уйланган эди. Уруш бўлди-ю, замона ўзгариб кетди. Бир хил одамлар тирноққа зор. Унинг хотини бўлса ёнидан ўтиб кетса ҳам бошқоронғи бўлаверади. Худо бергандан кейин ташлаб бўлармишми деб **кетма-кет учта қиз** туғиб берди. Урушнинг қора қаноти узоклаб кетган бўлсаям, эрта-индин Гитлернинг тўнғиз қўпиши кўриниб қолган бўлсаям, ҳамон унинг сояси одамлар бошига **кўланка** ташлаб турибди. Ҳали у кўшниникида аза очилади, ҳали бу кўшниникида.

Бўлинган ҳовли

Ҳовли этагидаги пастак эшик ғийқиллади. Шоикром кафти билан кўзини чироқдан пана қилиб қаради-ю, шу томонга келаётган онасини кўрди. У уйлангандан кейин отадан қолган ҳовлини ўртадан икки пахса девор олиб бўлишган. Бунгаям бир чеккаси Хадичанинг инжиқлиги сабаб бўлган эди. Ҳар хил икир-чикир гаплар чиқавергандан кейин Умри хола рўзғоринг бошқа бўлса, ўзингга қайишасан деб уларнинг қозонини бошқа қилиб берди. Ўзи кичик ўғли Шонеъмат билан нариги ҳовлида қолди.

Ранги униқкан чит кўйлак устидан нимча кийиб олган Умри хола шарпадай унсиз юриб келди-да, япалоқ мусулмон ғиштдан ясалган зинадан айвонга кўтарилиди.

– Ҳали ухламовмидинг? – деди у зинадан энкайиб чиқаётганида сурилиб кетган рўмолини қайта ўраб.

– Кўрмайсизми, чақалоқ тинчитмаяпти. Ўзим итдай чарчаганман.

– Бола бўлгандан кейин йиғлайди-да, – деди Умри хола юпатувчи товушда. – Ётавер, болам. – У яна ўша унсиз одимлар билан ичкари уйга кириб кетди.

Қайнона-келин бир бало қилиб болаларни тинчтиши. Кейин икковлари бошлашиб чиқиши. Хадича бир қўлида чойнак-пиёла, бир қўлида зогора нон келтириб дастурхон устига қўйди.

Муштипар онам

– Чой ўлиб қопти, – деди у зогора ушатаркан.

Умри хола Шоикромнинг ёнбошига, шапарак кўрпачага ўтириди.

– Ол ўзинг ҳам,— деди у томирлари бўртиб чиқсан қўллари билан сочилган увоқларни йигиб оғзига соларкан. Шоикром онасининг бармоқлари тарс-тарс ёрилиб кетганини энди пайқади. Илгари ҳам шунақамиди, йўқмиди, эслай олмади.

– Овқатингдан қолдими? – деди у чўккараб ўтирганча чой қуяётган хотинига қараб. Шапарак кўрпача – қавилмаган кўрпача.

Хадичанинг узунчоқ сарғиш юзи қизарди. Айбдордек маҳзун товушда узр сўради.

– Қолмовди-я.

Шоикром унинг қизарганидан ёлғон гапираётганини сезди. Ким билсин, эрталаб ўзига иситиб бериш учун шунақа деётгандир...

– Йўқ, болам, овқат керакмас, – деди Умри хола шошилиб.

– Хаёл суреб ётиб уйқум ўчиб кетди... – У бир лаҳза жим қолди-да, ўзига гапиргандай секин қўшиб қўйди. – Пайшанба куни Комил тайибининг уйига борувдим. Ҳар куни наҳорга бир косадан қўй сути ичса, дард кўрмагандай бўлиб кетади деди.

– Ҳозир қўй сути қатта, – деди Хадича. – Сигир сути отликقا йўғ-у... Шу пайтда сигиримиз туғган бўларди-я.

Шоикром хотинининг гапини эшитмади. Бирдан унинг кўз ўнгида дераза остида пастак шифтга тикилиб ётган укаси жонланди. Бир ҳовлида туриб ўн кундан буён ҳолини сўрамаганига афсусланиб, ичидан хўрсиник келди. Шонеъмат Россиядан кўчириб келтирилган завод курилишида ишлай бошлаганида уни урушга олишмаганидан Шоикром суюнган эди. Гап бошқа ёқда экан. Укаси сил экан. Шунинг учун қолдиришган экан. Мана, уч

ойдирки ерга ёпишиб ётибди. Шоикром ўн кунча илгари ишга кетаётиб бирров кириб укасидан ҳол сўраган эди. Ўшандада Шонеъматнинг қоқ суяк бўлиб қолганини, катта-катта кўзлари нимагадир чуқур маъно билан ўзига тикилганини кўрган эди.

“Яқинда ўлади, – деб ўйлади у онасининг кўзига қарамасликка ҳаракат қилиб, – барибир, ўлади”.

– Тузукми? – деди у ҳаммаси учун ўзи айбордрай қовогини солиб.

– Шукур, – Умри хола қулт этиб ютинди. – Ҳозир ухлади. – Онаси шу топда чиқиб овора бўлмагин деган маънода гапирганини Шоикром тушунди.

– Эрталаб хабар оламан, – деди у онаси ўрнидан турганда.

– Сендан нега гина қиларкан, болам, – деди Умри хола айвон лабида тўхтаб. – Кўриб турибди-ку. Эрталаб чиқиб кетасан, ярим кечада қайтасан. Бу кунлар унут бўлиб кетади, болам. – Зинага ечган калишининг бир пойи тўнкарилиб қолган экан, Умри хола оёғининг учи билан тўғрилайман деб анча овора бўлди. Кейин зиналардан энкайиб тушди-ю, шарпадай унсиз юрганча ҳовли этагига қараб кетди. Пастак эшик ғийқиллаб очилиб ёпилди.

Ночор ҳалқ

– Падарига лаънат шундай турмушнинг! – деди Шоикром бўғилиб. Кейин дастурхонни йиғишираётган хотинига ўшқирди. – Сениям падарингга лаънат! Тумшуғингни тагидан сигирингни етаклаб кетса-ю, анқайиб ўтирсанг.

– Нега менга ўдағайлайсиз? – Хадича товоқни қошиқقا уриб ийғламсиради.

– Нима, мениям Илҳом самоварчининг хотинидай сўйиб кетсинмиди? Сиз кечалари сменда бўлсангиз. Мен учта жўжа билан жонимни ҳовучлаб ўтирганим етмайдими?!

Шоикром хотинини тарсакилаб юбормаслик учун юзини ўгириб тишини ғичирлатди.

Сув қалқиса лойқаси юқорига чиққандай, замон қалқигандан бўён ёмон кўпайди. Эрта баҳорда уларнинг тугай деб турган сигирини ўғирлаб

кетищди. Ўша кеча Шоикром тунги сменада эди. Кечаси билан шаррос жала қуийб чиқди. Шоикром тонг сахарда бир нимани сезгандай қўнгли ғаш тортиб уйига қайтди. Келса хотини, онаси, болалари дод солиб ўтиришибди. Хадича оғироёқ эмасми, ўзи билан ўзи овора бўлиб билолмай қолибди. Эрталаб турса, кўча эшиги ланг очик, ёнгоққа боғлоғлик сигир йўқ.

“Шу пайтгача сигир туғарди, укамнинг оғзига ақалли бир коса сут тутардим, – деб ўйлади Шоикром ўкиниб. – Қани ўшалар қўлимга тушса, чопиб ташлардим”.

Шундоқ деди-ю, эгаси минг пойласин, ўғри – бир. Мана, бундан икки ойча илгари Илҳом самоварчининг хотинини пичноқлаб кетищди. Бечоранинг битта-ю битта эчкиси бор экан. Ҳовлига ўғри тушганини билиб хотин шўрлик дод солибди. Эри чойхонада экан. Югуриб бориб эчкининг арқонидан ушлаганми, хуллас, етиб келган қўни-қўшнилар қора қонга беланиб ётганини кўришибди.

– Шу кунда яна ўғри оралаб қолди, – деди Хадича кўрпани қоқиб танча четига соларкан. – Қулупнай қизармасдан битта қўймай териб кетишяпти.

– Вахима қилма! – деди Шоикром қовоғини уйиб. – Болалар териб егандир. Ўғри қулупнайга келадими?

– Оғзига бир дона олган бўлса, буюрмасин. Нега келмас экан? Бир ҳовучини обчиқиб сотса, бир коса жўхори беради. Ана, бориб қаранг, деворнинг бир чети ўпирилиб ётибди?!

– Вахима қилма! – деди Шоикром яна ғўлдираб. Аммо бу сафар ўзининг юраги сесканиб кетганини пайқади. Кўнглида пайдо бўлган ғашликни сездирмаслик учун ҳовлига тушди. Секин юриб қулупнай пушталари олдига келди. Ариқлардаги сув чироқ нурида ялтираб, шамолда жимирлар, маржондай терилиб ранг олган қулупнайлар сувга тегай-тегай деб турарди.

“Рост-да, – деб ўйлади у пушталар атрофида айланаркан, – бир ҳовуч қулупнайга бир товоқ жўхори беради. Тансик нарса... Хадича ёлғон гапирмайди. Болалар еган бўлса, буюрмасин, деяпти-ку. Пишиқ, йўлатмайди...”

Бултур хотини шу қулупнай туфайли онасини қаттиқ ранжиттан эди. Умри хола бир ҳовуч қулупнай олган экан, Хадича болаларга нон пули бўлар деб экканмиз, норасидаларнинг насибасига тегманг деб бобиллаб берибди.

Шоикром ўшандада онасининг ёз бўйи келини билан юзкўрмас бўлиб юрганини эслади-да, яна шу гап хаёлига келди. Хадича анойи эмас, курумсок...”

У айланиб ёнгоқ тагига борди. Борди-ю, чиндан ҳам ўша томондаги деворнинг бир чети ўпирилганини, остига тупроқ тўкилганини кўриб юраги орқасига тортиб кетди. Назарида деворнинг кемтик жойидан бирор мўралаб тургандай бўлди. Ёнгоқ шохларининг шамолда вишиллаши ҳам, оёғи остида тўкилиб ётган девор тупроғи ҳам шубҳали, ваҳимали кўриниб, дарров орқасига қайтди.

Хадича аллақачон уйга кириб кетибди. У чироқни ўчириб сандал четига ётди-ю, кўнглидаги ғулгула кучайиб кетаверди.

Кузда ўзи билан ишлайдиган йигитнинг ҳовлисидағи сўритоқдан ғарқ пишиб ётган узумларни ўғирлаб кетишганини эслади. Шамол борган сари авжига чиқар, ҳовлида ёнгоқ барглари шовуллаб, шохлари шубҳали ғичирлар, аллаким шип-шип қадам босиб, айвон лабига келаётгандай бўларди.

Хадича рост айтади. Ўзи кечалари сменада бўлса, хотини учта жўжа билан жон ҳовучлаб тонг оттиrsa, ўғрига ўлжанинг катта-кичиги борми? Қўлига нима илинса олаверади-да. Борди-ю, ўзи йўғида уйини ўғри босса, хотини дод солса, пичоқлаб ташласа. У ёқдан онаси чиқса, униям пичоқласа... “Виждонсизлар! Одамларнинг бошига кулфат тушганидан фойдаланиб қоладиганларни қириш керак”. Бирдан хаёлига келган фикрдан унинг вужуди титраб кетди. Қора қунлар учун, не умидлар билан тишида тишлиб юрган **ғунажинини** ўғирлагани учун, ўлим тўшагида ётган укасини охирги насибасидан маҳрум қилгани учун, нон пули бўлар деб етиштирган мевасидан жудо қилаётгани учун шундоқ қасос олсинки ўша худо бехабарлардан.

Охирги чора

У ўрнидан сакраб туриб кетди. Чироқни ёқиб, отилиб ҳовлига тушди. Ҳамон шамол ўкирар, осмоннинг гоҳу, гоҳ бу бурчида чақмоқ ярақлаб, ёнғоқ шохлари шубҳали ғийқиллар, аммо энди булар уни қўрқитолмас эди. У ёнбошидаги ошхонага кирди-ю, чўнтағидан гугурт олиб чақди. Титроқ қўллари билан қорайиб кетган девордаги михга илиғлиқ турган икки ўрам симни олди. Бир вақтлар урушдан олдин у бу симларни базмларга олиб борар, одамларнинг ҳовлисини **машъаладай** ёритиб берарди. Эндиям яхшиликка хизмат қилсин!

“Менга деса отиб юбормайдими! – деб ўйлади у айвон лабига чўққайиб ўтирганча усти ёпиқ симни очиқ симга илдам уларкан. – Ҳарна битта ҳаромхўрни ўлдирганим. Биттаси ўлса, бошқалари адабини ейди”.

У чаққон ҳаракат қиласкан, аъзойи бадани терлаб кетган, аммо буни ўзи пайқамас, фақат бир сўзни тақрорларди: “Менга деса отиб юбормайдими!”

У симнинг очиқ қисмини қулупнай пушталари устига улоқтириди. Сим илондай биланглаб пушта устига тушди. Ёпиқ қисмини айвон этагидан олиб ўтди-да, бир учини устундаги илгакка тиқиб қўйди. Кейин бирдан болалари кечаси ҳовлига тушса нима бўлади деган хаёл миясига урилди-ю, уйга кирди. Хадича ётган жойида уйқусираб бошини кўтарди.

– Ҳа?

– Ҳовлига чиқма, болалар ҳам чиқмасин, ўлади! – деди Шоикром кўзлари ёниб.

Хадича ҳеч нимага тушунмади шекилли, “хўп” деди-ю, бошини ёстиққа ташлади. Зум ўтмай текис, чуқур нафас ола бошлади. Шоикром айвон чироғини ўчириб яна уйга кирди. Ҳар эҳтимолга қарши шундоқ эшик тагига, наматта кўндаланг ётиб олди.

“Менга деса отиб ташламайдими?” деб ўйлади яна ўшандай зарда билан. Шу топда негадир болаларини эмас, хотинини ҳам эмас, укасини ўйлади. Шонеъмат болалигида ҳам заифгина эди. Шоикром ҳар куни уни мактабдан ўзи олиб келар, иккинчи сменада дарс тугагунча пойлаб ўтиради. Отаси

ўлганида Шоикром олтинчида, укаси иккинчиди ўқирди. Ўшандада Шонеъмат йиғламаган, аммо **ичикиб** касал бўлиб қолган эди. Энди бўлса беш кунлиги қолдими-йўқми, ака бўлиб хабар ҳам ололмайди.

Оий! Ойижон!

Шоикром ухладими, йўқми, билолмади. Бир маҳал бола йиғладими ё ташқарида шамолнинг гувуллаши аралаш даҳшатли бир фарёд қулоғига кирдими, англай олмай қолди. Сапчиб ўрнидан туриб кетди. Айвон чироғини ёқиши билан қулупнай пуштасида мук тушиб ётган одам гавдасини қўрди-ю даҳшатдан қотиб қолди. Шу ондаёқ хато қилганини, қотиллик қилганини пайқади. Сим учини шартта илгакдан юлиб олиб, ҳовлига отилди. “Бошқалари қочди” деган фикр **лип этиб** хаёлидан ўтди. Пушталар устида сакраб-сакраб юриб бораркан, оёғи ботиб кетаётганини пайқади. Кейин букланиб ётган одамдан уч қадам берироқда тўхтади-ю, бирдан чўккалаб қолди. Бир лаҳза кўзлари олайиб тикилиб турди-да, кўксидан шамол ғувурини ҳам, ўз вужудини ҳам ларзага солувчи бир нидо отилиб чиқди:

– Оий-и-и!

У бошидан хуши учиб бораётганини элас-элас ҳис қилиб ўзини ерга отди. Титроқ қўллари билан лой чангллаганча чўккалаб кўксига муштлай кетди.

– Оий! Ойижон!

Умри хола бир қўли билан униккан чит кўйлагининг этагини маҳкам чангллаб олган, этак ичида икки ҳовуч пишган-пишмаган аралаш қулупнайлар кўриниб тураг, бошқа қўли билан эса илондек симни ушлаб турарди. Шоикром унинг қулупнай қизили юқсан, ёрилиб кетган бармоқларини, бўртган томирларини аниқ қўрди. Нарироқда, лойли ариқ ичида унинг калиши ётар, чамаси, сим оёғига текканида юлқиб олмоқчи бўлган-у, қўлига ўралашиб йиқилган эди.

Шоикром лойли марзадан эмаклаб борганча ўзини онасининг қучоғига отди.

– Ойижон, очинг кўзингизни! – деди у **гезарид** кетган лаблари билан онасининг муздай юзидан ўпиб.

У анчадан кейин ўзига келди-ю, тепасида хотини турганини, қизчалари ийглаётганини пайқади. Бошини кўтариши билан марза четида ўтирган Шонеъматга кўзи тушди. Неча ҳафталардан буён ўрнидан жилмай ётган укаси, афтидан, қандайдир куч топиб эмаклаб чиқсан, кўйлагининг елкалари осилиб тураг, катта-катта кўзлари ваҳима билан боқар эди.

– Нима қилиб қўйдим, укам! – деди Шоикром яна балчиқقا беланган кафти билан юзини чанглаб. Кейин яна онасини кўтаришга уринар, аммо онасининг икки букланган гавдаси негадир ҳеч тикланмас эди.

– Сут ичмай заҳар ичсам бўлмасмиди, – деди Шонеъмат овози титраб. Шоикром бу ожиз, титроқ товушдан сесканиб, укасига тикилиб қолди.

– Заҳар ичсам бўлмасмиди, – деди Шонеъмат яна ўша оҳангда. Афтидан, у йиглай олмас, йиглашга мадори етмасди. – Кечаям айтувдим, кўнмадилар. Қулупнайга сут алишади, дедилар.

Шоикром бошқа ҳеч нимани эшитмади. Эшитолмади. Фойдаси ҳам йўқ эди.

Умри холани пешин намозига чиқаришди. Гўристондан чиқиб келишаётганида Шоикром одамларнинг ўзаро гапини эшитиб қолди.

– Уруш тамом бўпти, эшитдингизми?

? Матн бўйича топшириқлар.

1. Ажратилган сўзларнинг синонимларини топинг.
 2. “Урушнинг сўнгги қурбони” ҳикоясини кетма-кетликда ифодали ўқинг.
 3. Ҳикоянинг ажаратиб кўрсатилган ҳар бир абзасига сарлавҳа қўйинг ва уларни изоҳланг.
 4. Саволларга жавоб беринг:
- ✓ Ҳикоя бош қаҳрамони Шоикромнинг кўнгли ғашлиги, диққинафас ҳолатига нима сабаб эканини тушунтиринг.
 - ✓ Шоикромни қотилликка ундаган, кўринмас ўғридан ўч олишга мажбур

қилган, оқибатда ўз онасининг ўлимига сабаб бўлган нарса нима?

- ✓ Ҳикоя қаҳрамонлари хатти-ҳаракатларини таҳлил қилинг. Умри хола характерини изоҳланг.
- ✓ Касал укасидан хабар олмаган Шоикром образига муносабатингиз қандай?
- ✓ Ҳикоядаги Хадича образи сизда қандай таассурот қолдирди? Умри холанинг ўлимида уни айбдор деб ҳисоблайсизми?
- ✓ Шоикромнинг ўғрилар учун қўйган тузоги туфайли Умри хола қурбон бўлди. Сизнингча, бу ерда ким қотил?
- ✓ Умри холанинг ҳаракатини ўғрилик деб бўладими?
- ✓ Асарнинг асосий мазмуни бўйича шахсий хulosангизни билдиринг.

5. “Бултур хотини шу қулупнай туфайли онасини қаттиқ **ранжитган** эди. Умри хола бир ҳовуч қулупнай олган экан, Хадича болаларга нон пули бўлар деб экканмиз, норасидаларнинг насибасига тегманг деб **бобиллаб берибди**”. Ушбу гапда ажратиб кўрсатилган бирикмаларни тушунириб беринг.

6. “Қаёқдантир шамол келди. Ҳовли этагидаги ёнғоқ **шохлари** бир гувуллаб қўйди. Шоикром уйқу элта бошлаган қўзлари билан ўша томонга бир қараб қўйди-ю, тер ҳиди анқиб турган лўлаболишга бошини ташлади”. Матнда ажратиб кўрсатилган сўзини “**шоҳ**” шаклида ёзиш ва уларни алмаштириб қўллаш ҳам мумкинми?

3-илова

Бадиий асар мазмунини оғзаки баён этиш компетенцияси бўйича савол-топшириклар

♪ ГАПИРИШ

“Музқаймоқ” ҳикояси асосида гапириш.



I. Ҳикоя мазмунини ўзлаштиришга доир саволлар:

“Музқаймоқ” ҳикоясида қайси давр воқеалари акс этган?

- Асосий қаҳрамонлар кимлар?
- Асардаги бош қаҳрамон ким?
- Бош қаҳрамон қандай муаммога дуч келади?
- Ҳикоя қаҳрамони нима учун мақтov эшитади?
- Ҳибсга олинган отанинг ҳолатини сўзлаб беринг.
- Ноғора садолари остида ўтадиган митинглардан мақсад нима?
- Ёш қўшни йигит – котибнинг хатти-харакатини қандай изоҳлаш мумкин?
- Ҳикоядан ўзингиз учун қандай хулосалар чиқардингиз?
- Асарда Сизга энг кўп ёққан характер? Нима сабабдан ёқди?
- Энг кучли таассурот қолдирган лавҳалар.
- Асардаги ишонарсиз ёки заиф ўринлар.
- Ҳикоя ҳақидаги фикрингиз. Асарга баҳо беринг.
- Сизнинг тавсияларингиз. Ушбу китобни бошқаларга ўқишига тавсия қилар эдингизми?

II. Ўзингизни текширинг.

1. “Музқаймоқ” ҳикоясидаги бола ... (неча?) ... ёшда эди?
2. Бола Туркистон шаҳрининг энг сўлим жойларидан бири ... (қайси?) ... кўчасида истиқомат қиларди.
3. Дарвозанинг устида қуруқ пичан сакланадиган ... (нима?) ... бўлар, биз, болалар оқшом пайтлари беркинмачоқ ўйнагани чиқиб пичан тагида “жон саклардик”.
4. Эгамберди Жақипов “Отанг сўфи бўлган, сен буни яширгансан”, –

деган айбнома билан пастга сурила-сурила, юмалай-юмалай охир-пировардида Туркистон тумани молия бўлимига ... (ким бўлиб?) ... этиб тайинланган эдилар.

5. Эгамберди Ёқубов тўладан келган, новча, қиррабурун, ўша даврда расм бўлган ... (қандай?) ... киши эдилар.

6. Ҳай, аттанг! – дедилар тўсатдан кўзларига ёш олиб. – Умримда бир марта сенга ... (нима?) ... олиб бермоқчи бўлувдим. Шуниям эвлаёлмадим-ов, болам!

7. Котиб менга ... қашқирдан туғилган ... (ким ёки нима?)! – деди титроқ босиб.

8. Мени кечир, ... (ким?). Аёл бошинг билан беш болани қандай боқасан-ақлим бовар қилмайди. Энди юз кўришишимизга ҳам кўзим етмайди, кечир мени! – дедилар.

III. Ҳикоядан олинган қўйидаги матнга фикрингизни билдиринг.

Фикрингизни ФСМУ методи асосида ифодаланг.

Ф – фикр

С – сабаб

М – мисол

У – умумлашириш

“Бир ёш, хушқад, хушсурат йигитча бизга қўшни эди. Оиламиз бошига мусибат тушгунга қадар, у хонадонимизга бўзчининг мокисидек қатнар, дадамлар билан кечалари узоқ сухбатлашиб ўтиради. У ўша ёзда уйланган, хотини ҳам, ўзига ўхшаш кўхлик, хушқад, хушсурат эди. Дадамлар уларнинг тўйларига тўйбоши бўлган, ойимларнинг айтишича, дадамлар унга моддий ёрдам ҳам берган эканлар. Дадамлар қамалганларидан кейин ён қўшнимиз қорасини ҳам кўрсатмайдиган бўлди. Бунга ажабланмаса ҳам бўларди, чунки шогирд тугул қариндош-уруглар ҳам бу оғир, ғурбатли кунларда уйимизни четлаб ўтишар, битта-яримта келса ҳам кечалари қўрқа-писа келиб, сўнг девор паналаб қайтиб кетарди”.

IV. “Отам менинг қаҳрамоним” мавзусида гуруҳлараро оғзаки дебат

ўтказиши. (Ҳар гурухда 4–5 тадан иштирокчи бўлиши керак)

4-илова

Бадиий асар мазмунини ёзиш компетенцияси орқали идрок этиш бўйича савол-топшириқлар

ЁЗИШ

 “Коплон” ҳикоясини ўқинг.



Янги ҳовли Тиллаевга ёқди. Юкларни машинадан тушираётганда Қурбонбой бир гап айтиб қолди:

– Сизга энди битта ит лозим, ўртоқ Тиллаев. Ит уйнинг савлати. Албатта, ит боқинг. Ўзим ғалатисини топиб бераман.

Тиллаевнинг итга унчалик ҳуши йўқ эди, индамай қўя қолди. Қурбонбой хотинларнинг ҳайҳайлашига қарамай полни ҳам ўзи ювди, гиламни ҳам ўзи кўчага олиб чиқиб, қоқиб келди.

– Ия, ия, биз турганда нега энди сиз пол юваркансиз, опа? Ўзимиз қотириб ташлаймиз. Мен гилам қоқайину, сиз томоша қилинг. Аммо-лекин итнинг ғалатисини боқиш керак. Кўчадан кирган одам киройи директор бўлсанг, шунаقا ит бок, деб ҳавас қиласиган бўлсин.

Қурбонбой уйни саранжом қилиб бўлгандан кейин ҳам дарров кета қолмади. Ҳовлида анча айланиб юрди. Ит боғлайдиган жойни ўзи белгилади.

– Йўйўқ, ўртоқ Тиллаев, ит масаласини бизга қўйиб бераверинг. Мана, итнинг жойи шу. Кичкинагина, ихчамгина уйча қуриб берсам, итнинг ҳам жони кириб қолади. Хўп, биз кетдик. Қурбонбой кетди.

– Бу киши ким бўладилар? – деди Тиллаевнинг хотини унинг орқасидан бориб эшикни илгаклаб қайтаркан.

– Жудаям анигини билмайман, гаражимизда ишласа керак. Кўчишга машина сўраганимизда завгар, қарашиб юборади, деб қўшиб берган эди, – деди Тиллаев.

– Дуруст одамга ўхшайди. Чаққонгина экан. Эртасига Тиллаев ишдан қайтиб ювинаётганида Қурбонбой каттакон ит етаклаб келди. У итни айвоннинг устунига бойлаб, илжайди:

– Оти Қоплон, Тиллаев ака. Одамнинг яхшисини дарров танийди. Сизга тез ўрганиб кетади. Эртага яхшилаб уйча ясаб бериб кетаман.

У қўлинин ювиб келиб, ярим соатча итнинг таърифини қилиб ўтирди.

– Ит ҳамма гапни тушунади, фақат жониворнинг тили йўқ.

Қурбонбой бир сўзли киши экан, айтганини қилди. Тиллаев ишга кетганида замбилғалтакда ғишт олиб келиб, итга уйча ясаб кетибди. Магазиндан алюмин тоғорача олиб, итга ялоғ қилиб берибди. Тиллаев идорадан чиқиб, энди машинага ўтираман деб турганида, югуриб келиб қоғозга ўроғлиқ нарса узатди.

– Хўжайн, Қоплонга насиба. Кабобчи ошнамга тайинлаб қўйган эдим, сукни бегона қилма, деб.

– Қурбонбойингиз яхши одам экан, – деди хотини Тиллаев уйга келганда, – бечора жонини фидо қивораман дейди-я. Бола-чакали, камхарж одамга ўхшайди. Иморатини етти йилдан бери битказолмасмиш. Унчамунчасига қарашиб юборинг.

Тиллаев хотинининг гапларига парво қилмай, чой ичарди.

Тиллаев билан Қурбонбой орасида яқинлик пайдо бўлди. Бир қуни гап орасида у рўзғордан орттириб, участкасининг томини ёполмаётганини айтиб қолди:

– Айб ўзимда, ёшлигимдан шунақаман, ўзимга қарамайман, ошна-оғайниларнинг иши битсин, дейман. Ҳа, одам боласидан шу қолар экан. Бўлмаса, промкомбинатда ҳам, райпода ҳам ошнам бор, юзтагина шифер

сўрасам, йўқ дермиди. Сўрамайман. Асло сўрамайман.

– Нечта шифер етмаяпти? – деди Тиллаев бепарво.

– Йўқ, хўжайнин, сўраманг, складга юз элликта шифер ёзиб берсангиз ҳам олмайман. Сиз билан шу мақсадда ошна бўлмаганман. Бунаقا гапни айтсангиз, уйингизга иккинчи қадам босмай кетаман.

Шу-шу бўлди-ю, Тиллаевнинг унга ихлоси ошиб кетди. Шундоқ яхши одам гаражда машина ювиб ўтирмасин, деб уни гараж мудирига муовин қилиб қўйди. Уйига бир юз саксонта шифер, ўттизта тунука тушириб берди. Аммо Қурбонбой ҳар тушликда келиб, Қоплонни ўйнатиб келишини тарк қилмади. Бу орада Тиллаевнинг эски бод касали тутиб, ётиб қолди. Аввалига Қурбонбой келиб, унинг ҳолидан хабар олиб турди. Докторлар энди бўлмайди, пенсияга чиқинг, деб маслаҳат беришгандан кейин Тиллаев министрликка ариза ёзиб, ишдан бўшатишларини сўради. Министрлик унинг талабини қондириб, ўрнига бошқа директор тайинлади. Қурбонбой ўша куни келиб, Қоплонни айлантиргани олиб чиқиб кетди-ю, қайтиб келмади. Тиллаев Қоплонга анча ўрганиб қолган экан, то ярим кечагача икки кўзи кўчада бўлиб, итни пойлади. Йўқ, Қоплон бедарак кетди. Қурбонбой ҳам қорасини кўрсатмай қўйди.

Орадан анчагина вақт ўтди. Тиллаев ҳассага таяниб кўча айлангани чиқди. Бир маҳал қараса кўчанинг нариги бетида Қурбонбой Қоплонни етаклаб юрибди. Чакирса ит қаради-ю, Қурбонбой қарамади. Ўша куни янги директор ўғлининг туғилган кунига ўтириш қилиб бераётган екан. Тиллаевга машина юборибди. Эр хотин боришиди. Дарвозадан киришлари билан йўлакда ётган Қоплон уларни кўриб, думини ликиллатиб эркаланди.

– Бизнинг ит қалай? – деди янги директор.

– Бу итни танийман, – деди Тиллаев ва нарирокда янги директорнинг чарм тўнини туфлаб артаётган Қурбонбойга бир қараб, уйга кириб кетди.

? Матн бўйича топшириқлар:

I. Қўйидаги икки устунга ажратилган сўз ва бирикмалар иштирокида матн тузинг.

Ижобий

Киришимли,
кўлидан келмаган
иши йўқ, ҳатто пол
артади, гилам
тозалайди, итга уй
ҳам қуради.

Нафақат одамларга,
уй ҳайвонларига ҳам
эътиборли, меҳрибон.

Тиллаевнинг бод касали
кўзғаб қолиб
касалхонага тушса,
ҳар куни уни
кўргани боради.

Салбий

Лаганбардор,
мунофиқ, иккиюзламачи,
ўз манфаати
йўлида бировларнинг
ишончига кириб
олади.

Қурилиш
молларини
ўзлаштиради, ўзининг
мунофиқ ишлари
йўлида Қоплондан
фойдаланади,
Амал курсисига қараб
муносабатда бўлади.

II. Саволларга жавоб беринг.

1. “Қоплон” хикоясида қандай ғоя илгари сурилган?
2. Қурбонбой образида қандай иллатлар тасвирланган?
3. Қурбонбойобрази орқали нималар очиб берилган?
4. Сизнингча, хикоядаги асл ит ким?
5. “Инсофсиз”, “виждонсиз”, “аблаҳ” ва “лаганбардор” сўзларининг антонимини топинг.

III. Берилган мавзулардан ихтиёрий бирини танланг ва мини иншо ёзинг.

👉 Куйидагиларга эътибор беринг:

- хатосиз ёзинг;
- иншони “Қоплон” хикояси билан боғлаб ёзинг;
- шахсий муносабатингизни билдиринг.
 1. Бирорга ёқиш санъати – алдаш санъатидир.
 2. Барча хушомадгўйлар одатда алдамчилар.
 3. Одамни ўзига мақташ хушомадгўйлик белгисидир.
 4. Ҳаммани мақтайдиган одамга ишонма.
 5. Ҳадеб мақтайвериш – хушомадгўйлик.
 6. Ёлғон тош остида сув оқмайди.
 7. Барча хушомадгўйлар одатда алдамчилар.
 8. Аччиқ танбеҳдан қўрқма, Аллаловчи сўздан қўрқ.
 9. Ишонмагил маддоҳ, сўзамолларга,
Заррача наф учун сени мадҳ этар.
Бир куни муродин ҳосил этмасанг,
Икки юздан ортиқ айб санаб кетади.
 10. Итга – итнинг ўлими.

Мактаб дарсликларидағи қуидаги насрий асарлар юзасидан таассуротлар ва адабий мавзуда иншо ёзиш:

5-синф:

1. Миркарим Осимнинг “Зулмат ичра нур” қиссаси асосида “Алишерни яхши кўриб қолдим” мавзусида таассурот ёзиш.

2. Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссасидан берилган ҳикоялар бўйича “Она – буюк инсон”, “Менинг онам ҳаммадан яхши” мавзуларида таассурот ёзиш.

10-синф

Сайд Аҳмаднинг “Қоракўз мажнун” ҳикояси асосида “Асарни ўқигач...” мавзусида иншо ёзиш.

Сайд Аҳмаднинг “Қоракўз мажнун” ҳикояси бўйича ўқувчиликларга қуидаги савол ва топшириқлар берилди:

1. Асарни ўқишдан олдин, ўқиш жараёнида ёки ўқишдан кейин у ҳақида нимани ўйладингиз?
2. Матнни қисмларга ажратинг ва ҳар бир қисмига сарлавҳа қўйинг.
3. Асар юзасидан саволлар тузинг.
4. Ҳикоя қаҳрамонининг ташқи қиёфасини қандай тасаввур қиласиз?
5. Асар ғояси нимадан иборат эди?
6. Ҳикоя матнидан кўчма маъноли сўзларни ажратиб ёзинг.
7. Бўрихоннинг шундай бўлиши сабаб нимада деб ўйлайсиз?
8. Тасаввур қилинг, Бўрихоннинг ўрнида ўқимишли, зиёли инсон бўлганда ҳам шундай ҳолатга тушар эдими?
9. Она ўғлининг болалиқдаги кийимларини нега ёқиб юборди?
10. Саодат ая вафотидан кейин итнинг ҳолатини тасвирлаб беринг.

Ўқувчилар савол ва топшириқларни қуидагича бажардилар:

Ўқувчи: Асада она қанча йил кутган ўғли христиан динига киргани ва қизининг баҳтсизлиги баён қилинган. Асаднинг бош ғояси она ва боланинг бошидан ўтганлари.

Ўқувчи: Асарни 3 қисмга бўлиб, номлаш мумкин:

1. Саодат ая хақида.
2. Саодат аянинг меҳрибон ити.
3. Ўз динидан кечган ўғил.

Саволлар:

1. Ҳикоя нима учун “Қоракўз мажнун” деб номланган?
2. Нима учун Саодат ая итга меҳр қўйган?
3. Она нима сабабдан ўз дуоларида ўғлини тилга олмайди?

Ўқувчи: Мен ҳикояни ўқишимдан олдин Қоракўз мажнун меҳрибон ит деб ўйлаган эдим. Ўқиганимдан кейин ит ўз эгасига вафодор ва меҳрибон, она ўз фарзандларидан кўпроқ унга меҳр бериши, ўғил ва қизлари бермаган меҳрни итидан кўриши тасвирланганини тушуниб етдим.

Ўқувчи: Итнинг вафодорлиги, Бўрихоннинг диндан қайтиши ва Саодат аянинг ички кечинмалари мени ларзага солди. Саодат ая ҳақиқий муслима ўзбек аёлидир. Йиллар давомида ўғлини кутган бўлса-да, у динидан қайтганини билгач, ўз ўғлидан воз кечади. Қоракўз мажнун эса ҳақиқий вафо тимсолидир.

Ўқувчи: Мен ҳикояни “Оқпадар ўғил ва вафодор ит” деб номлаган бўлар эдим.

Ўқувчи: Бўрихоннинг шундай бўлишига ота-онанинг тарбияси муҳим ўрин тутган деб ҳисоблайман. Бўрихонни иродали ва сабрли қилиб тарбиялаш лозим эди.

6-илова

Ўн ҳикоя юзасидан муаммоли савол ва топшириқлар:

“Дўнан” ҳикояси бўйича

1. Турбат қишлоғида қандай урф-одатлар бор эди?
2. Нега боланинг отаси меҳмондан отни қайтариб олиб келмади?
3. Ҳикоянинг қайси ўринларида отнинг садоқати яққол тасвирланган?
4. Асаддаги бола ва ижодкор ўртасидаги боғлиқликни аниқланг.

5. От ва унинг ўртасидаги муносабатни изоҳланг.
6. Бугунги кундаги урф-одатлардан қайсиларини билишингизни ёзинг.
7. Ҳикоядаги Бахшулла маҳсум ўз нутқида қандай иборалардан фойдаланган?

“Қиёмат қарз” ҳикояси бўйича

1. Мадумар чойхоначи Сарсонбой отани нега яхши кутиб олмади?
2. Ҳикоя қаҳрамони кўприкка ҳар қараганда нималарни хотирлади?
3. Ёзувчи Сарсонбой ота образи орқали ўз ўқувчисига нимани ўргатмоқчи?
4. Сарсонбой отани ўрнида сиз бўлганингизда нима қилган бўлар эдингиз?
5. Ҳикоя номи ва асаддаги “омонат” сўзи ўртасида қандай боғлиқлик бор?
6. Тасаввур қилинг, сиз ижодкорсиз асарни мантиқан қандай давом эттирган бўлар эдингиз?

“Боланинг кўнгли пошшо” ҳикояси бўйича

1. Асар ким томонидан ҳикоя қилинган?
2. “Оқмачит” маҳалласида қандай дўконлар бор эди?
3. Боланинг онаси улар келганда нима билан машғул эди?
4. Асадда қайси давр воқеалари тасвирланган?
5. Бобонинг Собир баққол дўконида “қалашиб ётган ҳандалаклардан битта кичкинасини” танлаши ҳикоя охиридаги гап ўртасида қандай боғлиқлик бор?
6. Маҳалладаги дўконлар суратини чизинг.

“Hellados” ҳикояси бўйича

1. Асарнинг дастлабки воқеаларида Янгулининг хатти-ҳаракати қандай тасвирланган?
2. Ҳикояда тасвирланган образларни ёзинг ва уларни тавсифланг.
3. Асаддаги жой номлари муаллиф томонидан қандай тасвирланган?
4. Янгули ва Жамол образларининг ўхшаш жиҳатларини ёзинг.

5. Ҳикоянинг бош ғояси нима эди ва яна шундай қандай асарларни ўқигансиз?

6. Янгулига тавсиф ёзинг.

“Урушнинг сўнгги қурбони” ҳикояси бўйича

1. Асарда қайси давр воқеалари тасвиirlанган?
2. Шонеъматнинг урушга бормаганлиги сабаби нимада?
3. Хадичанинг қайноаси Умри холага овқат сузуб келмаганлиги сабабига аниқлик киритинг.

4. Шоикромнинг хафа бўлиш сабабини қандай изоҳлайсиз?
5. Сизнингча, урушнинг сўнгги қурбони ким?
6. Шоикром ва Шонеъматнинг бир бирига ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ёзинг.
7. Қайси ёзувчиларнинг уруш воқеалари тасвиirlанган асарларини биласиз?

“Сўнгги сабоқ” ҳикояси бўйича

1. Муаллимнинг бамисоли байрамдагидек кийинганини қандай изоҳлайсиз?

2. “Биз французлар доим ўқишни орқага сурамиз” деган жумлалар сизга қандай таъсир қилди?

3. Муаллим мосе Амел: “Болалар, бугун сизлар билан сўнгги бор дарс ўтишимиз. Берлиндан Элзас ва Лотарингия мактабларида факат немис тили ўқитилиши ҳақида буйруқ келди. Янги ўқитувчи эртага келади, – деб мурожаат қилди. Мана шу икки оғизгина сўз ўқувчи, Франсни нега ларзага солди?

4. “Боланинг хаёлидан нега эълонлар тахтаси ёнида тўпланиб турган одамларни кўриб: “Яна қандай нохушликлар бўлиши мумкин?” деган савол ўтди?

5. Асарда илгари сурилган ғоя ҳақида фикр билдириинг.

“Даҳшат” ҳикояси бўйича

1. Асадаги воқеалар қайси фаслда бўлиб ўтган?

2. Унсиннинг қабристонга бориб чой қайнатишига нима сабаб бўлган эди?

3. Додҳо образини таҳлил қилинг. Унинг қайси хусусиятлари бўртиб кўринмайди?

4. Сизнингча, асаддаги қайси воқеа ўзгарганда ҳикоя бошқача якунланиши мумкин эди?

5. Абдулла Қаҳҳор додхонинг уйини нега “тириклар гўристони” деб тасвиrlайди?

6. Нодирмоҳбегимнинг ҳикоясини қайта сўзлаб беринг.

7. “Даҳшат” сўзининг маъносини изоҳланг. Ҳаётингизда қандай даҳшатли воқеалар бўлган?

“Гаров” ҳикояси бўйича

1. Банкир ва ёш йигит, юристнинг ўртасидаги гаров нима билан якунланди?

2. Юрист 15 йил давомида атроф муҳитдан узилиб нима билан банд бўлган эди?

3. Асаддаги юрист ва банкир образларига таъриф беринг

4. Ҳикояда банкир ва юрист ўртасида қандай баҳс бўлади?

5. Ёзувчининг асосий ғояси нима эди?

“От эгаси” ҳикояси бўйича

1. Инод ўзига тегишли бўлган нарсаларга қандай муносабатда бўлади?

2. Инод сўзининг маъносини изоҳланг.

3. Асар воқеалари қаерда бўлиб ўтган эди?

4. Эгамбердининг пинҳоний истаги ҳақида фикр юритинг.

5. Ҳикоя қаҳрамони Инодга таъриф беринг.